

37

F-17

37/02/11

5

Л

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

0.  
и


Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Маматқулова Р.

2/23

# ПЕДАГОГИКА

(олий ўқув юртлари учун қўлланма)

2032878



Тошкент - 2005

37

33/01)

F-17

0

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Л

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

0-  
и

Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Маматқулова Р.

363

# ПЕДАГОГИКА

(олий ўқув юртлари учун қўлланма)

2030378



Тошкент - 2005

00000000000000000000000000000000

37.011045)

**Муаллифлар:**

Ғайбулаев Н.Р., Ёдгоров Р., Маматқұлова Р.

*Тақризчи: профессор М. Қуронов*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим ва –  
зирлиги олий ўқув юртлари учун құлланма сиғатида тавсия  
қилади.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаиздати мустақил хуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришті иулидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан қашф қилишига, уни ўзлигини англашда имкониятларни рўёбга чиқаришга ва маънавий интеллектуал, ақлий – амалий ривожланиши учун янги шарт – шароитлар яратиб беради.

Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий – илмий бойлик – ларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтириди. Президентимиз И.А.Каримов айтганлариdek: “*Фуқаролар энди ижтимоий–иқтисодий жараёнларни иштирокчиси, баражарувчиси эмас, балки бунёдкори ва ташкилотчисидир*”. Бундай янгича ёндашишлар педагогика фанининг обьекти ва предметини кенгайтириди. Энди педагогика фани фақат таълим – тарбия жараёнини назарий, методик – амалий таъминловчи фан эмас, балки ёшларда комиллик сифатларини шакллантириш, ривожланишини ва етук мутахассис тайёрлаш билан уйғун олиб бориш каби таъминлаш каби кенг соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги миллий таълим моделида шахсга кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти сифатида қаралади. Маълумки, педагогика фани тарбия ва таълимнинг инсон ривожи, шахс камоли ва мутахассис шакланишида таълим тизимида шуролар даврида зътибор берилмаган этник, антропологик, генетик, тарихийлик, мустақиллик, табиий – экологик, интуитив, руҳий – ҳиссий билиш, ривожланиш, омилларига ҳам суюнади. Бундан ташқари миллий истиқодол гоясида педагогика фани олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мағкура – нинг кени қамровли сифатларини шакллантириш вазифалари кўйилди.

Энди педагогика таълим – тарбияда, ҳаёт жараёнининг ҳамма соҳаларини, жабҳаларини қамраб олмаса, у ўзининг комил инсон тарбиясидаги жуда катта асосий имкониятларига эга бўлган асосий ижтимоий фан мавқеини эгаллай олмаган бўлади. Шунинг учун ҳам янги таълим концепциясида ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналиши қилиб белги – ланди.

Педагогика фанининг методологиясида, мазмунида, тарбия назариясида, таълим назариясида, таълимнинг ташкилий шаклларида комиллик даражаси сифатларини аниқлашда катта ислоҳий ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришлар янги педагогик технологияларда ўз аксини топмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг “*Жамиятимиз мағкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни – миллат қилишига хизмат этсан*” номли “Тафаккур” журналининг (2 сон, 1998 й) бош мухаррири билан

бўлган муроқотида, 2000 йил июнъ ойида "Фидокор" газетасининг муҳбири билан "Донишманг ҳалқимизнинг мустаҳкам ишонаман" номли муроқотларида инсонни маънавий, амалий шакла – нишида ҳаҷтий жараёнини ҳамма жабҳалари мөхиятди эканлигини асослаб бердилар.

Ҳозирги шароитда тарбияни ниҳоятда муҳим эканлиги ва уни жуда эҳтиёткорлик ва мөхирлик билан амалга ошириш лозим эканлиги "Миллий истиқлол ғояси: асосий ту – шунча ва тамойиллар" (– Т."Ўзбекистон". 2000 й) рисоласида – "Ҳозирги мураккаб шароитда ҳалқимиз, аввало, ўсиб – униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванг қиласиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона ўйл билан амалга ошириш лозим" –, деб таъкидлаган.

Педагогика ҳақли равищда табиатнинг олий маҳсули – инсоннинг маънавий – амалий шаклланиши, унинг шахс сифатида ривожла – ниши, комил инсон шаклланиш қонуниятларини, мутахассислик асосларини ўргатувчи устувор фанлардан бирига айланди.

Инсоният ўзлигини англашга янгича ёндашиб фақат унинг ўзига, жамиятга, табиатга муносабатларида эмас, балки унинг фаолиятида илмий – амалий, ислоҳий ўзгаришлар содир бўлиб, у янгича фикрлаш асосларини эгаллашга қадам қўйди.

Шу тариқа инсоният тараққиётида янги сифат ўзгаришлари юз бераётганининг шоҳиди бўлмоқдамиз. Педагогиканинг методо – логик асосланишидаги ўзгаришларни, янгича фикрлаш асосларини талабалар яхши эгаллашлари, бой тарихий – тарбиявий меросни Ватанимиз ва хориж педагогларининг илфор тажрибаларини ўрга – ниб, замонавий маънавий – инсоний ва ижодий – маҳсулий си – фатларни ўзларида шакллантиришлари лозим.

Шунинг учун мазкур педагогика қўллашмасида қуйидаги талабларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб топилди:

1. Фан асосларини онгли эгаллашни миллий истиқлол ғояси, унинг асосий тушунча ва тамойиллари талаблари асосида тала – баларнинг интеллектуал – маънавий ривожланишлари билан қўшиб олиб боришининг педагогик асосларини очиб бериш.

Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов "Фидокор" газетаси (июн, 2000) муҳбирининг саволларига жавобларида шундай деган эдилар: "Ўз мустаҳкам фикринга эга бўлган, ўз кунинга, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма – хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳаёт ҳақиқатига суюнган ҳолда, ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади". Фикр ва фаолият эркинлиги аслида инсон –

нинг нодир ва бетакрорлигига асосланган. Чунки инсоннинг үзлигини англаш, уни нодир ва бетакрорлигини англашдан бошланади. Инсоннинг нодир ва бетакрорлигини англаш ***биринчидан***, унинг узида япиринган имкониятларни русбага чиқариш учун асос бўлиб, истакни шакллантирига, ***иккинчидан***, унда бошқаларни ҳам бетакрор, улуғ сиймолигини англаш орқали инсонларни ҳурмат қилиш, улуғлашни келтириб чиқаради ***Учинчидан***, бошқаларгинг ҳам нодир, бетакрорлигига ишониш, уларни ҳурматлаши қалбни бараздан поклайди ***Туртинчидан*** эса, ҳар бир кишининг бетакрорлигини англаш асосида кипиларда бошқалар билан муомала ва муноғабатнинг моддий, илмий, маънавий – маданий манбаат қасб этишини ***инсоният шакллантиришга*** табиий зарурат туғилади. Шу юқоридағи сифатларнинг шаклана бориши комиллик сифатлари – нинг асосларидан иборатdir.

2. Талабаларни инсоният эришган бой қадриятларга, миллий тоя ва миллий мафкурага суюнган ҳолда педагогика фанининг үзига хос илмий – амалий асослари билан қуроллантириш.

3. Бола, ўқувчи, талаба тушунчаларини абстракт ҳолда эмас, балки асосий маънавий – сифатларини таърифлаган ҳолда, бу сифатларни ёшга, **физиология**, **психология** ва **генетика** хусусиятларга боғлиқ ҳолда шакллантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиши. Бу ишни ҳар бир фан ва фанлар гурухларининг тарбия – ловчи, ривожлантирувчи томонларини очиш орқали амалга ошириш. Бунда ҳалқ педагогикаси ва этнопедагогикадан кенг фойда – ланиши.

4. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ҳаётга жорий қилиш учун талабаларни фан ва ўқув фанлари қурилишининг умумпеда – гогик амалий асослари билан қуроллантириш. Талабаларда таълим, фан, ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаш механизми, мазмуни ва усулларини шакллантириш мақсадида ўқитишини илмий тадқиқот билан қўшиб олиб бориш, фанлар бўйича ҳар бир ту – шунчани үзлаштиришда амалий, амалий – назарий машғулотлар узвийлигининг педагогик негизларини шакллантириш лозим.

5. Олий ўқув юргларида ҳар бир ўқув фанининг алоҳида соҳа сифатида ривожлантириши педагогик таъминлаш учун талабаларни ижодий фикрлаш методлари, мутахассислик педагогики – каси асослари билан қуроллантириш.

Олий ўқув юргини тутатувчи мутахассис келажакда фақат мактаб, олий мактаб ўқитувчиси ёки илмий ходимгина бўлиб қолмасдан, маънавий – интеллектуал етук шахс бўлиб этишини таъминлаш учун педагогика курси талаба кўз ўнгида мустақил фан сифатида шакланадиган қилиб тузилган.

## 1.ПЕДАГОГИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

### 1.1.Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари

ХХI асрға келиб ижтимоий иқтисодий муносабатлар риво – жида инсон ақл – заковати ва маънавияти асосий муво – фиқрлаштирувчи, ривожлантирувчи омил ва восита эканлигини тобора намоён қишлоқда. Шунинг учун инсонпарварлик маънавии баркамоллик, эзгулик, ташаббускорлик, дунёвий ва диний уйғунлик, миллий истиқдол гояси бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жа – мияти қурилишининг бош тамойили сифатида қабул қилинди.

Президентимиз миллий истиқдол мағкурасининг бош мақсад ва тамоилларини белгилаб: “*Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллити, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан баҳт – саодати учун доимо маъсулият сезиб яшашига чорлаш, ажгодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига давъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойишикни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқдол мағкурасининг бош мақсадидир*”, деган эдилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида (1997 й.) таълим давлатимиз ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилиниши Педагогика фани зиммасига жуда катта маъсулиятли улугвор вазифаларни юклиди. Жуда бой илмий, маънавий, маданий, диний меросимизни қайта тикланиши уларни замон руҳи талаби билан уйғулаштириши, фақат шахсий, миллий манбаат касб этилиб қолмасдан умумжаҳон маънавий, ижтимоий – иқтисодий тараққиётга улкан ҳисса бўлиб қўшилоқда. Чунки жа – ҳонда ҳали хорижий давлатчиликда, бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаларида маънавият ижтимоий – иқтисодий тараққиёт билан уйғун ҳолда ривожлантирилмаяпти. Президентимиз маънавиятни ақл, ахлоқ, онгли амалий фаолиятда шаклланиб ривожланиши ҳакида галириб: “*Маънавият – тақдирининг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва вижданан ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак*”, деган эдилар. Маънавият ин – соңда шаклланиши лозим бўлган ақлий, ахлоқий, интеллектуал, амалий, жисмоний сифатлар мажмуаси бўлиши билан бир қаторда оламнинг руҳий энергетик, ботиний қуввати билан ҳам уйғундир.

Буни Президентимиз ўзларининг "Ўзбекистон – XXI асрга интилмоқда" номли маърузаларида қўйидаги жуда яқъол асослаб бералилар: "Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қурдатли ботиний кучни тасаввур қиласман". Худди ана шу янги, кенг қамровли, чукур илмий ғоя, янгича фикр, таълим – тарбияни янгича методо – логик асосини бошлаб берувчи йўналишдир

Хар бир мустақил фан ўзининг предмети (мавзуси) ва методо – логик асосларига эгадир. Жумладан, педагогиканинг ҳам фан сифатида методологик асослари шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Бошқа фанлар каби педагогика ҳам фан сифатида пайдо бўлар экан, у аввало жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида пайдо бўлди ва ижтимоий тараққиёт билан узвий ривожланиб бормоқда.

Шу сабабли тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, деб қараш лозим, чунки тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб жамиятни, унинг ривожланишини тасаввур қилиш қийин

Мутафаккир А.Авлоний таъкидлаганидек, "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир". Инсоният тарихига назар ташлар экан – миз, ҳамма даврларда педагогик фаолият ҳам мавжуд бўлган.

Инсонни дунёга келиши, фақат туғилишидан иборат табиий – биологик ҳодиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонасиининг тараққиёти даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий – тарихий тажрибани згаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши, яъни тарбия олиши керак. Бу жараёнда катта авлод ўзининг яшаш, кураш ва меҳнат тажрибасини, билим ва малакаларини кичик авлодларга бера бошлайди, яъни янги туғилган одам боласининг ривожланниши, шаклланиши ва вояга етиши жараёнига раҳбарлик килинган, бошқарилган. Бу тарбия деб аталмиш ижтимоий ҳодиса орқали амалга оширилган. Жамият ривожлангани сари етук, баркамол шахсларни етиштириш эҳтиёжи ҳам ортиб борган ҳамда ўзгариб, янгиланиб, жамиятта хизмат қилган Инсоният жамиятнинг турли босқичларида таълим – тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тажрибаларни назарий жиҳатдан англаш, умумлаштириш ва ҳаётга тадбиқ қилиш жараёнда Педагогика фани пайдо бўла бошлади. Педагогика таълим – тарбиянинг мақсади ва вазифалари, давлат таълим стандартлари, таълим ва тарбиянинг усуллари, ташкил этиш шакллари, умуман унинг қонуниятлари ҳақида билим, ўкув,

амалий күникма ва малакалар, маълумот берадиган фанга айланди.

Педагогика атамаси ҳам қадимий булиб, "бала етакловчи" деган маънони билдирувчи грекча "пайдогогос" сўзидан келиб чиқкан. Тарихий манбаларнинг курсатишича, қадимги Юнонистонда ўз хўжайинининг болаларини сайр қилдирган, эҳтиёт қилган тарбиячини, яъни қулларни "**педагог**" (бала етакловчи) деб аташган. Кейинчалик эса, маҳсус уқитилган ва педагогликни ўзига касб қилиб олган кишиларни педагог деб атай бошлашган.

Инсон яратилиши, пайдо бўлиши заҳотиёқ илм ва тарбиявий сифатлар унинг яшаши, ҳаёт кечириши учун энг зарурый шарт ва воситалар эканлигини англаб боради. Шунинг учун инсоният жамиятнинг ilk кўринишлариданоқ тарбия билан шугууланувчи мутахассисларга эҳтиёж туғиљди, десак биз тарбияни фақат бир томонини, яъни бошқаларни яна ҳам хусусийлаштириб, агар ёшларни тарбиялаш, десак тарбия тушунчасига жуда ҳам тор қаралган бўлади. Чунки тарбия энг аввало ҳар бир инсонни ўзига қаратилгандир. Ҳар бир киши доимо ҳам ақлий, тарбиявий, жисмонан такомиллашиб, шаклланиб боради. Айрим кишилар бу фикрга қўшилмасликлари мумкин. Бундан жамиятдаги ўрта, катта авлоднинг тарбиясида камчиликлар, етишмовчиликлар бор экан – да, деган хулоса чиқармаслиги керак.

Чунки оламнинг моддий – маънавий тузилиши, қурилиши, унинг ривожи, инсоннинг моддий – маънавий яшаш шароити, имкониятлари, унинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ҳолати билан узвий боғлиқ. Шунинг учун табиатнинг инсон яшаши, мавжудлиги, баҳтиёrlигини таъминлаш имкониятлари, унинг ақлий – ахлоқий, жисмоний ривожи, ўсишига тўғридан – тўғри боғлиқдир.

Табиатдаги, жамиятдги муаммолар инсониятни маънавий – ақлий ривожланишига йўналтириб унга ўзининг янги – янги хазиналарини очиб бераверади.

Тарбияни энг аввало инсоннинг ўзига қаратилганилиги Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бутун дунё ҳамжамияти тан олган, қадамба – қадам амалга оширилаётган "ӯзбек мөдени"да жуда тўғри белгиланди. Дунёда биринчи бор инсонни диққат – эътибори уни ӯзлигини англашга қаратилди. Ӯзлигини англаш биринчидан, унинг озод, эркин, нолир, удуғ сиймологини англаш ва ўзида унга амал килиш сифатларини шакллантириб бориш бўлса, иккинчидан унинг ўзига хос миллий – инсоний сифатларини очиб берувчи этник, маънавий – инсоний асосларини англаш ва уларга амал килишдан иборатdir. Юқорида са –

наб ўтилган икки сифат комил инсон сифатининг асосини ташкил этади. Буюк «Авесто»даёқ комил инсон сифатларини тарбия соҳасидаги илмларни хуносалаб, мужассамлаштирилиб, улар асосан учта эканлиги таъкидланган:

1. Эзгу ният, фикр:
2. Эзгу сўз, хушмуомала:
3. Эзгу иш, эзгу фаолиятдан иборатdir.

Шу ўқоридаги замонавий янги маъно, мазмун касб этадиган уч сифат ўқитишнинг, таълим – тарбиянинг бош мақсадидан иборатdir. Бу бош мақсад инсонларда, ёшларда, мутахассисларда комиллик сифатларини такомиллаштириш, ёшларни замонавий, ахлоқий – амалий ўқув, малака, кўнгималар билан қуроллантира бориш, мутахассисларда ҳар бир соҳага мос илм, билим, кўнек – малар ҳосил қилишдан иборат бўлган педагогика фанининг замонавий фан асосларини кенгайгандигини кўрсатади.

Педагогика фанининг предмети, ўқитишнинг таълим – тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмун, исуллари, воситалари билан ёшларни, мутахассисларни куроллантирувчи фан бўлганилиги учун унинг методологик асослари максад ва вазифалари дунёнинг моддий – маънавий ривожида шахс камолоти уйғулиги қонуниятлари давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқали.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида – таълим давлат ижтимоий – иқтисодий тараққиётида устувор, деб белгилаб қўйилган (Таълим қонуни, 1997 й, 3 – модда, 1 – жумла).

Таълимнинг ўқитишнинг вазифаси фукаролар, ёшларнинг энг асосий Конституциявий хукукларидан бири бўлган ҳар бир кишининг аклий – амалий имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий кобилиятларини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожини таъминлаш, ҳизи хоҳлаган касбини танлаш, уни мукаммал эгаллаб, шу соҳада баҳтиёр фаолият кўрсатиш учун моддий – маънавий, тарбиявий – дидактик шарт – шароит яратишлан иборатdir. Бу умумий вазифадан таълимнинг ҳар бир бўгини, тури ва босқичларининг ўзига хос вазифалари келиб чиқали.

Инсоншунослик фанлари тизимида педагогиканинг тутган ўрни шу билан белгиланадики, у шахсни ривожлантириш, шакллантириш, тарбиялаш, маълумотли қилиш ва ўқитиши (таълим бериши) қонуниятлари борасида тадқиқот ишларини олиб боради. Шу сабабли, ривожлантириш, шакллантириш, таълим ва тарбия, маълумот педагогиканинг асосий катего – риялари ёки тушунчалари деб аталади.

Шахс турли омиллар таъсирида шакланади. Тарбия эса шахсни шакллантирувчи, ривожлантирувчи омиллардан биридир. Катта ёш – лилар турли воситалар ва усуллар орқали маълум мақсадни кўзлаган ҳолда уз тарбияланувчиларида маълум хислатларни ҳосил қилиш ва ривожлантиришини хоҳлайдилар. Шундай қилиб, тарбия шахсни му – айян йўналишда шакллантириш, камол тоғтириш мақсадида турли одамларнинг бир – бирига таъсир курсатадиган ижтимобий муноса – батдир.

Бу жараёнда шахснинг ривожланишини ҳаракатлантирувчи кучлар, омиллар ҳамда тарбияланувчиларнинг ёши, шахсий хусу – сиятлари эътиборга олинади. Тарбия жараёнида микромуҳитнинг ижобий таъсиридан тўла фойдаланилади ва салбий таъсирини заифлаштиришга ҳаракат қилинади. Тарбияда бир жойда тар – бияланувчиларга таъсир курсатадиган барча звенолар бирлашиб, аҳиллик билан ишлашга эришилади ва ҳар бир шахс ўз – ўзини тарбиялаш қобилиятига эртароқ эга бўлади. Тарбия аксарият ҳо – латларда кенг маънода ишлатилиб таълим, маълумот ривожланиш жараёнларига кирадиган ишларнинг мазмунини ҳам англатади, уларнинг натижаларини ўзида акс эттиради.

Асосий педагогик тушунчалардан яна бири таълим, яъни ўқитиш, билим бериш тушунчасидир. Таълим деганда, биз ин – сониятни иммий билимлар, ҳаёт учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, қобилияtlарини ўстириш, тафаккурларини шакллантириш жараёнини тушунамиз. Таълим ўз даражаси ва вазифасига қараб мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб – ҳунар таълими ва олий таъли – ми, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат бўлиб, улар узлуксиз таълим тизимини таш – кил қиласди. Келажакдаги ихтисослигидан қатъий назар, ҳар бир киши учун билим кўникма ва малакаларни умумий ўрта таълим мактабларда беради. Касб эгаллаш учун зарур билим кўникма ва малакаларни олий ва ўрта маҳсус, касб – ҳунар таълимига қарашли ўқув юртларида оладилар. Таълим маҳсус тайёргарлик кўрган, педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳукуқига эга бўлган шахслар раҳбарлигида амалга ошириладиган билим бе – риш жараёнидир.

Таълим бу педагогларнинг (билим бериш) фаолиятидан ва ўқувчи – талабалар билан ҳамкорликда (билим олиш, ўқиши) фаолиятларидан иборат қўшалоқ жараёндир.

Үқитувчи ва ўқувчининг бирғалиқдаги фаолияти орқали ёшлар илмий билимлар билан қуролланади. Бунинг натижасида уларни ижодин қобилятлары ҳар томонлама шаклланади. Мәденим таълим – тарбия жараёнининг натижаси орқали ту – планган билим, күнкіма ва малакалар йиғиңдиси ва шаклланган маънавий фазилатлар мажмуудир.

Таълим олишнинг түри ва ишончли йули давлат таълим стандартлари буйича билим берадиган, аниқ мақсадли режалар, дастурлар асосида ўқув юртларида ташкил қилинадиган таълим – тарбия жараёнидир.

Таълим, тарбия, ёшларининг ахлоқий интеллектуал ривожланиши, шакл – ланиш үйгүнлашган ягона жараёндир. Унда үқитувчи – тарбиячи раҳбарлик қиласы. Педагогика узоқ тарихий жараёнда шаклланар экан, ҳозирга ке – либ илмий билимларни мустақил бир тармоғи сифатида, фан сифатида шаклланади. Үзининг илмий – назарий, услугубий, амалий асосларини яратди Натижада педагогика фанлари тизими, яны унинг тармоқлари вужудда келди. Яқын вақтпача фалсафхининг бир тармоғи ҳисобланған педагогика – нинг мустақил янги йұналишлари яратылды. Жумладан, педагогика тарихи мустақил тармоқ сифатида, педагогика фаннининг тарихан ривожлани – шини үзіде акс эттирди. Бұнда үтмишдеги илғор педагогик ғояларни пайдо булиши, ривожланиши, уларнинг бутунты күндеги аҳамияти, ме – росдан фойдаланишининг зарурияғы ҳақида фикр юритилади.

Педагогика фанлари тизиміда тарбияланувчиларнинг ёшла – рига қаратылған тармоқ педагогикалар мавжуд. Жумладан мактабгача таълим педагогикаси, умумий таълим педагогика – каси, үрта махсус, касб – ҳунар таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси, педагоги – гик менежмент, даволаш педагогикаси, геронтопедагогика, ҳарбий педагогика, янги педагогик технологиялар кабилалардың. Бу тармоқ педагогикалар мактабгача таълим мұассасаларыда умумий ва үрта махсус, касб – ҳунар таълими, олий ўқув юрт – ларыда олиб бориладын таълим – тарбия жараёнининг қонуниятларини үрганади.

Булардан ташқари дефектология деб аталувчи махсус педа – гогика ҳам шаклланди ва махсус ўқув масканларыда үқитувчи, тарбиячилар тайёрлашда сурдопедагогика (соқов болаларни үқитиши ва тарбиялашда), тифлопедагогика (күзи ожиз болаларни үқитиши), олигофренапедагогика (ақтүй мөртвасаларни үқитиши) болаларни тарбиялаш да үқитиши) логопедия (нұтқи яхши ривожланмаган болаларни үқитиши) масалалари билан шүгүлланади. Педагогика фанлари тизимининг мұхим тармоғи

сифатида аниқ фанларни ўқитиш ва ўрганишнинг қонуниятлари ўрганувчи услубиёт фанининг ҳам хизматлари беқиёс каттадир. Ҳар бир фанни ўқитишни ўзига хос йўл – угулари мавжудидир баъзан бу фанни хусусий методика, яъни услуб деб атанилари ҳам бежиз эмас. Ҳозирги кунда ўқув юртларида тарих ўқитиш, математика ўқитини, тиля ўқитини ва өёнка үсаубиёт фанаари ўқитилмоқда.

Кейинти йилларда, оила педагогикаси, қасб – ҳунар таълим педагогикаси, ҳароий педагогика, спорт педагогикаси кабилалар шакл – ланмоқда. Педагогика мустақил фан сифатигида шаклланади ва шаклланмоқда. Аммо шахс камолоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда бошиқа фанлар билан ҳамкорлик қиласди. Педагогика умумий психология, ёшлар психологияси билан узвий боғланган. Психология шахснинг турли ёшдаги психик ривожланиши қонуниятларини, таълим – тарбия таъсирида инсон психикасининг ўзгариши механизмини тушунтиради. Шундай экан, таълим – тарбия жараёнида педагог тарбияланувчиларнинг психик ривожланишини, шахсий сифатларини ўрганиш лозим. Шундагина самарали таъсир кўрсата олади.

Педагогика инсон дунёқарашининг шаклланиши, жамият ва шахснинг ўзаро муносабати ҳамда билиш фаолияти муаммоларини ўрганувчи фалсафа билан ҳамкорлик қиласди. Айниқса, ахлоқий тарбия билан этиканинг эстетик тарбия билан эстетиканинг ўзаро алоқалари ҳаммамизга маълумдир.

Кейинги йилларда педагогика социология, сиёsatшунослик фанлари билан алоқалари ривожланмоқда. Инсоннинг жамият – даги ўрни, ижтимоий мухитнинг шахс ривожланиши ва тарбиясига таъсирини ургатишда педагогика бу фанлар билан ҳамкорлик килмоқда.

Педагогика тарих, этнография, фольклор (халқ оғзаки ижоди) каби фанларнинг ютуқларидан самарали фойдаланмоқда. Бугунги кундаги педагогик жараённинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унинг ўтмишдаги шаклланиш тарихини яқдол тасаввур қилмоқ даркор. Бундай шароитда тарихий меростга, фольклор манбаларга му – рожаат қилинади. Шахснинг жисмонан етуклиги, баркамоллигининг ажralmas қисмидир. Педагогикада жисмоний тарбия тўғрисида фикр юритилар экан, ёшлар физиологияси ва гигиенаси тўғрисидаги билимлардан фойдаланиш лозим бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сунг ўз тарихини, жумладан педагогика тарихини ўрганиш учун кенг йўл очди. Ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш, уларнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишдек улуғ ишлар

амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, ота – боболаримиз ёш авлодни комил инсон килиб тарбиялашға алоҳида эътибор берганлар. Исломий тарбиянинг маънавий, маърифий аҳамиятига катта эътибор берганлар. Юртбошимиз Н.А.Каримов таъкидлаганла – ридек: *"Ислом дини – бу ота боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам маърифат эканлигини унумтмайлик, Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда"*.

Тарбия тарихии үрганар эканмиз, у жуда қадимий жараён экан – лигини инсоният бутун ҳаётги давомида тарбия билан шуғулланганинг ишонч ҳосил қиласиз. Бу жараёнда ажоддларимиз тарбиявий таъсириининг самарали иул усуллари ва манбаларини қидириб ҳаётта тадбиқ қила бошлаганлар, бунинг натижасида тарбия ҳақидағи ғоялар, назария ва тавсиялар пайдо бўла бошлаган. Бу педагогика фаннинг пайдо булишига сабаб бўлди Жаҳон мутафаккирлари ўзлари – нинг педагогик ғоялари билан фаннинг ривожланишига ҳисса қўйдилар. Бу жараёнда ўзбек мутафаккирларининг жаҳон педагогикаси тарихига қўшган ҳиссалари чексизdir. Тарихга назар ташлар эканмиз, тарбия ҳақидағи ғоялар эрамиздан оддинги VI асрла шаклланганилиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Кейинги даврларда педагогик ғояларнинг шаклланишида зардуштийлик таълимоти унинг муқаддас китоби "Авесто"да қимматли фикрлар талқин этилган. Кишилик тарихида ислом таълимотининг тарбия ҳақидағи ғояларининг шаклланишида аҳамияти чексизdir. Куръони Карим ва ҳадиси Шарифларда, мусулмон аҳлиниң дунёқараси фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, эътиқоди, ҳар томонлама баркомуллиги каби инсоний сифатларни шакллантириш ўйлари баён қилинган.

Педагогика тарихига назар ташлар эканмиз, тарбия ҳақидағи ғояларнинг шаклланишида, Имом Ал Бухорий, Исо ат – Терми – зий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Ясса – вий, Баҳоуддин Накшбандий, Алишер Навоий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний ва бошқа қардош халқлар фар – занларининг хизматлари каттадир.

Мамлакатимизнинг яқин утмишидаги тарихига назар ташлар эканмиз, рус ва совет империяси таъсирида ўзбек халқи ўз тарихи, миллий урф – одатлари, анъана, умуминсоний қадриятларни билиш ва ўрганиш учун курашган Фитрат, Мунаввар Қори, Элбек, Қодирий қатл қилинди Қолган ватанпарвар алломаларимиз қамалди. Аммо қатағонлик даврида ҳам педагогик меросни ўрганиш тұхтамади. Навоий, Беруний, Авлоний кабиларнинг ижоди ўрга – нилди, ўзбек халқ педагогикаси яратылди.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг мамлакатимизда таълим – тарбия тизимида ҳам катта ўзгариш ва ислоҳотлар

бошланди. 1992 йилда "Таълим тұғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунда олдингилардан фарқли равищда халқ таъмининг янги көндәләри, яъни принциплари тълон қилиниб, ҳаётта тадбиқ этила бошлади. Таълим – тарбия жа – раёнининг мазмуни, шакл ва усуллари бу соҳада эришилган илфор тажрибалар асосида ишлаб чиқылди. Бунда таълимнинг жаҳон стандартти даражасида бўлиши назарда тутилади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан она ти – лини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан ташқари мустақиллик йилларида лотин ғрафикасидаги ёзувга босқичма – босқич ўтилмоқда. Айниқса, таълимни ислоҳ қилиш жараёнида тест, рейтинг усулларини қулланиши иқтидорли талаabalарни аниқлаш ва үқитишда муҳим роль ўйнамоқда. Мустақиллик йилларидағи муҳим воқеалардан бири, яъни 1997 йил Олий Мажлиснинг IX сессиясида "Таълим тұғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни қабул қилиниши бўлди. Бу асосида таълим тизими босқичма – босқич ислоҳ қилинади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганлари – дек: "Хаётимизни ҳал қилювчи муҳим масалалар қаторида таълим – тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талабига кўтариш, баркамол авлодимиз келажагига даҳлдор қонун лойиҳалари ҳам бор", – деган эдилар.

Бу муҳим хужжатлар асосида таълим тизимида қагта ўзга – ришилар содир бўлмоқда. Бу жараёнда, давлат таълим стандартлари ишлаб чиқылди. Кадрлар тайёрлашнинг міллий модели яратилди. Ўрта маҳсус, касб – ҳунар таълими узлуксиз таълимни бир тури сифатида янги таълим йўналишларини, яъни академик лицей, касб – ҳунар колледжлари барпо қилинди. Олий таълим ҳам икки босқичли, яъни бакалавриат ва магистратурада иборат қайта ту – зилди.

Бу ўзаришлар педагогик таълимнинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини илмий асосда қайта ишлаб чиқишини, бу соҳада жа – хон илфор тажрибаларини ҳисобга олиб педагогикага доир замона – вий илмий ишлар, дарсликлар, қўлланмалар яратишни тақозо қилди.

Президентимиз айтганларидек: "Фуқаролар энди ижтимо – ий – иқтисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ва ташкилотчисидир". Бундай янгича ёндошишлар педагогика фанининг обьекти ва предметини кенгайтириди. Энди педагогика фанининг обьекти фақат таълим – тарбия жараёнининг назарий, методологик амалий таъминловчи фан эмас, балки комил инсон шаклланиши, ри –

вожланишини таъминловчи кенг соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги миллий таълим моделида шахс кадрлар тайёрлаши тизимининг бош объекти ва субъекти сифатида қаралади. Маълумки, педагогика фани тарбия ва таълимнинг инсон ривожи, шахс камоли ва мутахассис шакланишида таълим тизимини ўз ичига олмай – диган этник, антропологик, генетик, тарихийлик, мустақиллик, табиий – экологик, инстинктив, руҳий – ҳиссий билиш, ри – вожланиш, комиллик омилларига ҳам сўянади. Бундан ташқари педагогика фани олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мағкуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифалари қўйилди.

Энди педагогика таълим ва тарбияда ҳаёт жараёнининг ҳамма соҳаларини, жабҳаларини қамраб олмаса ҳам, у ўзининг комил инсон тарбиясида жуда катта асосий имкониятларига эга бўлган асосий ижтимоий фан мавқенини эгаллай олмаган булади. Шунинг учун ҳам янги таълим қонунида ва мутахассислар тайёрлаш миллий дастурида таълим ижтимоий – иқтисадий ри – вожланишнинг устувор йўналиши қилиб белгиланди. Педагогика фанининг методологиясида, мазмунида, тарбия назариясида, таълимнинг ташкилий шаклларида, комиллик даражаси, сифатларини аниқлашда катта ислоҳий ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришлар янги педагогик технологияларда ўз аксини топмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг «Жамиятимиз мағкураси ҳалқи – ҳалқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин» номли «Тафаккур» журналининг (№2, 1998) бош муҳаррири билан бўлган мулоқотларида инсонни маънавий – амалий шакланишида ҳаётий жараёнининг ҳамма жабҳалари моҳиятли эканлигини асослаб бердилар. Президентимиз И.Каримов "Фидокор" газетаси мухбирининг саволларида "Донишманг ҳалқимизнинг мустаҳкам ипродасига ишонаман" номли жавобларида (2000, июн) миллий мағкура кишиларда доимий узлуксиз шаклланиб борадиган жараён эканлиги ҳақида "Халқ, миллат ўз миллий мағкурасини бутун умри давомига тақомиллаштириб, бойитиб боради. Чунки мағкура қотиб қолган ақидалар йигингиси эмас. Бу узлуксиз жараён бўлиб, ҳаёт давом этар экан, унинг шиддати суръати туфайли мағкуранинг олдига қўйиладиган янги – янги талаблар ҳам пайдо бўлаверади", деган эдилар.

Педагогика фанида бу улугвор вазифа ҳар бир ўкув фанини ўқитишида "миллий таълим модели"дан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу, тушунчаларнинг таълимий тарбиявий ривожлантирувчи функцияларини олишнинг методологик, тарбия назарияси ва амалиёти, таълим назарияси ва амалиёти, таълим тизимини бошқариш, педагогика тарихига доир бўлнимларида асослаб берилади.

### Савол ва топшириқлар

1. Педагогиканинг предмети ва объектини изоҳлаб беринг.
2. Педагогиканинг мақсади, вазифалари, категориялари (асосий тушунчаларини) айтиб беринг.
3. Миллий истиқдол мағкурасининг бош мақсади ва асосий тамойилларини айтинг.
4. Миллий истиқдол ғоясини амалга оширишда педагогика – нинг моҳиятини тушунгириб беринг.
5. Жамият ва оламни ривожлантириша педагогиканинг моҳияти нималардан иборат?
6. Педагогика атамасининг маъноси қандай?
7. Комил инсон сифатлари нималардан иборат?
8. Таълим, ўқитишининг вазифаларини айтиб беринг.
9. Педагогиканинг тармоқлари қайсилар?
10. Тарбияда Ислом динининг ўрнини тушунтириб беринг.
11. Махсус педагогика ва унинг тармоқларини айтиб беринг.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни. – Т., 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". – Т., 1997.
3. И.Каримов. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». – Т., 1997.
4. И.Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». – Т., 2000.
5. Ўзбек педагогикаси тарихи (Кўлланма. проф. А.Зуннунов таҳрири остида). – Т.: Ўқитувчи. 1997.
6. Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўқитувчи. 1997. 2000. – 80 – б.
7. И.Турсунов, У.Нишоналиев. Педагогика. – Т.:Ўқитувчи. 1997.

8. Педагогика. (Қўлланма. А Мунавваров таҳрири остида) – Т.: Уқитувчи. 1996.
9. Педагогика. (Қўлланма. проф. А.Ильина таҳрири остида). – М., 1984.
10. Очилов М. Университетлар тизимида педагог ҳодимлар тайёрлаш муаммолари / "Таълим ва тарбия" журнали. 1997. 5 – 6 сон.
11. Педагогика. (Маърузалар матни. проф Н.Файбулаев таҳрири остида). – Т.:Университет. 2000.


## **1.2. Миллий истиқдол ғояси ва педагогиканинг методологик асослари**

Миллий истиқдол ғоясининг бош йўналиши асосида бой маъна – вий қадриятларимизга муносабатни белгилаб Президентимиз И.А.Каримов мақсад, фақат илмий маданий меросни урганиш эмас, балки бетакрор ҳазинамизнинг илмий, амалий тамойилларини янги даврга хизмат қилувчи қирралари, ҳикматларини очиш, уларни ҳа – ётта тадбиқ қилишдан иборат эканлигини мустақиллигимизни илк кунлариданоқ белгилаб берган эдилар.

Сиёsat ва педагогика тарихидан маълум – мактабда амалга ошириладиган тарбиявий жараён мақсади давлат ва миллат ман – фаатларига мос келадиган ҳоллардагина уша жамиятда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш гуллаб яшнаган.

Мустақил Ўзбекистонда мафкуравий тарбиянинг етакчи тамой – или – ҳар бир Ўзбекистонлик ўсмирда ўз ва миллат манфатлари уйғунлигига эришиш тақоза этилмоқда. Масаланинг ана шу тарзда қўйилишининг қатор ибратли сабаблари бор. Яқин ўтмишга назар ташласак, собиқ шўро даври тарихидан шундай педагогик хуросалар чиқариш мумкин: қайси миллат ўз тархига, келажагига лоқайд муносабатда бўлар экан, уни аччик пушаймонлар, улкан йўқотишлиар кутади; ўзликни унитиш – маънавий тубанлашувга, аҳлоқий туш – кунлика, ўтган ва келажак авлодлар қаршисида жавобгарлик ҳис – сининг йўқотишига олиб келади; ўзлигини унугтган халқ на инсонлар каби меҳнат қила олади, на инсонпарварона яшай олади. Демак, бундай халқнинг кежаги ҳам мавҳум бўлиб қолади.

Иккинчидан, собиқ шўро жумҳуриятларини бирлаштириб турган синфий бирлик парчаланиб кетди; иккى «социалистик» ва «капитали – стик» тузумга мансуб бўлган немис миллатлари сунъий ҳосил қилинган



сипний деворни итқитиб ташлаб, бирлашылар. Шунингдек, Корея давлатлари ҳам бирлашиш тадорлитини куришмоқда ва ҳ.з.о. буюк ке – лажак сары енг шимарған бутунги Ўзбекистон халқини миллий – маданий, миллий мафкуравий бирликка жисполаштириб, сафарбар қила олади.

Масала шу тариқа ижтимоий педагогик мөхият – касб этади. Де – мак, Ўзбекистон педагогикаси лугатига янги илмий тушунчалар ки – ритилмоғи, «миллатни бирлаштиришга халақит берадиган нарса – лардан озод бўлмоғи керак» И.А.Каримов/. Миллат ва ҳар бир Ўз – бекистонликнинг мафкуравий бирлигини таъминлаш миллий маф – куравий тарбиянинг бош мақсадига айланмоғи керак.

Миллий мафкуравий тарбиянинг мақсади – миллатнинг мақсади нима эканлиги; миллат қандай яшамоги кераклиги ҳақидаги та – саввурлардан; ҳар бир ота – она ўз болаларининг келажакда қандай кишилар бўлиб етишувлари ҳакида қилган орзуларининг илмий – назарий умумлаштирилиб келиб чиқиб белгиланади.

Шу тариқа Ўзбекистонда тарбия назарияси ва амалиётида миллат ва шахс бирлитини таъминловчи навқирон тарбия тизими пайдо бўлмоқда. Бу тизимнинг манбаларини Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг миллий гурури нимадан иборат?» Ўзбекнинг энг асосий фазилатлари, асосий хислатлари нималарда намоён бўлади? Шу масалаларни чукурроқ ишлаш зарур» иттиғи тўғрисидаги ўтилари ташкил этади.

Баъзи кишилар миллий – мафкуравий тарбиянинг тарихий маънода – «эски урф – одатларимиз асосида тарбиялаш» дея талқин қилишларини ҳам учратдик. Бу масаланинг мөхиятини тұла очиб бера олмайди. Мафкуравий тарбия тарихий, замонавий ва ис – тиқболий хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Унинг замона – вийлигти шундаки, ҳозир авлодлар XXI аср бошида жаҳон миқёсіда илм – фан, маданият, санъат, техника ва тобора компютерлашаёттан бир шароитда яшашмоқда. Шу боис халқимизнинг миллий онгидаги «идеал ўзбек боласи» сиймоси ҳам замонавийлаша бормоқда. Бу – гунги ўзбек боласи ўтган асрдаги тенқуридан кескин фарқ, қиласи. Шунинг учун, ҳозирги ўзбек болаларининг мафқурасини татқиқот қилмок, улардаги миллатпарварлик, ватанпарварликни ривожлан – тирмок, космополитизм, миллий бефарқли, лоқайдлик каби иллат – ларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантира бормоқ лозим.

Иқтидор – ҳар бир миллатнинг интеллектуал бойлиги. Шу са – бабли Республикаизда таълимни ташкил қилиш, лицейлар, ко – лежлар очиш, иқтидорли болаларга ғамхурлик қилиш, таълимнинг сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказиш йулида мисли

кўрилмаган ишлар олиб борилмоқда. Тарбия масаласига муносабат ўзгарди. Энди шўро даврдаги «Таълимнинг ўзи тарбиялайди, бола – яриниз яхши билим олсалар бас», дега тарбияга эътиборсизларча қарашнинг аччиқ оқибатларга олиб келишини ҳамма англади.

Президентимиз томонларидан маънавиятни иқтисоддан устувор деб эълон қилиниши миллий давлатчилигимизнинг, миллий маф – курамизнинг асосини ташкил қилувчи улуғвор бош миллий ис – тиқолгояси эди. Бу миллий истиқдолгояси чуқур илмий асос – ларга эга бўлиб, жуда тўғри танланганлигини дунёвий, диний фанлар ва ҳаёт исботламоқда ҳамда бугун дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

И.А. Каримов миллий фоя, миллий мафкура ҳар қунги ҳаёт ша – роитларидан келиб чиқиши билан бирга ҳар бир фуқаронинг, дав – латнинг, миллатнинг истиқболидан ҳам келиб чиқишини «Фидокор» газетасининг мухбири билан (2000, июн) «Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» номли мулоқотларида баён қилган здилар. Чунки мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмуни, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод – мақсадсиз яшай олмайди. Биноба – рин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий фояси, миллий мафкураси орқали бел – гилаб олишга интилади. Президентимизнинг бу фикрларини фоя, мафкура, миллий фоя, миллий мафкура, маънавият атамаларининг ғитомологиялари ҳам тасдиқлаб беради.

**Маънавият** – араб тилидаги “маъно” ёки “маънавиятун”, “маънои фоя” сўзларидан олинган бўлиб, “руҳий ҳолат” деган маънони англатади.

**Фоя** – фикр инсонларнинг эзгу ниятлар, фикри асосидаги амалга оширилаётган жараёнлар. ишлар, истиқбол режалари, тамойилларидан иборат.

**Мафкура** – муайян тузум даврида инсонларни давлат, жамият ўз – ўзига, ҳалқи, оламга муносабатлари ва улар ривожининг маънавий – илмий тизимидан иборат.

**Миллий мафкура** – ҳалқимизнинг маънавий – интеллектуал менталитети, фоялари асосидаги амалга оширилаётган ишлар, жараёнлардаги тутаётган йўли, давлатга, жамиятга, оламга, ўз – ўзига, тараққиётга муносабатлар тизимидан иборатdir.

Шунинг учун "Миллий истиқдол бояси: асосий тушунча ва тамойиллари"да — миллий боя ва инсонлар мафкура ўзида гу— манизм ва интилишларини акс эттирган тақдирдә жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда беқиёс омил бўлади — дейилган.

Мақсадимиз аниқ — мустақил, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти асосида ҳалқимизни фаровон ҳаётга эриштириш, шу мақсадга эришиш йўлида фикр эркинлиги, фаолият озодлиги асосида инсоннинг асл қадри моҳиятни ру— ёбга чиқара бориб, "инсон хазинасини очиш".

Комиллик сифатларини тұлақонли шакллантириш учун эса фақат насиҳатлар, даъватлар етарли змас. Инсоннинг маънавий фаолиги амалий — касбий фаолиги билан уйғунашганда барка—моллик сифатлари табиий шаклланади, ривожланади. Айнан ана шу юқоридаги тушунчаларни тўғри англаш таълим—тарбиянинг методологик асосларини тўғри танлашга ёрдам беради. Чунки таълимнинг субъективлик, демократик, ҳуқуқий, инсонпарварлик асослари инсонларнинг нодир, бетакрорликларини рўебга чиқаришдир.

Юқоридаги сифатлар инсон маънавиятини таркибий қисмларини ташкил қилади. Инсонлар маънавияттини күтариш жамиятимизни юксалтиришнинг иккинчи устувор йўналиши эканлигини И.А.Каримов ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясидаги "Ўзбекистон XXI асрга интил—моқда" номли маърузасида: "Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг шаймон—уродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган ва ишодини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиласман". деб жуда аниқ кўрсатиб бердилар.

Ҳар бир инсон тўқис ҳаётга тўла имконлар билан яратилган. Аммо ҳар бир киши ўзига хос ўқув, қобилият ва имкониятларга эга. Демак, ҳар бир киши ўзининг шахсий ҳаёт йўлини топа олса, шу вақтда унинг ҳаёти жўшқин, фаолияти ижодкор, меҳ—нати унумли, фойдаси мўл бўлади. Киши аслида ҳақиқий баҳ—тиёрликка меҳнат жараёнида эришади. Чунки агар у ўзининг ҳаёт йўлини топса, унинг фаолияти шахсий ижодий иштиро—кида ўта бошлайди. Бу вақтда унга фойибона руҳий мадад бе—рилади, моддий — маънавий яратувчанлик, истиқболли янги

ғоявий фикрлар уни амалий – ижодий йўлларга чорлай бошлади. Шунинг учун ота – она, оила аъзолари, боғча, мактаб, умумий таълим – тарбия муассасалари ҳар бир болани ўқуви, қизиқиши, қобилиятига асосан касб эгаллашига масъулдир. Инсонларнинг нодир ва бетакрорлигини талабаларга, ёшларга дунёвий диний илмларни уйғуналигида тушунтириб бериш маънавий зарурдир. Шу вақтда ёшлар айрим ғайридиний оқимлар аслида ғайрилмий эканлигини онгли тушунадилар. Ҳа, ҳақиқатан, ҳар бир кишини азалий яхши тақдир билан яратилган. Ҳар бир киши Парвардигори олам бу дунёга эзгу нијатлар билан, мәълум ўзига хос улуғ мақсад ва вазифалар билан яратилган. Аммо инсон асли яратилишидан озод ва эркиндир. Инсоннинг озод ва эркинлиги шунчаликки, хатто унинг имон эътиқоди Оллоҳ таоло томонидан мажбур қилинмайди. Бу ҳақда Қуръони Карим Шуаро сурасининг 4 оятида "... Зеро иймон – эътиқод ночор, ношложликдан эмас, балки қалб қаноати билан ихтиёрий бўлиши лозимдир". дейилган. Чунки кишилар бу улуғ хислатлар фақат инсонлар фойдаси учунлигини, уларга амал қилиш инсонлар учун ҳам маънавий, ҳам моддий манфа – атларнинг асоси эканлигини онгли тушуниб, уларга амал қиласалар бу ишлар улар учун ҳузур – ҳаловат ва баҳтиёрик бағишлайди. Инсон маънавий – руҳий сиймодир. Унинг танаси моддий, латиф ва руҳий қисмлардан иборат. Моддий, яъни биологик танани латиф биоэнергетик майдон – тана ўраб олган. Биоэнергетик тана инсоннинг моддий танасидаги ҳамма ҳаётий жараёнларни уйғуналастириб турувчи ҳаётий энергия манбаидир. Аммо ҳаётий жараёнлар инсоннинг руҳий қуввати – биоэнергетик танаси ёрдамида бошқарилади. У олий нерв системасининг функцияси бўлиб, олам билан ҳамма вақт узвий алоқада бўлади. Онг ости ҳар бир кишиларнинг тақдирни, йўли, олий мақсади ва эзгу ниятлар асосидаги ҳаёт йўлидир. Ҳозирги илмий ахлоқий асосларга кўра у ҳомила уч ойлигидаёқ берилади. Энди унинг ривожи ота – онага, оиласидаги муҳитга боғлиқ.

Агар киши ўз ҳаётини топа олса, унинг онги мустақил ривожланиб бориб онг ости йўналишига туша олса худди тўлқинларнинг мос келиши каби инсонда маънавий руҳий мутаносиблик содир бўлиб, у мукаммал камолот йўлига киради.

Онг ости ва онг уйғуналиги виждан ёрдамида амалга оширилади. Виждан кишиларнинг онги, онг ости ва қалби мутаносибликгини амалга оширувчи маънавий – инсоний туйғу, сифат. Агар вижданни

содда қилиб тушунтириш лозим бўлса, виждан — инсоннинг қалб амри билан бажарган ишларининг (фаолиятини) руҳий мезонидир.

Доно халқимиз, ота-бободаримизнинг "худо қалбингда бўлсин, болам", деган гаплари бежиз эмас. Шунинг учун асосий манбаларда, виждан ҳар бир кишининг қалбидағи ҳудодир. дейилади. Киши ҳаётидаги қилган ишлари буинча вақти – вақти билан ўз вижданни олдида ҳисоб бераб туради. Бу мулоқот ҳақ мулоқот бўлиши лозим. Лайрим вақтда ноҳақ ишни ҳақ деб ис – ботлаш ўз вижданини, бу эса ҳудони алдаш билан тенг кучли – дир. Бунда онг ости (ҳақиқат) ишга тушиб кишининг онги ва онг ости орасида номутаносиблик бошланиб, кишини руҳий хасталикка олиб келади. Руҳий хасталик эса жисмоний хаста – ликка олиб келади, айрим ҳолларда бошқа кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин.

**ОНГ ОСТИ** – дунёвий ва ҳаётий ҳақиқат асосидаги инсон шахсий фаолиятининг маънавий – руҳий йули.

**ИНСОН ОНГИ** – унинг идроки, ақли орқали ҳаётий ва дунёвий ҳақиқатни фаҳмлаш асосида маънавий истиқболли фаолият даражасидир.

**ФАҲМЛАШ–АНГЛАШ** – бирор ҳақиқатни қалбан, руҳан фикри сезиш.

**ИНСОН ФИКРИ** – ўз онги ва идроки асосида ҳаёти ҳамда дунёвий нарсалар, жараёнлар ҳақидаги мушоҳадавий фаолият.

**АҚЛ** – кишининг ўз идроки, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий – инсоний нуқтаи – назардан амал қилишдир.

**ИНСОН ҚАЛБИ** – шахсий онг, маънавият узвийлиги асосида инсонни ҳиссий ва амалий фаолиятта ундовчи куч. У виждан, онг, фикр билан уйғунашиб қалб нигоҳи, кўзи ва кувватига айланади.

**ИНСОН РУҲИ** – инсонни ҳар қандай тўсиқлардан олиб ўта оладиган, уни улуғ эзгу ишларга бошловчи маънавий қувват.

Биз бу маънавий – руҳий сифатларни алоҳида таърифлаш орқали тушуниш учун ҳаракат қилган бўлсан ҳам улар аслида узвий боғлиқдир. Инсон энг аввало руҳий – маънавий сиймо. Шунинг учун киши ўзининг ҳар бир ишидан маънавий – инсоний қаноат ҳосил қилиши керак. Маънавий – инсоний қаноат эса онг, қалб, руҳ ва фаолият уйғуналигидан содир бўлади. Бу ҳар бир кишига хос бўлган ички уйғуналиқдир. Ички уйғуналиқ кишини ўз ишидан қаноатланишига олиб келади. У ўзидан мамнун бўлади. Ички маънавий – руҳий гармония инсондаги биологик – физиологик ҳаё –

тий гармониянинг асосиadir. Бу ўз навбатида тан соғлиги ва руҳ те-тиклигидир. Инсондаги ички гармоник мувозанатта кагта ёрдам бе-ради Ҷүнкү инсон ташки маънавий – руҳий олам билан жуда узвий боғлиқ булиб, аслида унинг бир ажралмас бўлакчасидир.

Инсон, ҳам маънавий – руҳий бутун олам, коинот билан узвий гармоник боғлиқ булиб, бу боғлиқлик ҳамма вақт маъна – вий – руҳий мувозанатдадир.

Табиатда камалакнинг еттига рангини бир неча марта кузат гансиз. Камалакнинг ҳар бир ранги етти осмоннинг ранглари бу либ, оқ нур ранги эса уларнинг мажмуаси орқали бутун оламни гармоник узвийлигини таъминлади. Худди шундай етти осмоннинг ҳар бирига мос мусиқа овози мавжуд. Моддий олам, инсоният яна бир маънавий – руҳий сифат орқали узвий гармоник боғлиқдир.

Инсоннинг моддий – жисмоний танасидаги модда алмашинуви, ҳаётий жараёни унинг маънавий – энергетик танаёни билан узвий боғлиқдир. Моддий – жисмоний тананинг ривожланиш даражасига эса маънавий – энергетик тананинг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Моддий – жисмоний тананинг ўзи ҳам модда ва руҳий – ҳиссий қисмлардан иборат. Руҳий – ҳиссий қисм эса маънавий – энергетик тананинг таркибий қисми, у олам осмонлари билан узвий гармоник боғлиқ. Тананинг руҳий – ҳиссий қисмининг таркибий асосларидан бири инсон қалбидир Қалб шахснинг онг ва маънавият узвийлиги асосида инсонни ҳиссий ва амалий фаолиятга ундовчи куч бўлганлиги учун унинг поклиги инсон виждан билан боғлиқ. Виждан онг ости илоҳий құдратга ўз фаолияти учун жавоб берувчи шахсий ҳиссиётдир.

Ҳар бир киши ўзига хос уқув, қобилият ва характерга эга бўлиб, унинг нодирлиги ва бетакрорлигини замонавий инсон – шунослик фанлари ҳам исботлаб беришмоқда. Демак, ютуқ ва муваффақиятларнинг биринчи гарови ҳар бир кишининг ўз ўқуви, қобилияти ва қизиқишларига доир фаолият, ҳаёт йўлини ҳунар, касб танлашидадир. Ютуқнинг иккинчи гарови шу ўзига мос танланган ҳаёт йўлидан донолик, ақл билан фаолият кўрса-тиш, энг кўп моддий ва маънавий маҳсулот олишдадир. Ақл билан фаолият кўрсатиш эса ўзи эгаллаётган соҳа бўйича ис-тиқболли маънавий фикр юритишдадир. Ҳа, соҳа бўйича ис-тиқболли маънавий фикр инсон ютугининг учинчи гаровидир. Агар орзу – ҳавасдан қалб поклик билан эзгу ниятларга йўллан-

маган бұлса, онг ва фикр ривожи улар учинчи биоэнергетик та – надан нарига үта олмайды. Агарда орзу – җаваслар қалби поклик билан әзгү ниятларға йұлланған бұлса, маңнавий – рұхий тана – нинг (онг ости) ишга тушиб, онг ва онг ости мутаносиблиги ҳосил бўлади. Бунда инсоннинг биоэнергетик қуввати оптималлашиб, катта куч ва құдратта әзгә бўлади ва бундай кишиларға ғойибёна сифатлар дарвозаси очилади. Бундай кишиларға интуитив фикрлар **ОЛЛОХ ТАОЛО** томонидан хилоят ва вахийлар ишорат, баниратлар берила бошлайди. Ҳақиқий тақдир иули энди очила – ди. Бундай маңнавий – рұхий биоэнергетик қувват учун инсо – ниятга тұртинги назарлар дүнёсідан үтишга рухсат қилинади. Чунки инсониятта оламға хавф соладиган ниятлар учун тұртинги дүнёдан нарига йұл беркитилади. Демек, қалби поклик ва әзгү маңнавий инсоний ниятлар онг ва фикр ривожи ҳамда фаолият ютуғининг асосидир. Онг, фикр, фаолият уйғуналиги эса маңна – вий – рұхий сиймо бұлган инсоннинг асл мөжияти очилса ишга тушади. Инсоннинг маңнавий – рұхий мөжияти эса унинг маңна – вий – моддий маҳсулдорлигидир.

Моддий – маңнавий маҳсулдорлық инсоннинг ақлий амалий камолоти билан боелиқ ҳолда босқичма – босқич үсиб, фикр маңнавий – рұхий сифатлар билан уйғуналашса, бириңчи, иккинчи ва учинчи таналарда, тұртинги, бешинчи танадан ҳам үтиб, олтинчи ва еттинчи тана бешинчи, олтинчи ва еттинчи дүнёларға уйғуналашғанда соҳа бүйіча кашфиётлар, янгиликлар, янғы техно – логиялар, техник маҳсулій ғояларға йұл очилади. Фаолият қайси соҳада бұлса ҳам, деҳқон, ишчи, косиб, хизматчи умуман ҳамма касб – ҳунарларда ҳам фаолият амалий – ижодий, маңнавий маҳ – сулийлиқдан юқори даражаларға күтарила бормаса, биоэнергетик тана тұла ишга тушмайды. Биоэнергетик тананинг тұла ишга туш – маслиги тананинг маңнавий – рұхий ривожига, у үз навбатида жисмоний ривожланишига түсік бұла бошлайди. Маңнавий – маҳсулій ривожланмаслик маңнавий – рұхий үсишга түсік бўлади, киши үз мөжиятини бажармагач, онг ва онг ости номутаносиблиги бошланиб инсоннинг үз – үзидан норозилик кайфияти келиб чиқади. Кейин у кайфиятини күтариш мақсадида сунъий йұллар қидира бошлайди. Бу ичкиликбозлик, чекиши, наркомания, наша – вандлық, майший бузукликларға олиб келади. Бу ижтимоий ил – латларнинг олдини олишінинг табиии омили инсоннинг асл мө – жиятини очиб уни жуда катта моддий, маңнавий имкониятлар ва құдратини ишга солищдир. Чунки үзининг уқуви, қобилятигини

рўёбга чиқариш асосида бунёдкорона меҳнат қилиб моддий – маънавий маҳсулотлар яратиб ўзини, оиласини пок, ҳалол луқма билан бокиб, давлатни, ҳалқини моддий – маънавий бойитишга хизмат қиалган киши сўзда эмас, амалда ҳам ҳақиқий иймонли киши бўлади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Миллий истиқлол тоғасининг маъноси ва педагогик моҳияти тушунтириб беринг.
2. Миллий мағқуранинг маъноси ва педагогик моҳияти нималардан иборат?
3. Инсоннинг нодир ва бетакрорлиги нималардан иборат, у ҳаётда, фаолиятда, таълим – тарбияда қандай намоён бўлади?
4. Педагогика методологиясининг бош тамойиллари нималардан иборат?
5. Маънавият, тоя, миллий тоя, мағқура, миллий мағқура ата – маларининг маъносини тушунтириб беринг.
6. Сиз ўз қизиқишингиз бўйича касб эгалляяпсизми?
7. Сизнинг уқувингиз қайси соҳага тегишли?
8. Сиз ўзингизнинг нодир, бетакрор, улуф сиймо эканлигин – гизни англадингизми?
9. Виждан нима?
10. Қалб кўзи очиқ бўлсин деганда нимани тушунасиз?

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И. Жамиятимиз мағқураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Т.:Ўзбекистон. 1998. – 30 б.
2. Каримов И. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. "Фидокор" газетаси, июн, 2000 й.
3. Миллий истиқлол тоғаси, асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.:Ўзбекистон. 2000. – 80 – б.
4. Жалолиддин Румий. Маънавий – Маснавий. – Т.:Шарқ. 1999.

### **1.3. Тарбияда шахс ривожланишининг физиологик ва психологияк асослари**

Баркамол авлод ёки комил инсон ғояси – ҳам миллий, ҳам умумбашларий мөхиятта эга бўлган, одамзод жисмоний барка – молликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундаидиган олижаноб ғоядир. Шундай экан, мустақил юртимизда ҳар бир шахсни, айниқса, ўсиб келаётган авлодимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг илмий ва амалий асосларини яратиш неба – гогика фани олдида турган мураккаб ва муҳим муаммолардан бири ҳибланади. Бу жараёнда фан шахсни ҳар томонлама ри – вожлантириш учун зарур бўлган энг амарали шарт – шароитларни урганади. Ҳамда шахснинг ривожланиш қонунлари ва кўрсат – гичларини, муҳим омилларини билишга, шахснинг шаклланиш босқичларини аниқлаш билан бирга бу жараёнда таълим тар – биянинг ҳамда шахс фаоллигининг зарурлигини ҳар томонлама очиб беради.

Инсон шахси ва унинг шаклланиши муаммолари билан пе – дагогика билан бир қаторда фалсафа, психология, социология, генетика, тиббиёт каби фанлар шугулланади.

Педагогикада ривожланиш ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги муҳим муаммолардан бўлиб, у кўп мунозараларга сабаб бўлади. Шахснинг ривожланиши қийин, мураккаб жараён, у кўплаб ички ва ташки таъсирлар ва омиллар орқали рӯёбга чиқади.

Инсон ҳаёт экан, бутун умри давомида ўсиб, ривожланиб, ўзгариб боради. Болалик, ўсмирлик ва ўспириналлик йилларида шахснинг камол топиши яққол кўзга ташланади.

Ривожланиш дегаңда, биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва маънавий камол топиши жараёнини тушунамиз. Педагогика ва психология фани ривожланишни биологик ва социал хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса деб ҳисоблайди. Одам боласининг шахс сифатида ривожланиши ҳар томонлама камол топишининг самарали бўлишига эришиш мақсадида педа – гогика фани ривожланишининг қонуниятларини унга таъсир этувчи омилларни шунингдек, шахс камолотида таълим ва тарбия ҳамда фаолиятининг таъсири ва аҳамиятини аниқлади ва таҳдил қиласди. Маълумки, одам шахс сифатида дунёга келмайди, балки унинг шаклланиши аввало ҳаёт шароитларига боғлиқдир. Шахс ҳаёт давомида мураккаб ривожланиш жараёнини бошдан кечира – ди, натижада шахсга айланади. Шу сабабли шахсни маълум иж – тимоий тузумнинг маҳсули деб тушунишимиз лозим.

Ҳар бир жамиятда шахснинг шаклланиши, камол топиши муҳим муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабли шахснинг

шаклланиши масалаларига тұғри ёндашиш учун шахснинг та-  
биатини, тузилишини, унинг хұлқ-атворини ва үнга таъсир  
кілувчи сабаб өзіндең зарур.

Шахснинг ривожләниши жараёни бир қанча омиллар  
таъсирида содир бўлади. Булар ирсият, яъни биологик омил  
ҳамда мұхит, таълим ва тарбия, шахс фәоллиги (ижтимоий омил)  
шахсни шакллантиришининг асосий омиллари деб тушунилади.

Маълумки, шахс, инсон тирик организмидир, шу сабабли унинг  
ҳасти биологиянинг умумий қонунларига, ёшлар анатомияси ва фи-  
зиологиясининг маҳсус қонунларига буйсунади.

Шахснинг, айниқса боланинг жисмоний ривожләниши,  
соғлиги биологик омилга боғлиқдир. Биологиянинг асосий ту-  
шунчаси бўлган ирсиятнинг, яъни боланинг насл-насабининг  
ролига олимларимиз алоҳида эътибор бермоқда. Ҳар бир бола  
инсонларга хос тұғма хүсусиятлар билан дүнёга келади. Шундай  
экан, одам боласи түғилгандан сүнг унда шахс булиб шакллани-  
ши, етук инсон булиб вояга етиши имконияти мавжуд бўлади.  
Бола ўзининг авлод - аждодларидан күпгина биологик белгиларни  
мерос сифатида қабул қилиб олади, ҳатто айрим қасалларни  
наслдан наслага ўтади. Биологик омиллар шахснинг жисмоний  
ривожләнишига ҳам таъсир күрсатади. Шундай экан, соғлом  
ота - онадан соғлом фарзанд дүнёга келишини унутмаслигимиз  
лоғим.

Президентимиз: "Соғлом авлод йили"ни тълон қилар экан:  
"Соғлом авлод деганды, шахсан мен, энг аввало соглом на-  
слини, нафақат жисмонан бақувват шу билан бирга руҳи,  
фикари соғлом, иймөн-эътиқоди бутун билими, маънавияти  
юксак марғ ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман",  
деб таъқидлайди.

Соғлом авлод тарбияси осон иш эмас, у ҳар бир инсон, ҳар  
бир оила, бутун жамиятдан жиiddий эътибор ва узлуксиз меҳнат  
талааб қилади. Президентимиз фикрларини давом эттирад өткен-  
лар: "...деч шубҳа йўқ, соғлом авлод орзуси аждодлармиздан  
бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган  
муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш  
тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насаб, етти  
пуштининг тозалигига, авлоднинг соғлигига жуда катта  
эътибор берганини кўрамиз. Соғлом боланинг түғилиши, энг  
аввало, онанинг соғлигига боғлиқ", деб таъқидлайди юртбоши-  
миз. Худо таоло яратган табиатнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл

дилбандини түқкиз ой ўз бағрида, юрак остида авайлаб дунёга келтиради. Уни вояга етказиш учун ўзини аямасдан, бутун ҳаётини баҳшиңда этади.

Ана шу жараёнда аёл неки яхшилик ёки ёмонлик күрса, она вужуди орқали ҳомилага үгади. Соғлиги noctor, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди. Соғлом боланинг дунёга келишида отанинг ҳам қони тоза, тани ва руҳи соғлом бўлишига боғлиқ. Бир суз билан айтганда, соғлом фарзанд фақат соғлом оиласда туғилади. Оиланинг соғломлигини, ундаги мұхит, ота – онанинг тотувлиги, бир – бирини тушуниши, қуллаб – қувватлаши ўзаро иззат – ҳұрмати белгилайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, шахс ижтимоий ҳаётнинг маҳсул экан, у албатта болани үраб олган мұхит таъсирида ривожланади. Шахснинг ҳаёти фаолияти давомида мұхит унга ё ижобий, ё салбий таъсир күрсатиши, ривожланиш имкониятларини рүёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Мұхит – бу шахсга таъсир этувчи ташқи воқеа ва ҳодисалар комплексидир. Булар: табии мұхит (географик, экологик) ижтимоий мұхит (шахс яшаётган жамият) оила мұхити ва бошқалар киради. Булар орасида ижтимоий мұхиттинг, яъни шахс яшаётган жамияттинг инсон камолоти учун яратилган имкониятлари мұхим роль ўйнайди. Мустақил Ўзбекистонимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилиниши бар – камол авлодни яратишдаги дастрлабки қадамлардир. Шахс ривожланишига эришиш ҳар бир жамиятта амалга оширилаётган тарбия тизими орқали амалга оширилади. Фақат тарбия орқали инсондаги ривожланиш имкониятларини рүёбга чиқариш мумкин. Тарбия жараёнида аниқ мақсад ва режа асосида шахсга таъсир этилади. Бунинг натижасида мұхитдаги воқеаларнинг тўғри ижобий таъсирини амалга ошириш имкони туғилади. Мұхит бера олмаган нарсалар тарбия орқали ҳосил қилинади, ҳатто тарбия туфайли шахсда тұғма камчилікларни ҳам ўзгартириб шахсни камолга етказиш мумкин. Бундан ташқари мұхиттинг салбий таъсири туфайли тарбияси издан чиққанларни ҳам қайта тарбиялайди. Ривожланиш шахс фаолиятидан ташқарида бўлмайди. Шу сабабли одам фаолияти унинг ривожланиши учун асос бўлади. Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият хоҳ ўйин, меҳнат, ўқиши, спорт ва бошқалар шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шахс улғая борган сари унинг фаолияти ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб боради, турли ёш даврларида эса фаолият турлари ҳам ўзгариб боради. Шу сабабли бола ҳаётида ўйин, ўқувчи ҳаётида ўқиши, катталар ҳаётида меҳнат фаолиятлари катта аҳамиятта эгадир.

Ўкувчи ва талабаларнинг ривожланишида ўқув жараёнларининг аҳамияти ва таъсири бекиес каттадир. Билимларни ўзлаштириш уларнинг тағфаккурини ўстидари, ижодий қоби чиятларини шакллантиришининг асосий воситаси бўлиб қолади. Бу жараёнда уларда ижтимоий хулқ нормалари шаклланади. Шахс қайси ёшда бўлиншидан катъий назар, уларнинг ривожланишида меҳнат фаолиятининг аҳамияти каттадир. Айниқса, меҳнат инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топишида муҳим маңба ҳисобланади. Меҳнат жараёнда унинг иштирокчилари бир – бирлари билан алоқада бўлади – лар, ўзларининг нимага қодир эканликларини кўрсатишга ҳаракат қиласадилар. Меҳнат орқали шахснинг ахлоқий сифатлари таркиб тоғади, уларда ватанпарварлик, масъулият, интизомлилик, фаоллик ортади. Улар ўз – ўзини тарбиялашга астойдил киришадилар. Ўз – ўзини тарбиялашга ота – она, ўқитувчининг тарбиявий таъсири янада самарали бўлади. Тарбия билан ривожланишнинг ўзаро бир – бирига таъсири ва муносабатлари мавжуд, чунки қаерда тарбия жараёни муаммолари тўғри ҳал этилса, у шахс камолотига самарали таъсир кўрсатади. Камол тонгдан шахс тарбиянинг роли ва имкониятларига ишонч билан қарайди.

Тарбия шахснинг ривожланишини таъминлаши учун боладаги ривожланишнинг можиятини тушуниш, билиш фаолияти – нинг ўзгариш сабабларини аниqlаш зарур. Тарбия ҳақиқатан ривожлантирувчи омил бўлмоғи учун тарбияланувчи жамиятнинг тарбия олдига қўйган талабларини, шахснинг ўзига хос хусусиятларини билиши зарур. Педагогика фани шахс ривожланишида тарбиянинг етакчилик ролини эътироф этишибилан бирга уларнинг ўзаро бир – бирига таъсирини тан олади.

Шахснинг ривожланиб камол топиши, ҳаётнинг ҳамма босқичларида бир хил бўлмай, балки ёш хусусиятлари ва ҳаёт тажрибаларига қараб ҳар хил бўлади. Тарбия жараёнда ўсаётган авлоднинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини билиш ва ҳисобга олиш жуда зарур. Маълумки, бир хил ёшдаги болаларнинг, ўқувчи – талабаларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари, психик жараёнлари мавжуд.

Айниқса, миллий истиқдол мағкурасини ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим – тарбиянинг ҳамма босқичларида унинг турли шакллари орқали амалга оширилди.

Шунинг учун таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равища миллий истиқдол мағкурасини сингдиришнинг дифференциал педагогик – психологик дастурини яратиш вазифаси турибди.

Бу жараёнда халқ таълимни ходимлари боланинг муайян ри—  
ривожланиш давридаги хусусиятлари, характери ва феъл—  
авторини белги ўочи омилларнинг ҳаммаси биргаликда таъсир  
курсатишини билиши лозим. Шахснинг бутун ҳаёти давомида  
нормал ривожланиши мактабгача ривожланиш даврига боғлиқ.  
Фарзандларимиз 1 ёшгача чақалоқлик, 1—3 ёшгача эрта бола—  
лик, 3—6 ёшгача мактабгача болалик даврини бошдан кечира—  
дилар.

Янги туғилган чақалок дастлабки кунлардан бошлабок ҳаётга  
мослашиб, тез ўсиб, ривожлана бошлайди. Бу даврда ҳам жис—  
моний, ҳам ақлий тез ўса бошлайди, ҳулқ — авторидаги ўзга—  
ришлар тез кўзга ташланади.

Ота — она ва тарбиячилар мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш  
хусусиятларини яхши билишларич лозим, шундагина улар фао—  
лиягини самарали ташкил қилишлари мумкин. Бу ёшда болалар  
үйин фаолиятининг тарбиявий аҳамияти каттадир. Болалар үйин  
орқали ижтимоий ҳаётга фаол қўшиладилар.

Бу жараёнда уларни ёшларига мос меҳнат фаолиятларида иш—  
тирок этишларини ташкил этиш лозим, бу орқали уларнинг куч ва  
қобилияtlари тез ривожланади.

Болаларнинг мактаб ёшидаги ривожланиши узоқ давом эта—  
диган, қийин, мураккаб жараёндир. Бу даврда улар болаликни,  
ўсмирилик ва ўспириинликни бошдан кечираадилар. Нормал ри—  
ривожланган 6—7 ёшли бола ўзининг жисмоний ва ақлий камолоти  
жиҳатидан мактабда таълим олиш учун тайёрдир. Мактабдаги  
таълим — тарбия жараёни кичик ёшдаги ўқувчининг ҳар томон—  
лама ривожланишига, шахсий хусусиятларига кучли таъсир этади  
ва улфайишини тезлаштиради. Бу ёшдаги болада қизиқувчанлик  
кучли бўлади. Бу ҳолатдан ўқитувчи ва тарбиячилар самарали  
фойдаланишлари лозим. Бола ҳаракатчан бўлади, шу сабабли  
улар организми тез суратларда текис ривожланади. Боладаги  
қизиқишлар ўз вақтида қондирилиши, шу мақсадда пайдо бўлган  
саволларга жавоб берилиши лозим. Бу ёшдаги болага  
ўқитувчининг таъсири кучли бўлади, уларнинг топшириқ ва та—  
лабларини бажону дил бажарадилар. Ўқитувчининг бола оди—  
даги обруси ниҳоятда кучлидир. Шу сабабли муаллим энг яхши  
намуна курсатадиган шахс бўлиши керак. Бунинг учун ўқитувчи  
ўз ўқувчиларининг жисмоний ва психологияк хусусиятларини  
яхши билиши ва ҳисобга олган ҳолда улар билан мулоқотда бў—  
лиши даркор.

Бола ривожланишида ўсмирилик даврининг ўзига хос хусусият—  
лари мавжуд. Бу даврда 11—15 ёшли ўрта синф ўқувчиларидан

иборат. Бу давр ривожланишдаги энг мураккаб давр ҳисобланаб, баъзан уни ўтиш ёши даври, деб ҳам аташади. Чунки бу йилларда улар болаликни тарқ ўтиб балоғат ёнига ўтадилар. Үсмирилик даврининг мураккаблиги уларнинг анатомик – физиологик ва психо-логик хуусиятларида содир булаётган кучли ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Тарбияда үсмирилик даври, қийин давр ҳисобланади. Бу ёш – даги боланинг интизоми ёмонлашади, ўзлаштириши пасаяди. ўғил болалар ўртасидаги муносабатлар бир текисда бўлмайди. Үсмирининг хулқ – авторидаги беқарорлик, кўп нарсага танқидий кўз билан қарashi, мақтанчоқлик хусусиятларини пайдо бўлиши, қизлардан бирини яширинча севиб қолиши кабилар унинг жисмоний ривожланиши ва балоғатга етиши билан изоҳланади. Үсмирикдаги бу хусусиятларга қараб, уларнинг хулқ – авторидаги камчиликларни йўқотиб бўлмайди, деб хулоса чиқарманг. Тажрибали устоз, мураббийларнинг фикрича, ўс – мирилик энг самарали ёшдир. Улар билан олиб бориладиган ўқув тарбиявий ишларнинг самарали бўлишини таъминловчи энг асосий шартлардан бири үсмирининг жисмоний ва маънавий ривожланишининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб иш тутиш ва уларда пайдо булаётган янги эжтиёжларга фоят катта эътибор беришдан иборатdir.

Бу ёшда дўстлик, ўртоқлик тарбиясига алоҳида эътибор бериш лозим. Үсмирининг дўсти, ўзининг tengдоши, фикрдоши, тилак – доши, хатто танқидчиси ҳамдир. Бу даврда пайдо бўлган дўстлик бир умрга қолиши мумкин. Үсмиirlар билан ишлаганда, ўқитувчи, мураббийдан юксак маҳорат, сабр – тоқат, вазминлик, уларнинг мустақил фикрлашларига имконият яратиш ва тинглаш, жамоа ҳаётига оид ишлар юзасидан ўсмирга қулоқ солиш кабилар уларга тўғри тарбия беришнинг муҳим шартидир. Улар, шахсини хурмат қилган, камситмайдиган, үсмиirlарни катта бўлиб қолганини тан оладиган ўқитувчиларга ишонадилар ва ҳурмат қиладилар.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, *"Демократик жамиятга болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, беришган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз ўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир"*!

Ўспиринлик даври ёшликтининг дастлабки йиллари бўлиб, 15 – 18 ёни ўз ичига олади. Булар катта ёшли ўқувчилар бўлиб, асосан ўрта маҳсус, касб – ҳунар таълими жараённида шакла –

<sup>1</sup> Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққистининг поидевори. –Т., 1998. –9– 6

надилар. Бу давр таълим ходимлари учун жуда масъулиятили бўлиб, улар ўз олдиларига катта ёшдаги ўқувчиларни ижтимоий ва шахсий ҳаётга бевосита тайёрлаш билан боғлиқдир.

Ўспиринлик жисмоний ўсишнинг даври бўлиб, организмнинг таркиб топиши, тўқималарнинг такомиллашиши ниҳоясига етади. Бу эса, ўқувчи шахсининг хуусиятларига ва фаолиятига ижобий таъсир курсатади. Бу ёшда ўрта маҳсус таълим ўқувчисининг ўқишига муносабатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Улар ўзларининг ҳозирги ҳаёти ва фаолиятига келажак нуқтаи назаридан қарай бошландилар. Шу сабабли ўқишига булган қизиқиши билан касбга булган қизиқиши ўртасида бирлик вужудга келади. Шу мақсадда, ўрта маҳсус таълим ўқувчисининг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал ақлий ривожланиши чуқур соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишни таъминлайди, деб ўқтирилади. кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида.

Бу ёшдаги ўқувцида онглилик, мустақиллик даражасини ортиши, қизиқишилар доирасининг берилётган билимлар билан қониқмаслик, кўпроқ нарсаларни билишга бўлган қизиқиши кучаяди. Шундай экан, таълим ходимлари ахборот воситаларидан самарали фойдаланиши, турли мавзуларда маърузалар, учрашув ва баҳслар ташкил қилишнинг аҳамияти бекиёс каттадир.

Шахс ривожланишининг яна муҳим бир даври ёшлик йиллари бўлиб, бу 17 – 18 ёшдан 24 – 25 ёшгачадир. У талабаларнинг ҳар томонлами шаклланиш жараёнини ўз ичига олади. Бу даврдаги ютуқлар олий ўқув юртидаги таълим – тарбия ишларининг самара – дорлигига боғлиқдир. Талабалик даврининг хусусиятларидан бири ижтимоий етукликнинг жадал суръатлари билан рӯёбга чиқишидир. Бу даврда шахснинг мураккаб фазилатлари, хислатлари, сифатлари тақомиллашади. Жумладан, мустақиллик ташаббускорлик, толқирилик, фаросатлилик кабилар шаклланади. Ижтимоий воқеликка ахлоқий қоидаларга қизиқиши, уларни англашга интилиш тобора кучаяди. Йигит ва қизларимизни олий ўқув юртларига кириб ўқишилари уларда ўз кучлари, қобилиятлари ва ақл – заковатларига, ички имконият ва иродаларига қатъий ишонч тутғидиради.

Талабалик даврида ижодий тафаккур муайян ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билимларни тартибга солиш асосида ҳис – туйгулар, қарашлар ахлоқий қадриятлар, ўзлигини англаш ва барқарор эътиқод шаклланади. Талабалар ўқув фаолиятининг муваффақияти олий ўқув юртидаги таълим ва тарбия жараёни – нинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва унга амал қилиш, ҳамда кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида талабалар

онгида миллый ғоя ва миллый истиқдол мағкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб боришдан иборатдир.

Бу узига хослик ривожланиш жараёнида яқол намоён бўлади. Ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, бола хусусиятига мослашиш эмас, балки шу ёш даврда бола имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия ишларини ташкил этиш демакдир. Шундагина шахс ривожланишига тарбиянинг таъсири самарали бўлади. Болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг муваффақияти ўқитувчининг ҳар хил ёщдаги болалар ўртасидаги тафовутларни қай даражада ҳисобга олишига боғлиқдир. Шундай экан, тарбиячи мактабгача ёшдаги ва мактаб ҳамда ўрта маҳсус ва олий ўкув юртларида таълим олаётган ўқувчи талабаларнинг ёш даврлари билан хусусиятларини ҳисобга олмоқлари лозим. Шахс, унинг характеристики, хулқ – автори, умуман жисмоний ва манавий тараққиётини ўрганиш шунни кўрсатади, бу жараёни мураккаб ва зиддиятлидир. Шу сабабли ривожланиш жараёни бир текисда бормайди, балки бунда сакрашлар, нотекисликлар ҳам содир бўлади.

Шундай экан, ўқитувчи ва тарбиячилар боланинг ёши ошган сари унинг эҳтиёжларида, интилиш ва қизиқишиларида қандай сифат ўзгаришлари содир бўлаётганини мунтазам кузатиб боришлари лозим.

Рус педагоги К.Д.Ушинский таъкидлаганидек, педагогика фанининг энг муҳим вазифаси шахс ривожланишини ҳар жиҳатдан ўрганишдир ва ўқитувчининг ишда муваффақият қозониш шарти ўз ўқувчиларининг хислат ва хусусиятларини билишидир.

Киши туғилган кунидан бошилаб социал мавжудот бўлиб қолади. Унинг характеристики, хулқ – автори, шахси барча ижтимоий омиллар йиғиндиси яъни теварак – атрофдаги одамларнинг унга муносабати, намуна кўрсатишлари, мағкуралари, ўз фаолиятида ҳосил қилган тажрибаси таъсирида шаклланади. Албатта, ижтимоий омиллар инсон шахсининг ҳар томонлама шаклланиши самарали таъсир кўрсатади. Педагог боланинг муайян ривожланиш давридаги хусусиятлари, характеристики ва феъл – авторини белгиловчи омилларнинг ҳаммаси биргалиқда таъсир кўрсатишини билиши лозим.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Шахс ва унинг ривожланиш деганда нимани тушунасиз?
2. Шахсни ривожлантирувчи асосий омилларни тушунтириб беринг.

3. Нима учун таълим ва тарбия жараёни ривожланишда асо – сий омил ҳисобланади?

4. Шахс ривожланишида насл ва мұхитнинг таъсирини изо – ҳлаб беринг.

5. Ривожланишда ёш даврларининг үзига хос хусусиятлари түғрисида нималар биласиз?

6. Үсмир ёшидаги болалар тарбиясида муаммоларнинг келиб чиқиши сабаби нимада?

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т., 1998.

2. Каримов И.А. Соғлом авлод — ҳалқимиз келажаги. (Конституция куни муносабати билан сұзлаган нұтқи). "Халқ сүзи" газетаси. 1999 йил 8 декабрь.

3. Миллий истиқдолғояси: асосий түшунча ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон. 2000.

4. Турсынов И., Нишоналиев У. Педагогика. — Т., 1996.

5. Фозиев Э. Психология (ұқыв құлланма). — Т., 1994.

6. Воспитание и развитие детей в процессе обучения. — М., 1981.

### **1.4.Педагогиканинг илмий тадқиқот методлари**

Мавжуд дунёдаги муаммоларни, нарса ва ҳодисаларни үрга – нишнинг қандай амалга оширилишини ва унга қандай эриши – лишини, объектив борлиқнинг конкрет шароитларида содир бұладиган мұраккаб ва чуқур жараёнларнинг қандай йұллар билан үрганилишини аниқлаш ва белгилашғоят мұхим. Ҳаётни ва объектив дунёни билиш назариясида икки асосий масала: нимани үрганиш ва қандай үрганиш керак, кимни тарбиялаш керак деган масалалар бир – бири билан чамбарчас болғылғыдир.

Шахснинг камол топиш, шаклланиш, ривожланиш жараёнини, бұнда тарихий ва мавжуд щарт – шароитлар таъсири құлланылалықтан воситалар педагогиканинг илмий – талқықот үсуллары леб аталады.

Амалий педагогик ишда мұваффақият қозониш учун илмий педагогик тадқиқот үсулларини яхши билиш зарур.

Талаба – ёшларни тарбиялашдек нозик ва масъулиятли ишда энг аввало уларни индивидуал үрганиш лозим. Уларни түгри тарбиялаш учун, таълим – тарбиянинг илмий асосда үрганиш йұлларини ҳам билиш зарур. Илмий ходимларнинг педагогик

маҳоратини оширишга ва бошқа илмий муаммоларни ҳал қилишга қаратилған тадқиқот вазифаларини аниқлаш учун, таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлиги, ёшларнинг ёш хусусиятларини, болалар психологияси қонуниятларини туғри ҳисобга ола билиш каби асосий билим ва талаабаларни билишларини талаб қиласы.

Болаларни үқитиш ва тарбиялаш амалиётининг узи ҳамма вақт педагогик тадқиқотларнинг ҳаётбахш манбаси ва мезони ҳисобланади. Фақат тарбия мұассасалари ишларидағи жоопли тажрибадагина ҳар бир илмий назариянинг ҳаққонийлігін түргирилгенде ишботланади.

Тадқиқот усулларини түғри танлаш фан учун мұхим ажами – ятга зәға. Усулдар қанча мүккаммал бұлса, шу фаннинг олдида турған актуал вазифалар шүнчалик мұваффақияттың ҳал этилади. Бүгүнгі күн педагогикаси тадқиқотларининг усуллари системалы тұла ҳал қилинған масала деб бўлмайди. Бу муаммо ҳамма вақт олимларимизнинг диққат эътиборида булиб, улар тадқиқот усулларини замон тараққиёттега, талаб ва эътиёжларига қараб, ижодий тақомиллаштириб бормоқдалар. Педагогика тажриба – сини ўрганишда илмий тадқиқот ишларини тақомиллаштырышда қуйидаги усулларга асосланилмоқда:

1. Педагогик кузатиш усули.
2. Сұхбат усули.
3. Болалар ижодини ўрганиш усули.
4. Сұровнома, тест усули.
5. Мактаб ҳужжатларини таұлым қилиш усули.
6. Эксперимент, тажриба, синов усули.
7. Статистика маълумотларни таұлым қилиш усули.
8. Математика-кибернетика усули.

Илмий тадқиқот усулларидан бири педагогик кузатиш усулидир. Кузатиш режали ва тизимли булиши, унинг илмий услугуда олиб боришишининг энг мұхим белгисидир.

Кузатиши аниқ бир мақсадда олиб боришиши, кузатиш объекті түғри танланиши ва ҳар бир кузатиш танлаб олинған объект устидагина олиб боришиши лозим.

Педагогик кузатиш усули – илмий тадқиқот ишининг мұхим восьтасидир. Кузатиш жараённанда мұхим фактлар түпласш, уларни ёзиш, чизиш, қайд этиш ва шу фактлардан гипотеза чиқарып, бу гипотезаларни абстракциялаш даражасында қутариш, кейинги экспериментал кузатышларда уларни текшириб күриш, холосаларни қатыйлаштириш. Үндән сұнг бу фактларни таққослаш, анализ ва синтез қилиш, умумлаштириш орқалыгына холосалар чиқарылады. Чиқарылған холосаларга ишониб, уларға таяниб иш

қилиш учун олинган хулосаларни албатта тажрибада текшириб күриш шарт.

**Эксперимент (текшириб күриш) усули** – педагогик экспериментті – бирон бир педагогик гипотезаниң тұғыры ёки нотайтынан анықталған педагогик янгиликтердің синааб күриш учун құлаланылады.

Педагогик экспериментда иккі гурух олиніб, уларнинг бириңчисінде янги режа, янги дастурға мувофиқ янги шароитта тәдқиқтот иши олиб борилса, иккінчи гурухда зса үзгартырил – маған эски режа ва дастур асосида илгария шароитта ишлешінде жағалари солиштириб, қайсинасинанг самараадорлығы күпроқ эканлиғи солиштирилады. Илмий тәдқиқтот иши шу контрол элементтесиз тұла қийматтаға зга эмас.

Оддий кузатищ усулидан педагогик эксперимент усули ёлғыз шу билан фарқ қылады, билмоқчи бұлған ҳодисамизни үзимиз мақсадға мувофиқ равищда яратып кузатамиз. Аслида зса, ҳар иккиси ҳам кузатищдир. Бу кузатишларнинг бири – оддий кузатищ бўлиб, биз билмоқчи бұлған обьектни тайёр, бор ҳолда, унга ҳеч қандай үзгариш кириптай кузатамиз.

Иккінчи – педагогик экспериментта зса биз билмоқчи, текшириб күрмөкчи бұлған обьектимизни үзимиз мақсадға мувофиқ равищда яратып, үзгартыриб, натижасини контрол восита ёрдами билан солиштириб күриш имкониятiga зга бұлған ҳолда кузатиш – дид.

Демак, ҳар иккала кузатищ илмий педагогик билиш манбай бўлиб, бизга муҳим хулосалар чиқариш учун муҳим даиллар беради. Кузатишлар асосида чиқарилған хулосаларни тажрибада синааб күриш – илмий иш натижаларини чин обьектив ҳақиқат эканлигини анықлао берувчи мантиқий хотимадир.

Бугунги кун илмий – техника тараққиети асрида кузатишнинг визуал усуллари, хилма – хил техника воситалари: видео ва кино, турли ускуналар, эпидиаскоп, диаскоп, проектор, шахсий компьютерлар, интернет воситаларидан фойдаланиш тобора күп кулланылмоқда.

**Сұхбат усули** – педагогик тәдқиқоттарни йұлға қўйиш жа раёнида маълум мақсад юзасыдан мактаб раҳбарлари, үқитувчилар, ота – оналар, ёшлар ташкилоти вакиллари билан үтказылады. Сұхбаттар мұхим роль үйнайды. Аммо ҳар бир сұхбат түрининг үз режаси, аниқ вазифаси ва мақсади бўлади. Шу мақсадни амалга ошириш методикаси бўлади. Ҳеч қачон бир сұхбат режаси, иккінчисига үхшамайды. Сұхбатларни юз – ма – юз (индивидуал тарзда) гурух билан үтказиш турлари мав –

жуд. Сүхбатнинг бу турлари бир – бирига қўшилган ва чам – барчас боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Пухта ўйланийт ўтказилган тадқикот сұхбатлари педагогларининг ҳам, болаларнинг ҳам фикрларини оилишга, уларнинг қарашларини ва ўзларига хос хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Энг аввало тадқиқотчи болаларни индивидуал үрганмоги талаб этилади. Шундан сўнгтина бирор мақсадни мулжаллаб, тадқиқот сұхбатининг режасини тузиб, тадқиқот сұхбатини ўтказса бўлади.

Тадқиқотчининг асосий ёътиборини болаларнинг ўзларига маълум масалалар қаралаётганда нималарни ўйлаётганларини ҳамда уларнинг иш ва хатти – ҳаракатининг реал мотивлари қанақа эканлигини аниқлашга қаратилиши лозим. Ўқувчи олдин қанақа кайфиятда эди, сұхбат жараёнида боланинг кайфияти қай даражада, буни тадқиқотчи аниқ ва яхши таҳдил қилиши зарур. Тадқиқотчи маъноли ва мақсадли сұхбат олиб бориши, фикри теран, билим уммонига бой нуқтадон бўлиши тадқиқот ишининг самарадорлигига катта таъсир қиласи.

Сұхбат усули жараёнида тадқиқотчи керакли материалларни олиши учун маълум педагогик талабларни инобатга олиши зарур:

1. Сұхбатдошининг ўз фикрларини бемалол ва эркин айтишига имкон туғдириши;
2. Манман, киборли, сергап ва бачкана бўлмаслиги;
3. Ким билан сұхбат ўтказса, унинг тўғрисидаги маълу – мотларни эсдан чиқармаслик, унга ёътиборли қараш. (У билан сұхбатлашаётганида бошқа томонга қарайвермаслик);
4. Сұхбат иштирокчиларининг ёши ва онгига мос мавзуу танлай билиш;
5. Сұхбатларнинг ҳам сифатига, ҳам сонига ёътибор бериш;
6. Сұхбат ўтказиш жойи ва вақтини белгилаш;
7. Сұхбат учун белгиланган саволларнинг мазмунини (жа – вобини) олдиндан ўзи учун билиб қўйиш; (Чунки аудиторияда нуфузли сұхбатдошлар бўлиши мумкин ёки сұхбатдошлар салобати босиб қолиши мумкин).
8. Олинган материалларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва лозим бўлган тақдирда унга қўшимчалар киритиш мумкин.

Олинган, ўрганилган умумлаштирилган материаллар асосида болалар ҳаёти ва фаолиятини янада яхшилашга ҳамда ўқитувчининг ижодий ишини янада мукаммалаштиришга қаратилган илмий хуносалар ва таклифлар чиқарилади.

**Мактаб ҳужжатларини таҳдил қилиш усуслари** – педагогик ҳодиса ва фактларни текширишда мактаб ҳужжатларини чуқур ўрганиш ва ҳар томонлама таҳдил қилишга жиҳдий ёътибор бериш керак, чунки мактабда биз кутаётган ёш авлод, мустақил жамиятимизнинг тамал тошини қўйгувчи, соғлом,

мустақил фикрлай оладиган баркамол ёшлар таҳсил олмоқда. Уларни күнгилдагидек қилиб тарбиялаш учун юборилган ҳуку—матимиз фармонлари ва қарорлари мактабда қай даражада ба—жарилмоқда, уларнинг самараси қандаи эканлигини билиш учун мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш натижаси давлат қонунларини амалий бажарилиш даражасини, ҳар бир ходимнинг активлиги ва чақонлигини билишга, уларнинг амалий фаолия—тидаги хато ва камчиликларни аниқлашга ва уларнинг топши—рилган иш учун бўлган масъулиятини оширишга имкон беради.

Мактаб ҳужжатлари деганда, қўйидагилар тушунилади:

- ўқув режаларининг барча турлари;
- умумий таълимга доир ҳисоб ва ҳисоботлар;
- ўқув машғулотларининг жадваллари;
- ўқитувчи ва ўқувчилар жамоасининг сони ва сифати;
- таълим — тарбия ишларини тақсимлаш, ўқувчиларнинг шах—сий делолари, синф журнallари, ўқувчиларнинг кундалик даф—тарлари, буйруқлар дафтари, ўқитувчилар йигилишининг қарорлари дафтари, мактаб сметаси, мактаб паспорти, инвен—тарлар дафтари, умумий таълимнинг 9—синфидан кейин касб—хунар ва академик лицейларга кетган ўқувчилар рўйхати дафтари ва ҳоказолар.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш жараёнида ўқувчиларни дарсга келиш ёки келмаслигини, ўсиши ёки камайишини улар—нинг мактабдан кетиб қолишига, ўқувчиларнинг айrim фанлар ва синф бўйича ўзлаштириш даражасига, рағбатлантириш ва жазолаш чораларининг таҳлилига, мактаб педагоглар жамоаси—нинг тавсифига, мактабнинг илмий — моддий базасига алоҳида эътибор берилади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш, олинган маълумот — ларнинг объектив ҳақиқатга мувофиқ келишини, ўқувчиларнинг ижодий активлиги ва мустақиллигининг ўстнанлигини, мактабда таълим ва тарбия жараёнининг ўсиш динамикасини, илгор педагоглар тажрибасини ўрганиб, умумлаштириб бошқа ўқитувчilarга жорий этилишини кўрсатган тақдирдагина тўла қимматга эга бўлади.

**Ўқувчилар ижодини ўрганиш усули** — ўқувчилар ижодини ҳамда уларнинг тури — туман ишларини (кундалик, иншо, ёзма ишлар ва ҳисоботларини) ўрганиш ва таҳлил қилиш педагогик тадқиқотнинг самарали усуларидан биридир. Ўқувчилар ижодининг қиммати шундаки, унда ўқувчининг асл хусусиятлари равшан ва ишонарли қилиб очиб берилади. Унда ўқувчиларнинг

яхши таълим – тарбия олиб, камол топаётганлиги ақлий қобилиялари, олийжаноб ахлоқий қиёфалари, эстетик дидлари, синчковликлари ва кизиқувчаниклари гезилиб туради. Мактабларда ёш саёҳатчилар, эколог ўлкашунослар, техниклар, ёш биологлар, шоирлар, рассомлар, спортчилар, музикачилар ва кичик посбонларнинг уюшган жамоаси бўлиб, уларда болаларнинг истеъдоди аниқланади ва камол топтирилади. Булардан ташқари болаларнинг ижодини ўрганиш формалари ва йўллари хилманихидир: олимпиадалар (математика, физика, кимё, география ва бошқа турдаги) ўқувчиларнинг тематик конкурслари, чактаоб кўргазмалари (район, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида) турли хил мусобақалар, саёҳатлар ва ҳоказолар. Ўқувчиларнинг бундай ижодий ишларини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиб матбуотда ёритини мұхим аҳамиятга эга бўлиб, улар ўқувчиларни яна ҳам кўпроқ ўз устида ишлашларига илҳом беради.

**Тест, сўровномалар** – бу сўровнома, яъни анкета усули қўлланганда яратилған илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларнинг якка ёки гуруҳи фикрларини, қарашларини, қандай қасбларга қизиқишларини, келажак орзу – истакларини билиш ва тегишли хуносалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади. Тест саволларидан кўзланган мақсад оз вақт ичида ўқувчиларнинг билимларини ёпнасига баҳолашдир.

Мутахассисларнинг билимини ва савиасини аниқлаш услубларидан бири – бу тест ёрдамидаги синовдир.

Тест ёрдамида синов ўқувчи ёки мутахассиснинг билими, илми, маънавияти ҳамда ёшларнинг қайси йўналиш ва мутахассисликка лаёқати, иқтидорини зудлик билан аниқлаш ёки баҳолашга имкон беради. Тест ёрдамида билимни баҳолашнинг педагогика нуқтаи назаридан баъзи бир ютуқлари ва камчиликларида келтирилган ва баҳолаш жараёнини ЭҲМ ёрдамида автоматлаштириш мумкинлиги таъкидланган. Тест саволлари ва масалаларининг жозибадорлигига сабаб, унинг қисқа ва лўндалиги, тўғри жавобни умумий жавоблар ичида борлиги ва уларнинг ўқувчиларга кўрсатма бўлиб хизмат қилиши, унинг тошишмоқли ўйинга ўхшашлиги ва жавобни топища хотира, интифада ва топқириликлар қўл келади. Тест саволларини чоп этиш ўқувчиларнинг мустақил ишлашини янада фаоллаштиради.

Тест синовини олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига кириш имтиҳонларида қўллаш қўйидаги қатор натижалар берди.

Имтиҳон олувчи билан имтиҳон топширувчи орасидаги субъектив сабаблар ва психологик түсікілар йүқолади. Барча абитуриентларга бериладиган имтиҳон шароитлари вакти ва – риантларнинг мураккаблик даражаси, баҳолаш критерийлари деярли бир хил бўлишига эришилади.

Тест натижаларини ЭҲМ ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш амалга оширилди, ўқувчиларнинг қайси фандан ва унинг қайси бўлимидан билимларининг паст ёки юқорилигини баҳолаш ва унинг республикамиз регионлари, ҳатто айрим мактаб – лицейлар бўйича таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Иқтидорли ёшларни танлаш, олимпиадалар ўтказиш жараёнларини сезиларли даражада яхшилашга олиб келди.

Аммо олий ўқув юртига кирувчилар учун тест синови атиги З та фандан иборат, албатта бу етарли эмас. Улар бир неча фандан ва бир неча босқичдан иборат бўлиши керак. Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига кирувчи ёшларнинг нутқи, тил бўйича саводлигини назорат қилиш мураккаб булиб қолмоқда. Уларнинг тестларни механик равишда ёдлаши бошқа фанларга эътиборсизлик билан қарашга, ҳақиқий билимини онгода ҳис қилишини чегаралаб қўйишга олиб келади.

**Тест синовлар усули** – бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йигиб олиш методидир. Тест синовларини (анкетала – рини) ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Пировард натижада тадқиқот натижаларининг ишончлилиги анкеталар мазмунига, берилаётган саволлар шаклига, тұлдирилган анкеталар сонига боғлиқ булади. Одатда тест саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

**Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули** – ҳалқ таълими соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслер ва ўқув қулланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Масалан: илмий – педагогик кадрларни тайёрлаш самараадорлари ҳақида тұхталадиган бұлсак, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида аспирантурага университетни муваффақиятли тамомлаган, илмий – тадқиқот ишларига қизиқувчан тадқиқотчилар, изланувчан мавзулари аниқ бўлган, номзодлик имтиҳонларини топширганлар қабул қилинади. Бундан

ташқари, бошқа муассасаларда ва олий ўқув юртларида ишлай – диган, кафедра ва деканатлар билан бевосита алоқада бўлган "Халқ сўзи" газетасида чикқан эълон бўйича конкурсда қатнашиш ниятида бўлганлардан ҳам аризалар тушади.

2000 йил 1 январгача ЎзМУнинг аспирантурасида 335 киши таҳсил олди, жумладан: 258 киши ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда, ишлаб чиқаришдан ажрамаган ҳолда 77 киши. Шунга ухшаган мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

**Математика ва кибернетика усуллари** – ўқитиш назарияси, амалиётидаги ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тиљдан иккинчи тиљга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустаҳкамлаш, баҳолаш орқали таълим – тарбия самарадорлигини ошириш дифференциал ва индивидуал таълим бериш, мактаб ҳисботини машиналар ёрдамида тузиш каби жараёнлардир.

**Социологик тадқиқот усули** – анкетага саволлар киритилади. Бундан мақсад талаба – ёшларнинг қасб – ҳунарга бўлган муносабатларини аниқлаш, талабалар орасидаги дустлик муносабатларини ЎзМУдаги шарт – шароитларни билиш, ютуқ ва камчиликларни, ёшлар орасидаги муносабатларни, динга, хусусан тасаввуфга бўлган қизиқишиларини аниқлаш, талабаларнинг маънавий сифатлар даражасини, билим олишга иштиёки, адабиётлар билан таъминланганлик даражаси, ўқув таҳсимоти, профессор – ўқитувчиларнинг ўқитиш даражаси, ўқув қўлланмаларнинг сифати, компьютер билан машғулот ўтказиш турларини ўрганиш университетда қўлланилаётган тестлар талабалар назарида, илмий ва қасбий маҳоратини оширишдаги машғулотлар тури, стипендиялар миқдори, стипендиялар талабаларнинг ҳаражатини қанчалик қоплади, ҳақ тўланадиган ишларда талабалар қатнашдими, ота – оналарининг моддий ёрдами, уларнинг маълумоти, иш жойи, талабаларнинг кўп шуғулланадиган жамоат жойи, яшаш жойи, илмий дунёқарашининг шаклланишида таъсир этувчи омиллар, мутахасис сис бўлиб этишида ҳал қилювчи омиллар, талабаларнинг онглилик даражаси жараёни, комил инсон бўлиш учун керакли бўлган маънавий сифатлар, комилликка эришиш учун тезроқ қутулиш керак бўлган салбий сифатлар, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" ва таълим ҳақидаги Қонуннинг моҳияти ва мазмуни ҳақидаги талабаларнинг фикрлари, "Ўзбекистон XXI аср бўсафасида" китобига муносабати, ўзлаштирганлик даражаси

ҳақидағи саволлар анкетага киритилади. Савол – жавобларнинг барчаси компьютерда қайта ишланади ва хуросалар чиқарилади.

### **Савол ва топшириқлар**

- 1. Илмий педагогик тадқиқёт усулларини санаб беринг.**
2. Педагогик кузатиш усулини гапириб беринг.
3. Болалар ижодини ўрганиш усулининг моҳиятини таҳлил қилинг.
4. Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усулини гапириб беринг.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997.
2. Каримов И.А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т., 1997.
3. "Ўзбекистон Республикаси Таълим түғрисида"ги Қонуни. 1997.
4. Файбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ.А., Маматқурова Р. ва бошқалар. Педагогика. –Т.: Университет. 1999.
5. Файбуллаев Н.Р. Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова Қ.А., Маматқурова Р. ва бошқалар. Педагогика (Барча бакалавр йўналишлари учун). 2000.

## 2. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ АСОСЛАРИ

### 2.1. Тарбия жараёни ва тарбия усуллари

Тарбия кенг маънода ёшларни, инсонларни объектив ва субъектив таъсиirlар асосида аҳлоқий, ақлий, амалий, жисмоний шаклланиш жараёнидир.

Тарбияланувчи ва тарбияловчи муносабатлари нуқтаи — назаридан эса тарбия — маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эътиёжларини назарда тупиган ҳолда, уқитувчининг уқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган узаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Бирон бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнининг можияти ва вазифалари тарбиячи томонидан режалаштирилади ва тартибга солинади:

а) Талабанинг қайси хислатини шакллантириш ёки йўқотиш мақсадида режалаштирилади.

б) Шу хислагларни тарбиялаш ёки йўқотиш учун хизмат қилиувчи манбаларни излаб топилади.

в) Белгиланган мақсад учун хизмат қиласиган назарий ва амалий манбаларни қайсисини ва қаерда ишлашни режалаштирилади.

Бундай режага солиниб олиб борилган тарбия можиятини таълим — тарбия тизими, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фюзилияти ташкил қиласи.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда бекиёсdir. Инсонни тарбиялаш уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти — ҳаракатини секин — аста куникмага айлантириб бориш лозим.

Шу тарзда инсон аста — секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узоқ давом этадиган масъулият, шарафли меҳнат ва қунт, иро-дани талаб этади. Бунинг учун болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий, инсоний сифатларнинг шаклла — нишида оиласидаги, атрофдаги, жамиядаги мухит ва болаларга булган муносабат мухим роль уйнайди. Ота — оналаримиз ва атрофдагиларнинг бир — бирларига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга қараб шаклана боради. Улар аввал катталарга тақлид қиласидилар. Сўнг секин — аста қилаётган ишларининг можиятини

англайдилар. Болаларни тұғри тарбиялашда ота – онанинг онги, маңнавияти, билими, тарбияланғанлиги мұхим ажамияттаға эз.

Аник бир мақсадға қаратылған тарбиянинг самараадорлігі тарбиячининг қандай методдан фойдаланишига боғлик.

**Метод** – юононча атама бұлып – айнан нимагасыр йұл деган маңнони англатиб, яъни мақсадға эришиш үйлени билдиради.

Бирор бир мақаддан келиб чиқсан ҳолда йұл танлаш, ахборотни узатиш ва қабул қилиш харakterига қараб методдар (усулар) қўйдаги гурухларга бўлинади:

1. Суз орқали ифодалаш усуллари суз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшлиши орқали қабул қилиш, хикоя, маъруза, сұхбат ва бошқа усуллар киради.

2. Тарбиянинг кўргазмалик усули, уларга: кинофильмлар, тасвирий санъат, бадий санъат ва бошқа кўриш орқали тарбиялаш усуллари киради.

3. Тарбиянинг амалий, намуна усуллари дейилиб, уларга: тарбия маълумотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш, ўрнак кўрсатиш, бошқаларни амалий меҳнатини мисол қилиб кўрсатиш усуллари.

4. Ўқувчи – талабаларнинг яхши бажарған ишларини, ўртоқлари олдида ёки ота – оналар мажлисида маъқуллаш, миннатдорчилек билдириш, стипендияларини ошириш, мақтov ёрлиқлари топшириш, суратларини ҳурмат таҳтасига ёпиштириш ва бошқа оғзаки "рахмат", "баракалла" каби рағбатлантириш каби усуллар киради. Бу усуллар тарбиячи буюрган ишга бурч ва масъулият билан ёndoшган талабаларга қўлланилади. Аксинча, тарбиячи ёки ота – она буюрган ишга масъулиятсизлик билан ёndoшган ва уни үдалай олмаган ўқувчиларга (фарзандларга) танбеҳ берилади.

#### **Танбеҳ бериш ва жазолаш усуллари:**

1. Ўқувчининг бажарған ишини хато эканлигини тушунтириш.
2. Хатони иккинчи бор қайтарса, танбеҳ бериш.
3. Огоҳлантириш.
4. Қаттиқ огоҳлантириш.
5. Уялтириш.

Юқоридаги жазо турларини ўқувчи ёки синфи оғизи қўллайди. Аммо гурухидаги ўртоқлари ёки синфдошлари олдида изза қиласай деб болани уялтираса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

**Жазо** – бу боланинг нотўғри қилган ишига ўзини иқрор қилдиришдир.

Агар бола сиз огоҳлантирмасинги ғиздан ёки тушунтирмасин – гиздан олдин ўз хатосини тушунган бўлса – ю, сизга қилган ха – тосини айтолмай изза чекиб турган булса, уни жазолашга за – рурат йўқ. Энди бу хатони қайтармайман, деган маънода сизга қарайпти. Сиз унга яна бир марта имконият беринг. Аммо кейинги гал ҳам хато қиласа ва сизнинг огоҳлантирган имко – ниятларигизни тан олмаса, ундаи ҳолда юқоридаги жазо турларини қўллаш мумкин.

**Уят** – бу инсоннинг ёнг нозик сезгиси бўлиб, ўқувчини ўр – тоқлари ёки колектив олдида изза қилиш (уялтириш) энг юқори жазо ҳисобланади.

Ўқувчини жамоа орасида изза қилиш энг охирги чорасиз қолганда қўллаш мумкин. Энг маъқули ўқувчи билан юзма – юз меҳрли оҳангда, унга ишонч билдириб, қалтис иўдан қайтариш мақсадга мувофиқдир.

**Тарбия** – Субъектив нуқтаи назардан ҳар бир инсоннинг ҳа – ётда яшаш жараёнида ортирган сабоқлари ва интеллектуал сало – ҳиятларининг ижобий кўнилмаларини ўзгаларга бериш жараёни.

**Тарбияланганлик** – миллий урф – одатларимиз мезонига кирмаган, ўзгаларнинг уринли норозилигига сабаб бўладиган хатти – ҳаракатлардан ўзини тия билиш.

Боланинг характеристерини, оиласидаги тарбиясини, унинг ор – номусини, шарм – ҳаеси – каби нозик туйғуларининг тарбия – ланганлик даражасини билмай туриб, бирданига жамоа орасида уялтириш, яхши ўйлаб кўрмаслик ёки жаҳл устида тинимсиз (тан жароҳати етказиши) қалтаклаш мумкин эмас. Сизнинг танлаган жазо усулингиз ўқувчини ёки фарзандингизни қилган хатони тушунишга, бошқа қилмаслигига тарбиявий сабоқ бў – лиши керак. Жазо адолат мезонига таяниб қўлманилмоғи лозим. Зеро, бу қўллаган жазо усулингиз ўқувчининг шаънига, гурурига ва уни руҳий азоб – ўқубатларга солмаслиги назарда тутилиши керак. Агар бу жазо усуллари ўзининг самарасини бермаса, у ҳолатда эҳтиёткорлик билан мактаб маъмурияти ва жамоа ҳамкорлигига бошқа чораларни ишлаб чиқиш керак.

Бутунги кунда Педагогика фани ҳам, амалиёти ҳам тако – миляшиб бормоқда. Шунингдек, тарбия жараёни ҳам замон талабига монанд такомиляшиб боради.

Мустақил жамияттимизнинг қисқа тарихий даври сабоқларини, ғояларини, тамойилларини талабалар онгига сингдириш, уларни ақдан баркамол ва маънавий бой қилиб тарбиялаш биз тарбиячилар ва ота—оналарнинг бурчимиздир. Президенттимиз И.А.Каримовнинг “Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз” мавзусидаги “Туркистон” газетаси мухбирларининг саволларига жавоблари (1999 йил 3 феврал) биз учун дастуриламал бўлади. Уларга бир назар со—лайлик:

“Туркистон” газетаси мухбирининг саволи:

“Яхши биламизки, мустақил тараққиёт йўли оқ поёндоz тўшалган равон йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст—баландликлар, тўсиқ ва қийинчилликлар, мураккабликлар бў—лиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг еттиши йиллик ис—тиқмол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хуло—салар нималардан иборат?”.

Президенттимиз И.А.Каримовнинг жавоблари:

“Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчиллик ўйлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан.

— Ватан, миллат тақдирни ҳал бўладиган қалтис вази—ятда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало, тарихни яхши билиш, ҳаётнинг аччиқ—чучугини билиш керак.

— Адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.

— Энди, эски жамиятни инкор қилиш ёки маъқуллаш кай—фиятидан воз кечиб, бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди.

— Миллат, давлат, жамият тақдирни ҳал бўлаётган пал—лада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унум—маслик катта аҳамиятга эга.

— Биз инсонлар дунёқарашини бошқариш фикридан йи—роқмиз, балки биз инсонларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз.

Тарих инсон кўзини очар экан. Уни ўрганиш кўп ҳатпо—ларнинг олдини олади. Мақсад фақат илмий маданий ме—росни, тарихни ўрганиш эмас, балки бетакорр ҳазинамиз—нинг илмий—амалий тамойилларини янги даврга хизмат қилувчи қирраларини, ҳикматларини очиш, уларни ҳаётга тадбиқ қилишдан иборат. Чунки инсоният тарихига давр—лар, жараёнлар чархпалак каби айлануб, қайтарилиб ту—ради. Фақат бу ҳатолар янги тарихий босқичда, янгича

шаклда рүй беради. Бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул томонлари бўлган. Ҳалқимиз бошидан кўп воқеаларни ўтказган. Зафарни ҳам, маглубиятни ҳам, парокандаликни ҳам кўрган. Буюк Амир Темур ҳуқмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнилар ёрқин мисол бўла олади.

Буюк аждодимиз юксак тараққий топған давлат барпо экани ва бу мамлакатда "Куч-адолатгадир" деган бошиор давлат сиёсатининг, жамиятнинг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу гоя одамларга куч берган, уларда инсофидёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, ҳалқ ҳеч қачон йўлдан адашмайди, эртами – кечми фаровон турмушга эришади.

Менинг раҳбарлик лавозимимда меҳнат қилган тажрибамдан чиқадиган энг муҳим ҳаёттий хуносам шуки, адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.

Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлааманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, борингки оила мисолида ҳам омадимиз, файз-баракамизнинг гарови шарти бўлмиш тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини – адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантиргомимиз керак. Фақат шу асосдагина, фуқаролар розилиги, миллатлараро тотувлик юртимизда қарор топған осойишталикни асрар мумкин", – деб жавоб берди юртбошимиз.

Президентимизнинг бу ўринли сабоқлари тарбиячи педагоглар учун йўлланмадир.

Адолат ўзи нима? У қандай тушунча? Нима учун Президентимиз адолат биз қураётган жамиятимизнинг мезони бўлиши керак дедилар? Бу тушунчани педагогика соҳасида қандай талқин этиш мумкин?

Адолат – ҳаёттий масалаларни ахлоқий ва ҳуқуқий нормала – рига риоя этган ҳолда ҳал этишдир.

Адолат тушунчаси билан боғлиқ жиҳатлар жуда кенг қамровли бўлиб, адолатли инсон, адолатли жамият каби тушунчалар шундай жиҳатлар жумласига киради. Адолатпарварлик тушунчаси эса адолат тамоилига амал қилган ҳолда иш олиб бориш, йўл тутиш, фаолият юритиш демакдир. Бу тушунчанинг моҳиятини оиласда фарзанд тарбияси жараёнида

уррайдиган қүйидаги ҳаётий масалаларнинг ечими асносида қарайлик.

**Масалан.** Ака дарс килдеганида укаси оёқ тагида "ғинг-ғинг" лаб машинасини үйнайверди. Акаси бир-икки бор ука-сига бошқа уйга чиқиб үйнашини илтимос қилди. Аммо укаси қулоқ сөлемади. Жағли чиқкан ака укасининг машинасини олиб, эшикдан улоқтириди. Бундан хафа бўлган ука: "Акам урди", — деб онасига йиғлаб борди. Она кичик ўғлининг гапига кириб: "Кап — катта йигит, кичик болани урдингми?" — деб койиди ва бир шапалоқ урди. Бу ҳолатни кўрган кичик ўғли курсанд. Она ҳам кичик ўғлининг юзидағи табассумдан боши осмонга етган ҳолда уйдан чиқиб кетди.

Масала она томониданadolatli ҳал қилиндими?

Адолат таърифига мурожаат қилиб, бу ҳаётий масалани таҳдил қиласиган бўлсак, аканинг ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий нормалари паймол қилинганлигини кўрамиз. Масала она томониданadolatli ҳал қилинмади. Ака — ука ўртасида меҳрсизлик муносабатларининг пайдо бўлишига биринчи замин яратиљди.

Уканинг эса бундан бўён ёғон галиришига йўл очиб берилиди. Бундай ҳолатлар бир неча бор тақрорланса, ака: "Ота — онам мендан кўра кўпроқ укамни яхши кўрар экан", — деган холосага келади. Адолатсизлик замирида ака ичимдагини топ дейдиган, оиласагиларга ва ака — укаларга бемеҳр бўлиб тарбиялана бошлади. Агар она: "Қани юр — чи, ўғлим", — деб ака ва укани юзлаштириб, ҳақиқатни, яъни аканинг урмаганлигини аниқлаганида, уканинг тұхмат қилаётганини билиб, ўз вақтида чора кўрганида эди, ака — укалар орасида меҳр, ишонч, бир — бирини ҳурмат қилиш, алдамаслик, қилган айбини тан олиб иш кўриш каби кўникмаларни янада шакллантирган бўлар эди.

Ота — она ва фарзандлар орасидаги алодатнинг ахлоқий ва ҳуқуқий бузулишлари салбий сифатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Оиласаримизда болаларнинг ёшлигидан бошлаб яхши сифатларни шакллантириб боришга жиддий эътибор бермогимиз лозим, ҳаётий масалаларни ҳал қилишда ота — онанинг билими, маънавияти, ўзини тутиши, юриш — туриши катта аҳамиятга эгадир.

Фарзандлар, талабалар, қолаверса, одамлар орасида алодат — парварлик хислатларини камол топтиришда ўрнак кўрсатиш, тушунтириш ва уқтириш, рағбатлантириш, оғоҳлантириш, тан — беҳ бериш, уялтириш (изза қилиш), суҳбат, мунозара ва баҳс каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

## **Савол ва топшириқлар**

1. Қандай жараёнга тарбия жараени деб айтилади?
2. Тарбия усуллари неча гурухга булинади, санаб беринг?
3. Адолат тушунчаси таърифининг моҳиятини изоҳланг ва мисоллар келтиринг.
4. Қандай инсонларга тарбияланган инсонлар дейилади?

## **АДАБИЁТЛАР:**

1. И.А.Каримов. Буюк келажак сари. –Т.:Ўзбекистон. 1998.
2. И.А.Каримов. "Туркистан" газетаси мухбирининг саволларига жавоблари. 1999, 3 феврал.
3. Абу Райҳон Беруний. Руҳият ва таълим –тарбия ҳақида. –Т.:Ўзбекистон. 1992.
4. Мұнавваров А.К. Педагогика. –Т.: Үқитувчи. 1996.

### **2.2. Ахлоқ, одоб, хулқ тарбияси ва мутахассислик ахлоқи**

Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавият – маърифат кенг қулоч ёйган, илм – урфон тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият қуриш ва унда бир – бирiga меҳр – оқибатли, камолотли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда ҳалқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, яратувчилик ишига, эзгуликка интилиши кучли бўлади. Бундай жамият фуқароларида соғлом фикр, ақл – идрок ҳар доим устувор бўлади. Қайта қуриш, ошкоралик ва миллий мағфура сиёсати маҳсулидан баҳраманд бўлган Республикамиз ҳалқи чуқур билим ва юксак тафаккурга асосланган ана шундай адолатли, ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан дадил олға бормоқда. Президентимиз ўзининг "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат" асарида бундай дейди: "Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляяпмиз. Адолатга интилиш ҳалқимиз маънавий – руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир. Адолатпарварлик гояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизи –

*муга сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак".*

Президентимиз ўзининг узокни кура оладиган доно сиёсати туфайли Республикаизни турғунлиқдан, маънавий ва иқтисодий қарамаликдан озод қилиб, янги мустақил жамият қура олди. Бу жамиятнинг асосини нима ташкил қиласи? Унинг кучи қаерда?

Ўз мустақил йўлини танлаган Республикаизда Президен – тимиз томонидан олиб борилаётган «Ўзбек модели» асосидаги ислоҳатларни амалга оширишда қуйидаги беш тамойил ётади:

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги.
2. Қонуннинг устуворлиги.
3. Давлат бош ислоҳоти.
4. Кучли ижтимоий сиёсат.
5. Ислоҳотларнииг босқичма – босқич амалга оширилиши.

Хукуматимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат қариялар, ногиронларга курсатилдётган ғамхўрлиқда, ёшлиарнинг билим олишлари учун доимий равишда курилаётган чора – тадбирларда ўз аксини топмоқда.

Юргбошимиз таъкидлаганларидек: “Халқ очликка, йўқчаликка, қимматчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидаи ол – майди”.

Қомусимизда, “ҳар бир фуқаро динидан, ирқидан, миллатидан, келиб чиқшидидан, амалидан қатъий назар қонун олдига баробардир”, дейилади.

Республикаизда амалга киритилган ва ишлаб чиқилаётган қонунларда қуйидаги кафолатлар таъминланган:

— аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлиши таъминланган;

— барчанинг тентлигини, фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушкини олишга имкон яратилган.

Юргбошимиз ҳақиқат, адолат каби инсоният абадул – абад интилган сифатларни ўз тимсолларида кўрсатиб бераётган чина – кам раҳбар сифатида тобора ҳалқнинг қалбига сингиб бормоқда. У истаган адолат дунёси истиқлолдан сўнг юртимиз узра бош кўтарди. Мустақиллик бизга маърифий, маданий, адолатли ва инсонпарвар жамият қуриш имкониятини берди. Энди бу жамиятга ҳар бир инсон ўз ўрни, мавқеига яраша вижданан ҳисса қўшмоги лозим. Биз педагоглар, ота – оналар, тарбиячилар ҳам

талаба ёшларда адолатпарварлик, ватанпарварлик, теран ақл—идроклилик каби маънавий сифатларни тарбиялашда ўз меҳна—тимизни аямаслигимиз, бутун куч — қувватимизни ишга солини—чиз керак.

Буништук учун энг аввало инсон фазилатларининг ўзаро муносавиатларини ва ўринини аниклаб олмоғимиз лозим. Инсоннинг маънавияти унинг одоби, хулқи, маданиятидан ташкил топади. Маънавият эса ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларини камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Фазилатлар инсоннинг ижобий сифатлари мажмуудан иборат.

Сифат алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир.

Фазилат — алоҳида шахс, эл, элат, ҳалқ, улусга таалуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуми.

Ўқиб — ўқсан, чуқур маънавиятини адолатни ва адолатсизликнини фарқига тушунган инсон қайси йўлдан бораёттанилигини тушуниб етади. Юртига нисбатан меҳр, ғурур пайдо бўлади. Натижада у Ватанининг равнақига муносаб фарзанд сифатида ўз ҳиссасини қўшади. Аждодларимиз яшаб ўтган, мени ўз бағрига олиб улғайтираётган Ватан учун мен нима қила олдим, мени гўдакли—тимдан едириб—ичирган ота—онам, она замин, қонлари томиримда жўш үраётган аждодларимиз шаънига муносаб ишлар қиласапманми? — деган саволларни ўз вижданни олдига кундаланг қўяди.

Биз педагоглар ва ота—оналарнинг бурчи фарзандларимизни ва талabalаримизни Ватанга муҳаббатли, имонли, эътиқодли, адолатпарвар қилиб тарбиялаб, вояга етказишдан иборатdir. Бундай фазилатларни ўзида касб этган ёшларимиз, қандай ва зиятда бўлмасин, ҳамма вақт ўзига тўғри йўл танлай олади.

Ўзларининг чуқур билимлари ва адолатли хатти—ҳаракатларини кўнижмага айлантирган бундай нуфузли талаба ёшларимиз мустақил жамиятимизнинг тамал тошини қўйгувчи фидойи инсонлар бўлиб етишишлари муқаррардир.

Инсон — табиатнинг энг буюк неъмати. Унга ақл—идрок, онг, фаросат каби буюк фазилатлар ато этилганки, инсон бу фазилатларга сайқал бериб, ривожлантириб, оламни, инсониятни камолотта етаклаб боради. Таниқли шоиримиз Э.Воҳидов айтганларидек:

**Мулки борлиқ ичра бир маңал,  
Мұъжазгина олам яралған,  
Бермоқ учун дүнёга сайқал,  
Олам аро одам яралған.**

Одамнинг инсон сифатида шаклланған бориши жарағында унинг камолоти даражаси одоб, ҳұлқ, ахлоқ, мәданият, маңынан – вият элементтерининг унда қанчалик мужассамланғанлығы билан белгиланади. Шу үринде бу категорияларнинг мөхияти устида тұхталиб үтиш жоиздір.

**Одоб** – ұар бир инсоннинг үзге бир инсон билан ёки жамоа билан бұлған мұлоқотыда ҳамда юриш – туришида үзини тута билишидір.

**Хұлқ** – одобнинг инсон қалыптағы ички түйік күнікмага айланған күриниши.

**Ахлоқ** – жамиятда қабул қилинған, жамоатчылық фикри билан маңылланған хұлқ – одоб нормалари мажмуси.

**Мәданият** – "жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жарағында тұпланған барча ижобий ютуқлар мажмуси".

**Маңынавият** – инсон онғидаги моддий ва маңынавий күнік – маларини акс эттирувчи барча ижобий, рұхий, интеллектуал фазилатлар мажмусаси.

Инсоннинг мушоҳада қилиши ақлни пешлайды. Ақл онғни сайқаллады. Онг эса моддий ва маңынавий манбага айланади. Шу тарзда инсон секін – аста такомиллашиб, комилликка әрішиб болады.

Юқоридаги фикрлардан күриниб турибиди, инсон маңына – виятли бўлиши учун жуда кўп илм олиши ва инсонийлик фа – зилаттарини, сифатларини үзида күнікмага айлантириш лозим. Бунинг учун у үз устида тинмай изланиши ва ҳаётни кузатиб, ундан сабоқ чиқарыб бориши лозим.

Ҳаётни кузатар эканмиз, ұар бир инсоннинг жисмоний, интеллектуал ва маңынавий жиҳатдан ягона бўлишини, унга ұар томонлама айнан бўлған иккинчи бир инсоннинг йўқлигини ва тарихда ҳам бўлмаганлигини кўрамиз, табиатнинг ҳассослигига, бетакрорлигига тасаннолар ўқиймиз. Инсонлар бир – бирларига айнан бўлмасалар – да, улар бир – бирларини тушуниб, үзаро ҳамкорликда ҳамжиҳатлик билан бунёдкорлик, яратувчилек билан шуғулланмоқдалар, эзгулик уруғини сочмоқдалар, бу уруғларнинг ҳосилидан баҳраманд бўлиб яшамоқдалар. Бундай инсонлар ҳам ақлий, ҳам ахлоқий билимларни пухта эгаллаган, ұар нарсага қодир, юзидан нур балқыйдиган, тилидан бол то –

мадиган, хушхулк, хушфеъл инсонлардир. Улар жамиятнинг, халқнинг севимли фарзандлариdir. Шу боис уларга ҳавас киласа, тақлид қиласа, улардан намуна олса арзиди

Абдулла Авлоний узининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида ана шуцдай инсонлар ҳақида бундай дейди: "Яхши фазилатларни ўзига касб қилиб олган инсонлар яхши инсонлар дейилур". Авлоний яхши инсонлар деганда одамларга яхшилик қила оладиган, камтар, сахий, меҳнаткаш, меҳр – шафқатли, билимдон, ўзгалар учун қайғурадиган, мард инсонларни кўзда тутса, "Ёмон инсонлар деб, ёмонлик фазилатлари яхши фази – латларидан устун турадиган инсонларга айтилади", дейди. Муаллиф ёмон инсонлар деганда хасис, баҳил, бировларнинг ютуғини кўра олмайдиган ҳасадгүй, фақат узим дейдиган худ – бин кишиларни назарда тутади. Авлоний кишиларни ўзида яхши фазилатларни тўплашга, эл назарига тушишга, яхшиликка интилувчан, ўзини тарбиялаб борувчи инсонлар бўлишга ун – дайди.

Мозийга бир назар ташлайлик. Эркакларимиздан уларга хос мардлик, жасурлик, ғурур каби хислатлар мерос бўлиб кела – ётган бўлса, момоларимиздан ор – номус, иффатлилик, назо – катлилик, шарм – ҳаё, ширинзабонлик каби хислатлар асрлар – дан – асрларга мерос бўлиб ўтиб келмоқда. Демакки, бу хусу – сиятлар элимиз, юртимиз, миллатимизнинг қондош ва жондош ажралмас бир маънавий қиёфасидир. Эндиликда замондош ий – гит – қизларимиз юриш – туришлари, хатти – ҳаракатлари, кий – инишлари билан ўзларини қанчалик ута тараққийлашган шаҳар фуқаролари каби кўрсатмасинлар, барибир улар қалбан шу маънавий мероснинг эгасидирлар.

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" асарларидағи Отабек ва Анваржонлар бугунги қизларимиз баҳги – нинг идеали бўлса, Кумуш ва Раънолардаги шарқ аёлларига хос иффат ва латофат, бокирилик, ҳаёлилик, вафодорлик, севган ки – шисини эъзозлаш каби хислатлар эгаси бўлган қизларимиз, ий – гитларимизнинг орзуси ва ниятидир. "Меҳробдан чаён" романи – даги Анвар ва Раъноларнинг шеърий ёзишмаларига эътибор бе – рапайлик.

Анвар:

Агар Фарҳоднинг Ширини, бўлса Мажнунларнинг Лайло – си,

Насиб бўлмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.

Мазмуни: Фарҳодга Ширин насиб қилган бўлса, Мажнунга Лайло насиб қилган бўлса, барча гўзал қизларни бир гулшанга йиғсак, шу қизларнинг сараси, яъни раъноси менга насиб қиласди, — деб ўз қалб түғёнларини, баҳтидан ниҳоятда мам — нуналигини зиёлиларга хос ўта нозик эъзозлаш орқали етказади.

*Раъно:*

**Муҳаббат жомидан нўш айлаган ақли зако бўлмиш,  
Фунуний тибда мажнундир кишининг куйса сафроси**

Мазмуни: Муҳаббат сеҳрининг самимий туйгулари тўлди — рилган габоқдан баҳра олган инсоннинг ақли теран, тафаккури кучли бўлади. Бундай маънавий озуқадан баҳраманд бўлган киши ҳеч қачон телба (мажнун) бўлмайди. Табобат илмидан маълумки, кишининг сафроси куйсагина у телба бўлиши мумкин.

Бу асарда шарқона муҳаббатнинг нафис, эъзозли, ҳақиқий меъёрига етказилган идеал намунаси баён этилади. Ёзувчи за — мондош йигит — қизларимизни ана шундай беғубор, самимий, эъзозли севишга ундаиди.

Адид Абдулла Қодирийнинг асарларида комил инсонларгагина хос бўлган бундай нозик ҳис — туйгулар, фазилатлар акс этти — рилган ўринлар бисёрдир. Улардан ёш йигит — қизларимизни тарбиялашда ўринли фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.

Меросий манбаларимизнинг яна бири Абу Райҳон Берунийнинг "Хиндистон" асаридир. Аллома бу асарида қизларга шундай мурожаат қиласди: қизим, сен урганган уйингдан кетиб, нотаниш бир хонадонга келин булиб тушмоқдасан. Эринг осмон бўлса, сен ер бўл, Осмон ўзининг шифоли ёмғири билан ерни кўкартирганидек эринг ҳам ўз меҳри билан сени асраб — авайлайди. Эрингнинг кўзига пала — партиш кўринма, ўзингга оро бер, сув ва сурма ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин. Эринг кучи етмаган нарсаларни олиб бер деб ҳархаша қилаверишни ман қиласман...

Абу Райҳон Беруний бу фикрларини худди бугун қизларимиз ва аёлларимизнинг қулоқларига шивираётгандек, назаримизда. Берунийнинг ижодига разм солсак, ул зоти ша — рифнинг ниҳоятда кўп мутолаа қилганини, изланганини, ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Беруний фақат ҳайитлардагина дам олганлар. Улар ҳайитнинг биринчи куни хасталарни, кўнгил яқинларини, ёши улуғларни зиёрат қилганлар. Иккинчи куни марҳумлар хонадонига таш — риф буюриб, уларни ёд айлаганлар. Учинчи куни эса кейинги

ҳайитга етгулик озуقا ва кийим – бош, керакли уй – рўзгор буюмлари, асбобларини харид қилиш учун вақт ажратганлар.

Беруний 76 ёшида хасталаниб ётиб қолади. Анчадан бери тўшакка михланиб қолган Берунийнинг ҳолидан шогирдлари кириб – чиқиб, дам – бадам хабар олиб турадилар. Шундай кунларнинг бирида Берунийдан ҳол сўраш учун қози Валвалу – жий ташриф буоради. Беруний қозининг мерос тақсимотига янги шарҳлар киритганини эшигтан, лекин қози билан бу ҳақда бамайлихотир суҳбатлаша олмаган эди, ўша шарҳни қозидан айтиб беришини илтимос қиласди. Қози: "Маъкул, аммо сал куч йиғиб олганингиздан сўнг бафуржга гаплашармиз", – дейди. Беруний: "Эй қози, мен шу мерос тақсимоти ҳақидағи шарҳин – гизни билмай бу дунёдан кўз юмиб кетганимдан кўра билиб, хотиржам кетганим афзал эмасми?" – дейди. Ноилож қолган қози мерос тақсимоти шарҳини баён қиласди. Беруний бор ву – жуди билан кузи юмилган ҳолда тинглар, айрим жойларини маъкуллар, айрим жойларига ўз фикрини ва таклифларини билдирап эди. Сўзини тутатган Валвалужий Берунийнинг оғир нафас олишига қараб, бутун шу суҳбат шарт эмасмиди, ул зотни толиқтириб қуйдим, деб ҳижолат бўлади ва кетишга рухсат сўрайди. У ҳали маҳамма бошидаги уйига ётиб ҳам кел – маган эдики, Берунийнинг ҳовлисидан йиғи овози эшитилади. Валвалужий орқасига қайтади. Давр илмига ташна, фан фи – дойиси Берунийдан шу тарзда жудо бўлган эди. Ул табаррук зот узидан бир қанча ноёб асарлар қолдирдики, мана неча асрлар – дан буён унинг авлодлари бу бебаҳо манбалардан ўзлари учун бой маънавий озуقا олиб келмоқдалар. Уларнинг адолатли, оқил фикрлари ҳанузгача маънавий дунёмизни машъял каби ёритиб келмоқда.

Алломанинг қуидаги мисраларига диққат қилинг:

Ҳеч бир гап қолмади мавҳум бўлмаган,  
Жуда оз сир қолди маълум бўлмаган.  
Билимим ҳақида чуқур ўйласам,  
Билдимки, ҳеч нарса маълум бўлмаган.

Ул зот улкан кашфиётлар, чуқур билим эгаси бўлишларига қарамасдан ўзининг ҳеч нарса билмаслигини, бундан ҳам кў – проқ билиш мумкинлигини айтиб, ўзига нисбатан норозилик билдиримоқда. Бундан ҳам ортиқ камтарлик ва бундан ҳам ортиқ ўзига талабчанлик бўлмаса керак. Берунийнинг бу фикрлари

толиби илм аҳли учун катта ҳаётий сабоқ, вақтнинг ҳар бир дақиқаси қайта тақрорланмас эканлигини тушуниш, уни беҳуда сарфламаслик, қадрига етиининг амалий намунасиdir.

Инсон қадри умрида қанча йил яшагани билан эмас, балки бу фурсатдан қандай фойдаланганлиги, эл ва жамият манфаати йўлида нима ишлар қилганлиги билан улчанади. Бир аср умр кўриб, ном – нишонсиз ўтганлар ҳам бор, оз умр кўриб, абадий ном қолдиргандар ҳам бор. Инсонлар эл назарида уй – жой, молу мулклари билан яшамайдилар, балки ҳалқ учун қилган шарафли ишлари билан барҳаёт яшайди. Тарихга назар солсак, неча – неча асрлар давомида шоҳлар, бойлар, дарвешлар, хуллас қанча – қанча инсонлар бу ҳаётдан ўтишган. Аммо ҳалқи учун, унинг маънавий камолоти йўлида риёзат чеккан Форобий, ал – Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Нажмиидин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Лутфий, Алишер Навоий, Биноий, Ко – шифий каби алломаларимиз инсоният камолотининг йўлчи юлдузлари бўлганликлари учун мана неча асрлар ўтибдики, биз билан ёнма – ён яшаётгандек ишимизга, ўйларимизга, орзула – римизга ҳамкор, ҳамнафас, руҳи – поклари хотирамизда аба – дийдир.

Яхши фазилатлар қалбида макон қурган ва уларни ҳаёти да – вомида янада сайқаллаб, такомиллашибириб борган инсон камо – хотга эришиб бораверади. Ақлий, ахлоқий, хуқуқий ва қасбий билимлари сарчашмасини тұлатиб, камолотта интила борган инсон жамиятда қүёш каби нур сочиб туради. Қүёш үз нури билан ҳам иситиб, ҳам шифо берганидек, комил инсон ҳам юр – тига, Ватанига фақат яхшилик келтиради, унга маънавий озуқа ва зэгулик беради. Инсоннинг тарбияланганлигини қандай ба – ҳолаш мумкин? Унинг мезони нимадан иборат?

Инсон комилликининг мезони унинг ўқиб – уққанлиги, ақлий ва ахлоқий билимлари савияси ва уларни ҳаётда қўллай билиш қўнижмасини ҳосил қилганлиги билан белгиланади.

Онги билимлар уммонига айланган, ўқиб – уққан толиби илм аҳларимизнинг тафаккури бой, тил – забони ширин, камтар бў – либ, туплаган билим заҳираларидан ўзгаларни ҳам баҳраманд эта билмоқлари зарур. Шундай инсонлар борки, ақлий билими чуқур, аммо ахлоқий билими саёз. Аксинча ахлоқий билими етарли, ле – кин ақлий билими қониқарли эмас. Агар инсон ақлий ва ахлоқий билимларини пухта эгаллаб, уни чуқур тафаккур қилса ва тил дастурхонига солиб, уни харидорларига чиройли қилиб, меҳрли

узата олса – айни муддао. Жамиятимизнинг равнақи шундан, ёшларимиз камолоти шундандири.

Республика Олий Мажлисининг 12 – сессиясида Президен – тимиз томонидан "Куч – билим ва тафаккурда" деган теран бир фикр илгари суралди. Тафаккур – инсоннинг бутун ҳаётий ва ижодий фаолиятини идора қилувчи онгий камолот ўлчовидир. Үнга фақат билим олиш, ҳаётни кузатиш, уни ўқиш ва ўқиши, яхши ва ёмонни таҳлил қилиш, улардан хулоса чиқариш орқали эришилади. Тафаккур ақл тарозиси бўлган тил орқали намоён бўлади. Сизнинг сўзлаган сўзингиз, айтган фикрингиз тафак – курингизнинг, ақл – идрокингизнинг, онгингизнинг ойинасири.

Тил ҳақида, фаҳм – фаросат, тафаккур ҳақида алломаларимиз ўз меросий манбаларида шундай ёзадилар:

**Инсон нотиқлиги, саодат тилдан,  
Назокат тилдандири, нафосат тилдан,  
Ҳаёт сабоқлари кўрсатур шуни,  
Дўзах тилдан эрур ва жаннат тилдан.**

Икки нарса ажратади инсонларни ҳайвондин,  
Инсонлиги билинади ҳунар ила забондин,  
Шундай экан, кишиларнинг энг улуғи ҳунарманд,  
Ёки сўзга чечан киши, фикри равон, тили қанд.  
(Ибн Сино.Фаросат илми ҳақида.)

Одобли инсон барча одамларнинг яхшисири,  
Ва барча ҳалқлар учун ёқимлидири.  
У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва,  
Бадавлат одамлардан ҳурматлироқири.

(А.Навоий. Маҳбуб ул-қуулуб.)  
Гўзаллик юзда эмас, эй биродар,  
Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.  
Сўзинг оз бўлсин – у, маъноли бўлсин,  
Эшитганлар қулоғи дурга тўлсин.

Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтин,  
Миси чиққай сўзинг кўп бўлса бир кун.  
Кўпайган сўзнинг бўлғай тўғриси оз,  
Шакарнинг кўпидан ози бўлар соз.

(А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.)

Ҳақиқатда ҳам одобли, илмли, маданиятли инсон билан сұхбатлашынанымызда уларнинг овози охандыға киборсизлик, салмимийлик, инсон дилини ёритувчи екимли сәхр узига мафтұн қилиб құяды. Уларнинг суҳбатидан маңнавий күч – құвват оламыз, қарыншаларымыз чиқады. Калбимиз яйрайди. Демек инсон бундай даражага етишиш учун қундалик ҳаёт мاشаққатларини сабр – тоқат билан енгіб, күп үқиши, ҳаётни кузатиб үндән сабоқ ола билиши зарур. Мөхнат қилиш, машаққат, риёзат чекиш, ҳаётни үқиб, үндән оқылона сабоқ чиқара олиш зөвиге инсоннинг онги, тафаккури сайқалланиб боради.

Сұз мұлкининг сұлтони Мир Алишер Навоий үзининг "Маҳбуб ул – құлуб" асарида бундай ёзади: «Уругни қара. Олдин унинг ҳамма ёғи лойга, чангга беланди. Сұнг у ерга қадалғандан кейин қаттиқ ерни ёриб, қийинчиликларга сабр – тоқат билан чидаб, յозага – ерга чиқади. У забардаст дараҳт бұлади, мева тугади, қанча – қанча одамларнинг қожатини чиқаради. Ҳар қандай ишнинг, ҳар қандай ютуқнинг қийинчилиги бұлади. Үнга сабр – тоқат қылған инсон кейин роҳат – фароғатда яшайди».

Ибн Сино үзининг "Хиндистон" асарида: "Камтарлық – бу худбин ишлар билан шүгүлланишдан тұхтатувчи күч", – дейди. Ҳақалжымыз: "Камтарға камол – манманга завол", деб машаққатты ҳаёт сабоқларининг хулосасини бізге мерос қилиб қолдирған.

Ҳақиқатдан, ҳаётни кузатсанғыз, күп үқиған, ҳаётни күп күзатған, теран маңнавиятли инсонлар фахм – фаросатли, ҳар бир нарсага жиіддій қарайдыған, мулоҳазали, оқыл инсонлар бұлалылар. Бундай инсонлар теран, сокин дарёға үхшайды: улар шовқын – суронсиз оқады. Аммо билемім саёз, ҳаёт сабоқларидан етарли хулоса чиқара олмаган, үқиб – үқмаган, ҳамманинг ақли менинг чұнтагимда деб үйлайдыған, салға үзининг ійүк ақлини пешлейверадыған кимсалар эса шалдирاب оқаёттган жилғага үхшайди – суви кам – у, ваҳимаси бир жаҳон. Бундай одамларда манманлық касали доимо хуруж қилиб туради.

Манманлық – бу үз камчилигини ва үзгаларни тан олмаслик, үзгалар фикри билан ҳисоблашмаслик, такаббурлық, худбин – лиқдир. Манманлық иллати у макон қурған кишиларни соғлом фикр юритищдан, үзини тақомидаштириб борищдан маҳрум этади. Натижада бундай одамларда жаҳолат иллати, яғни билимсизлик пайдо бұлади.

Камтарлик ва манманлик бир – бирига қарама – қарши икки йўлдир: уларнинг бири сизни кишиларга яқинлаштиради, ик – кинчиси эса йироқлаштиради

Бир инсоннинг иккинчи бир инсонга интилиши, уни дил қумсаб, соғиниши замирида муомала маданияти ётади. Жамиятнинг ри – вожланганилиги, унинг маданиятилилар даражаси, равнақи кўп жи – ҳатдан унда яшайдиган кишиларнинг муомала маданияти билан белгиланади. Ақли теран, фикри уммон, ҳақиқий маънавиятли инсон муомала жараёнида ўз фикрини тафаккур дошқозонида қайнатиб, сунг тил дастурхонига узатадилар. Инсоннинг тил – забонидан унинг қанчалик фаҳм – фаросатта эга эканлигини билиб оласиз.

Халкимиз "Сўз – ақл тарозиси" деган мақоли билан минг карра ҳақиқатни айтган. Инсон мартабаси унинг сўзидан били – нади, лекин сўзининг мартабаси киши билан белгиланмайди. Нодир манбалардан бири "Қобуснома"да Кайковус ўғли Гилон – шөдга бундай дейди: "Киши сұжандон, сұжангүй (нөтиқ) бўлиши керак... Сұжангүй шул киши бўлгайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлғай... Бундай кишилар оқиллар қаторига киргай".

Бу манбада бўлар – бўлмасга ваъз қилавермаслик, сўзни улуг билиш, у осмондан келмаслиги ва уни хор қилмаслик ҳақида насиҳатлар берилади. Хоразм элининг кураги ерга тегмаган полвони, қўли гул пўстиндўз, маърифатпарвар, хассос шоир Паҳлавон Маҳмуд ўзининг қуидаги шеърида ақл – идрок, фаҳм – фаросат ҳар қандай қалбда ҳам макон қуравермаслигини, унинг жуда ноёб хислат эканлигини, ўқиб – ўқкан қалблардагина қарор топишини чиройли ифода қилади.

**Уч юз Кўхи Қофни келида туймоқ,  
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,  
Ёинки бир аср зинданда ётмоқ,  
Нодон сұхбатидин кўра яхшироқ.**

Мазмуни: Қоф тогининг камида уч юзтасини янчишга тай – ёрман ёки кўкрагимга ханжар уриб, дил қони билан фалакни бўящдек мушкул ишни бажаришим мумкин ёхуд бир асур зин – донга ташлашларига розиман. Аммо нодоннинг бир дақиқа сұхбатига дош беришим мушкул. Сўз сўзлаганда унинг маъноси ва мангитига эътибор бермай сўзлайдиган инсонларни тинглаб, дилни яралагандан кўра, оғир меҳнат қилган осонроқ, тана чарчоги дам олинса чиқиб кетади. Бироқ маза – матрасиз,

фаҳм – фаросатсиз сүхбатни тинглаб орттирилган қалб чарчоғи, дил яраси чиқиб кетиши, тузалиши қийиндир.

Ха, билдиrmокчи бұлған фикрнинг обдон пухталаниши, сайқалланиши, лұндаланиши ва кейингина тилга чиқарилиши инсонни юксакликка күтаради, унға латофат бағишлады. Шуннинг учун ҳам инсон қалдан чиқкан самимий, гүзәл сүзларга ва шириң муомалага үзида әхтиёж сезади.

Инсон энг аввало ҳар томонлама билимден бұлмоги лозим. Билимден бұлмоқлик, бу үз касбini пухта әгаллаш, әл – юрт, Ватан манфаатлари йулида сидқидилдан меңнат қилиш, унға са – доқатли бўлиш, уни эъзозлаш, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий би – лимларни доимий равищда етарли даражада әгаллаб бориш, маърифатли бўлиш, маънавий камолот сари интилиш, халқнинг, инсонларнинг ғам – ташвишлари, қувончларida ҳамдард, ҳамкор, елқадош бўлиш, умумий қилиб айтганда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш, унинг истиқболи учун қайғуриш, доимо эзгу ишлар, орзу – умидлар, ниятлар билан йўлдош бўлиб юриш демақдир.

### **Мутахассислик (ӯқитувчилик) фазилати**

Энг аввало ӯқитувчининг үзини тафаккур савияси кучли бўлиши керак. У үзида қуйидаги фазилатларни кўникмага ай – лантирган талабалар идеалидаги намунали устоз бұлмоги зарур.

У фазилатлар:

1. Ӯқитувчи кучли тафаккур, теран онг, серқиррали интел – лектуал салоҳият ва үз мутахассислигини севиши талаб қилинади.

2. У ёшларга эътиқоди, имони ва оиласига бұлған эътиқоди билан ўrnak бўлиши лозим.

3. Касбига бўлған мұжаббати, истеъдоди ва туйғуларини бошқара олиши, болажон бўлиши сезилиб туриши керак. Чунки у ташвиқотчи ва тарғиботчиidir.

4. Педагогнинг ташқи кўриниши, кийиниши этикаси, сўзлашув маданияти, педагогларга хос одоб ва маданиятга оғишмай амал қилиши лозим.

5. Аудиторияни бир текисда назорат қилиши, ҳаммага ба – робар меҳр билан мурожаат қилиши ва педагогик маҳорати кучли бўлиши керак.

6. Нотиқ булиши, сұзлашув жараёнида киноя ва виқордан холи булиши талаб қилинади.

7. Обрұ орттира олиш кобиляти, илмий – матърифий ишлар ва педагогик маҳорати устида тұхтөвсиз изланиши билан шоғирдларига үрнәк бўлмоғи зарур.

### Савол ва топшириқлар

1. Маънавиятли инсон үзида қандай фазилатлар тизимини кўникмага айлантириши лозим?

2. Ёш йигит – қизларимиз қалбидан руҳий макон топган, миллий урф – одатларимиз сарасига кирган қандай фазилат – ларни эъзозлайсиз?

3. Қандай фазилатларни ўзининг кўникмасига айлантирган инсонлар манман инсонлар дейилади?

4. Тил ҳақида, фаросат илми ҳақида меросий манбалардан келтирилган алломаларимизнинг фикрларини таҳлил қилинг.

5. Инсон тафаккури шаклланишининг мустақил фикрлаш босқичларини доскага чизиб беринг.

6. Ўқитувчи қандай фазилатларга эга булиши керак?

### АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., 1998.

2. Барқамол авлод орзуси. Тұплам. –Т.: Шарқ, 1999.

3. И.А.Каримов. "Туркистан" газетаси мухбирининг савол – ларига жавоблари. 1998, 3 февраль.

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 1992.

5. Юсупов Э. Маънавият асослари. –Т., 1998.

6. А.Авлоний. Туркий галистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи 1992. – 160 б.

7. А.Навоий. "Маҳбуб ул – қулуб". –Т., 1983. – 112 б.

8. Иброҳимов А. (муаллифдош) Ватан түйфуси. –Т., 1997.

9. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. –Т.: Фан. 1993. – 105 б.

10. Гозиев Э. Тафаккур психологияси. –Т.: Ўқитувчи. 1990. – 184 б.

11. Кайковус. "Қобуснома". –Т.: Ўқитувчи. 1994. – 173 б.

12. Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино. – Т., 1987. – 240 б.
13. Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. – Т., 1979. – 88 б.

### 2.3. Виждан ва уни тарбиялаш

Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятининг энг олий мақсади инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг имко-ниятларини, қобилият, қадриятларни рӯёбга чиқариш учун шароит яратиб инсонни тұла үзини ақлий амалий, маънавий на-моён қилиши асосида баҳтиёрлигини таъминлашдан иборатдир. Инсоннинг тұлақонли фикрий ва фаолий эркинлиги эса унинг виждан эркинлигини таъминлашдан бошланади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикасында мустақилликнинг биринчи кунларидаңоқ Президентимиз И.А.Каримов Виждан эркинлигини қонун асосида кафолатлаб қўйдилар.

Бу аслида инсоннинг энг олий ҳуқуқи бўлган виждан эр-кинлигини қонун асосида таъминланишга жуда катта асос яратди. Бу ўз навбатида жуда бой илмий—маънавий мероси-мизни дунёвий илмлар, умумбашарий қадриятлар билан уйғулластириб И.А.Каримов ғоялари асосида үзимизнинг мил-лий истиқлол ғоямизни ишлаб чиқишга ёрдам берди.

"Инсоннинг ҳақ—ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждан эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Бундай жамият мағкураси "Дунёвийлик — даҳрийлик эмас" деган тушунча асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётидагуттган ўрни ва аҳамиятини асло инкор этмайди" — дейилган. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар" (Ўзбекистон нашриёти, 2000 йил 17—бет)да бу ўз навбатида фикрлар ва қарашлар рангбаранглигига кенг йўл очиб виждан эркинлигини амалга таъминлайди. Аслида бу жаҳон педагогикаси олдида ҳали тұла ўз ечимини топмаган илм, фан, маънавият, дин ва таълим—тарбия муносабатларидан иборат муаммонинг жуда яхши замонавий ечимиدير. Чунки илгор фикр, дунёқарашлар динга қадриятлар мажмуаси деб қарашни, унинг хилма—хиллиги ҳар бир халқнинг этник хусусиятлари, тили, урф—одатларидан келиб чиқиши, мазмунан эса бир хиллигини тан олиб уни илм—фанга қарама—қарши қўймасдан, балки унинг жуда күчли маънавий—руҳий ривожлантирувчи кучидан фойдаланиш йўлларини қидиришни тақозо этади.

Дунёвий ва руҳий – ҳиссий билимлар ривожи оламни ва инсонни ўзини билиш, англашни янги – янги қирраларини очмоқда. Инсон фақат моддий – биологик вужуддан эмас, унинг яна шу моддий – биологик танаси бор эканлиги дунёвий фанлар ҳам тұла исботлаб бұлишди. Худи шу биоэнергетик тана инсоннинг руҳий – ҳиссий сифатларидан таркиб топған бўлиб, улар – инг таркибий қисмини виждан ташкил этади. Руҳий – ҳиссий сифатлар мажмуаси инсоннинг маънавиятини ташкил қынғанлиги учун демак, виждан – энг асосий, энг олий маънавий – инсоний сифат экан. Шунинг учун инсон тарбиясида вижданни тарбиялаш маънавий – инсоний тарбиянинг асосини ташкил этади. Виждан тушунчаси, инсоннинг вижданний сифати унинг онги, қалби, ақли ва иродасига боғлиқдир. Чунки инсоннинг ички руҳий кечинмаларида яхшилик ва ёмонлик доимо ички курашда бўлади. Агар инсон бирор маънавий вазиятда ўз қалбига қулоқ солиб, иродасини ишга солиб, гаразгўйлик, мансабпаратлик, молпаратлик ва ҳоказо каби ғайри инсоний иллатлардан устун чиқиб оқилюна иш кўрса, унинг вижданний сифати юқориличигини кўрсатади. Бундай вазиятлар инсон ҳаёттида жуда кўп бўлади.

Бу ҳақда Президентимиз "Фидокор" газетасининг муҳбири билан бўлган "Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" номли мулоқотларида: "Аслига менинг назаримда, одамнинг қалбига иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша курашади". Инсон қалбига ғайри инсоний иллатларнинг устун бўлиши аслида маънавий касаллиқдир. Худи ана шу касалликни даволашни ҳам Президентимиз кўрсатиб ўтдилар. И.А.Каримов шу мавзуда ўз сўзларини давом эттириб: "Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун аввало киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагига она Ватанга, бой тарихимизга, ота–боболаримизнинг муқаддас динига соглом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур".

Арасту ҳаким вижданни талқин қилиб шундай деган: "Руҳимизнинг маънавий қуввати билан вижданимиз, фикримизга қувват берувчи бир воситаю ишрокиятдир".

Инсонни фақат тиббий – биологик эмас, балки уни руҳий – ҳиссий сиймо сифатида яхши ўрганган ватандошимиз Ибн Си-

но: "Виждон руҳ ва фикримизни түйгүн қылмоққа биринчи воситадир", – деган эди.

Абдулла Авлоний: "Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қыладургон ҳиссиёттің, яғни сезув–түймөқдан иборат маънавий қувватни айттылур. Биз ҳар вақт афъол ва ҳаракатимизни яхши ва ёмонлигини, фойда ва зарарлигини онжак өзгөннимиз ила шалғанмиз. Виждон инсоннинг ақл ва фикрини ҳақиқий мезонидурки, бу тарозу ила ўз камчилигини ўлчаб билмак ила баробар бошқаларнинг ҳам афъол ва ҳаракатини сезур. Агар ишлаган иши шариат, ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлса, муҳаббат қулур. Қабоҳат, ёмон ишларни қиласа, нафрат қулур. Биз жаноби ҳақнинг амр ва наҳайни фикр ва руҳиятимизнинг маънавий қуввати ўлан өзгөннимиз ила айира билурмиз.

Аммо виждонсиз кишиларнинг ишларида, ният ва амалларида, дўст ва ошнолиқларида яширин бир гаразлари ўлдигингдан ҳар вақт ҳасрат ва надомат чекуб, виждон азобиға гирифтор булурлар" – деб виждон тушунчасини кенг таҳлил қилган.

Дарвоҷе ҳаётнинг асл моҳияти, маъносини топишда виждоннинг роли юксакдир, бунинг учун энг аввало, инсон ўз–ўзига тўғри талаб қўя билиши лозим. Тұрмушнинг ҳар бир жабҳасида виждон адолат мезони бўлмоғи лозим. Президентимиз И.А.Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" китобида бу жихатига алоҳида ургу бериб ўтади. "Ҳар бир киши ўз мамлакатининг фуқароси эканлигини ҳис қилиши, унинг ўзига бериб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатда бўлиши ва қадрлаши, машақатли меҳнати билан қўлга киритилган демократик қадриятларни асраб – авайлаши ва ҳимоя қилиши foят муҳим".

Виждон тарбияси жуда ёшлиқдан бошланмоғи лозим. Унинг оддий инсоний муносабатларда намоён бўлиши, инсонпарварликда, иқтисодда виждоний муносабатларнинг устиворлигига эришиши лозим.

Абдулла Авлоний виждонни инсоннинг ойинаси деб билади. "Ал ҳосил виждон ҳар кимнинг афъол ва ҳаракатини кўрсата – дургон мусаффо бир ойинадурки, бу кўзгуга чин назар қилган киши ўз айби ва камчилигини тузатмак ҳаракатида бўлуб, бошқаларнинг айби ва қусурини ахтармогга вақти бўлмас. Арасту ҳаким: «Руҳимизнинг маънавий қуввати ўлан өзгөннимиз, фикримизга қувват бергувчи бир воситайи идрокия дейилур. Яъни, ҳиссиётимизнинг руҳимизга таъсир эттирувчи бир робитаи илтириқийясидур», демиш.

Ибн Сино ҳаким қўйидаги мисраларида вижданни комиллик мезони деб атаган.

Соф виждан каби ҳеч комили мезон ўлмас.  
Киши ўз айбини билмак каби урфон ўлмас.

Албатта ёшлар тарбиясида виждан тарбиясининг роли юксак бўлмоғи лозим. Бунда кишининг ўз вижданни олдида ҳисоб бермогини, завқланиш, ҳузурланиш, ҳаловат, обрў, қадр – қумматининг виждан тарозуси ила қаралмоғини ўқдирмоқ керак.

Таълим – тарбия жараёнидаги вижданний муносабатлар ёшларни тарбияланида мұхим жиҳат саналади. Баҳолаш жараёнидаги ноҳақликлар ҳар қандай ёшни ўйлантиради, виждан қийноғига олиб келади.

Бугунги рейтинг тизимидағи баҳолаш тизими бундай поҳуш күринишларнинг олдини олмоқда.

**Виждан** – иймон, қалб поклиги, онгли илму – амалий фаолликдан иборатdir. Шунинг учун диний илмларни асослашга иймонлиликнинг биринчи қисми илму – амалий фаоллик бўлса, иккинчи қисми шариат амалларини бажаришдир. Худди ана шу нарса инсоннинг асл моҳиятидан иборат бўлиб, инсоннинг ҳақиқий ҳаёт маъносини ташкил қылмоғи керак. Ҳаёт маъноси, унинг мақсади билан аралаштирилмаслиги керак. Мақсад фойда олиш, пул топиш, агарда маънавий жавобигарсиз ҳаёт маъносига айланиб кетса, кишида маънавий инқироз бошланади.

Ҳар бир киши ўз – ўзига, касбига, давлатига, халқига, инсониятга, оламга вижданний муносабатда бўлиши керак. Инсоният тарихида жуда йирик маънавий – мәданий манбага айланган Авесто, Манас, Алномиш, Махабҳорат, Махбуб ул – қулуб каби асарлар жуда узоқ йиллар давомида вижданийлик, инсонпарварлик, инсонийликда оламга сабоқ бериб келмоқда. Бу ўринда илоҳий асар Қуръони карим маънавий ҳастий қомус ҳисобланади.

Инсониятга, оламга ўзларининг таълимотлари, ибратли ҳаётлари билан инсоният фарзаңдлари Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Ал – Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Нажмиддин Кубро, Ибн Сино, Улуғбек, А.Эйнштейн, А.Сахаровлар ибрат бўлиб келмоқдалар.

Маънавий масъуллик инсонларни моддий – маънавий бунёдкорлик, маҳсулдорлик, яратувчиликка даъват қиласи. Худди шу маънавий – инсоний сифат инсон моҳиятининг бош омилидир.

Оллоҳ таоло инсонни билим, ахлоқ ва фаолият бобида мастьуль қилиб яратған. Бу ҳақда Қуръони карим Ал-Исро су – расининг 36 – оятида шундай дейилган: "Эй инсон, үзинг аник билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, куз, дил – буларнинг барчаси түгрисида (ҳар бир инсон) мастьуль бўлур".

Масъуллик эса мустақиллик, эркинлик, фаоллик ва маънавий жавобгарлиқдир. Бу илоҳий ҳақиқат дунёвий – замонавий инсоншунослик фанлари педагогика, психология, генетика, физиология, биология, микробиология ва бошқа фанлар нуқтаи назаридан ҳам исботланди.

Инсоннинг бу мастьуллиги ва маънавий жавобгарлиги, мод – дий оламни моддий – маънавий таомиллиги, гўзаллиги ҳамда моддий – маънавий таъминотида амалга оширилади.

Чунки илоҳий манбаларда тасдиқланишича, инсон Оллоҳ Таолонинг ердаги ҳалифаси, уринбосариdir. Бу инсонларга берилган буюк инъом, ишонч ва ваколатdir. Бу инсоннинг эркин, озод, нодир, бетакрор улуғ сиймо қилиб яратилганилиги – нинг илоҳий тасдигидир. Бу улуғ вазифани бажариш учун ҳар бир инсонга ақл, онг, укув, қобилият ва бошқа маънавий – инсоний сифатлар ато қилинган.

Демак, инсонларнинг асл бош маънавий – инсоний моҳияти уларни оламни ҳар томонлама такомиллаштирувчи моддий – маънавий бунёдкорликларидаидир.

### Савол ва топшириқлар

1. Виждан эркинлигини нимадан иборат?
2. "Дунёвийлик – даҳрийлик эмас" тезисини маъносини тушунтириб беринг.
3. Юқоридаги тезиснинг ечими дунё педагогикасидаги қандай йирик муаммони ҳал қилиб берди?
4. Виждан энг олий маънавий – инсоний сифат эканлигини асосланг.
5. Виждонга берилган турлича таърифларни айтиб беринг.
6. Виждан ва адолат ҳуқуқий тарбиянинг асоси эканлигини исботланг.
7. Виждонга тўғри муносабат қандай ҳуқуқий масалаларни ҳал қиласди?
8. Масъуллик ва маънавий жавобгарликни таҳлил қилиб беринг.

9. Шахсий ва хусусий мулқда қандай муносабатлар виждан тарозусига қўйилади?

10. Инсоннинг асл моҳияти нимадан иборат?

### АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. – Т.: Ўзбекистон. 1997.

2. Миллий истиқол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон. 2000.

3.А.Авлоний. "Туркӣ гулистон ёхуд ахлоқ". – Т., 1991.

4.Мунавваров А.К. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи. 1996.

### 2.4.Фикр тарбияси ва ақлий тарбия. Касбий фикрлаш

Фикрлаш тарбияси табиатнинг инсонга олий сиймоси ҳазрати инсонга инъом қилишган улуғ неъмат бўлиши билан бир қаторда у инсон, табиат, жамият ривожининг ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги тобора намоён бўлмоқда. Шунинг учун фикр инсон фаолияти ва маънавиятини негизини ташкил қиласи. Чунки ҳар қандай эзгу иш ҳам ёки эзгу мақсадни кўзламаган иш ҳам фикрдан бошланади.

Фикрнинг маънавий сифати сўзда, фаолиятда намоён бўлади. Ўзида янги маънио ёки ташаббус касб этган фикр ғояга айланади. Шунинг учун маънавий тарбия иши негизида фикр тарбияси фикрни тўғри маънавий – мафкуравий йўналтириш масаласи ётади. Фикр, ғоя, тафаккур, мафкура тушунчаларининг қанчалик узвий эканлиги "Миллий истиқол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар" да тўла ечиб берилган.

"Инсоният тарихи ғоялар тарихидир. Ғоя – инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя – инсон ва жамият ҳаётига маъно – мазмун баҳш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуаси – дир".

"Ҳар қандай тушунча, фикр ва қараш ҳам миллий ғоя бўла олмайди. Чунки шахсий фикр – ўзига хос бир қарашдир, ижтимоий фикр эса воқеликка нисбатан ўзгариш ёки ҳаракатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифодалайди. Ғоя ана шу муносабатни ҳаракатга, жараёнга, зарурат туғилганда эса, бутун бир давр тарихига айлантиради".

Фикр инсон фаолияти, унинг ўзлигини кучи, қудратини, ўзагини ташкил қилувчи маънавий – инсоний сифатдир.

Инсоннинг эркин ва озодлиги унинг фикрининг мустакиллиги, эркинлигидан бошланади. Аслида фикр эркинлиги инсоннинг асосий маънавий – инсоний ҳуқуқидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ “Виждан эркинлиги” ҳақидағи қонунни қабул қилиниши бўлди. Чунки бу қонун инсоннинг асосий маънавий – инсоний ҳуқуқи фикр эркинлигини қонуний кафолатлаган эди. Шунинг учун маънавий – инсоний қадриятларнинг асоси бўлган инсоннинг ўзлигини англаш фикр эркинлигини англашдан бошланади.

Фикр ривожи ижтимоий – иқтисодий гараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлганлиги учун фикр ривожининг гарихи инсонлар муносабатини, ҳаётини белгиловчи асосий ижтимоий тамойиллар тарихига боғлиқ.

Инсон яратилишининг илк даврларида фикр табиатдаги жара – ёнларни англаш, улардан яшаш учун фойдаланиш ва узини мухо – фаза қилиш шаклида бўлган. Шу асосда инсон фикри ривожланиб, инсон меҳнатининг бошқа моддий, маънавий куринишлари вужудга кела бошлаган. Секин – аста инсонлар орасидаги маҳсулот айирбошлаш муносабатлари ижтимоий – иқтисодий муносабатларни келтириб чиқара бошлаган.

Инсоният тараққиётида фанлар ва ўқув фанларнинг пайдо бўлиши илм – фан йўлидаги катта ютуқ бўлиши билан бирга фикрлаш услубларида ҳаётый, табиий жараёнлардан тушунчалар асосида фикрлаш устунлик қила бошлади.

Энди таълимда назарияни амалиёт билан боғлаш тамойили илгари сурилди.

Дунёқараш ва ижтимоий муносабатларнинг коммунистик маф – курага асосланган гузуми эса инсон фикри эркинлигига зид бўлиб, фикрни бир гегемон оқимга йўналтиришга ҳаракат қилди. Буни ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ва инсон камолотига зид эканлигини ҳаётнинг ўзи, 74 йиллик собиқ Шўролар тузуми исботлади.

Ўзбекистонда Президентимиз И.А.Каримов бошчилигида курилаёттан ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти ҳар бир кишиликнинг ҳуқуқий қадриятларини рӯёбга чиқариш орқали фаровон ҳаётга эришишни бош мақсад қилиб қўйган.

**Фикрнинг ўзи нима?**

Күп ҳолларда фикр ҳаёттій, табиий жараёнларни инсон миясида акс этиши деб қаралади. Бунда фикрни ривожлантириши сифаты ҳисобға олшімайды.

Фикрга қисқа килиб, инсон миясида маңноларнинг ұзаро боялғантирилиши ва ривожлантирилиши деб таъбиғ берсак анча замонавийлашади

Бунда маңнолар фақат тушунчаның маңносы әмас, балки анча кенг ҳаёт маңносы сипатыда қаралади.

Тушунча жараён билан үйғуналашса тұла маңно касб этади.

**Фикр босқычлари:** англаш, мушоҳада, шуур, тафаккурдан иборат.

Шуур уч нарасдан иборат:

- фикр равшанлашуви,
- мушоҳада,
- англамоқ.

Мушоҳада – ҳаёттій, амалий, табиий жараёнлар асосида тушунча, вөкөа, ҳодисаларнинг таұлыми.

Тафаккур арабча “муфаккир”, “муфаккиротун” сүзларидан олинган бўлиб, чуқур маңноли, теран мазмунли, чуқур фикрлаш қобилияти деган маңнори англатади.

Фикр ҳақида фикрнинг құввати – уннинг илмийлігі, чуқурлігі, фикрнинг зийнати – әзгу ният, мақсадға багишилаганлігі, кенглігі – кенг қамровлілігі, соғлиғи – поклик, аниқ соҳага йұналғанлігі сипатлар мавжуд.

Фикрлашнинг хронологик, муаммоли, гипотетик, эвристик, индуктив, дидактив, амалий – конструктив ва ҳоказо турлари мавжуд. Умуман фикрлаш турларини тизимга солинса ассоциатив сабаб ва оқибат, мантиқий фикрлашларга бўлинади. Бу тушунчалар психологияда қаралғанлігі учун биз уларға кенгрөк тұхталмадик.

Жалолиддин Румий ҳазратларининг таъкидлашича, фикр жузъийдир, яғни моддий олам асосида олиб борилади.

Тафаккур эса жузъининг акли күм (ботиний акл) билан үйғуныгини англамоклар.

Инсоннинг барча мавжудотлардан юқсак жиҳати – бу уннинг фикрлаш қобилияттідір. Зотан, инсонлар бир – бирләри билан үзига хос үй – ҳаёллари, мушоҳадалари, фикр юритишлари, мустақиль фикрлаш қобилиятлари билан ажralиб тұради. Шунинг учун ҳам инсон фикрини тарбия қылыш мұхым саналади. Фикр тарбиясы ҳақида буюк педагог А.Авлоний “*Фикр тарбиясы әнд керакли, күп замон-*

*лардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг дикқатларига суялган, виждонларига юкланган мұқаддас бир вазифадир*" дейді. Фикр инсоннинг шарофаттік, ғайраттік бүлишігә сабаб бұлалур. Бу тарбия муаллимларнинг ердамига сұнг даража мұхтождирки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенгілігі муалимнинг тарбиясига боелиқдур, дарс ила иккиси бир – биридан айрилмайдур – он, бириңнің вужуды бирига жойланған.

Мустакил Ўзбекистон бутунги күнга келиб жаҳонга уз номини танитди. Иқтисодий – сиёсий жиҳатдан юксалды. Айниқса, маҳ – сулот ишлаб чиқариш ошди, ҳамкорлықдаги корхоналар кучайды. Ўзбекистон дүнёning катта бозорига шахдам қадам ташлади. Шу билан бирға Ўзбекистоннинг ривожланған мамлакатлар қаторидан үрин олишида бутун ва келажак учун зарур булған замонавий кадрларға ҳам ежтиёж сезила борди. Буни Президен – тимиз "Тафаккур" журналининг бош мұхаррири билан бұлған сұхбатида яна бир бор таъқидалар: "Бизга мерос булиб қолған таълим – тарбия тизимининг маълум бир маъқұл жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборатки, үқув жараёніда үқувчи ва талабаларни мустакил ва эркін фикрлашға йўл қўймаслик, ҳар қайси үқув юртини битирувчиларнинг били – мига қараб эмас, балки уларнинг собиқ совет тузумига ва сохтағояларига садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўлмаш тамойили асосий үринни эгаллайди. Кўп жойларда сифат үрнига сон кетидан қувиш устунлик қиласади. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал – тақал қилиб ди – пломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирап эди. "Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эр – кин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркін фикрлашни ўрганмаса, берилған таълим самarasи паст бўлиши мүқаррар. Алоатта, билим керак. Аммо билим уз йўлига. Мустакил фикрлаш ҳам катта бойлиқдир", – деган эди.

Миллий гоя ва миллий мағкурамизнинг асосини ташкил қилувчи ижтимоий – иқтисодий соҳаларни эркинлаштириш аслида фикр ва фаолият эркинлегини таъминлаш асосида тараққиетнинг бунёдкорлик тамойилларини ишга туширишдан иборат экан – лигини И.А.Каримов "Фидокор" газетасининг мухбири билан бұлған мулоқотларида (2000 й, июн) аниқ кўрсатиб: "*Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва вижден эркинлеги тамойилларини, гуманизм гоялари ва умуминсоний қадрияттарни қарор топтириш*", – деган эдилар.

Фикрлашда қалб, онг ва сезгиларнинг уйғунылиги ҳақида Арасту таълимоти, фикрнинг эзгуликка йўналтирилиши ҳақида Ал – Фаробий; инсонпарварликка йўналтирилиши ҳақида – Алишер Навоий; фикрнинг мантиқиилиги ҳақида — Умар Ҳайем; фикрлашда сигнал тизимлари ҳақида — И.П.Павлов; фикрнинг босқичлилигида П.Гальперин; фикрлашда умумтаълим ҳақида — Р.Давидов таълимотлари мавжуд.

Айниқса ижодий фикрлашнинг ilk куртакларини түғри сугора билиш келажакда кутилган натижалар беради. Бу жараён кичик боғча ёшидан, мактаб, олий уқув юртларида амалга оширилади. Ижодий фикр, эркин фикрнинг түғри йўналтирилмоғи билан боғлиқдир. Бу касбий фикрлаш жараёнига йўл очади.

Бунинг учун инсон ҳар доим ўз мустақил фикрлаш қобилиятини инаклантириб, сайқаллаб бормоғи керак.

И.А.Каримов ўзининг "Баркамол авлод орзуси" китобида, "Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори", "Куч билим ва тафаккурда" деган ғояларни илгари сурисиб, ёшларни шундай бўлишига ундаётганлиги бежиз эмас. Чунки бугунги ёшлар эртанги юрт эгаларидир. Шунингдек, юртбошимиз комил инсон деганда биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ – автори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз", дейдилар.

Демак, Президентимиз орзу қилган жамиятимизнинг тамал тошини қўйгувчи "Баркамол авлод" вакилининг асосий мезони, ёшларнинг мустақил фикрлай олиш ва ўргангандан билим ва тажрибаларини амалиётда қўллай билишидир.

Хўш, ёшларда мустақил фикрлай олиш ва ўзининг шахсий, түғри хулосасини чиқара олиш фазилатини қандай тарбиялаш мумкин?

Комиллик уч босқичдан иборат:

1. жисмоний саломатлик
2. ахлоқий поклик
3. ақлий етуклиқ.

Бу босқичларни шакллантиришда мустақил фикрлаш етакчи устувор ўрин эгallайди. Талаба ёшлар тарбияланишини қалбан хоҳлаб интилсалар, жисмоний ва ахлоқий комиллик даражасига осонлик билан эришса бўлади.

Аммо ақлий камолотга эришиш эса, асаб тизимининг таранглашуви, ақлий зўриқиши, ҳиссий жиҳдийлашув, барқарор иро давий хатти – ҳаракатлар узлуксиз фаоллик, фидоийлик, билимга чанқоқлик намуналари эвазига босқичма – босқич, аста –

секинлик билан амалга ошади. Мустақил фикрлаш сарчашмаси фаҳмлаш яъни англашдан, фикр юритишдан бошланади.

Мустақил фикр юритиш жараёнида инсонда фикр, мулохаза, фоя, фараз, мақсад кабилар вужудга келади. Мустақил фикр юритиш тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равища намоён бўлади ҳамда улар узлуксиз тарзда бир – бирини тақозо этади. Худди шу бойсдан инсон ўзининг мустақил фикрлаши, муоммаси (мулоқоти), нутқи ҳамда онгли хулқ – автори туфайли борлиқдаги мавжудотлардан тубдан ажралиб туради.

Инсон мустақил фикр юритиш фаолиятида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур этган, хотирлаб қолган нарса ва ҳодисалар тўғрилиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги ёки уларнинг воқеликка мос тушишини аниқлайди. Борлиқни билиш жараёнида ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, хуносалар, фаразлар (тахминлар) чиқарилган қарорлар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади. Инсон мустақил фикрлаш орқали воқеликни умумлаштириб, билвосита ва бевосита акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ички, муракқаб боғланишлар, муносабатлар, хоссалар, хусусият ҳамда механизмларни англаб этади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда табиий, ижтимоий ҳодиса ва воқеаларнинг вужудга келиши, кечиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриб туриш имкониятига эгадирлар.

Одатда фикр юритиш воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, объектнинг субъект учун янгилиги, шахснинг фаоллик кўрсаткичига кўра бир неча турларга ажратилиб тадқиқ қилинади. Мустақил фикрлаш ақлий фаолият сифатида олиб қаралганда, инсон томонидан масалалар, топшириклар ечиш назарда тутилади. Уларнинг шартлари, моҳияти. Тузилиши, шакллари ва шахснинг англаш имкониятлари кузатилади.

Масала, муаммо, топширикларни ечиш шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши, майли, қобилияти, истеъдоди, салоҳияти билан боғлиқ равища олиб қаралади, уларнинг талабларини қабул қилиш, муайян қарорга келиш, воситалар қидириш мустақил фикр юритишнинг мустаҳкам негизини ташкил қилади.

Мустақил фикр юритиш фаолиятда муаммо ечимини қидиришни бошқаришда, борлиқни инъикос қилишда инсоннинг ҳис – туйғулари, кечинмалари, фавқулоддаги вазиятлар, объектив ва субъектив шароитлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёнида ва ишлаб чиқаришда шахслараро (объектив ва субъектив) муносабатлар, алоқалар,

ҳамкорликдаги ақлий ва жисмоний меңнат маҳсули, мумала мөндири, мустақил фикрлаш мажмуаси тариқасыда юзага келади. Жамоада танқиц, узини – узи танқид қилини, узини – узи баҳолапи, узини – узи назорат қилиш, узини – узи текшириш, узини – узи бошқариш, узини – узи ривожлантириш, узини – узи нағомён қилиш, узига – узи бүйрүк бериш, гурухий мұлоҳаза, мұшоҳа – дадан иборат мустақил фикр юритиш сифатлары шаклланади.

Инсонни инсон томонидан идрок қилиниши, яғни нотаниш шахснинг рухий ҳолатини аниқлаш, таҳмин қилиши өнг зарур аломат ва белгиларни түплаш ҳам мустақил фикрлаш маҳсули – дир. Мазкур мұраккаб босқичли билиш жараёни инсондан иродавий зўр беришни, ақлий жиғдийликни, онгли муносабатни, барқарор вазиятни, қулай шарт – шароитни талаб қиласи, муайян худосага келинади.

Мустақил фикр юритиш жараёни, муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади. Лекин мазкур вазият тутилиши, ечими оу билан тугалланмайди. Инсонда билишга нисбатан мояиллик, их – тиёрсиз ҳатти – ҳаракат муаммоли вазияттacha ёрқин булмаган, ноаниқликларни излаб топиш каби ҳолатлар юзага келади, сунг туб маънодаги ечимга мұхтож муаммоли вазият яралади ва ни – ҳоят унинг ечими топилса – да, лекин билишнинг муаммодан кейинги босқичи фикрнинг ўз йўналишида ихтиёрсиз давом эта – веради.

Ўқув фаолиятида фикр юритишнинг, тафаккур қилишининг ўзаро мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади

Мустақил фикр юритиш жараёни қўйидаги босқичлардан таркиб топган:

1. Мустақил фикр юритиш фаолиятида энг аввало ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо инсон томонидан яхшилаш англаш (тушуниб) олиниши керак. Агарда инсон олдида ҳеч қандай масала ёки муаммо вужудга келтирилмаган бўлса, у ҳолда у бирон – бир нарса тўғрисида фикр ҳам юритмайди. Мұшоҳада ҳам қиммайди. Инсон танбалликка мойилдир. Мабодо шахс ҳал қилиниши шарт бўлган масала юзасидан қанчалик аниқ ва тўлароқ маълумотга эга бўлса, уни оқилона ечиш йўл ва воситаларини шунчалик енгиллик билан топади.

2. Муаммо ёки масалани ҳал қилиш учун энг зарур бўлган барча билимларни, мұхим муносабатлар, урф – одатлар, боғланишларни яхши билиши ва уни тадбиқ қила олиши зарур. Бунинг учун шахсий тажрибада учраган ҳолатдан, усувлардан

ҳолатларни хотирада сақлаш ва уни ўхшаш муаммоларни ечишда қўйлаш жараёни амалга оширилади.

3. Масала ёки муаммога тааллукли фарз илгари сурилади. босқичлар таҳлил қилинади, ечиш туғрисида мулоҳазалар билдирилади. Турли варианtlар ҳақида фикр юритилади, улар ўзаро қиёсланади ва энг самарали варианtlар ажратилади.

4. Муаммо одига қўйилган гипотезани муайян мезонлар ёрдами билан текшириш зарурияти туғилади. Уни текшириш учун ўзаро ўхшаш ҳолатлар маъновий, шаклий, тузилмавий жиҳатдан тақбосланади. Бу ўринда ижодий хаёл материалла – ридан атрофлича фойдаланилади, яъни ижодий режалар тузиш, умумлашма образлар яратиш, мақсад натижаларини кўз ўнгига келтириш, тахминий муносабатларни идрок қилиш амалга оширилади. Унинг ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ақлий хатти – ҳаракатлар тизимини тадбиқ қилиб кўрилади ва айrim ўзгартиришлар киритиш мулжали ойдинлаштирилади. Гипотеза мантиқий усуллар ёрдамида фикран анализ ва синтез қилинади, муҳим аломатлари ажратилади, унинг тұғрилиги, ҳаққонийлиги бўйича тезкор ҳукм ва хуносалар чиқарилади.

5. Муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза тұғрилиги ёки нотўғри эканлиги аниқланса, у фикр юритиш обьектидан сиқиб чиқарилади ва янги фаразлар, ўйлар, тахминлар қабул қилинади ёки ўйлаб топилади. Янги амалий гипотеза фикран бир неча марта текширилади ва ундан сўнг амалиётга жорий қилиш учун синашга гавсия қилинади. Таъкидлаб ўтилган мулоҳазаларнинг аксарияти конструктив техник масалаларни ҳал қилишда, кашфиётларни яратища, ихтирочилик таклифларида, рационализаторликда, технологик қурилмаларни жорий қилишда турли – туман варианtlар, технологик карталар ва бошқа моделлар фикран таҳлил қилинади. Сўнгра улардан энг маъқули, омилкори, энг мақсадга мувофиқи танланади ва унинг устида бош қотирилади.

6. Муаммо ва масалани ҳал қилиш, ечиш, олинган натижаларни тұғрилигига ишонч, қаноат ҳосил қилиш учун ечувчи шахс уни текшириш билан мустақил фикр юритиш хатти – ҳаракатларини якунлайди. Ана шу фикрий операциялар, мулоҳазалаш шаклларида сўнг масала (топшириқ) батамом ҳал қилинади ва бу муаммо тұғрисида ўлаш нисбий жиҳатдан вақтинча тұхтатилади. Эришилган мұваффақият ҳаётта жорий қилинади. Бошқача айтганда бу муаммо ва унинг ечимини то пиш учун қилинган ҳаракатлар ва ечимлар келгуси муаммоли

вазиятни ҳал қилиш учун керак бўлади. Бу тажрибалар онгнинг моддий ва маънавий манбасига айланади ва у онг хотирасида саклаб қўйилади ва навбатдаги ҳаёттий муаммоларни очишда чуқур ўйлаш, мушоҳада қилиш, тафаккур савиясига мос, ҳаёттий тажрибага таяниб ечим излаш ва уни ортирган ҳаёттий тажри — балар билан қиёслаш, ундан кейингина ягона охирги холосага келиш ва уни ҳаётда қўллаш каби берк айланма тизим (система, механизм) ҳосил бўлади. Бу тизим чексиз давом этаверади.

Ҳар бир шахс уз ақл — идроки, тафаккурнинг теранлиги, интеллектуал шаклланганига хос ва мос ҳолда муаммоларни ечади ва ҳаётта жорий этади. Инсон ҳаётта жорий этган муаммолар ечимининг савиясига қараб, кишилар орасида уз ўрни ва мавқеини эгаллаб боради. Шу йўсинда шахснинг мустақил фикрлаш қобилияти сайқалланиб бораверади.

Мустақиллик, эркинлик, бунёдкорлик эса ижодий, амалий, назарий ташаббусда намоён бўлади. Ташаббус иқтисодий — ижтимоий ривожланишнинг, инсонларнинг янги талабига мос келадиган моддий, маънавий маҳсулотлар яратишга қаратилган таклиф, ғоя, фикр ёки амалий жараёндир.

Бирор соҳада ташаббус кўрсатиш учун ҳар киши ўзи фаолият кўрсатаётган соҳани мукаммал билиши, бу соҳани маҳсулой жараёнида нималар тараққиётга, ривожланишга, маҳсулот сифати, тури, нархига тўсиқ булаётганини аниқ билиши бу камчиликларни тутатишга қаратилган аниқ технологик ғоя, амалий таклифларга эга бўлиши лозим.

Ташаббускорлик сифати инсонларнинг ички фаоллик омиллари: биринчидан, ҳар бир кишининг ўз қизиқиши, ўқув қобилиятига мос ҳаёт йўлини топиш орқали ўз қадрини рӯёбга чиқариш ҳисси бўлса, иккинчидан шахсий манфаатдорлик, шахсий мулкнинг фақат моддий эмас, балки маънавий қадриятларни ишга тушириш орқали ўзини ва давлат, жамият ва оламни таомиллаштиришга ҳисса қўшишидан иборат. Ҳақиқатан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси мустақил давлатимиз ривожланиши тарихида мамлакатимизда бозор иқтисодиётта асосланган ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамият қурилишида бозор иқтисодиётининг янги, ҳали ишга туширилмаган механизмларни ишлаб чиқиш ва ишга туширища иқтисодий — ижтимоий тараққиётнинг янги ҳаракатлантирувчи кучларини ишга солишида XXI асрга кириб борувчи янги ғоялар, технологиялар сессияси бўлиб қолади. Гап шуңдаки, бу сессияда Президентимиз томонидан ташаббускорлик биринчи бор мамлакат иқтисодий — ижтимоий тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, фуқаролар фаровон ҳаётини

таъминловчи маънавий қадрият сифатида илгари сурилди. Бу тасдиқ Президентимизнинг сессияда “Озод ва обод ватан, эркин ва фарғонон хаёт – пировард максадимиз” номли жаҳонниумул маъруза яридалги тараққиёт йўналишларининг мазмунан уйғунлигидан келиб чиқади. Чунки агар инсонларни қизиқиши, уқуви, қобилиятини ишга солувчи, унинг ҳаёт маънносини очиб берувчи, инсонийлик можиятини ишта туширилмаса моддий ва маиший таъминот ҳам инсон ҳаёти фаро – вонлигини тӯла таъминлай олмайди. Бу маънавий қадриятлар маънавий инсоний фазилатга айланса шундай инсонларнинг ҳаётлари жушкін, баҳтиёр бўлади. Меҳнатлари унумдор бўлиб, ҳақиқии фаро – вон ҳаёт кечирарадилар.

Ақл фақат инсонларга инъом қилинган, унинг онги, қалби, фикри, тафаккури, маънавияти маҳсули бўлган улуғ неъмат бўлиши билан бирга замонавий дунёвий, диний фанлар ютуқларига асосан ақл бутун оламнинг гармоник мувозана – тини сақлаб ва ривожлантириб турувчи улуғ кудрат, қувват ҳамдир. Ақл маънавий – ахлоқий йўналтирилган фикр маҳсулидир. Ақллилик – донолик, инсонпарварлик, ташаббускорлик, оғиллик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик каби сифатлар мажмуасидан иборатdir.

Азизидин Насафий ҳазратларининг “Зубдатул ҳақоиқ” (Ҳақиқатлар қаймоги) асарида (–Т.: Маънавият. 1997 й.) “Ҳикмат ақли фикрига қараганда, Тангри Таоло – Халлоқи оламдан фақат ақли аввал пайдо бўлган, қолганилар ақли аввалдан пайдо бўлган”. “Билгилки ақли аввал – воҳид бир маҳвардир, бирон миқдорий ва сифатий маъноларда ул жавҳарни турли исм ила зикр этурлар. Уни ҳамма нарсани идрок этувчи, деб топганлар, уни ақл деб атадилар. Ушбу жавҳарни тирик ва тирилтирувчи, деб билганилар, уни рух деб номладилар, зеро у тирик ва ҳаёт бағишловчилир” (125 б.).

Шунинг учун ҳам ақл туфайли Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол ғояси, мағкурасининг негизини ташкил қилади.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, буюк алломаларимиз – Ахмад Яссавий, Нақшбандий, ал – Бухорий, Амир Темур, Улугбек каби ақл – заковатли, буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг ақл – идроки, миллий урф – одатлари, айниқса маънавиятимизнинг асоси бўлган инсоний фазилатлар қайта тикланмоқда. Янги адолатли жамият қуриш учун таълим – тарбия соҳаси ҳақидағи билимлар чуқурлаштирилмоқда.

Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов "Фидокор" газетаси мұхбірининг саволларига "Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" мавзусидаги жавобларида: "Биз барпо этәетін яңғы жамият юксак маънавий ва ахлоқи қадрияттарға таянади ва уларни ривожлантиришга көттә зытибор қаратади. Бу жараён миллий истиқбол ғояси ва мағкурасига, үсіб келаётган ёш авлодни ватанпарварлық рұхса тарбиялашга асосланади", — деган әдилар (июн, 2000).

Инсонни улуғлаш, уннің қадрига етиш, айниқса үсіб кела – еттән ёш авлодни ақл – ідрокли, одобли қылыш тарбиялаш, уларни камолотта етказиши соҳасида Республика міздә бир қанча ишларни амалға оширмоққа.

Дунё, инсон, ақл – заковат, маънавият – булар бир – бири билан чамбарчас боғлиқdir. Дунё бунёд булибдики, инсон дунё юзини күрибдики, үзини инсон сифатида англаабдики, у үзини бор – лиқининг эңг мұкаммал мавжудоти сифатида ақл – заковати билан таниб келади. Инсон онғы тафаккури ва маънавияти туфайли шүтідай устуныкка зғадир. Инсон дунёға маълум бир мақсад билан келмайды. У үзлигини ідрок эттәндән сүнг ҳаётда яшащдан маъно излайди ва бу нарса уннің ҳаёты мазмунини ташкил этади. Инсонлар бор, дунёға келадилару кетадилар, улардан ном – нишон қолмайды, ҳаётнинг маъносига, қадрига етмайдилар. Инсонлар бор – мана шу келиши билан кетиши ўргасидаги "умр" деб аталмиш вақтта қақмоқдай қақнаб, үзларининг ёрқын изини қолдирадилар. Бу из учмасдир. Мана шундай ақл – заковати билан үзідан кейин яхши от қолдирувчилар маънавий юксак инсонлардир. Маънавий комил инсоннинг шундай юксакликка, авлод – аждоддар қалбіда замонлар оша, асрлар оша яшащдай шарафта сазовордир.

Демек, инсон үз ҳаёти ва фаолиятини мазмунли үтказиш учун аввало үзини ўраб турған борлиқни билиши, юксак ақл ва тажриба згаси бўлиши лозим. Чунки инсон ақли ва уннің ҳаётида мұхим ўрин тутиши, ақл – ідрок туфайлигина инсон донолик, теран фикр, ростгүйлик, тұғрилик, узоқни құра билиш, нағснинг күйига тушмаслик каби хусусиятларни амалға ошириши мумкин. Ҳалқимизнинг "Ақл инсоннинг күрки", "Ақл сувдан тиник, ойнадай равшан" каби нақллар бежиз айтілмаган. Шунинг учун ҳам ақл инсон учун ғоят олий неъматдир. Ақл билан илм – мәтирифат зғалланади, касб ҳосил қилинади, дунё сирлари ўрганилади. "Ақл – юрак ичишаги нур, бу нур билан ҳақ ёки нохақ билиб олинади", "Ақл үз соҳибини дунё маломатларидан құтқаради", "Ақл – жоннинг ҳаёти, жон эса жасаднинг ҳаёти, тан эса жасаднинг ҳаёти!",

*"Кишининг нафси ақлдан устун бўлса, ундаи одамнинг ҳайвондан фарқи ўйк".*

*Ақл кишининг ўз иродаси, қалби ва фикри асосида дуновини, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маъна – вий – инсоний нуктаи – назардан амал қилишдир.*

Ақл инсонларнинг нири комиан, муршиди, ягонасиdir. Руҳ ишлови, ақл бошловчиidir. Инсон ақли ила дин ва эътиқодни маҳкам қилади, шариат ҳукмларига бўйсунади. Инсонларнинг дўсти унинг ақлиdir. Душмани ёса унинг нодонлигидир. «Оллоҳ энг газаб қилган киши аҳмоқdir. Чунки у энг азиз нарсадан маҳрумдир». Инсон ақли туфайли яхшилик билан ёмонликни ажратади. Олимларнинг фикрича, ақл икки турли бўлади.. Инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган тутма ақли Табиий ва касбий бу табиийdir. Инсон табиатдаги ақлни ўткирлаш ва ўстириш фаолияти бу касбийdir. Бу эса ақлни ишлатиш, тажриба ва илм олиш билан ҳосил бўлади. У ақлни ривожлантириш учун ҳам ҳар бир киши ҳаётдан тажриба ортириши ва илм – маърифат ўрганиши зарур, ҳар кимки, ақла ошно бўлса, у жамики айблардан покланади, ҳақиқатни, англаб, камолотга етади.

Абу Наср Форобий ёзади: *"Ақлли деб шундай кишини айтамизки, унда ўткир зеҳн, идрок бўлиши билан бирга у фазилатли ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнингина ақлли ва бутун фикр юритувчи деб аташ мумкин".*

Болаларнинг ақлли бўлишида оила, мактаб, кенг жамоатчиликнинг таъсири каттадир. Ақлли болалар қаерда бўлмасинлар доимо эҳтиеткорлик билан билим ва тароияли эканлигини нағойиш этадилар. Уларни кўрган, сұҳбатида бўлган кишилар ақлига таҳсин қилиб раҳмат айтадилар. Шу ўринда 1447 йили Тафт шаҳрида 5–6 ёшли Алишернинг машҳур олим, тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан бўлган учрашувини мисол сифатида келтириш мақсадга мувофиқдир.

Болаларнинг саволларига бурро жавоб берар эди. Унинг ўзини тутиши, одоби мўйсафида ёқиб тушди.

— Мен чақирганимга ўртоқларинг қочиб кетди. Сен эса ҳузуримга келдинг, суроқларимга яхши жавоб бердинг. Шунинг учун сенга раҳмат, умринг узоқ бўлсин, бошинг омон бўлсин. Олим, фозил, бўлиб, яхши обрўга эришгайсан, — мўйсафида уни дуо қилди.

Бундан күриниб турибдики, ақлли болалар ҳамма жойда камолу – таъзим билан салом берадилар. Одоб билан муносабатда бұладилар.

Хакиқатдан ҳам, ақлни ишлатған киши ҳаётида фақат әзгу – ликлар қиласы да әзгүлік күради.

Лекин шуны айтыш жоизки, ақл, заковат жиҳатдан етүк бұлмаган инсон ҳеч қачон үз Ватанини, үз халқини, үз динини, әнг асосийси үзлигини английскай олмайды, үзлигини англамаган инсон эса манқуртга айланиб қолади. Бу эса әртанғи порлоқ келажагимизнинг ҳалокатидир. Бизнинг бу борадаги әнг асосий вазифамиз ёшларни маънавий барқамол, әлим деб, юртим деб өниб яшайдиган, юрт истиқболи учун қайғурадиган комил инсонларни тарбиялашимиз, уларни камол топтиришимиз зарур

Зеро, юртбошимиз И.А.Каримов айтганидек: «*Илм, маърифат биз учун бугун ҳам үз аҳамиятини йүқтөгани йүқ, йүқолмайды ҳам. Ақл–заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина олдимиизга қўйган мақсадларимизга эриша оламиз*». Юртбошимиз И.А.Каримов айтганлариңдек, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Шунинг учун ҳам комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганимиз.

Комил инсон деганды, биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ – автори билан үзгаларага ибрат бұладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди – қоғди гаплар билан алдаб бұлмайды. У ҳар бир нарсани ақл мантиқ тарозусига солиб күради, үз фикри, үйи, холосасини мантиқ асосида курған киши етүк одам бұлади.

Дарҳақиқат, илм – маърифатлилік күч – қувват манбаи, қалға нур, үзига зиё бағишлийдиган буюк неъматдир. Шу сабабли ҳам инсон ҳаётда қуант билан илмни үрганиши туфайли ақл – заковати юксалади, баҳтли ҳаёт учун курашади.

Бизга маълумки, инсон ҳаёти учун мұхим бұлған илм ҳикматларини үрганища ота – боболаримизнинг фаолияти ва уларнинг ёшларга кўрсатған ғамхўрліклари бекійесdir.

Халқимиз орасидаги қўйидаги ўғитлар инсонларни илм – маърифатга даъват этувчи буюк күчdir.

Инсон учун ақл, эшик очувчи, ахлоқий йўл кўрсатувчиidir. Етүк ахлоқ ва одоб инсоннинг зийнати, доноларнинг фазилатидир. Ақлли киши ахлоқли бўлсагина, халқига, мамлакатига, ёру – дўстларига наф келтиради. Алишер Навоий үзининг ақли, ибратли ахлоқи, одоби билан мамлакатига, халқига ҳеч қачон сўнмайдиган буюк мерос қолдириди. У ўзи ҳаёт бұлған даврла – ридаеқ, ақли ва ахлоқи билан халқига, мамлакатига кўп фойда келтириди, дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога давлатни адолат ме-

зонлари асосида бошқаришга ёрдамлашишга интилди. Навоий – нинг доно маслаҳатлари туфайли у кўп фалокатларни олдини олди, ҳалокатлардан қутулиб қолди.

Ақл – инсоннинг энчиллик, бунёдкорлик, инсонпарварлик сифатлари мажмуасидан иборатdir.

Абдулла Авлонийнинг ёзишича, ақл – идрокнинг тантана қилишига ишонмоқ лозим. Чунки "Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонаси дур, Руҳ ишловчи, ақл бошқарувчи дур. Инсон ақли ила дин ва эътиқодини маҳкам қилур, шариат ҳукмларига буйсунур"...

Расули Акрам набиий мұхтарам саллолоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар: "Эй инсонлар! Ақлингизга таъвозе қилингиз, Сиз жаноби ҳақ буюрган ва қайтарған нарсаларни ақлингиз ила билурсиз".

Алломалардан бири: "Агар ақлингни қули нафсингни жиловини ушласа, сени ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар, ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арzon булур, ақл эса илм ва тажриба соясига қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур", демиши.

Инсонда нима асосий роль йўнайди, ақлми ёки одоб деган савол ҳам қўйилиши мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам мұҳим. Иккаласини ўзида жамул – жам қилган кишини баркамол инсон, деб айта оламиз. Ҳаётда билимли, ақли ҳам жойида азиз, ақл ва одоб кишиларни қалбан бир – бири билан боғлайдиган руҳий замин десак ҳам хато бўлмайди. Донолар айтганидек: "Кишига одоб бўлса, илм ҳам бўлиши мумкин. Одоб ақлга боғлиқ нарса. Ақл устига одоб қўшилса, нур устига нур бўлади. Улуглик – ақлу одоб билан, бойлик қадри саховат билан, қувват қадри баҳодирлик билан ошади".

Ақл ва одобнинг узвий бирлиқда эканлигини бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ақл, идрокка нисбатан даставвал кишининг хулқ – автори кўзга ташланади. Психологларнинг фикрича, биринчи таассурот шунчалик кучлики, у бундан кейинги тасаввурларга замин бўлади. Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Олдин кўз маъқуллайди. Меҳр кўзда, деган гап бор ҳалқимизда.

Кишининг ақл – идроки бўлмаса унинг одоби юзаки, сунъий бўлади. Унинг одамлигини билиб турасиз, унинг одамийлиги ва одамлигининг ийӯқлигидан нафратланасиз. Ҳалқимизнинг ўзи чиройлигу сўхтаси совуқ, ўзи хунтути истараси иссиқ деган нақллари ҳам шу маънони беради. Зукко одамнинг қалби одатда пок бўлади. Қобилиятсиз, хулқ – автори беқарор одамларнинг

ёмон йўлларга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Одобсиз талабаларни кўз олдингизга келтиринг, ўзи талаба, аммо қилаётган хатти-харакатлари ғайри инсоний тарздә кўпчилик ичида ўз ҳурматини йўқотади, ўқибди – ю, уқмабди, деган ибора худди шундайларга нисбатан айтилган.

Инсонларнинг билими қанчалик кенг ва чуқур бўлса, у шунчалик камтар бўлади. Камтарлик – доноликнинг белгисидир. Доно кишилар билганиларидан кўра билмаганлари кўп эканини тасаввур эта оладилар. Буюк файласуф Суқротнинг: “Мен бир нарсани биламан, у ҳам бўлса – ҳеч нарсани билмаслигимдир”, – деган фикрларида ҳан шу маъно бор. Фақат нодон кишиларгагина ўзлари билган билим ҳақиқатнинг сўнгти чегарасидек бўлиб кўринади.

Кишиларнинг билими, илми, амалий малакалари ривожисиз жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Муайян маънавий эҳтиёжларга, ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм, фанни ўрганишга, ҳалол мөҳнат қилиб ҳунар – касбни эгаллашга, малака оширишга эҳтиёжлари ҳам бўлмайди. Шу сабабли жамият тараққиётининг барча босқичларида аввал ёшларни тарбиялаб, кейин уларга таълим берганлар. Ўзбек миллий педагогикасидаги таълим – тарбия ишлари тизимида ҳам ахлоқ ва ақл тарбияси устувор аҳамиятга эга бўлган.

Маърифатпарвар аллома А.Авлоний инсон ақл – заковати ва маънавий камолотининг йўллари устида тухталиб, шундай деб сөзадики: “Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқаддас бир фазилаттур, зероки, илм бизга ўз ақволимизни, ҳаракатимизни ойна каби курсатур, зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, илмсиз мевасиз дараҳт кабидур”.

У илмнинг аҳамиятини назарий томонини курсатибигина қолмай, балки амалий фаолият учун ҳаётий зарурат эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади: “Илм бизни жаҳолат қаронгусидан қутқарар, маданият, инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур. Яҳши хулқ одоб соҳиби қилур. Бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сароватимиз, майишатимиз, ҳимматимиз, гайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур”.

Ақл – заковат, эҳтиёж ҳам объектив заруриятни онгли тушиниш билан боғлиқ бўлган маънавиятдир, яъни англаган мақсадлар тизимидир. Бинобарин, ҳар бир даврнинг эҳтиёжлари ҳам, ижтимоий, иқтисодий тараққиёти ҳам илмий тафаккури салоҳияти даражаси билан белгиланади. Бирор муаммони ҳал

этиш имкониятларини инсон ӯз ақл – заковати, билими, кучи ва иродаси билан аниқлади.

### Савол ва топшириқлар

1. Фикр деб нимага айтилади?
2. Фикрлаш босқичларини айтиб беринг.
- 3.Муаммоли, эвристик ва гепотетик фикрлашларнинг фарқларини тушунтириб беринг.
4. Ҳар қандай фикр ғоя була оладими?
- 5.Миллий ғоя, фикр, мафкура, тафаккур атамаларининг маъноларини тушунтириб беринг.
6. Ташаббус нима?
7. Ижодий фикрни тушунтириб беринг.
8. Ақлни энг азалий яратилган неъмат эканлигини тушунтириб беринг.
9. Ақлнинг таркибий сифатлари нималардан иборат?
10. Ақл миллий истиқдол ғояси ва мафкурасининг негизи эканлигини тушунтириб беринг.
11. Инсоннинг буюклиги, Қадри нималарда намаён бўлади?
12. Ақл қандай маънавий – инсоний сифатлар мезони.
13. Ақлга таъриф беринг.
14. Ақл тарбияси қандай амалга оширилиши керак.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Буюк келажак сари. –Т.: Узбекистон. 1998.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ. 1998.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод Узбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., 1997.
4. Абу Райҳон Беруний. Руҳият ва таълим – тарбия ҳақида. – Т., 1992.
5. Насафий Азизиддин. "Зубдатул ҳақойик". – Т., "Маънавият". 1997.
6. Маҳкамов У. Ахлоқ – одоб сабоқлари. – Т., 1994.
7. Каримова В. Мустақил фикрлаш нима. – Т., 2000.

### 2.5.Меҳнат ва касб тарбияси

Юргбошимиз Ислом Каримов "Баркамол авлод" спорт мұсабақалари қатнашчиларига йұллаган табригида шүндай дейді: "Бұгунғи воқеа ұсмирларимиз үртасында оммавий спорт мусабақаларида асос бұлаётгани, бу соңада яңғы аңынан-ларни бошлаб берәётгани билан ҳам қадрлиидір. У сизнинг нафақат жисмоний чиниқишига, балки ҳалол беллашувлар иштиёқи, ғалабалар құвончи билан яшашиңгизге, халқимизга хос мардлик, тәнтилик ва бағрикенглик хислатларини күр-сатиб, маънавиятимизнинг юксалишига ҳам хизмат қилағы".<sup>1</sup>

Ҳар томонлама етук, баркамол авлодни етиштиришда меҳнат тарбиясининг роли ва ўрни бекиёс каттадир. Инсоннинг кундадик турмуш тарзи меҳнат ва фаолият билан боғлиқдир. Шу сабабли, меҳнат бутун моддий ва маънавий бойликларнинг ижтимоий тараққиётнинг негизидир. Меҳнат тарбияси шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир. Шунингдек боланинг ҳар томонлама шаклланиш воситаси, унинг шахс сифатида улғайиш омили ҳамдир. Мунтазам қилинган меҳнат жараёнидагина бола ўз ақлини иродасини, ҳиссиятини, характеристини ривожлантириши, шахс сифатида шаклланиши мумкин. Фарзандларимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг бўлғуси қурувчиларидир. Шу сабабли кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа ҳужжатларда уларни меҳнатга қай даражада тайёрлашга алоҳида тътибор берилмоқда. Шундай экан, меҳнат фарзандларимиз учун ҳам зарурат, ҳам бурч булиши, бунинг учун уйда ҳам, ўқув юртларида ҳам меҳнат қилиш учун шароитларни яратилиши лозим. Агар бола кичиклигидан меҳнат қилишга ўргатилса, ўйиндан меҳнат қилишга ҳеч бир қийинчиликларсиз ўтади. Бу жараёнда катталарнинг ибрати муҳим роль ўйнайди.

Фарзандларимиз кичик ёшдан бошлаб майший меҳнат, ақлий меҳнат, жисмоний меҳнат ва ижтимоий меҳнатда иштирок этади. Меҳнат тарбиясида ютуқларга эришишда ёшларни меҳнатга ҳам руҳан, ҳам амалий жиҳатдан тайёрлаш лозим. Щунинг учун уларнинг ёши ва имкониятларига мос меҳнат турларини бажаришга жалб қилмоқ лозим.

Меңнатга психологияк, ахлоқый ва амалий тайёрлаш жараेңнида үқувчида меңнатсеварлик, интизомлилик, шижааткорлик каби ахлоқый иродавий хусусиятлар тарбияланиб боради. Үқувчиларда жамоатчилик билан бирга меңнат қилиш күнік-маларини ҳосил қилиш лозим. Чунки инсон бутун ҳаёти даво-

<sup>1</sup> Халқ сүзи газетаси 2001 йил, 1 май сони.

мида күпчилик билан меңнат қиласы. Бу жараенда үқувчидә меңнат қилиш маданиятини үстірмоқ даркор.

Ешлар меңнати дастанда ойлада, кейин эса үкув юртларида амалға оширилады. Бу жараенда айниқса академик лицей касб – ҳунар колледжларини үрни ва аҳамияти бөкнег каттадир.

Таълим түркисидаги қонуннинг 13 – маддасында таъкидланғанынде, *«касб–ҳунар колледж үқувчиларнинг касб–ҳунарга майыллоры, маҳораты ва малакасини чуқур ривожлантырышини шалланган касблар бүйінча бир ёки бир неча ихтисос олишини таъминлайдиган уч йиллик үртаса касб – ҳунар үқув юртидір.»*

Ешлар меңнатининг мазмуни мамлакат олдида турған ижтимоий, сиёсий ва іқтисодий вазифалар, вилоят ва тұманлар – дагы кадрларға бұлған әхтиёж, үқув юртларининг ички имко-ниятлары ва талаблары асосида белгиланады.

Авшало, таълим жараенда меңнат ҳақида дастандың билим ва тасаввурларға зәға бұладылар, үқиш ҳам меңнат эканлигини тушуниб оладылар. Үқув режасига киритилған меңнат дарсларыда эса, меңнат қилиш малакаларини әгаллайдылар. Бу жараенда үз меңнатларининг натижасини куриб завқланадылар ва янада яхшироқ меңнат қилишга ҳаракат қилауды.

Меңнат қилиш жараенда, синфдан ва мактабдан ташқары меңнат, үз – үзиге хизмат қилиш меңнати ижтимоий фойдалы меңнат турида фаол иштирок этадылар ва чиникадилар. Педагогика фаны меңнат тарбиясини ташкил қилишінде бир неча талаблар құяды:

Жүмладан, меңнатнинг ижтимоий ахлоқий аҳамиятига ало-хыда әзтиибор беріш, меңнат үқувчининг ёши, ҳаёт тажрибаси ва имкониятларига мос булиши, уларнинг меңнат фаолиятлары ижодий ҳаракатда булиши, үз вақтіда түрлі касблар ҳақида мағлұмотлар беріб бориши, меңнат ахлары билан доимо суҳбат ва учрашувлар ташкил қилиш кабилар.

Юқоридаги фикрлар қуйидагы илмий – амалий фикр ва мулоқазаларни келтириб чиқаради.

Меңнат инсон ҳаётининг зарурий шартыдір. У инсон учун фақат материал, ижтимоий зарурият әмас, балки маңынан – рухий әхтиёж ҳамдір. Инсон боласыннан ёшлігідан меңнатта әхтиёжий ҳаваси генетик физиологик асосынан зерттес. Болаларда бир еңдән бошлаб кенг ижодий фаолият шақлланады. Шу кенг фаолият жараенда болаларнинг қызықиши, имконият, қобилят ва лаекатлы куринишларини топа билиш лозим. Ёшлиқдан фаолиятта ижобий мұносабатта үргатыш лозим. Меңнат тарбияси фан асосларини үрганиш жараенда

ўқувчиларнинг олган билимларининг аниқ мақсадга йўналганилигини, ишлаб чиқариш жараёнининг илмий асосларини, билим ва касбий қизикишларини кўзда туради. Ўқувчи бутун ўкув даврида меҳнат билан яралган дойликлар билан танишади, булар фақат эркин меҳнат қила олганларидағина юзага келишини тушунади, ўқувчи меҳнатини илмий ташкил қилишнинг биринчи дарсини ўкув жараёнида олади.

Меҳнат тарбияси оиласда ғоят кўламдор ҳодда амалга оширилади. Оила бошлиқлари ва болаларнинг биргалиқдаги меҳнатини ташкил қилиш ниҳоятда катта имкониятларга эга

Ўзлуксиз таълим тарбия тизимида ўқувчи ёшларни касб танлашга йўллаш, мухим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Бу жараёнда оиласнинг ҳам ўқув юртларининг ҳам айниқса, ўрта маҳсус, касб – ҳунар таълими ходимларининг масъулияти каттадир.

Касб – ҳунар ҳақидағи билимлар умумий Ўрта таълим мактабларида дарс жараёнида, дарсдан ташқари ўқув машгулотлари, тарбиявий тадбирлар орқали берилади. Ўқитувчи ўзи ўқитаётган фанинг қайси касблар учун зарурлигини доимо тушунтириб боради, илфор меҳнат аҳллари билан касблар ҳақида сұхбатлар ташкил этади. Шу билан бирга меҳнат обьектларига бориб бевосита ишлаб чиқариш илфорлари фаолияти билан танишадилар. Бу тадбирларнинг ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамияти бекиёс каттадир. Чунки миљий истиқлол мағкурасини ҳалқимиз қалби ва онгига сингдиришда, айниқса фарзандларимизни баркамол авлод қилиб етиштиришда меҳнат жамоаларининг роли ва тарбиявий имкониятлари бекиёс каттадир. Айниқса, бу ўрга маҳсус, касб – ҳунар таълими ва олий таълим жараёнида жуда зарур.

Меҳнат жамоалари инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, ҳаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий – маънавий муҳитдир. Улар кишида жамоа руҳи, меҳнатсеварлик, омилкорлик, адолат тушунчаси, меҳр – оқибат туйғуларини тарбиялайдиган ўзига хос маскан бўлиб ҳисоблашади.

Касб танлаш жиддий ва масъулиятли ишдир, ўз ҳаёт йўлларини жиддий суръатда белгилаб бориш жиддий масала. Бунинг учун мактаблардаги касб – ҳунар – таълими тизимида тўтараклар мухим ўрин тутади, фан тўтаракларида болалар касб – ҳунар буйича савия, билимларини кенгайтиради, касб танлашга тайёрланишади. Мактабда юқори синф ўқувчилари учун “ишлаб чиқариш асослари: касб танлаш” курси ўқитилади. Касбга йўналтириш умумий ўкув тарбия жараёнида амалга оширилиши керак, ўқувчиларни касбга йўналтиришда ота – оналар ҳам

манбаатдор. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ота – оналари билан алоқа бўлиши лозим. Меҳнат тарбияси иқтисодий тарбия билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор муносабатлари шароити ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса муҳим. Зе – ро, бу тўғрида ғамхўрлик курсатилмоқда, педагогларимиз тадқиқотлар олиб бормоқда. Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, иқтисодий ҳисоб – китоб ва айни шу кабилар хақида фикрлай олиш каби қобилиятни камол топтиришдир.

Фан ва техника тараққиети чутахассисликка нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Бу ҳол ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш, унга ургатиш йўл ва воситаларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Инсон фаолиятининг асосий тури меҳнат, атроф – муҳитни ўзлаштириш, бунёд қилиш орқали ҳам ижтимоий, ҳам шахсий эҳтиёжларини қондиради. Шунинг учун меҳнатга мураккаб ижтимоий ҳодисалар сифатида қаралади. Меҳнат фаолияти ўқиш жараёнини ҳам уз ичига олади. Шу жараёнда авлодлар тўплаган билимларни кўникма ва малакаларни эгаллаш ёрдамида меҳнат фаолиятига тайёрланадилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими Миллий концепцияси материалларида, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишининг асосий йўналишларида ҳам катта зътибор берилиди. Мустақиллик миллий кадрлар тайёрлаш кўлами ва сифатини оширишни тақозо қилмоқда. Йирик корхоналарда миллий кадрларнинг камлиги егук мутахассисларнинг мигъафияси ушбу муаммога давлат нуқтаи наза – ридан жиҳдий ёндашишни талаб этмоқда.

Меҳнат фаолияти мотивлари эҳтиёжлари турига қараб табиий ва маънавий турларга ажратилади. Шу мотивларга қизиқиш ҳам киради, ҳамда шахс дикқатини меҳнат обьектларига йўналти – ришини эгаллашта қартилган билиш фаолияти қарор топади.

Касбга нисбатан қизиқиши вужудга келтириш ўқитувчининг педагогик фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Меҳнат таълимими турмуш билан боғлаш, уйғунаштириш, ўқувчиларнинг индивидуал – типологик, ёш даврлари хусусиятлари, техник қобилиятлари, интеллектуал даражалари ва имкониятларини ҳисобга олиш ижобий самара беради. Чунки ҳар бир касб – ҳунар шахсдан ифодавий зўр беришни, ақлий жиҳдийликни, чидам ва сабр – тоқатни талаб қиласди. Барча қийинчилик ва синовларга бардош бера оладиган йигит – қизларгина мазкур танланган касбга нисбатан яроғли деб топилади. Меҳнат таълими эса худди ана шунинг амалий томонини ўзида акс эттириш имкониятига эга. Таълимни оқилона, оптималь

йўл билан ташкил қилиш ва олиб бориш турли ёщдаги мактаб ўқувчиларида меҳнатга онгли муносабатни таркиб топтириб, касб – ҳунарга нисбатан қизиқиш ҳиссини уйғотади.

Ўқувчи – талабаларимиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қилинадиган меҳнат жараёнида ахлоқан чиниқадилар, уларда бурчга садоқат ҳисси тарбияланади. Бу эса, жамият фойдасига меҳнат қилиш иштиёқини янада оширади. Ўқувчилар меҳнат жараёнида мустақил ҳаракат қилиш билан бирга, ўзи билан ёнма – ён ишилаётган ўртоғига ҳам ёрдам беради. Муҳими топширилган иш юзасидан ҳар бир ўқувчида масъулият ҳисси кучайиб боради.

Ёшларнинг шаклланиш жараёнини кузатишдан шу нарса маълум бўлдики, уларнинг эстетик тасаввурлари билан, ахлоқий тасаввурлари қўшилиб кетар экан. Меҳнат қилиш унинг нати – жасидан қониқиш уларга эстетик завқ бағишлайди ва маънавий эстетик кечинмаларни ривожлантиради. Меҳнатдаги муваффакиятларни ҳис қилиш ўқувчи – ёшларда воқейликка эстетик ёндашишни ҳаётдаги ва санъатдаги гўзалликни тушунишни ўстириш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Ёшларнинг меҳнатдан оладиган қувончи, уларда гўзалликни куриш, тушуниш ва ҳис қилиш кўнижмасини ривожлантириш учун ҳаётда гўзаллик яратишга интилишни таркиб топтириш учун зарур бўлган манба – лардан бири Ижтимоий фойдали меҳнат, худди дарс сингари, ўзининг мазмуни ва натижалари билан ҳамда ташкил этилиши билан ёшларга эстетик таъсир кўрсатиш учун катта имкониятларга эга бўлади.

Баркамол авлодни жисмоний баркамолсиз тасаввур қилиб бўлмайди, бу тарбиянинг бош мақсади жисмонан чиниқан, мард ва саботли, қатъиятли ва ватанпарварларни камол топтиришdir.

### Жисмоний тарбия

Жисмоний тарбиянинг мақсади, ўқувчи – ёшлар танасидаги барча аъзоларни соғлом ўсишини таъминлаш, ҳамда уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек Ватан мудофаасига тайёрлаш ётади. Улуғ мутафаккир Абдулла Авлоний таъкидла – ганидек, соғлом фикр, яхши ахлоқ ва илм – маърифатга эга бўлмоқ учун баданни тарбия қилиш зарур.

Жисмоний тарбия барчага, айниқса ёшларга катта таъсир кўрсатиб, саломатлигини мустаҳкамлади. Ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришига ёрдам беради. Спорт – ҳар

қандай ёшда ҳам қадди – қоматни тарбия қилиш, куч – қувватни сақлаб туришнинг воситаси ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2000 йилни "Соғлом авлод" инили деб эълон қилиниши бу тарбияга эътиборни янада кучайтирди. Президентимиз: "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади", деб таъкидлайди. Юргбошимиз фикрини давом эттирад экан, энг аввало ҳар бир одам ўз соғлиги ҳақида қаингуриши, ҳар бир оила ўзидан соғлом насл, соғлом зурриёт қолдиришни ўлаши зарур. Агар фарзанд соғлом, оқил, иймон – эътиқодли бўлса, ота – онасига фақат раҳмат келтиради. Эл – юрт назаридан ҳеч қачон четда қолмайди деб уқтиради. Жисмоний барқамоллик тарбия ти – зимида муҳим ўринни эгаллайди ва бошқа тарбиялар билан бирга амалга оширилади. Жисмоний тарбия ўз олдига қатор вазифала – рини қўяди. Жумладан, организмни чиниқтириш, соғлиқни мус – таҳкамлаш ва ривожлантириш, болаларда янги жисмоний ҳаракат турларини ҳосил қилиш ва қуроллантириш, боланинг ёшига, жин – сига чиниққанлик даражасига мос келадиган жисмоний ҳаракат сифатларини ривожлантириш ва ўз соғлигига онгли муносабатда бўлишни тарбиялашдан изборат. Бу вазифаларни ҳал қилишда жисмоний тарбия ақлий, эстетик ва меҳнат тарбиялари билан ҳамкорлик қиласди. Инсоннинг соғлом ва барқамол усиши турли омил ва воситаларга боғлиқ. Аввало насл тоза, соғлом бўлиши ке – рак, шу сабабли Президентимиз соғлом ота – онадан албатта соғлом фарзанд туғилишини алоҳида таъкидлайди. Қолаверса, яшаш жараёнида санитария – гигиена омилларига амал қилиши, табиатдаги соғломлаштирувчи омиллар, яъни қуёш, ҳаво ва сув таъсиридан ўринли фойдаланиш ва жисмоний машқлардан фой – даланишини тақозо қиласди.

Жисмоний машқлар гавда мускуларининг ўсиши ва мустаҳкамлани – шита, юрак – томир фаолиятининг ва нафас олиш органларининг яхшила – нишига самарали таъсир кўрсатади.

Жисмоний тарбия воситалари орасида гимнастик машғулотлар, ҳаракатли ўйинлар ва спорт етакчи хисобланади.

Жисмоний тарбиянинг ҳамма босқичларида айрим машқларининг маърифий, тарбиявий ва гигиеник аҳамияти аниқ мисоллар билан ту – шунтирилади ва кўрсатилади. Барқамол авлоднинг ҳаракат қилишга бўлган эҳтиёжини қондиришда қизиқарли ва мароқли жисмоний тарбия дарслари муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли жисмоний тарбияни ташкил этишининг асосий шакли жисмоний тарбия дарслари ҳисобланади.

Ёш авлодни жисмонан чиниқтиришда ўқув юртлари режаси бўйича ўтиладиган жисмоний тарбия дарсларининг роли ва аҳамияти бекиёс каттадир.

Бу дарслар мутахассис ўқитувчилар томонидан ўқув кўрти дастурлари бўйича олиб борилади ва тибиёт ходимлари назо – ратида бўлади. Жисмоний тарбия олдидаги вазифаларни ҳал этишда эрталабки гимнастик машгулотлар, физкультирунглар, физкультура байрамлари, саломатлик кунлари муносабати билан ўюштирилади. Буларга ота – оналар ҳам таклиф қилинади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Шахс ривожланишида меҳнат ва меҳнат тарбиясининг аҳамияти ва зарурияти қандай?
2. Кадрлар тайёрлаш миллый дастурида ёшларни меҳнатга ва мустақил ҳаётга тайёрлашда қандай ислоҳотлар амадга оширилмоқда?
3. Касб танлашда ўқув фанларининг таъсири ва аҳамиятини гапиринг.
4. Келажакда ким бўлмоқчисиз? Бунинг учун қандай билимлар керак?
5. Комил инсонни тарбиялашда жисмоний тарбиянинг аҳамиятини қандай тушунаиз?
6. Жисмоний тарбия омилларини айтинг.

### **АДАБИЁТАР:**

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият – Т.:Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И.А. Соғлом авлод ҳалқимиз келажаги. – Т., 1999.
3. Таълим тўғрисидаги қонун. – Т., 1997.
4. Мунавваров А.К. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи. 1996.
5. Файбуллаев Н.Р. Таълим – тарбиянинг амалий йўналиши. – Т.: Ўқитувчи. 1986.

### **2.6. ОИЛАДА ТАРБИЯ АСОСЛАРИ**

Оила жамиятнинг бир бўлаги. Шундай экан, инсон шахсини шаклантириш оиласдан бошланади. Оила мураккаб ижтимоий гурӯҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мағкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Оила

тор майший тушунча эмас, балки у ижтимоий жамоадир. Шу сабабли оилалар бирлашиб жамиятни ташкил этади.

Жамиятдаги ўзгаришлар оиласа таъсирини күрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар ҳам жамиятта ўз таъсирини күрсатади.

Буни биз 1998 йил мамлакатимизда "Оила йили", 2001 йилни "Она ва бола йили" деб эълон қилиниши мисолида куришимиз мумкин. Шу муносабат билан ҳуқуматимиз ишлаб чиққан тад-бирлар оилани ижтимоий мұхофаза қилиш, оилада ёшлар тарбия – сига зътиборни кучайтириш, оиланинг ҳуқуқий тамойилларини кенгайтириш ва бошқа оилани мустаҳкамлаш билан боғлиқ маса – лаларга қаратиди. Президентимиз И.А.Каримов айтгандаридек: "Халқымиз қадим – қадимдан оилани мұқаддас деб билган. Оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм сурди. Оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосиди".

Шуни унутмаслик лозимки, фарзандларимизнинг ҳар то – монлама камол топиши учун қулай шароитлар яратилсагина оила тарбияси муваффақиятли бўлиши мумкин. Ёш авлод ҳаё – тининг кўп қисми оилада ўтади. Шу боисдан турмушнинг мурраккаб муаммолари билан оилада танишадилар. Оиладаги мав – жуд анъаналар, урф – одатлар, расм – русумлар ва маросимлар – нинг ижобий таъсирида йигит – қизлар аста – секин камол то – пиб борадилар. Анъана ва маросимлар тарбиянинг қудратли қуролига айланади.

Келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда биз тар – биялаётган ёшларга боғлиқ. Бу қонуният оиланинг тарбия бо – расидаги фаолиятига ҳам боғлиқ. Оилавий тарбиянинг мурак – каблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам. У тарбия ишида ҳам ўзига хос хусусиятларни намоен қиласди.

Оилавий тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсаги – на, ўсиб келаёттан ёш авлод фаровонлигини таъминлаш мумкин. Оила тарбиясидаги ютуқлар ота – оналарга педагогик билимлар бе – риш, оилавий тарбия бўйича тажрибалар алмашиши, ота – оналарни тарбиявий ишларга қизғин жалб қилишга ҳам боғлиқдир.

Ҳар бир ота – она ўз фарзандларини тарбиялаш борасидаги бурч ва масъулиятларини чуқур англашларига боғлиқдир. Бундан ташқари нормал оилавий мұхит, ота – онанинг обруси, түгри кундалиқ режим, болани китобга ва ўқишига, меҳнат қилишга ўз вақтида жалб қилишлари ҳам муваффақият гаровидир.

Кўриниб турибдики, қадимдан ҳам, бугун ва эртага ҳам, бундан кейин ҳам ақлли, фаросатли, тафаккури чуқур – бир

сүз билан айтганда камолотли фарзанд тарбиялаш муаммоси долзарбдири. Халқ бундай фазилатли инсонларни севадилар, эъзозлайдилар ва хурмат киладилар

Бундай тафаккурга бой камолотли фарзанд тарбиясининг сарчашмаси оиласдан бошланади. Оила ана шундай табаррук қалъадир. У қандай қурилиши лозим? Оила узи нима ва унинг мақсад, вазифалари нималардан иборат?

**Оила** – вояга етган икки жинснинг севиш, ардоқлаш, ҳурмат қилиш асосида, ихтиёрий равишида, қалб ҳоҳиши билан тузилаган қонуний иттифоқидир.

Мұжазгина бир қалъа қурилды. Энди бу қалъада бекинма – чок үйналмайды. Ёшлиқдаги үйинқароқлик, бебошлиқ, әркалик, бепарволик үрнини сезгирилк, масъулият, андиша, жавобғарлик каби фазилатлар әгаллай бошлайды. Бунга ҳар бир ёш тайёрла – ниб, масъулият күникмасини ҳис қилиб, оила мақсад ва вазиғаларини тушуниб, уқиб бормоғи лозим.

**Оила мақсади** – икки жинснинг үзаро келинүви асосида фарзандни дүнёга келтириш ҳамда табиат ва жамиятнинг да – вомийлигини таъминлаш.

**Оила вазифаси** – эр – хотиннинг биргалиқда хұжалик юритиш асосида оиласи ҳам мәннавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ҳамда жамиятта соғлом, ақлли, ҳар томонлама бар – камол фарзанд тарбиялаш.

### **Ота–онанинг фарзанд олдидаги ва аксинча фарзанднинг ота–она олдидаги бурчлари**

Комил фарзандли бұламан, баҳтли оила қураман деган мақсад билан оила қурдингиз. Аммо бу мақсадға әришиш фарзанд тарбиялашдаги мұхим омилларни, фарзанд олдидаги бурчларни билиб иш қуришни тақозо этади.

#### **Ота–онанинг фарзанд олдидаги бурчлари:**

- фарзандга чиройли исм қўйиш (фарзандингиз үз исмини узгаларга айтганда орланмасин);
- саводини чиқариш, иқтидорига қараб билим бериш, имкониятига яраша ўқитиш ва касб – ҳунар ўргатиш;
- уйлантириш, турмушгага чиқариш;
- уйли – жойли қилиш;
- фарзандлар орасидаги мерос тақсимотида адолатли булиш.

### **Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари:**

- Ота—онанинг панд—насиҳатларига қулоқ солиш, уларга ҳар доим ёрдам бериш, меҳрибон, эътиборли бўлиш, оила ишларига ҳам маънавий, ҳам иқтисодий ёрдам бериш;
- ҳар бир фарзанд уз сингил ва укаларига меҳрибон, йўл—бўшчи ва йўлдош, одобда, ахлоқда, ишда, илм — ҳунар ўрганишда ўринак бўлиш;
- ота—оналарининг нимага муҳтоҷ әканликларини қалбан хис қилиш, уларга бу борада амалий меҳрибонлик кўрсатиш;
- оиласга бераётган чарьнавий ва иқтисодий ёрдамини миннаг қилмаслик;
- тавалмуд, байрам ва ҳайит кунларида йўқлаб туришни канда қилмаслик;
- кекса ота—оналарига алоҳида ғамхўрлик қилиши, ширин муомалада бўлиши. орзу—ниятларининг амалга ошишида ёрдам бериш;
- вақти—соати етиб, баңдаликни бажо келтирсалар, иззат—икром билан охирги манзилга кузатиш, маъракаларини камгарона, дайдабасиз, қариндош—уруглар, уни билган, ҳурмат қилган энг яқин одамлар билан ўтказиш.

### **Оила аъзоларининг ҳуқуқлари**

Оиласда ва жамиятда эр ва хотин тенг ҳуқуқларга эга. Бу ерда қонунда белгиланган ҳуқуқлар ҳақида гап кетмоқда. Бундай тенглик сайланаш, сайланиш, қасб танлаш, ишланаш, билим олиш, ўзига ёр танлаш ва ҳоказо ҳуқуқларда ўз ифодасини топади. Лекин икки жинснинг биологик, руҳий тузилиши нуқтаи—назаридан бундай тенглик йўқ Шунинг учун аёл ва эркакнинг оиласда рўзгор тебратиш, фарзандларни тарбиялаш, фарзандларнинг оила юмушлари ва вазифаларида мөҳнат тақсимоти масалаларидаги ҳуқуқ ва бурчларида бирмунча тафовутлар мавжуд.

#### **Эркакнинг вазифаси:**

- оиласи маънавий, иқтисодий қўллаб—қувватлаш;
- аёли ва фарзандларининг ташвишларига шерик бўлиш;
- оиласга соя солаётган хавф—хатарларга қалқон бўла билish;

- оила аъзоларига ғамхўр бўла билиш.

#### **Аёлнинг вазифаси:**

- оиласда фарзанд тарбияси билан шуғулланиш;

- уларни оқ ювиб, оқ тараш;
- эркакнинг ташиб келган озиқ – овқатларини пишириш, меҳмон кутиш;
- эр ва болаларини ишга ва ўқишига кузатиш, кутиб олиш.

Эр ва аёлнинг вазифалари юқорида санаб ўтилганлардангина иборат эмас, албатта. Бу вазифаларнинг барчасини санаб ўтишнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Оила шароитидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир инсон ўз тафаккурини ишга солиб, ва – зифаларини белгилаб олмоғи ва уларни шундай бажармоқлари лозимки, уйга келган ҳар бир меҳмон туз – насибасини тотиб, қайтаётганида оила аъзолари орасидаги ўзаро ҳурмат, уларнинг ҳар бирини ақду фаросатига тасанинолар ўқиб кетсинлар.

Оила деб аталмиш аравани тортиб бораётган эр ва хотиннинг бир – бирига елқадош булишини, ўзаро одобларини, бир – бирига бўлган меҳрибонликларини кўрган фарзандлар улардан ўрнак оладилар ва уларга ўхшашига ҳаракат қиласилар. Чунки фарзанд айтган насиҳатингизни эсидан чиқариши мумкин, аммо кўрганини ҳеч эсидан чиқармайди. Оиласда фарзанд тарбияси – нинг бу жиҳатини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим.

Айтайлик, бозордан ширинлик харид қилдингиз, келган заҳо – тиёқ уни кенжা фарзандингизга бердингиз – у, ҳеч кимга кўр – сатма дедингиз. У эса болалигига бориб, ширинликни ҳамма акаларига кўз – кўз қилиб чиқди. Лекин уларга йўқ. Улар ўксинишишади. Кичик бўлган яхши экан дейишади. Ҳамма нарса кичка, совға ҳам, ширинлик ҳам, эркалатиш ҳам, деб болалар орасидаги яккалик, ўзини узоқ тутини кайфиятлари пайдо бўла бошлайди. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун, уйга бирор нарса харид қилиб, олиб келганингизда ҳар доим униadolатли тақсим қилинг. Тақсимлаш жараённида ота – она ўзларини ҳам унумасликлари керак. Бу жуда муҳимдир. Болаларингиз бу жараённи кўрса, вақти келиб улар ҳам топиб келадиган бўлганларида сизга улуш ажратишни унумайдилар. Болалар олдида қилган буadolатли тақсимингиз улар учун энг катта сабоқ бўлади. *Биринчидан*, улар орасида бир – бирларига меҳрлари орта боради. *Иккинчидан*, доимо ота – онани эслаб турадиган бўлладилар. Акс ҳолда олиб келган нарсаларингизни фақат болала – рингизга тақсим қиласиган бўлсангиз, кейинчалик улар сизни эсламайдиган, фақат ўзларини ўйладиган бўлиб қоладилар. Айниқса, қариб куч – қувватдан қолганингизда тарбияда йўл қўйган бу хатоингиз сиз учун жуда катта азобга, тузатиб бўлмас армонга айланади.

Фарзандларингизга бир кўз билан қаранг, каттасини катта, ки – чигини кичик деб, шунга яраша иш тутсангиз, кичикларнинг катталари билан маслахатлашиб иш тутишиларига, каттаварининг кичикларини иззат қилишга, уларни химоя қилишга одаглантирсангиз, уларни яхши ишларини маъқумаб, рағбатлантириб борсангиз, ёмон иниларини ўз вақтида қайтариб, бу ишнинг нима учун емоғлигини ётиги билан тушултириб борсангиз, фарзандларингизнинг камоли, ўзингизнинг келажакдаги роҳат – фароғатингиз учун жуда муҳим ва катта тарбиявий ишни амалга оширган буласиз. Улардаги меҳр – оқибатни, обруларини кўриб, ўз ҳаётингиздан мамчун буласиз, фарзандларингиз тарбияси борасидаги чеккан заҳматларингиз, ма – шаққагларингиз унтуилади.

Қуийидағи тарбиявий масалаларни таҳдил қилинг:

*Масала – 1.* Ўзига түқ отахоннинг уч қиз, бир ўғли бор эди. У киши қариганларида меҳрни шу ягона ўғилларидан кутган эди. Аммо келини нобопрок чиқиб, улар отага қарашибмади Икки катта қизи ҳам ўз оиласари билан бўлиб, отадан хабар олмас эдилар. Отанинг кунига кенжә қизи яради. Оқ ювиб, оқ таради, кўнглини кутаришга ҳаракат қилди. Отахон оламдан ўтганларидан кейин кенжә қиздан ташқари ҳамма мерос талашиб, еттиси утмасдан жанжаллашишиди.

*Масала – 2.* Беш оға – инининг учинчиси бизнес қиламан деб катта қарзга ботиб қолди. Ниҳоятда аҳволи танг бўлган ука акаларидан қарз сўради. Ўзига түқ акалари қарзни қайтариб бера оладими, йўқми? деб унга қарз беришибмади. Ука нима қилишини билмай, ўзини ҳар томонга урди. Охири ноилож бир қалтис ишга қўл уриб, қамалиб кетди. Маҳаллада: "Укамнинг болаларини биз боқаяпмиз, ҳеч нарсага муҳтожлик жойи йўқ", – деб кўкрагига уриб юрган акаларни қандай баҳолайсиз?

### Тарбиянинг асоси оиласада шаклланади

*Отасини оғритган эл ичида хор бўлар,  
Онасини оғритган парча нонга зор бўлар*

Маънавий меросимиздаги тарбиявий ғоялар ривожига бир назар соладиган бўлсак, қанчалик маънавий жавоҳирларга эга эканлигимизга ишонч ҳосил қиласиз. Улар тубсиз уммон, битмас – туганмас бойлиқдир. Ҳар бир инсон бу уммонга шунғиганда ўзи –

нинг феъл – атвори, дунёқараши, билим савияси ва бошқа хусу – сиятларига қараб улуш олиб чиқиши мұқаррардир.

Табаррук манбаларимиз бұлмиш “Күръон”, “ҳадис”лар, аж – додларимиз маънавий мероси ҳисобланған “Қобуснома”, “Шоҳнома”, “Темурнома”, “Бобурнома”, “Гулистон”, “Бұстон”, “Темур тузуклари”, “Құтадғу билиг”, “Маҳбуб ул қулуғ” каби дүрдона асарларни мутолаа қылған ҳар бир инсон тарбиянинг инсон шәккелләнишидаги мұхим омил эканлыгига ишонч ҳосил қылади.

Тарбиянинг мураккаблиги ҳақида Амир Темур: *“Мен фарзанд тарбиялашда давлатни бошқаришдан күра чуқурроқ мушо – ҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишманлық кераклигига ишонч ҳосил қылдым”* – деса, Авлоний “Түркій гулистон ёхуд ахлоқ” асарида тарбиянинг аҳамиятига: *“Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”*, – деб катта баҳо беради. Тарбияни оиласын шаклантириб бориш керак. Бунинг учун ота – онанинг үзн тарбияланған булиши талаб қилинади.

Болаларга бирор нарсаны ваъда қылған бұлсанғиз ваъданынг устидан чиқиши керак. Бола олдида обрүйингизни тұкманг. Җұнки болалар жуда ишонувчан ва беғубор бұладилар. Сизнинг берган ваъданғизни сабрсизлик билан күтади. Вақтни, дақықаларни санаб ұтқазади. Интизорлик билан күтгән вақт келганды: “Дада, бутун бизни паркка олиб борасизми”, деса – ю, сизнинг берган ваъданғиз эсингиздан чиқиб кетгән бұлса, мұлзам бұлиб қоласиз. Шундай ҳолатлар 4 – 5 қайтарилса, боалағизнинг сизға бұлған ишончи иүқолади. Гапларингизга ишонмай құяди. Обрүйингиз кетади. Шунинг учун үзингизга ишонмасанғиз ваъда берманг. Удасидан чиқа оладиган ишга ваъда беринг. Бұлмаса яхшиси боланы алдамаганингиз маъқул. Акс ҳолда бола ҳам катта бұлғанида одамларга ваъда бериб, уни бажармаса ҳам бұлар экан, деган холосага келиб қолишли мүмкін.

Фарзандларингизнинг туғилған күнларини бир хил меҳр билан тенг күрган ҳолда ұтқазишиңа ҳаракат қилинг. Бирини иккінчисідан кам күрмаслигингиз лозим. Болаларингизнинг туғилған күнларини оиласын қилиб, сөдда ұтқазишиңа үргатинг.

Фарзандларингизнинг туғилған күнінде оила аъзоларингизни ишден ёки үқищден вақтлироқ келишларига одатлантириңг. Одиндандан келишиб, фарзандингизни туғилған күні билан табриклиш учун унга ёқадиган зәнг керакли бирон – бир совға харид

қилинг. Ёки ўзи анчадан бери олиб беринг деб юрган нарсасини олиб беринг. Яхши кўрадиган таоми, ширинликлари ва мевала – рини тайёрланг. Шу куни туғилган куни нишонланаётган болангизни кундалик ишлардан озод қилинг. Қолган фарзандла – рингиз барча юмушларда сизга ёрдам берсин.

Оила аъзоларининг ҳамматини туғилган кунларини шундай утказишга кўникма ҳосил қилган фарзандларингиз кейинчалик туғилган кунларни ўzlари мустақил равишда утказадиган бўла – дилар. Бир – бирларига нисбатан меҳр – оқибатли бўлади ёар. Бола – чақали бўлганларида бир – бирларини йўқлайдиган, бир – бирларига ёрдам берадиган бўладилар.

Болани ёшлигида мөхнатга ўргатиб боринг. Инсон бирданига мөхнаткаш бўлиб қолмайди. Сиз буюриб кетган ишларингизни болаларингиз баҳоли – қудрат бажариб қўйишибдими, чала ёки камчилиги бўлса ҳам энг аввало ўз хурсандилигингизни билди – ринг, маъқул усуслар билан рағбатлантириинг. Ишимни қўлимдан оладиган бўлиб қолибсизлар, деб мақтанг. Дадаси ёки ойиси, худога шукур ўғил – қизларимиз катта бўлиб қолишибди, энди бемалол уларга ишониб ишларимизни топшираверсак бўлар экан, деб болаларингизни пешоналарини силаб ёки миннатдорчилик билдириб қўйинг. Агар улар буюрган ишларингизни чала ба – жарган бўлсалар, уларнинг нафсониятларига тегмасдан, ҳеч кимнинг гувоҳисиз қилган хатоларини бафуржга тушунтириинг.

Фарзандларингизни иложи борича мустақил ишлашга, мустақил фикр юритишга ўргатинг. Масалан, бирор фандан сиздан ёрдам сўраса, уни фарзандингиз учун ишлаб берманг, фақат тушунти – ринг. Масалани мустақил ҳал қилиб бўлгандан кейин: "Мана ўзинг бемалол ечсанг бўлар экан – ку", – деб кунглини кўтариб қўйинг. Ана шунда фарзандингизда ўзига ишонч ҳосил бўла боради.

Фарзандларингизни уй ишларига ўргатиб боринг. Ёшига қараб қўлидан келадиган ишларни буюриб туринг.

Мазангиз бўлмай қолди дейлик. Болаларингизнинг ёшига қараб уй ишларини тақсимлаб беринг. Сизнинг ҳолингиздан хабар олиб туришсин, ўзингиз ўргатган қўлидан келадиган овқатни қилишсин. Буюрган ишларингизни ўzlари режалаб, ўzlари мустақил равишда қилишсин. Кичкинангиз бўлса, унга бошин – гизни силаб қўйишини илтимос қилинг. У жажжи қўлчалари билан бошингизни силаганидан кейин анча енгил тортганингизни айтинг. Сизнинг соғайишингизга унинг ҳам ҳиссаси қўшилаётганидан болангиз ниҳоятда хурсанд бўлади. Сизга нисбатан меҳри ортиб боради. Сиз унинг меҳрига муҳтоҷ эканли – гингизни ҳис этади.

Фарзандлардаги ота – онага, қайнона – қайнотага бұлған мөхрни ҳам ота – она тарбиялады. Айтайлык, бутун сиз бирор нарса харид қилиб келдінгиз. Сиз бу нарсаларни очиб, болала – рингизге бирор идиш олиб келишларини айтинг. Харид қилған таомингизни олдини ота – онанғизга солиб беринг – да, бувинг билан буванға олиб бориб бер дәнг. Ота – онанғиз гизнинг бу ишиңгиздан хурсанд бұлади ва күнгли мәхрға тұлиб фарзан – дингизни дуо қиласы. Болаларингизга шу баҳонада дуо олиш бу үсишинг учун керак, у табаррук нарса, инсон құлдан келганча бошқаларға яхшилик қилип бориши кераклигини үқдириңг. Шу йусинде тарбиялаган фарзандингиз қариганингизда сиз қилған ишиңгизни қайтаради. Чүнки унға бундай тарбияни ёшлигидан сингдиргансиз. Энди фарзандарингиз бува – бувиларининг дуо – сини дуру жавохирларға, ҳеч қандай бойлиқка тенглаштириб бұлмаслигини тушунади. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз: “*Таомнинг олдини ота – онанға берсанғ, үзинг ҳам олдини ейсан*”, – дейишган.

#### Күйилаги ҳаёттій масалаларни таҳлил қилинг:

1. С.Раҳимов тұманидаги қариялар уйіда иккі онахоннинг бир – бири билан уришағтанғанligи устига бориб қолдик. Етмиш олти ёшли Хосият холанинг ҳеч кими йўқ. Эри урушда құрбон бұлған. Битта ўғли бұлған, у ҳам вафот этған. Олтмиш ёшли За – мириа исмли аёл юқоридаги аёлни шалтоқликда айблаб, у билан турмаслигини айтиб жанжал қилаётған экан. Замира аядан сұ – расак, у тұрт ўғли борлигини айтди. Болалари, келинлари, нева – раларини ҳаммасини қарғаб тилға олди. Унинг бу қарғышларига илон пүст ташлайды. У биздан ўғиллари, келинлари устидан ёзиб, шарманда қилишимизни сұрады. Аянинг айтишларича, тұрт ўғил, тұрт келин, неваралари ҳаммаси ўта мәхрсиз, ахмоқ, яхшиликни билмайдыған экан. Гап орасыда юқоридаги Хосият аяга: “*Яхши бұлсанғ сени қариялар уйига ташлаб кетармиди*”, – деб құяр эди. Сиз бу ҳолатни қаңдай баҳолайсиз?

2. Тұрт келинини бир – бирига ёмонлаган, келинларининг яхши ишларини күрмай, унча – мунча камчиликларини рұқач қилиб, ўғилларига ёмонлаган қайнона шу оиласыда үзиге нисбатан мәхр үйғота оладими?

Халқимизнинг қүйидеги ибратли қиссасини таҳлил қилинг:

*Тинглагин бу иккі инсон қиссасин!  
Не эксанғ оларсан шунинг мевасин,  
Яшарди бир уйда ота ва фарзан,  
Уларда йұқ зеди бошқа ҳеч ҳамдард.  
Сүнгра келин келди ўғил улғайиб,*

Ота ҳам қариғи қадди бүкчайиб.  
 Ўз ишини қилди охир бу жаҳон,  
 Келини кўштарди отага исён.  
 Йигитга айтарди газабла келин,  
 "Тийиб қўй отангнинг заҳарли тилин,  
 На турар, на юрар, ёттар бир жойда  
 Бу бадбахт одамдан бизга не фойда.  
 Гар уни ўйқотсанг баҳтили бўламиз,  
 Ундан сўнг иккимиз ўйнаб куламиз.  
 Йўқса мен кетаман бошқа бир ёққа,  
 Сенинг изинг етмас узоқ—узоқча!"  
 Икки ўт ичида йигит чекди ғам,  
 Тушмасин ҳеч бошга бундайин ситам.  
 Тўхтатолмай кўздан оқкан ёшини,  
 Ярим тун кўштарди ғамгин бошини,  
 Турни опичлаги бемор отани,  
 Ҳеч ким қайтартмасин бундай хатони.  
 Отага ёлғондан "сафарга" деди,  
 Лекин шум нияти ҳатарга эди.  
 Отасин опичлаб қирлардан ўтди,  
 Охири сен кўрган дарахтга етди.  
 Бизни кўрмас, арча турар қўйқайиб,  
 Йигит қайтмоқ бўлди, отани қўйиб.  
 Бу ишдан падари қаҳ—қаҳлаб кулди,  
 Фарзанд бу ҳолатдан ҳайратда қолди.  
 "Ташлаб кетмоқдаман бугун сени мен,  
 Нега ўйғламасдан кулдинг бунда сен?"  
 Ота сўз бошлиги ўғилга қараб,  
 Дарахт остигаги суюкни силаб.  
 "Отамни шу дарахт остига ўзим,  
 Ташлаб кетган эдим сенингдек, ўғлим.  
 Боқ, бош суюги кулмоқда менга,  
 Гўё мен кулгандек, ушбу дам сенга",  
 Бугапни эшиштагач, ўғил дод солиб,  
 Жўнаги отасин кўшариб олиб.

Фожиа шундаки, инсон вагонлаб китоб ўқиши мумкин, аммо олган билимларини ўқиб уқмаган ва шунинг асосида ўз маънавия — тини, тафаккурини, онгини камолоттга етказмаса, у ўқиб, уқмас маънавий қашшоқ бўлиб қолаверади. Олган билимлари ва ҳаётий сабоқлари йигинидиси назариялигича қолиб кетаверади. Шуни унутмаслик керакки, беморни касалини даволаш, унинг руҳиятини ва маънавий камолотини шакллантиришдан кўра осонроқдир.

Шу ўринда Мирзо Бобурнинг қүйидаги байти айни ўринли – дир:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топғусидир,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топғусидир.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топғусидир.

Шундай экан, ҳар бир инсон ҳаётдан олган сабоқларини ва укиб ўзлаштирган билимларини кўникумга айлантириб, ҳаётга жорий этиб, амалда қўллаб боришлари керак.

### ЭР-ХОТИННИНГ ОИЛАДАГИ БИР-БИРИГА МУНОСАБАТИ, ЮРИШ-ТУРИШЛАРИ КОМИЛ ФАРЗАНД ТАРБИЯЛАШНИНГ АМАЛИЁТИДИР

Оилада фарзандларимиз ота – оналарининг бир – бирларига бўлган муносабатларига қараб иззат – ҳурматни, муомалани ўрганиб боради. Ота – оналаримиз бир – бирларига меҳри бўлса – лар, ширин муомала қилсалар, болалар ҳам шунга кўникум ҳосил қилиб, шундай муомалага ўрганадилар. Агар турмуш ўрготимизни ишга кузатаётганда “яхши бориб келинг, адаси” ёки ишдан қангтранларида “ишга яхши бориб келдингизми, адаси” деб та – биссум билан кузатиб қўйсак ва кутиб олсан, оиладаги ўғил – қиз фарзандларимиз ҳам онанинг бу ҳаракатини кўриб, отасига ҳурмати ошади. Ота – онани ҳурмат қилиш кераклигини тушуниб боради.

Афсуски, ҳамма оилаларда ҳам шундай ўзаро ҳурмат ва меҳр – оқибат мавжуд эмас. Баъзи оилаларда эрни ҳурмат қилиш ўрнига айтишларини он бўлиш, уларни “уз измига со – лиш”га бўлган интилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Хатто “бўйсунмайдиган” эрларни ўз аёллик мавқеидан “фойдаланиб” ўн беш суткага қаматган “оналар”ни ҳам учратамиз. Бу билан “тоиқир” аёлларимиз гўёки ўз эрларининг таъзирини бериб қўймоқчи бўладилар. Бундай оилада эрнинг хотинга бўлган ҳурмати, меҳри сусайиб боради, бора – бора эса йўқолади. Энди эр ўз хотинидан топмаган меҳрни, ҳурматни бошқалардан қидира бошлайди ва натижада оила мустаҳкамлигига птур етади. Айрим ҳолларда турмуш ўрготингизнинг тўй ёки туғилган кун хурсандчилигидан, чегарадан чиқиброқ қайтишларини бо – лалар олдида турли ортиқча гаплар билан обруйини тўкманг. Эртасига ўзига келганда ётиғи билан, бақирмай – чақирмай

бафуржка гаплагиши мүмкін. Масалан, "кечаги ҳолатингиздан болаларни олдида жуда уядым. Сизге бундай ҳолатда юриш яратып мес экан. Ахир болалар бізға қараб ҳаётни урганишади, ҳаётда үзларига йўл танаайдилар. Биз уларға үрнак булишимиз керак. Болалар катта булишашти", дейиш мүмкін. Сұхбатдан сүңг болаларингизнің отаси фахм—фаросати бўлса, аҳволни ту зatiш керак эканлигини тушунади.

Баъзи бир аёлларимиз борки, улар эридан оғына күпроқ пул топтандарини миннат киладилар "Энди косанға қаріб қолдими, чуннагингга пул тушиб семириб қолдингми, шуали бойвачча бу миб, ичадиган булиб қолдингми?" каби сұзлар билан болалари олдида эрини ҳақорат қиласы, унинг обрусини түкади Нати—жада болалар отани ҳурмат қилмайдиган, бу юрган ишларини бажармайдиган, гапини иккى қиласынан булиб қоладилар. Оналари отасини ёмонлайвериши әвазига болаларда отага нисбатан нафрат пайдо булади. Энди ахён—ахёнда, түй—томошада ёки бирон—бир сабаб билан ичадиган эр ҳар куни аламидан ичадиган булади ва келиб хотинини урадиган, сүқадиган, ҳақорат қиласынан одат чиқаради.

Фараз қилайлик, эр дүстларини уйга таклиф қилди. Аммо бу тасодифий таклиф аёлга ёқмади. Чунки бир қанча ишларни мулжаллаб қўйган ёки меҳмон кутишга имкониятий йўқ. Нати—жада меҳмонлар хурсандлик билан кутиб олинмайди. Бу ҳолдан эрининг асаби қўзғайди. Меҳмонлар кузатилгандан кейин эса хотинининг "таъзирини" беради.

Бу ҳол бошқача, яхши натижка билан туташи ҳам мүмкін эди. Фахм—фаросатли аёл бундай ҳолларда оиласыннан борини ошириб, йўғини яшириб, меҳмонларни очиқ чөхра билан, эрининг ҳурматини жойига қўйиб кутиб олади ва кузатади. Меҳмонлар кетгандан кейин, вазиятга қараб, эр—хотин бир—бирларини тушунган ҳолда қандай иш тутиш кераклиги ҳақида келишиб олишлари мүмкін. Масалан, уй бекаси бундай дейиши мүмкін: "Адаси, меҳмонларни олиб келишдан олдин уйда у—бу нарса бормиди, деб ўйлаб кўрсангиз яхши бўлармиди? Уйда меҳмон кутишга озиқ—овқат етарли эмас экан, қўшнидан олиб чиқишига мажбур бўлдим. Бундан буён дўстларингизни уйга таклиф қиласынан бўлсангиз огоҳлантириинг. Икковлашиб меҳмонни кутишга тайёрланайлик. Бўлмасам уялиб қоламиз". Бундай сұхбатдан сүңг эр хотинининг ҳақ эканлигини тушунади ва бундан буён хотини билан бамаслаҳат иш тугишига ҳаракат қиласы. Дўстлари билан сұхбатда уларнинг: "Хотининг жуда ажойиб аёл—да, уйингга қай маҳал борсак ҳам очиқ чөхра билан кутиб олади. Тасодифан бориб қолсак ҳам хотинининг ҳеч малол кел—

маганмиз", — деган гапларни эшитиб, хотинига бўлган меҳри янада ортади, уни яна ҳам ҳурмат қиладиган булади. Орадаги севги, мұхаббат, онда ришталари мустаҳкамланади.

Хаётда учраидиган яна бир ҳолатни олайлик. Айтайлик, турмуш ўртоғингиз оёғи оғриб, иссиги чиқиб ишдан вақтли келди. "Буни қаранг, Ҳилолаҳон", деб оғғига чиққан ярани сизга кўрсатди. Сиз ярани кўриб ижирғандингиз: "Вой—бўй, шу арзимаган ярани менга кўрсатасиз? Дўхтирга борсангиз бўлмайдими?" Сизнинг буидай мунисабатингиз, гапларингиз турмуш ўртоғингизнинг қалбини шундан яраладики, лол бўлганидан сизга сўзсиз бокиб қолди. Нажотки, жуғти ҳололим деб бир ёстиққа бош қўйган хотиним мендан шунчалик жирканса. Оғирроқ касал бўлиб қолсанчи, унда нима бу ҳади деб сиздан меҳри совий бошлиди. Кейинчалик сиз ўйламан айтган бир оғиз сўз билан пайдо қилган қалоб ярасини даволаш учун бутун умрингизни сарф қилишига тўғри көлиши мумкин. Шунда ҳам агар бу ижобий натижага берса.

#### ~~Ахенини маши бундай ҳолатни тасаввур қилишлик~~

"Вой, Анвар ақа! Иссигингиз чиқиб шунча қийналсангиз ҳам юравердингизми? Қани келинг—чи" деб меҳрибонлик билан биринчи ёрдам курсатсангиз ва дўхтирга албатта чиқишиларини айтсангиз, бундан буен бу масалага ҳар куни қизиқиб борсангиз, олам гулистон. Турмуш ўртоғингиз энди ҳар куни ишдан кейин уйга шошиладиган, сизни қумсаф турадиган бўлади. Сиз учун эса бундан ортиқ баҳт бўлмаса керак!

Оила қурған ҳар бир йигит—қиз, эр—хотин бир—бирини "Меҳр" деб атамиш малҳам билан озиқлантириб турса, унга суюнса, уни ўзоззласа, улардан баҳтли одамнинг узи оулмайди.

Ҳилолаҳон исмли келинимиз юқори ҳарорат билан ётиб қолди. Ишдан келган Анваржоннинг олдига зўрга чиқиб салом берди. Алик олган Анваржон: "Овқат борми?", — деб сўради Келин тоби бўлмагани, шунинг учун овқат қилолмаганини тушунтириди. Анваржон: "Мана юрибсиз—ку, овқат қилиб қўйсангиз бўлмайдими", — деб жаҳл аралаш гулдиради. Узи ошхонага кириб, иккита тухумни қовурди—да, ўтириб тамадди қилди. Анваржоннинг ҳар бир хатти—ҳаракатида, гапида зарда, киноя, викор, менсимаслик аломатлари сезилиб турар эди. Овқатланиб бўлган Анваржон Ҳилоланинг олдига кириб: "Дастурхонни йиғишириб қўйишга ярапсиз?", — деса, бу Ҳилоланинг қалбига санчилган ҳанжар эмасми?

Бунинг ўрнига Анваржон ҳар куни хурсанд ҳолда табассум билан кутиб оладиган турмуш ўртоғининг аҳволини кўриб: "Ие, Ҳилола, нима бўлди? Етинг, безовта бўлманг. Дори ичдингизми? Овқатландингизми?" — деб батағсил ҳол—аҳвол сўраб, соchlарини силаб, эркалаб қўйса, Ҳилола касалини ҳам унугади. Турмуш ўр—

тогининг келишига овқат қилиб қўёлмаганидан ҳижолат бўлади. Бу билан Анваржон ўз турмуш ўргонини ширин сўз, қалб меҳри билан даволаиди. Энди Ҳилола эрининг келишига бир эмас, икки хил овқат тайёрлайди. Сиз берган мана шу маънавий озуқсанлиз туфайли у канот чиқарип учади Барча ишларни битгас – тутанмас куч – гайрат билан қиласди, ҳақиқий меҳрибон турмуш ўрғони борангидан, то – леидан хурсанд бўлади, ҳаётидан мамнун булиб яшайди. Энди унинг сұянадиган тоби бор. Сұхбатланаш учун дилкаш ёри бор. Қийналған пайтларида елқадоши бор. Ҳунёда ундан баҳтли аёл йўқ.

Шу ўринда Берунийнинг аёллар ҳақида бўндан 11 аср илгари айтган қўйидаги фикрларини келтириш мақсадидаги мувофиқдир. Аёллар олмоста ўхшайди Олмос олмос бўлгунча, неча – неча чархлардан ўтади, қанчадан – қанча машаққатларга чидалди. Натижада қирралари шундай ишлов топадики, ярақлаганида кўзни олади. Олмос шу тариқа қимматбахо тошга айланади. Аёллар ҳам тортган машаққатлари, сабр – қаноати эвазига шундай баҳога сазовор бўлади ўар. Қизларимиз ҳам борган хона – донларида ақллилик, зукколик ва камтарларлик билан иш кўрсалар, улардан баҳтли аёл бўлмайди

Беруний ўзининг "Ҳиндистон" асарида: "Ҳеч бир халқ оила – никоҳ муносабатларидан холи эмас", – дейди Оила қуришдан аввал қиз ва йигит бир – бирларини қуришлари, ёқтиришлари, бир – бирларига қалбан меҳр қуийб, сўнг оила қуришга розилик билдириганлари маъқул. Чунки бу қалбан ёқтириш, яъни бошқача айтганда икки юракнинг бир – бирига нисбатан "жиз" этиши кейинги оила – вий ташвиш ва можароларнинг силлиқ ўтишига ёрдам беради, ҳаётда учрайдиган турли тўсикларни енгисида куч – қувват бағишлайди.

Хатто бу ҳақда Исломда қуйидаги тоя баён қилинади:

Никоҳдан олдин келинга маҳр бериш шартлиги, куёв бўлмишининг ижтимоий аҳволи яхши бўлмаса, у ҳолда маҳрни қисман бўлса ҳам бериш кераклиги назарда тутилади.

Шариатда маҳр – никоҳ олдидан аёлнинг кўнглини олиш, унинг қалбида куёвга нисбатан меҳр уйғотиш мақсадида шахсан келин бўлмишининг ўзига берилиши лозим бўлган совфа (шириклик, тақинчоқ, мато)дан иборат. Бу совфанинг ичида ширикликнинг бўлиши шартлиги назарда тутилган.

Маҳр бериш исломда суннат ҳисобланган. Жаноби Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қизлари ҳазрати Фотимани куёви Алига берганларида, ҳазрати Алининг маҳр бермасдан Фотимага қўшилишларига рози бўлмаганлар.

Яна маънавий меросимизга мурожаат қиладиган бўлсак, Абу Райхон Беруний ўзининг "Ҳиндистон" асарида шундай ёзади: "Эй қизим. Сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга

түшмоқдасан, сен булажак күёвингнинг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен ер бўлсанг, у осмон бўлади Демак, сен у билан шундай йўл тут, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каои олижаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кукартиргани каби у ҳам ўз меҳри билан сени хушнуд этади. Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сувлар эшиитсин, ярамайдиган ёки эски либосда, сочларинг тартибга солинмаган ҳоңда унинг олдида утирма... Яхиси сен у билан хуш мумомалада, ширин сўзли бўлгин... бу ишинг ҳар қандай сеҳр жидудан яхшидир. Сувдан тез-тез фойдалангин. Ўзингта хушбузи нарсалар билан оро бер. Покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин..."

Берунийнинг бу панду насиҳатлари унинчи асрга тегишли бўшиига қарамай, улар ҳозирги кунда ҳам оила қуриш олдида турган ҳар бир қиз учун баҳтли турмуш қуриш қалити бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ота-она фарзандлари нигоҳида энг буюк **кишилардир**. Шунинг учун улар фарзандлари олдида энг яхши сифатлари билангина обрў қозонишлари мумкин. Инсоний фазилатлар соҳиби бўлган ота-она ўз фарзандлари томонидан бир умр ўзвозланади.

Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда мактабни оила билан боғламасдан, муваффақиятта эришиб бўлмайди. Шунинг учун мактаб ота-оналар ўртасида таълим-тарбияга оид ишларни кенгайтириши лозим. Мактабда ўқитувчиларнинг ота-оналар билан бўлган учрашувида айтган фикрлари айниқса, ота-оналар учун қимматлидир, чунки улар ўз фарзандлари тўғрисида кўпроқ нарсаларни билиб оладилар. Шундай рокан, бола тарбиясининг туб моҳиятини англаган ҳар бир ота-она оила билан мактаб ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилади.

Бола мактабга кириб, то уни тамомлаб чиққунга қадар ота-она мактаб билан яқин алоҳа ўрнатиши, фарзандининг ўзлаштириши, хулқ-атворидан ҳамиша хабардор бўлиши тарбия масалалари бўйича ўқитувчи, синф раҳбари билан маслаҳатлашиб, уни дарсдан сўнг болани нима билан машғуллигидан хабардор қилиши лозим. У ўз навбатида ўқитувчи ҳам боланинг ўқиши, одоби, хулқи, мактабда ўзини тува билиши ҳақидағи маълумотларни ота-онага етказиши, зарурият туғилганда ҳосил бўлган муаммоларни биргаликда ҳал қилиши зарур. Шундагина ўқувчи олдига бир хил талаб қўйилишига эришилади. Боласи мактабга борган ота-она шу жамоанинг атзо-сига айланади. Шу сабабли ота-оналар мактабнинг ижтимоий

ҳаётида фаол қатнашилари шарт. Ўқитувчи ҳам ўз ўқувчисининг оиласи билан мустахкам ҳамкорликни йўлга кўймоги лозим

Ота – оналарнинг маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари билан тарбия соҳасида ҳамкорлик қилишлари жуда муҳимдир. Бу ишлар оила тарбиясига салмоқли ҳисса қушади. Комил фарзанд тарбиялаш учун оила, мактаб ва жамоатчичик, (ма – ҳалла)нинг ҳамкорлиги талаоб қилинади.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, ҳозирги иқтисодий, ижти – мойй узгаришлар шароитида оиласавий тарбия масалаларига эътибор янада кучайиб, долзарб мавзуга айланмоқда.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Оила деб нимага айтилади?
2. Оиланинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Ота – онанинг фарзанд олдидағи бурчларини санаб беринг.
4. Фарзанднинг ота – она олдидағи бурчларини санаб беринг.
5. Эр – хотин орасидаги муносабат оиласада комил фарзанд тарбиялашнинг муҳим омили эканлиги ҳақидаги ўз фикрларин – гизни билдиринг.
6. Юқоридаги маънавий манбалардан олиб берилган материалларни мустақил таҳлил қилинг.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 1992.
2. 1998 йил – Оила йили деб эълон қилинишига доир ҳуж – жатлар.
3. Мунавваров А. Оила педагогикаси. Қўлманма. – Т., 1994.
4. Фозиев Э. Педагогик психология асослари. – Т., Универ – ситет. 1997. – 80 – б.
5. Кайкавус. "Қобуснома". – Т.: Ўқитувчи. 1990.
6. Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино. – Т., 1987. – 240 – б.

### 3.ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ АСОСЛАРИ (ДИДАКТИКА)

#### 3.1. Таълим жараёни ва мутахассислик

“Ўз мустақил фикринг эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган ўйланиш түғрилигига ишонган инсон доимо келажакка шонч билан қарайди. У жамиятдаги фишлар хилма-химигидан чўчи-майди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суннган ҳолда ҳар қандай гаразли ният, таҳдиғ ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади”.

И.А. Каримов

Таълим жараёнининг илмий, назарий услубий ва амалий асосларини, яъни таълим, билим бериш, ўқитиш назарияси билан педагогиканинг мустақил бўлими дидактика шуғулланади. **Дидактика** – грекча сўз бўлиб, “*didasko*”, яъни ўқитиш, ўрга-тиш маъноларини беради. Таълим қонуниятларини ўрганиш, таҳдил қилиш жараёнида таълим тушунчаси унинг моҳияти мазмун ва вазифалари, ўқитиш принциплари, шакллари ҳақиқидаги билимларни баён этилади.

Таълим – инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турла – ридан бири бўлиб, индивидуал психик ривожланишни ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлантиради. Ўқитувчи таълим жараёнида фақат билим бериш билан чегараланмайди, балки бу жараёнда ўқувчи, талабага таъсир кўрсатади, бу эса уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради, натижада ўқувчи таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Таълим – даги ютуқлар, аввало ўқитувчига боғлиқ. Мутахассис сифатида ўз фанини чуқур билиши, педагогик мулоқот устаси бўлиши, психологияк – педагогик ва услубий билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши, ҳар хил педагогик вазиятларни зудлик билан ўрганиш ва баҳолаш, педагогик таъсир кўрсатишнинг мақбул усул ва воситаларини танлаб олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Таълимнинг асосий вазифаси шахсни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборат. Таълим инсон билиш фаолиятининг бир тури сифатида бир неча маънони билдиради. Яъни: таълим олувчиларда билим, кўникма ва мала –

калар ҳосил қилиш, уларда дунёқарааш, фикр ва зътиқодларни шаклантириш ҳамда уларнинг қобилияtlарини ўстиришдир.

Таълим орқали ёш авлодга инсоният тажрибаси орқали ту – планган билимлар берилади, зарурй кўникма ва малакалар ҳамда зътиқодлар шаллантирилади.

Таълим жараёнида, билимлар кўникма ва малакалар бир – бири билан ўзаро узвий боғланиб кетсада, ҳар доимгилик би – лимлар етакчи рол ййнайверади. Чунки ўкувчи ва талаба би – лимлар асосидагина кўникма ва малакаларнинг маълум қисмини эгаллайди. Масалан, ўкувчи купайтириш жадвалини билмаса оғзаки ҳисоблаш жараёнини ўзлаштириб олишда қийналади. Бинобарин ўқитиш ишлари шундай ташкил қилинсинки, ўқувчиларнинг билим олиши кўникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёни узвий бирлиқда ўтсин ҳамда таълим дастурларида му – айян ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний ва психолигик хусуси – ятларига мос ўқув тизимиға амал қилинади.

Таълим ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргалиқдаги фаолияти бўлиб, у икки томонлама характерга эга, яъни унда икки томон ўқитувчи ва ўқувчи фаол иштирок этади. Ўқитувчи аниқ мақсадни кўзлаб, режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни сингдиради. ўқувчи эса уни фаол ўзлаштириб олади. Билдириш, билиш мураккаб, қийин, зиддиятли жараёндир. Бу жараёnda инсон психикасига тегишли сезги, идрок, тасаввур ва тафаккур каби жараёнлар фаол иштирок этади ва муҳим роль ййнайди.

Таълим бериш, ёшларга билим бериш, уларда кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, янги ҳақиқатларни оча олишга қодир бўлган ижодий мантиқий тафаккурни тарбиялашдир. Таълим ўқувчи – талабаларнинг ўзлаштириш, ўзида билиш қобилияtlарини ҳамда фикрлаш операциялари ва ҳаракатла – рини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив жараён эмас, балки ўқувчига номаълум фаол, ижодий фаолият, меҳнат жараёнидир. Таълим жараёнида таълим олувчи билмаслиқдан билишгача, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тўлиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнида сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби психик жараёнлар фаол иштирок этади ва ама – лиётда синааб кўрилади.

Ўқитувчи, ўқувчи ва талабалардаги фикрлаш жараённи тўғри йўлга солиш учун амалиёт ҳар қандай билишнинг негизидир, деган қоидани ҳисобга олиши зарур.

Ўқувчи ва талабаларнинг эркин фикрлаш қобилиятини ўқув ва амалий машғулотлар ўтказиш йўли билан ўстириш лозим. Ўқувчи,

талаба тафаккур жараёнида воқеликни таҳмил қилишни ва таққослашни, билимларнинг ўзлари учун тушунарли соҳаларидағи сабаб – хуласалар чиқарини ўрганадилар, яъни оддий, сўнгра жа анча мураккаб тушунча ҳамда фикр – мулоҳазалар ҳосил қилишни билиб оладилар.

Таълимда ўқитувчи билим бериш билан чекланмайди, у ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятига ҳам раҳбарлик килади, ўқувчиларда ишдаги мустақиллик, ижодкорлик қобилиятларини ўстиради ва шу тариқа ўрганилаётган нарсанинг онгли равишда узлаштириб олинишга эришилади. Материални идрок қилишлари ва тушуниб олишлари билан бирга, уни пухта эсда сақлаб қолишлари тутрисида ҳам замхурлик қиласди.

Ўқитувчи билимларни ўз шогирдларига сингдирап экан, бу жараёнда уларнинг ўзлаштириш имкониятларини ўрганади, қийинчилликларни курди, сабабларини аниқлайди, уларни бартараф этиш чораларини излайди. Маҳоратли, ижодкор ўқитувчи бу жараёнда таълимнинг мазмунига киритади. Бунинг натижасида ўқигувчининг ўзига хос усуллари шаклланади.

Ўқитувчи ўқувчи – талабанинг билиш фаолиятларини ташкил қилиш мақсадида ўқув ишларини олиб борар экан, аввало таълим жараёни орқали уч вазифани, яъни билим бериш орқали уч мақсадни ҳал қилиши лозимлигини унутмаслиги керак. Бу мақсадлар ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини бирлаштиради.

1) **Таълимий мақсад** – ўқув материалларнинг мазмунини билиш, яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ қила олишдир.

2) **Тарбиявий мақсад** – фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунидаги ётган foялар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифатларини, имон – эътиқодларини шакллантиришдир.

3) **Ривожлантирувчи мақсад** – таълим жараёни таъсирида шахснинг ақлий камолотини билиш қобилиятини, ўқишига, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантиришдан иборат.

Таълим – инсон қалби ва онгига ижобий таъсири этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий foялар тизимини ўзида муҷассам этар экан, бунинг натижасида истиқдол мафкураси том маънодаги миллий мафкурага айланишига имкониятлар яратилади.

Бу мақсадларни амалга ошириш натижасида ўқувчи – талабада мустақил ишлаш истеъоди пайдо бўлади. Уни ўйлашга ўргатади, таълим жараёнида тафаккур ҳукмронлик қиласди. Таълим турли босқичларда амалга ошади.

Биринчи босқич – ўқув материалларини идрок қилишдан иборат. Бунда ўқувчи – талаба таълимнинг мазмунин билан та –

нишиб, үзининг билиш вазифалари нималардан иборат эканини тушуниб олади. Бунда сезги, идрок, тасаввур каби жараёнлар фаол иштирок этади.

**Иккинчи босқич** – улар ўкув материалларини тушуниб оладилар, унинг мөхиятини англайдилар ва умумлаштиради – лар. Натижада уларда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар анализ, синтез, таққослаш, холоса чиқаришдан фойдалана – дилар.

**Учинчи босқич** – янги билимлар, машқлар, мустақил ишлар, ўқитувчининг қўшимча изоҳлари орқали мустаҳкамланади.

**Тўртингчи босқичда** – улар ўзлаштириб олган билимларини имкониятга қараб амалиётга тадбиқ қиласидилар.

Буларни билиш орқали ўқитувчи таълим – тарбия жараёнини сачарали бошқариши мумкин. Шунинг учун ўкув жараёнигиниң ҳамма босқичларида ўқитувчи етакчилик ва бошқарувчилик ролини уйнайди. Юқоридағи фикрлардан холоса чиқарадиган бўлсак, ўқитиш жараёни билиш фаолиятининг мұхим тармоғи сифатида қатор вазифаларни бажаради. Жумладан:

1) ўкувчи ва талабаларда билим, кўнирма ва малакаларни ҳосил қиласиди;

2) уларда дунёқарашни, ишонч ва эътиқодларини ўстиради;

3) ёшларни муайян даражада ўқимишли, маданиятли, тарбияли кишилар бўлиб етишишларига, қобилият ва истеъоддла – рини ўстиришга эришилади.

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ўқитувчида ўз касбига лаёқат бўлиши лозим. Лаёқатлилик педагогик меҳнатни муваффақиятли бажаришга қодир бўлишидир. Бу аввало, педагогик касбнинг ижтимоий роли ва заруриятини яққол тасаввур кила олишида кўринади. Бундан ташқари ўқитувчи, ўкувчига ўз фаолиятининг объекти сифатида қизиқиб қараши, унинг эҳтиёж ва хусусиятларини тушуна билиши лозим.

Бундан ташқари ўқитувчи таълим жараёнида ҳар бир ўкувчи – талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва ҳисобга олиши, ўкув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шакла – рини мукаммал билиш, ўкувчига нисбатан талабчан бўлиш педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиш, таълим на – тижжаларини дастлабки ва кейинги кўрсаткичлар билан таққослаш, таҳлил қилиш ва холосалаш кабилар. Хуллас, ўқитувчи кенг кўламдаги дидактик билимларга, педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим.

Шундагина ўқитувчи, кадрлар тайерлаш Миллий дастури та—  
лаблари даражасида таълим жарабини ташкил килади ва  
бопкаради.

### Савол ва топшириқлар

1. Таълим жараёнининг моҳияти нимадан иборат?
2. Шахс ривожланишида таълим қандай рол ўйнайди?
3. Нима учун ўқув жараённи икки сўёлама характерга оға?
4. Билим беришининг асосий мақсадларини таҳлил қилинг.
5. Билиш фаолиятининг асосий босқичларини қиёслаб беринг.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Донишманд ҳалкимизнинг мустаҳкам иро—  
дасига ишонаман ("Фидокор" газетаси мухбири саволларига  
жавоблари). — Т., 2000.
2. "Кадрлар тайерлаш милий дар турни". — Т., 1997.
3. Мунавваров А.К. Педагогика. — Г.: Ўқитувчи. 1996.
4. Ильина Т.А. Педагогика. Учебная пособия. — М., 1985.
5. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. — Т., 1996.

### 3.2. Таълим мазмуни. Ўқув режалари, дастурлари, дарсликлар ва қасб

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим түғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда таълим тизи—  
мини мазмун ва моҳиятини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат  
таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳа—  
сидағи рақобат мұхитини шакллантириш назарда тутилган.  
Таълим тизимини ягона ўқув — илмий ишлаб чиқариш мажмуды  
сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш, ҳамда  
фуқароларга таълим, тарбия берин, қасб-хунар ўргатишининг  
хуқуқий асосларини белгилаш ва ҳар бир шахснинг баробар би—  
лим олишдан иборат конституциявий хуқуқини таъминланган.

Таълимнинг асосий мазмунини унинг вазифаларида ойдинлаш—  
тирилади. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боғлиқ бўлган  
вазифалар киради. Бу вазифалар ичида илмий ва техникавий би—  
лимлар, ҳамда улар билан боғлиқ бўлган малака ва кўнижмалар  
билан қуроллантириш, ажоддларимиз қолдирган тарихий ва мада—  
ний қадриятларда ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг туттган  
ўрни, таълим — тарбияси, одоб — ахлоқи ҳақиқидаги ҳикматли фикрлар  
борки, булар бугунги ҳалқ таълими тараққиётни учун ва миллий

мактаб яратиш борасида ёшларимизда инсонпарварлик, шоклик, имон – эътиқод, муруват, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатлараро дўстлик муносабатлари, қаҳрамонлик, мардлик сингари туйгуларини тарбиялайди.

Янги демократик жамият қуришда таълимнинг мазмуни бу жамият эҳтиёжларидан келиб чиқио ва қўйидагиларга амал қилган ҳолда белгиланади:

- илмий билимларнинг етакчи роли тўғрисидаги қоидага;
- инсониятнинг маданий – маърифий мероси бойликларини, умуминсоний қадриятларини билиб олиш ҳақидаги "Миллий дастур" кўрсатмаларига;
- тарбияланувчи шахсни баркамол авлод қилиб ривожлантириш, иймон – эътиқодини, илмий дунёқарашини таркиб топтириш;
- илмий ҳаёт билан, янги демократик жамият қурилиши тажрибаси боғлиқлиги ҳақидаги қоидага;
- таълимнинг бир мақсадга қарати ғанлиги (умумий ёки қасбий таълим);
- таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларига ва дидактик принципларига мувофиқлигига амал қилинади.

Таълимнинг мазмуни ўзгарувчан, у доимо янгиланиб туради. Янги демократик жамият қураётган ҳозирги кунларда фан ва техниканинг, педагогик технологияларнинг жадал ривожланиши, ҳалқимизнинг маданий – маърифий юксалиши туфайли бу жараён айниқса тезлашди. Бироқ материал ташлаш ва таълимнинг мазмунини янгилаш дидактик муаммолар булиб қолмай, балки етарлича мураккаб муаммодир. Пайдо бўлаётган янги билимлар оқими учун энг муҳим, ҳалқ таълими вазифаларини ҳал этишда асосий аҳамиятга эга бўлган фанларни ажратиб кўрсатиш ва айни вақтда қандай ўқув материалларини чиқариб ташлаш ва янгила – рини дастурларга киритилишини ҳал этиш керак.

"Янги демократик жамият қураётган бизнинг мамлакати – мизда таълимнинг мазмунини қўйидаги йўллар билан тако – миллиаштиришни назарда тутилади:

- фан ва тажрибадаги энг янги муваффақиятларни акс эттириш;
- иккинчи даражали ва ортиқча мураккаблаштирилган материаллардан қутулиш;
- ўрганилаётган фанлар рўйхатини ва материаллар ҳажмини аниқлаш ҳамда ўқувчи – ёшлар, албатта, ўзлаштириб олиши керак бўлган малака ва кўнникмаларнинг оптимал ҳажмини белгилаш;
- ўқув фанларига оид асосий тушунчаларни ва етакчи фояларни жуда ҳам аниқ баён қилиш;

— ўқувчиларнинг педагогик технологиялар: компьютер, ксеркс, электрон почта ва шу каби бошқа билимлар билан қуроллантириш ҳамда уларда шу технологиялардан фойдаланиш кўникумалари ҳосил қилиш.

Бирор мақсадга қаратилганлиги бўйича умумий таълимни политехника таълимни, қасбий таълимдан фарқ қилиш керак.

**Умумий таълим** — бу ўқувчиларнинг ҳар томонлама умумий тайёргарлигини ва ривожланишини таъминловчи фан асосла – рини эгаллаб олишдир.

**Қасбий таълим** — инсонни ўзи танлаган қасбига тегишли нис – батан тор йўналишдаги меҳнат фаолиятига хизмат қилиувчи таълим.

**Политехника таълими** — ўқувчиларни ҳозирги замон ишлаб чиқариши асослари, унинг энергетикаси ҳақидағи билимлар сис – темаси билан қуроллантиришни таъминлади, ҳамда инсон фаолиятининг тури соҳаларидағи иш операцияларини ўзлаштириб олиш учун база (acos) ажамиятига эга бўлган бир қатор меҳнат кўникумка ва малакаларини эгаллаб олишни назарда тутадиган таълим.

Умумий политехник ва қасбий таълимнинг бирга қушиб олиб борилиши янги демократик жамият қўринга қодир бўлган юқори малакали, онгли ва фаол заҳматкаш ёниларни тайёрлашга имкон беради.

Таълим мазмуни қуйидаги давлат ҳужжатлари ва расмий ҳужжатлар ташкил этади:

1. Ўқув режаси.
2. Ўқув гастури.
3. Дарслик.

**Ўқув режаси** — давлат ҳужжатидир Унга барча умумтаълим мактаблари сўзсиз амал қиласи. Бу ҳужжатда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва шу фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилади. Бу ҳужжат мактабнинг ягона ўқув режаси ҳисобланиб, у ҳалқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади. Алоҳида аниқ бир фаннинг ўқув режаси — шу фанни ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув иилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатидир.

Ўқув режасини тузишда қуйидаги омилларга асосланади:

1. Ўқув тарбия ишининг мақсади, ўқувчиларга аниқ илмий билим бериш, олган билимларини кўникуммага айлантириб, уни ҳаётда қуллай олишга ўргатиш.

2. Мактаб ўқувчиларига билим бериш ёшига қараб тизимга солинади ва қоидаларга асосланади:

- а) Бошланғич таълим — I–IV синфлар
- б) Умумий ўрта таълим — V–IX синфлар.

в) Ўрта махсус касб – ҳунар таълими, ақадемик лицейлар, касб – ҳунар коллекци.

Таълим түғрисидаги Қонунга асосан ақадемик лицей ва касб – ҳунар коллекцинің мақомы тенгланғылған. Уларнинг ўқувчилари ва битирүвчилари олий ўқув юргига киришда ёки танлаган йұналиш бүйича фәолият курсатыпда конституциявий ҳақ – ҳуқуқтарини амалға оширишда тенг ҳукуқладырлар. Шу билан бирға ақадемик лицей ва касб – ҳунар коллекци үз олдига құйған мақсадлари билан бир – биридан маълум маңнода фарқ қиласы.

**Ақадемик лицейлар** – ўқувчиларнің қизиқышлари ва қобиляйтларини ҳамда уларнинг жадал интеллектуал ривожла – нишини, чуқурлаштирилған, ихтисослаштирилған ҳолда ўқитиши таъминлайды. Ақадемик лицейларда уқувчилар үзлары танлаган йұналиши бүйича билимларини ошириш ва муайян ғанлар асосларини чуқур мұкаммал үзлаштириш имконига эга буладылар. Ақадемик лицейлар асосан олии ўқув юртлари қошида ташкил этилады.

Инсон тафаккури, ақлий салоғияти ижтимоий бойлик ҳи – собланади. Улар ҳар қандай жамияттнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётини белгилайдын омыллардир. Шундай фарзандда – римиз борки, улар умумий ўрта мектаб таълим жараённанда маълум йұналиш бүйича үзларининг иқтидорини, истеъдодда – рини намоён қыладылар. Бу бойлиқдан оқынуша фойдаланиш, уни тұғри йұналтириш катта ахамият касб этади. Ақадемик лицейлар айнан шу мақсадни амалға оширишга, иқтидорли, истеъдодлы болаларни тарбиялашга хизмат қиласы.

**Касб – ҳунар коллеклари** эса ўқувчиларнинг касб – ҳунарга мөйиллігіні, лаёқатларини, билим ва күникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танлаган йұналишлари бүйича бир ёки бир неча замонавий касб әгаллаш имконини беради. Касб – ҳунар коллеклари олдығы билим юртларидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан фарқ қиласы.

#### Бу фарқ нималардан иборат?

Булар әнг аввало ўқувчиларни үқишига қабул қилишдан бошлаб, ўқув жараённининг ташкил этилиши, мазмуну билан мезони ва бир нечта касб – ҳунар әгаси, устаси, килич – мутахассис бўлиб ўқиши тамомлашидан иборатдир. Ўқув жараёни жаҳон талаб – ларига мос келувчи давлат таълим стандартлари, яъни замон талабларига жавоб берувчи, истиқбол ва келажакни кўзлаб ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида ташкил этилади.

Касб – ҳунар колледжларида ўқув дастурлари олдинги ўқув босқичи – умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари билан ўзаро мутано – сиблиқда бўлиб, таълимнинг узмуксизлик ва изчилилк принци – пига амал қиласди. Шу билан бирга колледж педагогларининг савияси юқорилиги ва педагогик технологияларининг янгилиги билан фарқ қиласди. Замонавий билим бериш учун ўқитувчиларнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак. Шунинг учун педагог кадрларининг обру – эътиборини, ижти – моий мақомини, масъулиятини, малакасини оширишга ва замон талабларига мос ҳолда тайёрлашга эътибор қаратилган.

Академик лицейлар ва касб – ҳунар колледжларига ўқувчиларни қабул қилиш қандай амалга оширилади?

Бу умум ўрта мактабнинг 9 синфи битибувчиларининг яку – ний давлат аттестацияси натижасига биноан ўқувчи томонидан йигилган Рейтинг кўрсаткичлари ҳамда педагог психолого – ташҳис марказлари тавсиялари асосида ўқувчи академик ли – цеяда еки касб – ҳунар колледжининг маълум йўналишида ўқиши давлом эттириш ҳукуқига эга бўлади.

Ўқув режасида айрим табиий фанлар, айниқса, математика, информатика, физика фанлари, айрим гуманитар фанлар бўйича ўқувчиларнинг қизиқиши ва хоҳишларини қониқтириш, қобилиятларини ривожлантириш мақсадида утказиладиган фа – культиватив машғулотлар ва уларнинг соатлари кўрсатилган бўлади.

**Ўқув дастури** – Ҳар бир алоҳида фан учун ўқув дастури ту – зилади. Дастур ўқув режасига асосланади. Фаннинг мақсадидан, ўқув режаси бўйича ажратилган соат ва билим ҳажми унинг тизими мавжуд жамиятнинг тоявий – сиёсий йўналишини ўзида акс эттирадиган давлат ҳужжатидир.

Ўқув дастурида ҳар бир синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакалар – нинг ҳажми ва мавзулари белгилаб берилади. Дастурда фаннинг мазмуни, мавзу кетма – кетлиги иккинчи мавзу биринчини тўлдириши, изчилилк билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Ўқув дастурида шу фан бўйича ўқувчиларга берилиши лозим бўлган билим, кўникма ва мала – калар кичик мавзуларда ифодаланиб, мавзу мақсади қисқача изоҳланади.

Фаннинг мақсади ва вазифасидан келиб чиқсан ҳолда йўна – лишларга ажратилади. Улар бобларга бўлинади. Боблар катта – катта мавзуларга, катта мавзулар эса кичик мавзуларга бўлиниб, шу мавзу юзасидан ўқувчи қанақа билим, кўникма ва мала – каларни ўзлаштириши лозим бўлса, шу қисқача ифодаланиб

берилади. Ўқув дастурининг ўзини амал қилиниши керак бўлган қоидалари мавжуд

#### 1. Дастурни аниқ бир ғояга асосланганлиги.

Мустакил жамиятимиз тараққиетининг тамойилларига асосланган ҳолда ислоҳ қилинган ҳар бир соҳасидаги фан, техника, ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатлар қирраларидағи эришилган қутуқлар даражасини илмий асосда акс эттириши лозим. Дастур узоқни кўра билиш қоидаларига асосланиши керак.

#### 2. Дастур илмийлик принципига асосданади

Ҳар бир таълим ва тарбия ғоялари, илмий жиҳатдан текширилган, ишончли далиллар, кузатишлар, манбалар ва материаллар асосида киритилади.

#### 3. Ўқув дастури аниқ мазмун ва мантиқ ғояларини ўзида акс эттириши лозим.

Дастурда фаннинг мақсад ва вазифалари ундаги билим асослари мисоллар ва масалалар орқали ўргатилади. Акс ҳолда ўргатилаётган билим асосларини назарий жиҳатдан тушуниш қийин бўлади.

#### 4. Назариёт билан амалиётнинг бирлиги принципи.

Талабалар назарий олган билимларини, амалда қўйлай олиш кўникмасини шакллантириши назарда тутилади.

#### 5. Ўқув дастурини тузища фаннинг тарихий сабоклари инобатга олинади.

Вақт ўтиши билан фан оламида янги – янги кашфиётлар, маълум бир илмий қонун – қоидалар пайдо бўлиб, фан такомиллашиб боради. Дастур фаннинг келажақдаги истиқболини ўзида қисқача ифодалайди.

#### 6. Ўқув дастури хужжатлар ислоҳ қилинган таълим, давлат томонидан тасдиқланган режа асосида бакалавр, магистр, линей, гимназия, коллежларга алоҳида – алоҳида тузилади.

#### Дарслик.

Дарслик ўқув жараёнининг асоси. Дарслик ўқувчининг уйдаги муаллими, ҳар бир фаннинг мазмуни, мақсади, вазифаси дарсликда ёритилади. Дарслик, яъни фан объектив борлиқ ўртасидаги мұжим қонуниятли боғланишларни акс эттиради. Дарсликдаги билимлар тизими ўзаро ички, мантиқий боғланишларга эга бўлиб, улар дидактика талабига мувофиқ равишда баён қилинган. Дарслик қўйидаги талабларга амал қилган ҳолда яратилади:

1. Дарсликда акс этган илмий билимлар синф ўқувчиларининг ёш хусусиятига мос келиши керак.

2. Дарсликда баён қилинган илмий билимларнинг назарий асоси, ғоялари тизимли ва изчил бўлиши талаб қилинади. Улар

ҳаётдан олинган, ишонарли бўлиши лозим. Шу ҳолдагина ўқувчилардаги илмий дунёқараш, энг яхши инсоний фазилатлар таркиб топтирилади.

З Назарий билимлар ишлаб чиқарни амалиёти билан боғланган булиши керак.

4. Дарсликда мавзу содда, равон тилда ёилиши, ҳамда тегиши қоида ва таърифлари берилishi керак. Дарслик ичидаи ва муқовасидаги чизилган расмлар ва беzaтилиши ўқувчининг ёшига мос, фаннинг характеристига монанд бўлмоғи зарур.

5. Мавзулардаги фикрлар аниқ ва қисқа булиши, илмийликка асосланиши керак.

**Таълимнинг мақсади** — мустақил жамиятимиз равнақига назарий ва амалий ҳисса қуша оладиган "Баркамол авлод"ни тарбиялаш.

**Таълимнинг вазифаси** -- ёш авлодни илмий билимлар, күникма ва малакалар тизими билан қуроллантириш.

**Дарснинг мақсади** — ўқитувчининг режалаштирган аниқ бир мавзусини ўқувчиларга биудириш ва ўқувчилар узлаштирган бичим, кўникма ва малакаларини текшириб кўриш ҳамда янги мавзуга замин яратиш.

**Дарснинг мазмуни** — ўқитувчи томонидан режалаштирилган тугал маънога эга бўлган матн ташкил этади. Уни ўқувчилар онгига сингдириш жараённида маёнга, худоса ва хикоялардан фойдаланилади.

**Дарс** — бу аниқ мақсад тутаёт мазмунга эга, ўздан оддинги ва кейинги дарслар билан моҳияттан узвий боғланган, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги амалий ва назарий мулоқотдан иборат бўлган педагогик жараёндир.

#### **Дарс турлари:**

**Биринчи дарс тури** — янги мавзунинг баёни дейилиб, унинг мақсади дастурдаги янги дарс материалини ўтиш ва шу мавзу бўйича ўқувчиларда чуқур билим ва кўникма ҳосил қилиш. Ўтилган мавзу юзасидан машқлар ечириш. Улар билан савол-жавоб қилиш.

**Иккичи дарс тури** — аралаш дарс дейилади. Унинг мақсади, оддинги дарсда ўтилган мавзунинг маъно ва мөхиятини аҳамиятини ўқувчилар қанчалик тушунгандикларини аниқлаш. Оддинги мавзу юзасидан уларга савол ва машқлар бериш. Ўқувчилар ҳосил қилган билим ва кўникмаларини баҳолаш. Ўқувчилар олган билим ва кўникмалар ўқитувчини қаноатлантиргандан кейин, янги мавзу матни баён қилинади. Ўқитувчи дарс режасига киритган мақсад ва вазифаларини

амалга ошириб бўлгандан сунг, у яна янги мавзу юзасидан савол ва топшириқлар бериб, янги мавзуни ўқувчилар қандай ўзлаштирганикларини текшириб кўради холоса килади ва уйга вазифа беради.

**Учинчи дарс тури** — амалий машғулотлар ўтказиш дарси деинлади. Бу дарс тури, ўтилаётган фан мавзусининг осон ёки мураккаблигига қараб, бирор боб ёки мавзуси тугагандан сўнг ўтказилади. Математика фани бўлса, ёзма иш, физика, кимё, биология фанлари бўлса, баён ёки иншо, компютер технолоѓияси фани бўлса, компютерда ишлаш маҳоратини қанчалик эгаллаганилиги саналади ва ҳоказо. Яъни ўқувчиларнинг олган назарий билимларини қандай қилиб узлаштирганикларини амалиётда фойдалана олиш маҳорати синааб кўрилади ва баҳоланади.

Тажрибадан бизга маълумки, дарснинг мақсади билан мазмунни уртасида маълум боғланиш бўлиб, асосан улар дарснинг усулини ва тузилишини белгилайди Шунинг учун дарсни турларга ажратганда, саралаганда дарснинг мақсади ва мазмунини асос қилиб олиш энг тўғри йўлдир.

Таълим бериши жараёнида ўқувчиларнинг инсон сифатида қандай тарбияланашганлиги, уларда инсон фазилатлари ҳай даражада шаклланиб бораётганлигини ҳам эътибордан ҳоли қолдирмаслигимиз керак. Ўқувчи ақлий ва ахлоқий билимларни пухта эгаллаб, уни ҳаётга тадбиқ эта билмаса, бу эгаллаган билимлари уларни амалий жиҳатдан маънавий бойитса, уша ҳолатдагина биз "Барқамол авлодни тарбиялаш"дек бош мақсадими зга эришиб борамиз.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Таълим мазмунини нималар ташкил қиласди?
2. Дарслик нималарга асосланиб ёзилади?
3. Қандай жараёнга дарс деб айтилади?
4. Академик лицей ва қасб – ҳунар коллежининг битирувчи – лари қандай конституциявий ҳукуқларга эга?
5. Дарс турлари ҳақида гапириб беринг.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни. 1997. 1 октябр. "Маърифат" газетаси.

2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1998.
3. Мунавваров А.К. Педагогика. – Т., Уқитувчи. 1996.
4. Ўзбекистон Республикаси. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т., 1997.

### 3.3. Таълим тамо́йиллари (принциплари)

Узлуксиз таълим кадрларни тайёрлаш тизимиning асоси ва кадрлар таёйрлаш миллий моделининг таркибий қисмларидан бири деб, таъкидланади кадрлар тайёрлаш миллий дастурида. Узлуксиз таълим тизими ўқув–тарбия жараёнининг ҳамма босқичларини қамраб олади ҳамда ҳар томонлама етук баркамол авлодни етишти – риш учун шарт – шароитлар яратади. Шу сабабли мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ~~ривожлантиришининг~~ асосий тамо́йиллари (принциплари) белгиланади. Булар таълимнинг устуворлиги, таълимнинг демо – кратлашуви, таълимнинг инсонпарварлашуви, таълимнинг ижтимо – ийлашуви, таълимнинг миллий йўналганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иктидорли ёшлиарни аниқлаш, юқори даражада билим олишлари учун шарт – шароитлар яратиш кабилар. Жамият талаб қилаёттан узлуксиз таълимга тегишили бу қонун – қоидалар ўқитиш, билим бериш, яъни таълим жараёнига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Педагогикада таълимнинг илмий – назарий, услубий асослари алоҳида, яъни дидактика қисмида ўрганилади. Бу жараёнда таълим принципларига ҳам алоҳида тұхталади.

Таълим (ўқитиш) жараёни мураккаб ҳамда кўп қирралидир. Unda ўқитувчи ва ўқувчилар фаол иштирок этадилар. Bu жараённинг муваффақиятли ва самарали натижаси таълим жараёни – нининг қонун – қоидалари, яъни таълимга қўйилган дидактик талабларга қай даражада амал қилишларига боғлиқ.

Ўқитиш билиш фаолиятининг ажralmas қисми сифатида, инсоннинг теварак – атрофдаги дунёни билишнинг умумий қонунлари асосида содир бўлади. Шу сабабли шахсни ўқитиш, тарбиялаш, баркамол авлод қилиб етишириш жараёнида бир бутунликда амалга ошириш зарур. Ўқитувчи қачонки таълим тамо́йилларидан хабардор бўлгандагина уни самарали бошқариш, ўқитишнинг самарали усулларини туғри танлаш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитиш тамо́йиллари таълим жараёнининг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан туғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Ўқув материалларининг тарбиявий таъсир даражаси аввало унинг илмий мазмунига, миллий ғоянинг ёритилишига, дарсни илмий – услугубий жихатдан тўгри ташкил қила олишга боғлик. Шундай экан, ўқув жараёнининг мазмуни фандаги янгиликлар билан бойитишинга керакли материалларни таҳлай билишга, мисол ва исботлар билан ўқувчи онгига, қалбига сингдира олиши лозим. Ўқув жараёнида унинг таълимий ва тарбиявий имкониятларини бирлаштириш, унинг маънавий, аҳлоқий йұналишини ҳамда таъсирчанлигини янада оширади. Миллий ғояни, миллий истиқбол мағкурасини амалда ҳаётта тадбиқ қилишга педагогик шароит яратади.

Таълим тамойиллари ўқув юртлари олдида турған улкан ва – зифалар асосида белгиланади. Улар ўзаро бир – бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда бир системани ташкил этади, ҳар бир дарсда дидактик тамойилларнинг бир нечаси иштирок этиши мүмкін. Улар таълим олдида турған асосий мақсадларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшади Таълим тизими ислоҳ қилинаётган ҳозирги жараёnda ўқувчи – талабаларга мустаҳкам билим бериш, уларни эркин, мустақил фикрлай оладиган инсонлар қилиб тарбиялашда, таълим тамойилларининг моҳиятини чуқур англаш ва ҳаётта тадбиқ этиш муҳим муаммолардан биридир.

Ўқув юртларида бериладиган билим илмий характерга эга бўлиши фан – техниканинг сўнгги ютуқ ва қашфиётларини ўзида ифода этиши лозим. Шундай экан, ўқитувчи илм – фандаги янгиликлардан хабардор бўлиши лозим, ўқув фанлари ҳам илм – фан асосида яратилади. Ўқитишининг илмийлик таъмойиллари таълим жараёнида ўқувчи – талабаларни ҳозирги замон фан – техника тараққиёти даражасидаги илмий билимлар билан қуроллантириш, айниқса талаба ёшларни илмий – тадқиқот усуллари билан таништириб боришга қаратилган.

Илмийлик таълимнинг мазмунига ҳам, усулларига ҳам алоқадордир. Шундай экан, билим, илм – фан билан ўқув предмети ўргасида ҳам – корлик ўзаро борлиқлик бўлишига эришиш лозим. Таълимнинг ҳамма босқичларида илмий изохлардан фойдаланмоқ лозим.

Шунингдек, бу жараёnda ўқувчи талабаларнинг тайёргарлиги, савияси ва ёш хусусиятларига мос келадиган илмий – тадқиқот усуллари билан таништириш, айниқса, уларни атрофни нарса, воқеа ва ҳодисаларни мустақил суратда кузатиш, тажрибалар ўт – казиш, дастлабки илмий манбалар, адабиётлар устида ишлаш, му – аммолар қўйиш ва муаммоли вазиятларни ҳал қилиш, ечиш каби

дастлабки илмий тадқиқот усуллари билан таништиришни талаб қиласы.

Таълим мазмуни ҳамда усулларининг илмийлик тамойили талабларига мөс булиши оқибатида ўқувчи талабаларда илмий тафаккур шакланади, ураб олган борлиқ, содир бўлаётган воқеликни кузатиш ва ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортади, мустақил илмий ишлар олиб боришига мойиллик ривожланади.

Назарий билимларнинг амалиёт билан, турмуш тажрибалари билан боғлаод олиб бориши таълимнинг етакчи қоидаларидан **хи** – собланади. Таълим – тарбия соҳасидаги ютуқлар, ёнг аввало назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлигига асосланади. Шундагина ўқувчи – талаба ўрганаётган ўқув материалларининг туб моҳиятини тушуниб етади ва амалиётда улардан фойдалана олади. Бунинг учун ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларига эришмоқ лозим.Faol иштирок эса билимларни онгли, тушуниб ўзлаштириушга олиб келади.

Машғулотлар давомида ўқитувчи назарий **билимларнинг** амалий фаолиятда кўлланиш имкониятини ва зарурлигини кўрсатиб беришлари лозим. Назарий билим ўқув юртининг имконият даражасига қараб ўқув тажриба хоналарида, лабора – торияларда, тажриба ер участкаларида, экспурсиялар орқали ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш ва меҳнат илфорлари билан ўтказилган суҳбатлар орқали амалга оширилади.

Таълимдаги онглилик ва фаоллик, ўқувчидаги кўтаринки қайфият, кўпроқ биланина интилиш, мустақил фикрлаш ва холосалар чиқаришга уллайди. Билимларни онгли ва фаол ўзлаштириши ўқитиш жараёнининг психологик томонларида ўз ифодасини топади.

Ўқитишида назарий билимлар қанчалик қатъий баён этилса, ўқувчи талабанинг фикр юритиши ҳам шунчалик аниқ ва равшан бўлади ва ўқув материалларини онгли ўзлаштириш даражаси ҳам ошади. Таълим тизими ислоҳ қилинаётган ҳозирги жараёнда ёш – ларнинг мустақил фикр юритиши, мустақил суратда билим олишига интилиши талаоб қилинади. Бунинг натижасида билимларни ўз – лаштириш жараёни ижодий тус олади. Бундай шароитда ўқитувчи ўқувчининг машғулотларга муносабати ва бу жараёнда ўзини қандай тутишга эътибор бермоғи лозим. Ёшлардаги ўқиши истаги таълим жараёнининг зарурий ва мантиқий қисмидир. Шундай экан, таълимнинг самарадорли ўқитувчининг ўқувчиларни ўқишига изчил ва мунтазам қизиқтириб боришига боғлиқдир. Бунинг учун ўқитувчи, уларни ўқишига ижодий муносабатда бўлишга, мус – тақиулилкка, ишчанликка одатлантириши лозим.

Таълим жараёни, унинг мазмуни, унда кўтарилиган ҳаётий масалалар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли таълим, шахс шакланишининг асосий манбаидир.

Ўқитиб, тарбия бериш деганда бизда таълим ва тарбиянинг бир – биридан ажralмаслигини тушунамиз. Шундай экан. мактаб обрўси, ўқитувчи обрўси, аввало дарсаи шакаланади. Тил ва ада – биёт дарсими, математика дарсими ҳар доим уларнинг тарбиявий имкониятларини кўрабилиш, тарбия усулларидан фойдаланиш ло – зим.

Ўқувчи – талаба илмий билимларни узлаштирап экан, унинг дунёқараси ҳам, иродаси ва ахлоқий сифатлари, имон – эътиқоди ва қобилияти ҳам ўсиб ривожланиб боради.

Таълимнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишда ўқитувчи аввало таълимни услубий жиҳатдан тўғри ташкил этишга, ўқув материалларининг мазмуни билан боғлиқ тарбия – вий мақсадларни аниқ белгилашга ва билим олишга қизиқтира олишга боғлиқдир. Шу билан бирга, ўқитувчининг ўқувчилар олдидағи обрў – эътибори ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга – дир.

Ўқитиши жараёнини кўргазмали ташкил этиш зарур. Ҳам эшитиш, ҳам кўрсатиш орқали ўқув материалларини идрок қилиш, уларни онгли ва пухта ўзлаштириш, билимларни тур – мушдаги заруриятини англаб этишларига асос солади, диққатни барқарорлаштиради. Шунинг учун кўргазмали материаллар ўрганилаётган мавзунинг мазмунига мос келиши, ўқувчи – талабанинг ёши ва билим даражасига мувофиқлашган бўлиши, ҳамда улардан фойдаланишнинг самарали йўл ва воситаларини қўлмаш ва ишлаб чиқиш лозим. Кўрсатмали материаллар ўқув предметларининг характеристики ва мазмунига қараб турли – туман бўлиши мумкин. Жумладан:

а) буюм ва нарсаларни асли табиий ҳолда кўрсатиш (ўсимлик – лар, ҳайвонлар, гербарий ва коллекциялар, лаборатория машғулотларига намойишлар, экскурсиялар чоғида кўрсатиладиган буюм, нарсалар).

б) тасвирий кўрсатмали материалларни намойиш қилиш (расмлар, фотосуратлар, диафильмлар ва диапозитивлар, ки – нофильмлар ва бошқалар).

в) нарса ва буюмларни шартли белгилар орқали кўрсатиш (ўкув хариталари, схема, жадвал ва макетлар).

г) овозли кўрсатмали материаллар (грампластинка, магни – тофондаги ёзувлар, овозли кинофильмлар).

Таълим жараёнида қўлланиладиган кўргазмали материаллар ўқувчи – талабанинг ёшига, билим савиясига мос бўлиши ва урганилаётган чавзунинг мазмунини очиб беришга ердам се-риши, назарияни амалиёт билан боғлашга хизмат қилишига қараб танланиши лозим. Кўргазмали материалларни тайёрлашга жалб этиш ва ўргатишнинг дидактик аҳамияти каттадир

Билимлар турли йўл воситалари орқали пухта ўзлаштирилганда, у мустаҳкам эсда қолади, бу эса ўкув материалларни онгли ўзлаштиришга, назария билан амалиётни боғлашга, кўрсатмалийкка амал килишга ва билимларни такрорланиш орқали мустаҳкамлашга боғлиқдир. Таълимнинг бош мақсади – иш билимларни системалик ва пухта ўзлаштиришдир.

Таълим жараёнидаги муваффақиятларга фақат билим берисида ўқувчи – талабанинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олганда эришиш мумкин. Шунинг учун ўқитувчида болалар психологиясидан тегишли билимлар етарли бўлиши лозим. Дарс жараёнида шу синф ўқувчиларнига тегишли умумий хусусиятларни ва ҳар қайси ўқувчига тегишли хусусиятлар таълимнинг ҳар бир босқичида эътиборга олиниши даркор. Бунга эришиш учун ўқитувчи ўқувчиларни кузатиши ва уларнинг руҳий оламини ўрганиши лозим. Фақат шундагина ўқувчидаги камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади ва уларни бартараф қилиш учун изланишлар олиб борилади.

Ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари, аввало, уларнинг фикрлаш фаолиятларида, ўқитувчи ва тенгдошларига бўлган муносабатида, интизомлилигида, болалар ўртасидаги оборудъетиберида намоён бўлади. Шахсий хусусиятларни шаклланишига бола ўсаётган мұхитнинг таъсири бекиёс катта. Ўқитувчи болани ўрганиш учун уларни доимо кузатиши, сухбатлашиши, вазифалар бериши, хатти – ҳаракатларини доимо таҳдил қилиб бориши даркор.

### Савол ва топшириқлар

1. Педагогик жараёнда таълим тамойилларининг аҳамияти ва зарурияти нимада?
2. Таълимнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш омиллари қандай?
3. Онгли ўзлаштириш учун фаолликнинг роли қай даражада зарур?
4. Тенгдошларингизнинг шахсий хусусиятларини ўрганинг ва ўзингиз билан таққосланг.

## **АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон та-раққиётининг пойдевори. – Т., 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғриси" даги Конуни. – Т., 1998.
3. Фозиев Э. Психология. Ўқув қўлланма. – Т., 1994.
4. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т., 1996.
5. Педагогика. Курс лекции. – М., 1984.
6. Воҳидов М. Бола шахси ва унинг шаклланиши. – Т.: Ўзбекистон. 1972.
7. Едгоров Р. Маъруза – ахлоқий тарбия воситасиdir. – Т., 1980.

### **3.4. Таълим усуслари ва воситалари**

Таълим бериш, ҳар бир мавзунинг мағзини талабалар онгига етказиш маҳорати ўқитувчидан кўп изланишни, кўп мутола қилишни талаб қиласди. Билим уммонига бой бўлган устозгина мавзуни мағзини талабалар онгига моҳирона етказа олади. Мавзунинг мақсадига қараб, таълим усулларини танлай билади.

Таълим усулларидан оқилона фойдаланиб, иламий дарс ўтиш, ўқувчиларни ҳаётда ўз ўрнини топишга, онгнинг шаклланишига катта асос бўлиб хизмат қиласди. Ўқитувчининг маълум фан ил мини ўқувчилар онгига етказа олиш маҳорати, шу ўқувчиларни бўлгуси ҳаёт йўлларини танлашда муҳим аҳамиятга эга. Оддин баён қилганимиздек, таълимнинг моҳияти нисон камолотини шакллантиришга хизмат қиласди. Таълим усулини танлаш таълимнинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ. Усуллар ўқувчиларнинг ёшига, таълимнинг мазмунига ва функциясига қараб танланади. Ўқитувчи ўзининг шахсий сифатлари: комиллиги билан талабаларга ўrnak бўлиши, таълимий мақсад билан тарбиявий мақсад мутаносиблиги, фан асослари ва ғояларини чуқур билиши билан талабаларга ўrnak бўлиши талаб қилинади.

Бундай ўқитувчилардан билим олаётган талабалар нимани билиш керак эканлигини идрок қилиб берадилар. Назарий билимлар амалиётга кўчирилганда, уни аниқ ҳис қилиб, тасаввур қилиб ўзлари амалда бажарадилар, масалалар ечадилар. Сунгра билимлари моҳиятини тушуниб оладилар. Шу мавзу бўйича

аниқ күнікмәгә эга бұладилар. Шу аснода бошқа фанлардан ҳам билим олиш ва амалий машыулоттар бажариш өвзиге уларда күнікмалары бойынша болады.

Талабалар үзлаштириб олған билимләрини имкониятларига қараб секін – аста амалиёттегі куллай бошлайдилар. Талабалар билан бўлған мулоқотда, уларға билим беріш жараёнида ўқитувчи таълим – тарбия жараёнынни самарали бошқариши лозим. Таълим – тарбия жараёныннан үзний жарёндир. Таълим беріш жараёнида тарбиялаётганилгимизни унугтаслыгимиз лозим. Сұхандонлик, киноясиз сұзланы, ўқитувчига хос кийиниш эти – каси, фикрни әркін баён қилиш ва уни тамасиз етказа олиш хусусиятлари ўқувчилар учун амалий күргазма эканлигини унугтаслык керак. Таълим берішдә ўқитиш усуллари асосий үринни заллайды.

**Метод (усул)** – юонча атама бўлиб, айнаң нимагадир йўл деган маъненини анылатади, яъни мақсадга эрпашш итүни билдиради. Методлар (усуллар)ни ҳар қандай мұаммони (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характеристига қараб қўйидаги турларга ажратиш мүмкин:

**Сўз орқали ифодаланаадиган усул;**

**Күргазмали усул;**

**Амалий усул.**

Таълим мазмунини үзлаштиришда ўқувчиларнинг билим савиаси, үзлаштириш қобилияти, гаълим манбаси, дидактик вази – фаларга қараб, мұносиб равишида қўйидаги усуллар қўлланилади:

- ўқитишнинг маъруза (сұхбат) усули;
- ўқитишнинг амалий ишлар усули;
- лаборатория ишлар усули;
- мустақил ишлар усули;
- мұаммоли эвристик моделлаштириш усули;
- илмий тадқиқот усуллари;
- ўқитишнинг мұаммоли – изланиш ва репродуктив усули;
- ўқитишнинг индуктив ва дидуктив усули
- ўқитишнинг назорат ва ўз – ўзини назорат қилиш усули.

*Методлар қўйидаги гуруҳчаларни ўз ичига олади:*

**Биринчи гуруҳ усуллари:** – сўз орқали узатиш ва информацияни эшлиши орқали қабул қилиш усуслари (оғзаки усуллар: ҳикоя, маъруза, сұхбат ва бошқалар)

**Иккинчи гуруҳ усуллари:** – ўқув информациясини күргазмали узатиш ва күриш орқали қабул қилиш усуслари (күргазмали усул, тасвирий намойиш қилиш ва бошқалар).

**Учинчи гурух усуллари:** ўқув информацииясини амалий мәжнат ҳарапатләри орқали бериш (амалий усуллар, машқлар, лаборатория ишлари, дастур түзиси, педагогик масалаларни ечиш, мәжнат ҳарапатлари ва бошқалар).

**Таълимнинг рағбатлантириш усуллари:**

**1. Гаълимга қизиқишини рағбатлантириш усули.**

**2. Таълимга бурч ва масъулиятини рағбатлантириш усули.**

Худди шунингдек, таълимда назорат ва ўзини – ўзи назорат қилиш усуллари қуидагилар:

**1. Оғзаки назорат ва ўз – ўзини назорат қилиш.**

**2. Ёзма назорат ва ўз – ўзини назорат қилиш.**

**3. Лаборатория ва амалий назорат ва ўз – ўзини назорат қилиш усули.**

**4. Тест назорати.**

Бу усуллардан талабаларда билиш фаолиятини, қабул қилиш, англаш ва амалда қўллани фаолиятини шакллантиришда фойдаланилади.

Тушунтириш ва ўқтириш усули.

Ушбу тарздаги усулни қўллашда ўқитувчи сўз воситасида мавзуни баён қиласи ва тушунтиради. Ўқувчилар эса тинглашади, эслаб қолиш, англаб етиш орқали уни фаол қабул қиласи ва ўзлаштиради.

Мавзунинг асосини тушунтириш ва ўқтиришда ҳикоя усулидан фойдаланилади. Ўқув материаллари мазмунини оғзаки баён қилиш, унинг асосий жойларини тушунтириш кўзда тутилади. Бу мақсади аэришиш учун, ҳикоя усулини қўллаш самарали натижা беради. Бу усул орқали мавзуга хизмат киладиган маълумот ва воқеаларни баён қилиш диққатни фаоллаштиради, хотирада сақлашни жадаллаштиради. Ҳикояни баён қилиш, ўқтириш усулларини самарали қўллаш шартлари: режани қунт билан ўлаш, мавзуни ёритишнинг оқилюна изчиллигини таъминлаш, мисоллар ва ҳикояларни муваффақиятли танлаш, тушунтириш ва ўқтиришда зарурий эмоционалликни танлаш даркор.

Ҳикоя бир неча турга бўлиниб, ҳикоя муқаддима, ҳикоя баён, ҳикоя хуносаларга бўлиниб, улар мавзуни ёритишга хизмат қиласи.

Мавзуни тушунтиришда оғзаки баён қилиш, тушунтириш ёки бирор бир лавҳани кўрсатиш, ( иллюстрация)ни кўзда тутиб, ҳикоядан ўзининг ҳажми катталиги, мантиқий қўйилиши, образли исботлаш ва умумлаштириш орқали мавзу мақсадига эришилади, ҳикоя қилиш мавзунинг мақсадини бир кисмiga хизмат қиласи.

Маъруза матнини тушунтириш ва уқтириш информацияни оғзаки баён қилиш, узок вақт давомида диққатни тутиб туриш, тингловчиларини фикрланини фаоллаштириши усуллари, исботглаш, таснифлаш, системалаштириш, умумлаштириш ва бошқа усулларидан фойдаланилади.

Тушунтириш ва уқтириш усули атрофлича ўйланган фикрлар, саволлар ёрдамида билим берилиб, у үқувчини фактлар тизимини, янги тушунчалар ва қонуниятларни узлантиришига олиб келади.

Таълимнинг муаммоли – қидирув усуллари, тизимни сўз орқали ифодалани, кўргазмали ва амалиёт усуллари ёрдамида фойдаланилади. Таълимни муаммоли ўқитиш жараёнида ўқитувчи талабалар – нинг билиш фаoliyatiini кўзнатадиган, фаоллаштирадиган, онгни чархлайдиган вазифалар беради. Талабалар мустақил ҳолда ёки ўқитувчининг ёрдамида уни ечиш, ҳал қилиш учун ижодий излана – лилар. Муаммоли ўқитиш ёки муаммоли масалаларнинг ечишини талааб қилиш үқувчиларнинг эгаллаган илмий билимларига хосил қилинган кўникамаларига асосланган ҳолда берилади. Муаммоли масала ўқувчиппинг олинган билимини хотирлаоб, бемалол узи еча оладиган қилиб тузилиши керак. Акс ҳолда, масала талабанинг ултурмаган билимларига ҳам асосланиб тузилса, у ҳолда талаба узига ишонмай қолади, узидағи билимга ишончи йўқолади. Ҳар қандай илмий таълим талаба учун муаммолидир. Чунки талабага ҳозиргача номаълум бўлган янгилик билан таништиради. Муаммоли ўқитиш талабанинг фикрлари фаoliyatiini ўстиради, кўп нарсани билишга қизиқиши ўйғотади. Фаҳм – фаросатли, мустақил ижод қилишга интилиш каби шахсий фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради.

Қандай соннинг биринчи даражали хосиласи 1 га тенг?

Логорифм манфий асосда нима учун маънога эга эмас?

Нима учун тригонометрик функцияларнинг номи ўз жуфтига ўзгаради?

Ёки педагогик муаммоли масалалар тестига мурожаат қилайлик.

**Педагогик масала:**

Ота ўз ўғлининг етуклик аттестатини олиши ва 16 ёшга тўлиши муносабати билан зиёфат берди. У ўзига ва ўғлига ҳам қадаҳ тўлдириди, ўғлини бугунги баҳтли куни билан табриклаб ўғлига қадаҳ узатади. Сиз оила аъзоларининг бу воқеага бўлган муносабатларини қайси бирини тұғри деб ўйлайсиз?

а) дадаси – ўғлим муборак ёшинг билан табриклайман, шу муносабат билан бир қадаҳ қўтарайлик!

б) бувиси – жон болам, сен спиртли ичимликларга ўғлингни ўргата кўрма, ҳеч қачон ичмасин, мартабаси улуғ бўлсин, баҳтли бола бўлсин.

в) бобоғи – майли, дағанғи сүзи ерда қолмасын, дұстлары олдида изза қилма, қадағни уриштириб, бир ҳұплада бера қол.

г) ойиси – үелім, дағанғ сенің кадағ үзатиб, бу спиртли ичимдикларнинг қанчалик зарарлы эканлыгын билиш еки бил – маслигингні синааб күрмөкчі.

Бу тарздаги тест саволлари чуаммоли тарбиявий масала, үкүвчининг ақлай на ахлоқтың билимини көнғайтиради. Өнгіни, тағфаккурини чархтайди. Инсонларга бұлған мұомала мәдания – тини тақомиллаштиради. Шунға үхаш масалаларни мұттасыл ечиб борған, ақлни ва ахлоқтың билимлар күнікмаси чукур бұлған талаба комилятика эришиб боради.

#### Маънавий – ижодий усуллар:

Инсон маънавияттегі шаклланиши жуда мұраккаб жараён. Инсоннинг маънавий сифатларини шаклантирып да оила, атроф – муҳит, жамият катта роль үйнайды. Ота – онанинг меҳри, ат – роғдагиларнинг меҳри, уларни олқышлари боланы мустақил фикрлашға ва мустақил иш бошлаптаға ишончнин үйғотади. Ус – тозлар, ота – оналар боладаги бу ҳаракатни, ишончни сезғандан бошлаб, уларға шароит яратыш ва уларни тұғри йұналтиришлари лозим. Ота – она вә устозлар орасындағы тарбия үзвийлігі ёш – ларнинг шаклланишида муҳым ажамияттага зет. Сен үзинг үддалай оласан, бунға құрбинг етади, деб ишонтириш ва бу ишончни "Маънавий – ижодий усул" орқали амалға ошириш мүмкін. Ушбу усул уч босқичда амалға оширилади:

а) үқувчиларда билишгә қызықишини үйғота билиш;

б) үқувчиларнинг әғаллаган билимінде тажрибасын асос – ланған ҳолда масала қўйиш, ҳамда уларға сұяниб масалаларни таҳлил қилиш;

в) үрганиш керак бұлған мұаммо устида мустақил фикр көритең хулоса олишга эришиш

Юқоридаги босқичларни амалға ошириш жараённанда тала – балар, инсоннинг бой ҳазинаси унинг үзида яширигандыгын тушунадилар. Фақат бунинг учун үқитувчи улардаги қызықишини, яширигандығын иктидорини англай билиши керак.

Илм олиш, ақлни пешлаш, үз устида ишлаш, ҳикматларни билиш, камтарлық, маърифатлы бўлиш каби фазилатларга фақат меҳнат қилиш ва билим олиш, үқиб – үрганиш, ҳаётни кузатиш орқали эришиш мүмкін.

**Үқув маъруза усули:** үқув материалини оғзаки баён қилишини кўзда тутади, ҳикоя усулидан үзининг ҳажми катта – лиги, мантиқий қурилиши, умумлаштиришнинг мұраккаблиги

билин ажралиб туради. Маъруза бутун дарс ёки машғулатни банд этади Ҳикоя эса фақатгина унинг бир қисмини эгаллайди

Маъруза давомида инфомрацияни оғзаки баён қилиш, узок вакт давомида диққатни тутиб турис, тинчловчиларни фикрларини фоллаштириш усуллари, аргументлаши, исботлаши, таснифлаши, системалантириш, умумлаштириш ва бошқалардан фойдаланилади

**Сұхбат усули:** Оғзаки баён қилишининг асосий турларидан бири Таркибида зынг күп құлланиладиган сәмараудың усуллардан биридей. Күпинча бу усул савол – жавоб усули ҳам деб коритилади. Дарс берриши жарыенида үтилдептап мавзу қозасидан кириши асосий ва якун – ловчи қысмаларда сұхбат, савол – жавоб усули құлланилади. Сұхбат усулида атрофлича үйланған саволлар ердамида үқитувчи ва үқувчилар орасидаги сұхбатни күзде тутиб, у үқувчини фактлар тиимини янги тушунчалар ва қонунияттарни үзлаштиришга олиб келади.

Таълимнинг күргазмали усуллари: улар шартлы равишда иккиге бүлинеди

**1. Иллюстрация усули:** – плакат, харита, доскарады расм, олимларнинг портретлари, суратлар ва бошқаларни курсатишни күзде тутади.

**2. Намойиш қилиш усули** – асбоблар, тажрибалар, техник қурилмалар, түрли типдаги препаратларни намойиш қилиш билан боғлиқ. Намойиш қилиш усулига боғлиқ кинофильмлар ва диафильмлар ҳам киради.

**Таълимнинг амалий усуллари:** өзма машқлар, она тили ва чет тили, математика ва бошқа фанлар бүйіча топшириқларни бажарып – машқлары – киради. Худди шунингдек, лаборатория тажрибалари, устахоналарда, үкув – ишлаб чиқариш цехлари, үқувчилар бригадаларида меңнат топшириқларини бажарышлари ҳам таълимнинг амалий усулларынан.

**Таълим воситалари:** таълим мақсадини амалга ошириш учун құлланиладиган техник усқуна ва қурилмалар ҳамда күргазмали куроллардан иборат. Эпидаскоп, диаскоп, шахсий компьютерлар, плакатлар үкув асбоблари таълим воситаларига киради.

### Савол ва топшириқлар

1. Усул деб нимага айтилади ва қандай турларини биласиз?
2. Муаммоли масала деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзингиз тест күринишидаги педагогик муаммоли масала тузинг.

4. Қандай ўқув асбобларига таълим воситалари дейилади?  
Уларни санаб беринг.

### АДАБИЁГЛАР:

1. Турсунов И., Нишоналиев У. *Педагогика курси*. – Т., 1996.
2. Мунавваров А.К. *Педагогика*. – Т.: Ўқитувчи. 1996.
3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. – Т., 1997.
4. *Педагогика. Ўқув қулланма*. – Т., 1996.

### 3.5 Таълимнинг интерфаол методлари

Интер инглиз тилидаги «интер» олд қушимчасидан иборат бўлиб, у том маънода ўзаро таъсир, йўналганлик маъносини англатади. Бу ерда интер сузи кенг доирада, ҳалқаро миқёсдаги таъсир, ҳаракат, йўналганлик мазмунига эга. Интерфаол ата—масига келсак, у «*interactive*» яъни кенг ҳалқаро миқёсдаги ҳаракат фаоллигини билдиради. Лотинча интер сўзининг маъноси — ички потенциал имконий қувват дегани.

Маълумки, ҳар бир инсон ўз ички имконий қувватига ва узгаларда қайтарилмас фазилатга эга.

Интерактив усул тарбия нуқтai назаридан, ҳар бир кишини руҳий, илоҳий тавсифини кузда туттган ҳода, ҳалқаро миқёсдаги таълим — тарбия янгиликларни ҳамда маънавий манбаларимиз — даги акс эттирилган интеллектуал салоҳиятимиз кўнилмалари асосланиб комил фарзади тарбиялаш демакдир.

Фарбда педагогиканинг интерфаол методлари билан шугулланадиган қисмини интерактив педагогика деб ҳам юритилади.

Интерактив педагогика ёшлиарни талабаларни фаолликлари хилма — хиллигини ҳамкорлиги, ҳайриҳоҳлиги асосида уларни янги фаолликка, бунёдкорликка, яратувчаликка ундовчи педа—гогика булиб, талабаларга бундай сифатлар улар эркин фикрлаш асосларини эгаллаганларидан кейин шаклана бошлади, ривожланади.

Интерактив педагогика янги таълим асосида таълим — тарбиянинг ҳамма шакларида жорий этилмоқда. Масалан, маърузаларда, интерактив педагогиканинг мунозара, муомалалар муҳокамаси, ақлий хужум, баҳслар каби усулларидан кенг фойдаланилади.

Амалий машгулотларда эса семинар, оғзаки, ёзма колокви—умлар, рефератлар муҳокамаси, фаол эксперимент, амалий ўй—

инлар методларидан кенг фойдаланилмоқда. Аммо шунга қарамай Farb давлатларидан бизга интерактив педагогиканинг бир қанча қарорлар шажараси Ажурли арра, Снежный ком, тажрибалар, табиатлар ҳамкорлиги каби методлари кириб келди.

Табиат хазинаси ва инсон хазинаси шундай мұғжизавий алоқадорликка әзаки, табиат хазинасini инсон қанчалик очиб ундан фойдалана борган сары табиат бойликлари камая борса инсон хазинаси күпая боради Шунинг учун инсон табиатнинг олий мұғжизаси бўлиб, инсон хазинасининг кашфиётiga мустақил Ўзбекистонимизда энди жадал кириш қилмоқда. Интерактив педагогика ана шу инсон хазинасini, ички жуда катта интеллектуал имкониятларни очишга ёрдам беради.

Инсон имкониятларининг яна бир мұғжизавий томони шундан иборатки, ҳар бир киши нодир ва бетакрор бўлиши билан бирга у ижтимоийликка чухтоқ қилиб яратилган. Яъни ҳатто ҳар бир қобилиятли киши уз ақлий – амалий имкониятларидан оптималь фойдаланганда ҳам интеллектуал имкониятларни фақат 4 – 5% ини ишга сола олади. Шунинг учун кишиларнинг қизиқиши, қобилиятлар йўналиши турлича бўлиб улар жамоатлашганда ақлий имкониятларнинг фойдали иш кашфиёти кўпаяди.

Интерактив педагогика талабаларда ижобий ҳамкорликнинг ҳар бир киши учун қандай катта манфаат касб этишини амалда кўрсатади. Шунда талабалар фикрлари ҳилма – ҳиллигидан чўчимайдилар, балки ундан ўзаро манфаатдор бўладилар ва атрофдаги ижтимоий – иқтисодий ходисаларга онгли муносабатда бўладилар. Интерактив педагогика гашқирик шакли, методлари, табаларнинг ўзаро муносабатлари, талаба ва ўқитувчи муносабатлари билан патерналистик (насиҳат ва ўзлаштиришга асосланган) педагогикадан тубдан фарқ қиласди.

Масалан, интерактив педагогиканинг «мунозара» шаклидаги машғулоти икки босқичли қилиб ўtkазилади. Агар гуруҳдаги 20 та талаба бўлса, улар 4 тадан ёки 5 кишидан иборат кичик гурӯҳлар шаклида ўtkaziladila. Яъни ҳар бир столга давра қилиб ўтирилади. Шундай қилиб, гуруҳда 4 ёки 5 та давра ҳосил бўлади. Бугунги машғулотда ҳал қилиниши керак бўлган муаммо 4 ёки 5 та масалага бўлинади. Ўқитувчи гуруҳлар ҳал қилиш лозим бўлган масалаларни алоҳида қоғозларга ёзib келади.

Ҳар бир гуруҳга турии саволлар тарқатилади. Агар муаммо янги бўлса, ҳар бир карточка – қоғозда саволларга қисқача ёрдамчи изоҳлар берилиши керак. Ёки муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган материаллар билан танишиш талабаларга олдиндан

топширилади. Ҳар бир гуруҳга ўзлари олган масалаларни кичик гуруұларда ўзаро ижодий ҳамкорликни йүлга қўйиб мунозарани ташкил қилиш ва тегишли жавоб ҳозирлап учун 5–10 минут берилади (қийинлик даражасына қараб). Кейин мунозаранинг иккинчи босқичи бошланади. Үнда ҳар бир кичик гурух вакили ўзлари ҳал қылған масалани бутын гуруҳга, жамоага гапириб, ис – боттай берishi керак. Бу вакилининг жавоби бошқа гурух аъзо – лари томонидан умумий мунозарага олинади ва умумий якуний холоса чиқарилади. Бунда профессор – ўқитувчи мунозарага ижодий ҳамкор сифатида, энг зарур пайтларда иштирок қилиши керак.

Фикрларни тұғри, нотұғри мәбді тасдиқламаслиги керак Чunksи у әркін фикрлашға түсік бўлади. Албатта, профессор – ўқитувчи холосавий фикрларда агар зарур бўлса, ёрдамга ке – лиши керак. Худди шундай бешта гуруұларнинг жавоблари мунозарада ҳал қилингач, (5–10 минутдан) умумий қўйилган муаммо муҳокамасига ҳамма қатнашади. Якуний холосалар доскага ёзилади. Талабаларга тегишли рейтинг баллари мунозара давомида ва мунозара якунида қўйила боради.

Патерналистик педагогикада ҳам мунозара бор. Үнда са – воллар умумий берилиб, жавоблар муҳокама қилинади. Бунда талабаларнинг ижодий ҳамкорлиги ишга тушмайди.

Интерактив педагогиканинг «ақлий ҳужум» шаклидаги машғулотида ўқитувчи әгалларни керак бўлган мавзуни, ҳал қилиниши керак бўлган муаммони осондан қийинга қараб босқичма – босқич тизимли лойиҳалаб чиқади. Бунда лойиҳа тизими 3, 5, 6, 10 босқичдан иборат бўлиши мумкин. Лойиҳа тизими алоҳида қоғозга туширалиди. Ҳар бир босқич учун энг зарур изоҳлар берилади. Машғулот бошида тайёрланган лойиҳа тизими гуруұдаги талабаларнинг ҳаммасига тарқатилади. Лойиҳа ўрганиб чиқиш учун 10–15 минут ваqt берилади. Талабалар мустақил лойиҳа ва унинг босқичлари билан танишадилар. Кейин лойиҳа тизими экранга туширилади ва биринчи босқич муҳокамаси бошланади. Муҳокаманинг биринчи босқичида қўйилган масалани ҳал қилишига сўз олган талабанинг фикри тингланган у талабага курсдошлар томонидан саволлар берилади ва ўртоқлари томонидан янги фикр ғоялар ўртага ташланади. Яъни сўзга чиқкан талабага «ақлий ҳужум» қилинади. Бунинг учун ҳақиқий ижодий ҳамкорлик муҳити яратилиши керак. Яъни янги жавоб берувчи талабалар ўртоқларининг хатосини тузатиши ёки жавобни тұлатаяпты деган холосага келмасликлари керак балки янги фикр, янги ғоя айтилаяпты деган фикр, муҳит яратилиши керак. Худди шундай

лойиҳа тизими режасидаги поғоналарга босқич – босқич кўта – рила борилади.

Патерналистик педагогика учун бу метод мутлақо янги хи – сооланади. Интерактив педагогика методларида талабаларда интегретдан фойдаланишига, янги ахборот технологияларига табиий муҳтоҷлик юзага келади.

«Оиласда комил фарзанд тарбиялаш омиллари» – деб ном – манган мавзуни интэрфаол мунозара усулидан фойдаланиб ўтганик. Бунинг учун ўқитувчи дарс иш режасига асосланниб бир – икки хафта олдин талабаларга мустақил вазифалар беради.

1. Оиласга, оға онага, фарзанд тарбиясига таъмулукли халк мақолларини ва узга халк мақолларини тоғиб ўрганиб, таҳлил қилиб ёзиб келиш.

2. Ўқитувчи вазифа қилиб берадиган адабиётларда фарзанд тарбиясига қандай ўтибор берилган Асарда ота – оналарнинг гарбиясига қандай ўтибор берилган Асарда ота – оналарнинг гарбияда эришган ски йул қўйган камчиликлари қандай ори – тиғтан педагогик масалаларни таҳлил қилиш ва қисқача ёзиб келиш.

3. Бугунги кунда экранларда намойини этилаётган Ўзбек – фильмнинг «Отамдан қолган далалар», «От кишинаган томонда» ёки бошқа чет эл кинофильмларидағи оиласда фарзанд тарбия – сига тегишли қисчаларини изоҳлаш. Кинофильмни ҳар икки гу – руҳ талабалари ҳам кўрган булиши шарт. «Постда» газетаси, журналлар ва бошқа мавзуга тегишли адабиётлар ўрганишини тавсия қиласди.

Дарснинг режасидаги кўрсатилган санада ўқитувчи ердамида қўйидаги босқичларда олиб борилади

а) Талабалар икки гуруҳга ажратилади. Ҳар бир гуруҳга 1 минутдан вақт ажратилади. Шу 15 минут ичида биринчи гуруҳ нечта мавзуга тегишли мақол айтди. Унинг мазмунини 2 – гуруҳ талабалари тез ва туғри изоҳлай оладими? Иккинчи гуруҳ та – лабаларининг изоҳлари ва тез тўғриизоҳландими? Бу маълу – мотлар ўқитувчи томонидан белгилаб назорат қилиниб борила – ди.

б) Иккинчи қисмда иккинчи гуруҳ талаблари мунозарани бошлаб берадилар. Улар ўқиган адабиётларидан (бир хил ада – биётлар, ҳар икки гуруҳ талабалларига вазифа қилиб беради) парчалар ўқийдилар ёки ҳикоя қилиб берадилар. Биринчи гуруҳ талабалари бу қайси асардан олинган парча эканлигини айтиши, асарнинг автори ва парчанинг тарбиявий аҳамиятини қисқача, чиройли, тез, маҳорат билан вақтни тежаган ҳолда сўзлаб бе –

радилар. Агар изоҳ рақиб гуруҳнинг кўнгилдагидек чиқмаса, у ҳолда уларнинг ўзлари асар маъносини тўлдиради. Мунозара жараёнида қайси гуруҳ талабалари одобли маданиятди, матн моҳиятини қисқа ва чиройли түтри баён қилганлиги ўқитувчи томонидан инобатга олиб турилади.

в) Кейинги йилларда намойиш итилаётган Ўзбекфильм маҳсулоти «Отамдан қолган далалар», «От кишинаган томонда» ёки бошқа ҳар икки гуруҳнинг келишувига асосан фильмлар ташланади. Ва уларнинг гарбиявни моҳияти баён қилинади Биринчи гуруҳ талабаларининг саволларига жавоб беради. Ҳудди шундай иккинчи гуруҳ талабалари жавоб беради. Улар воҳеани еки ҳикояни моҳиятини қанчалик маҳорат билан баён қилганлигини, уларнинг сўз бошликлари, билим савиаси мунонзара маҳорати ўқитувчи томонидан ҳисобга олиниб турилади. Бу булим учун 26 минут вақт ажратилади. Ўқитувчи назоратидан утказилган «Мунозара» дарси талабаларнинг фазилатларини инобатга олишиб хулоса қилинади.

1. Ҳар икки гуруҳ талабалари ўзларига ажратилган дақиқаларда мақол ва ҳадис айта олганлигини ҳамда қайси гуруҳ талабалари уни тўғри ва чиройли изоҳлаб берганлигини инобатга олади.

2. 1 ёки 2 – гуруҳ талабалари, бир – бирларига берган саволлари қайси асадан эканлиги ва у асарнинг автори ким, унинг номини тўғри топдими, мавзуга тегишли ҳикояни қисқа лўнда, вақтни тежаган ҳолда моҳиятини чиройли баён қила олганлиги инобатга олиниб, баҳоланаади.

3. Талабаларнинг сўз сўзлаш маҳорати, аудиторияда узини тутиши, курдошларини ҳурмат қилиши, уларнинг олдида ўзларини тута билиши одоби ва бошқа фазилатлари назорат қилинади.

Дарс якунида ўқитувчи юқоридаги талабларга асосланган ҳолда хулоса қилади ва якунлайди.

«Интерфаол педагогика»нинг «Мунозара» усулидан фойда – ланиб, дарс ўтиш жараёни талабаларда қўйидаги фазилатларни шакллантиради.

1. Энг аввало талабаларда кутубхоналардан мустақил мавзуга тегишли адабиётларни излаб топиш куникмаларини ҳосил қиласди. Ҳамда мавзуга тегишли парча ёки ҳикояни ажратиб олишни ўргатади. ўрганилган матн мазмунини оғзаки баён қилиш маҳоратини шакллантиради.

2. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, мақсад фақат илмий маънавий мерос ўрганишда эмас, балки бетакрор хази – намизнинг илмий – амалий тамойиллари янги даврга хизмат

қилювчи қирралари, хикматларини очиш, уларни хаётта татбиқ қилиштдан иборат эканлигини тушуниб боради.

3. Қадриятларимиз манбаи булаган ҳадислар, мақоллар, матнларни купроқ урганишга ва уларниң маъно моҳиятини англашга ўргатади.

4. Тарихий маънавий манбалар моҳияги ва мазмуни бутунги кундаги аҳамияти ҳақида ўйлашга ундейди.

5. Таалабани янги асарни мутолаа қилишга, бу асарнинг мазмун—моҳиятини тезда англашга ўргатади

6. Янги чон ётилаётган китобларга, журнallарга, содир булаётган воқеа ва ҳодиса ҳарға бефарқ бўлмаслик, уларнинг сабаб ва оқибатларини англаб етишга ўргатади.

7. Газета, журнallарни шунчаки варақлаб ёки кино ва тетрларга лоқайд, факат кайфият кўтариши учун эмас, балки уларнинг мазмун—моҳиятини англашган ҳолда таҳлил қилип кўнижмасини беради.

8. Бутунги талаба эртаниги ота—она, уларни мустақил оила башкаришга ва фарзанд тарбиясига жиддий ётибор бериш фазилатини шаклантиради.

Эётиборингизга қуйидаги педагогика масалаларни ҳавола қиласиз.

МАСАЛА № 1. Оқил бутун ҳимия ва биология фанларидан 5 баҳо олди. У жуда хурсанд. Кечқурун адаси ишдан келгач, Оқил сенчини яшира олмай баҳоларини адасига курсатди. Адаси қандай муносабатда бўлиши керак:

а) Даёдаси, икки фандан 5 баҳо олгани учун юз сўм берди. Бу сенга совға деди. Агар яна шундай яхши ўқиб беш баҳо олсанг, уларнинг ҳар бирига 100 сўмдан бераман деди.

б) Эртаси куни унга янги красовка олиб берди.

в) Бувисиникига меҳмонга жуннатди.

г) Сендан умидим шу эди болам. Ишончимни оқлаяпсан. Демак, сизларни деб қилаётган сайи—ҳаракатларим зое кетмапти. Мени бутун жуда хурсанд қилдинг деб ўтти ва бошини силаб қўйди.

МАСАЛА № 2. Рустамжон ўғлига ўйинчоқ машина олиб келди. Ўғли хурсанд бўлиб машинасини ҳовлида ўйнаётган эди, амакисининг ўғли чиқиб машинани талашди. Улар жанжаллашиб бир—бирларини машина билан ура бошлашди. Бу воқеани кузатиб турган оила аъзолари қандай йўл тутишлари керак?

а) Рустамжоннинг хотини ўғлига бошқа ўйинчоғини ўз ўғлига бошқа ўйинчоғини олиб чиқиб ўғлини овунтиришга ҳаракат қилди.

б) Рустамжоннинг хотини ўйинчоқларини ўз ўғлини эканлиги айтиб, ўғлига олиб берди.

в) Рустамжон келиб машинани олиб қўйди ва ҳар иккаласига ҳам бермади.

г) Бувиси Рустамжоннинг ўғлини эркалатиб бағрига босди Жасуржон машинна сеники, сен уни ҳали уининг кирганингда ҳам уйнайсан. Ҳозир эса бир гал сен, бир гал уканг ушасин, унинг даси машинна олиб келганда сен ҳам уйпайтсан Ага ўқа шунақа бир-бирини яхши куриб, бирга уйнайди. Деб бошларини силаб эркалатиб тушунтириди.

МАСАЛА №3 Анваржон корхонада бошлиқ. Бутун унин ўғлини туғилган кунин. Бу туғилган кунни у қандай утказиши керак

а) Ишхонадаги одомларни чақириб зиёфат бериши керак

б) Хотини ва узини қариндошларини чақириб туғиман кун қилиб бериши маъқула.

г) Оила аъзоларининг туғилган кунларини содда, чиройли қилиб утказишига ургатиш керак. Туғилган кунини нишонлаётган оила аъзоси шу куниг оила юмушларидан озод қилиниб, унга лозим тоғилган совғани харид қилиб табриклашлари керак

МАСАЛА №4 Дилдора ёки Анваржон ўртоғиникида дарс қилмоқчи. У кимдан рухсат сўраши керак.

а) Ойисидан.

б) Адасидан.

в) Ҳар иккаласидан.

МАСАЛА №5. Эркин ўғлига икки – уч огоҳлантирган бўлса ҳам ўғли яна хатони қайтарди. Бундан отанинг жаҳли чиқди ва болани бир шапалоқ урди. Она бундай вазиятда ўзини қандай тутиши керак

а) Қўявер, аданиг ҳоҳласа уради, ҳоҳласа эркалатади. Булмаса айтганларини қилиб қўйгин эди, деди.

б) Нега болани урасиз деб, уни қўлидан тортади ва бағрига босиб, кечалари ухламай катта қилмагансизда, шунинг учун жонингиз ачимайди, – деди.

в) Ўғлини бағрига босиб ўпди. Адо бўлсин шу ҳам отами, кучи қўлига етади. Бошқа нимани ҳам қойиллатарди. Қўявер, ўғлим хафа бўлма. Ўзим сени яхши кўраман деб, эркалайди

г) Ота ўғлини тарбияга чақираётганда, она аралашмади ўз юмушлари билан банд бўлди.

МАСАЛА №6. Аҳоррон иш вақти бўлиб қолганлиги сабабли ҳовлидаги фиштларни ҳаммасини ичкарига ташиб қўйишга ултумади. Ҳаво айниб турибди. 20 – 25 та фишт қолган. У етти ёшли ўғлига «ўғлим фиштларни ичкарига ташиб қўйгин», деди. Ўғли мактаб вақтигача фиштларни ичкарига ташиб иккинчи сменага дарсга кетди. Дарсдан келиб онасидан адамлар ишдан келдилар – ми?, деб сўради. Келмаганлиги билиб, дадасининг ишдан келишини сабрсизлик билан кутди. Ва ниҳоят дадаси ишдан келди.

Ҳұрсанда бұлған үғил отасига ғашшларни ташиб қўйганини айтди. Ота үғлига нисбатан қандай муносабатда бўлиши керак.

а) Яхши ташиб қўйган бўлсанг бўпти. деди ва ўз ишлари билан банд бўлди.

б) «Маладес» ота үғил мана сенга 200 сўм пул, музқаймоқ олиб е, деди.

в) Яхши бўпти, буни айтмаса ҳам ташиб қўйишинг керак эди. Бугунги ейдиган овқатингни оқлабсанда, — деди.

г) Э. баракалла үғлим. Мана бу бошқа гап Энди катта бўлиб қулемдан ишимни оладиган бўлибсанда. Ҳалқимизда қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди, деб шуни айтадиларда. Энди сен ҳам қўлингни юв. Бир ота — бола мазза қилиб овқатланайлик, деди ва үғлини елкасини қоқиб қўйди.

Бундай тарбиявий сабоқларни бизга мерос қилиб қодирган ҳалқимиз бежизга «Таомнинг олдини ота — онангга берсанг, эргага ўзинг ҳам олдини ейсан», — деб бежиз айтган эмас.

Карорлар шажараси. Муаммо қўйилади

Талабалар, ўқувчилар 3, 4, 5 гурӯҳга бўлинадилар. Топшириқ топширилади, гурӯҳлар қаторлари мұхокама қилиниб, якуний хулоса чиқарилади.

Муз ёриш. Талабалар, ўқувчилар орасидаги нотаниш иш, нокулай ишни йўқотиш мақсадида гурӯҳ, синф кичик гурӯҳ — ларга бўлиниб ўзлари ҳақида гапириб бериш таклиф қилинади. Шу билан яхши мулоқот ўзаро ҳакамлікка шароит яратилади. Ёки бирор номаълум нарса ҳақида ўз билганлари билан ҳам — корланиб тұғри хулоса қилинади.

Интерактив педагогика талабаларни амалии ва назарий фалоликка янги ғоялар излашга, ўз фикрлари, ғояларини ҳимоя қилишга, ўз ғоя фикрларини исботлашга, бошқаларни фикрларига ҳурмат ва танқидий қараашга, мулоқот, мунозара олиб бориш сифатларини ўстиришга, мустақил изланишга, амалий ижодкорликка, амалий сифатларга зга бўлишга ўргатади.

Интерактив педагогика профессор — ўқитувчиларга ўзлари ўқитаетган фанларини, замонавий таълимий, ижодий — амалий ривожлантирувчи ва тарбиявий функцияларини аниқ белгилаб олиб миllий таълим моделидаги узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқарыш интеграциячи асосида интерактив педагогикадан ўринли фойдаланиб замон талаби даражасидаги етукумутаха — сисларни тайёрлашдаги ўзларининг шарафли вазифаларини бажаришлари керак.

Профессор — ўқитувчилар интерактив педагогика ёрдамида интернетдан, масофадан туриб ўқитиш, ахборот технологиялари

орасида илфор педагогик технологияларни ишлаб чиқариш, уларни ҳаётга жорий кила билишлари керак.

## Саволлар ва топшириқлар

1. Интерфаөл, интерактив атамаларнинг маънолари нималан иборат?
2. Интерактив педагогика билан патерналистик педагогика орасида қандай фарқ бор?
3. Интерактив педагогика методдарини санаб беринг?
4. «Мунозара» ва «Амалий ҳужум» методлари орасида қандай фарқ бор?
5. «Амалий 5 йил методлари» қандай ташкил қилинади?
6. «Муз ёриш» методини тушунтириб беринг?
7. «Қарорлар шажараси» методини қачон қўлланилади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии в подготавке учителя. – Т., 2000.
2. Аллаёрнов И.А. Дialectические основы активного обучения управленическом дисциплином. – Т.: Фан. 1994.
3. Кларин М.В. Инновации в миновой педагогике. – Рига 1995.
4. Юрий В.В. Педагогическая технология. – Ярославль. 1997.

## 3.6. Таълим–тарбиянинг замонавий ташкилий шакллари

Илмий билимларни, айниқса истиқдол мағқурасини ўқувчи, талабалар қалби ва онгига сингдириш жараёни таълим–тарбиянинг замон талабларига жавоб берувчи турли шакллари орқали амалга оширилади. Таълим шакллари машғулотларни ўтказиш вақтига қараб, ҳамда ўқувчи талабанинг таркиби ва улар фаолиятининг характер – моҳиятига қараб белгиланади.

Таълимни ташкил этиш шакллари деганда, аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунамиз. Ҳозирги кунда, умумтаълим мактабларида таълимни синф–дарс шаклида олиб бориш кенг тарқалган. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тузум манбаатларига мос

ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастрлабки даврларде таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ургатиш ишлари якка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўлади. Таълим тизими мазмунни, биҳимларнинг муракқаблашуви, болаларни гуруҳ - гуруҳ қилиб, туплаб ўқитишни тақозо қўйган ҳамда таълим билан шуғуланувчи мутахассислар, ўқитувчи тайёрлаш заруриятини кечтириб чиқарган.

Шу даврга келиб ўқитишнинг маҳсус ташкилий шакллари пайдо бўла бошлайди. Бунинг натижасида синф - дарс тизими пайдо бўла бошлайди. Халқ орасида ҳайтий тажрибага, билим ва тарбияга эга бўлган кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият курсатди.

Халқимиз тарихига назар ташлар эканмиз, мактаб ва мадра - саларда ёшларга билим бериш билан шуғуланганлиги "Авесто" ва бошқа тарихии манбалардан манъум. Аммо қадим даврларда таълимни қатъий чегараланган вактда, бир хил ўзданги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини босқичма - босқич бериш масалаларига аниқлик киритилмаган ёди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал - Форобийнинг "Фан ва ақл зakovat" асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Педагогика тарихида, таълим ташкил этиши - нинг асосий шакли дарс ҳисобланган Синф - дарс тизимини дидактик талаблар асарида яратишда буюк ҷох педагоги Ян Амос Коменскийнинг (1592 - 1670) хизматлари катта, уни синф - дарс тизимининг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган.

Я.А.Коменский "Буюк дидактика" асарида, ўқув машғулотларини гуруҳ шаклида ташкил қилиш, ўқув йили ва ўқув кунини бир вақтда бошлаш, машғулотлар орасида танаф - фуслар берилишини, гуруҳлардаги болаларнинг ёши ва сони бир хил бўлишига алоҳида эътибор берди. Дарс давомида ўқувчилар диққатини тұплаш, материални батағсил түшунтириш, ўқувчига саволлар бериш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Бу тарихий жараёнда Педагогика фани олдида турган муаммолардан бири таълимнинг ташкилий шаклларини самара - дорлигини ошириш, айниқса, дарсни самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий - назарий услубий ва амалий муаммоларни

ҳал этувчи тадқиқотлар олиб борища күп ишлар қилинди. Бу борада мустақил Ўзбекистонимизда қадрлар тайёрлаш миllий дастурини амалга оширишинда таълим тизимиға янги педагогик технологиялар тадбиқ этиш билан боғлиқ ишлар қилинмоқда

**Синф** деганда, ёши ва билим даражаси бир хил бўлган укувчилар гуруҳи тушуни ҳади

**Дарс** – аниқ мақсадни кузлаб белгиланган вақтда бир хил ёшдаги укувчи, ёшаар билан уқитувчи раҳбарлигида олиб бошадиган машғулотdir.

Дарснинг мақсади, мазмуни, ҳажми таълим стандартлари (укув режа, дастур, дарсник ва қулланма) асосида белгиланади. Дарс укув ишларининг асосий ташкилий шакли экан, бу жараёнда қўйидагиларга амал қилиниши лозим:

1. Ҳар бир синфда укувчиларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлиши лозим.

2. Дарс қатъий жадвал буйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилиши керак.

3. Дарс ўқитувчи раҳбарлигида бугун синф билан ва алоҳида укувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилади.

4. Дарс, укув фанининг характеристи, ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб турли усувлар ва воситаларда олиб борилади ва таълим тизимининг бир қисми сифатида туталланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлашгирмоқ учун замин яратади.

Шуни унутмаслик керакки, укув юртларида таълим ишлари фақат синф–дарс шаклида олиб борилмасдан, балки амалий машғулотлар, тажриба ишлари шаклида ҳам олиб борилади. Бу машғулотлар синфдан ва мактабдан ташқарида факультатив машғулотлар, тўгараклар, экскурсиялар шаклида олиб борилади.

Дарс – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи – талабанинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши дарс олдига қатор дидактик талабларни қўяди. Жумладан:

1. Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кузлаган ҳолда пухта реожалаштирилмоғи лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълими ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Дарс босқичларини, яъни қандай бошлаш, қандай тамомлаш кўргазмали материаллардан фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал қилиб олади.

2. Ҳар бир дарс аниқ ғоявий, мағкуравий изланишга эга бўлиши лозим. Ўқитувчи эса улардан тарбиявий макондда фой – даҳанмоги лозим.

3. Ҳар бир дарс мактабнинг ижтимоий муҳитнин имкониятини хисобга олган ҳолда амалиёт билан боғланмоги, курсат – мали воситалар билан жиҳозланмоги лозим.

4. Ҳар бир дарс характеристига мос усул, услуб ва воситалардан самараҳи фойдаланилган ҳолда ташкил этилашин лозим.

5. Дарс учун ажратилган соат ва дақиқаларни тежаш ва унумли фойдаланиш даркор.

6. Айрҳ жараёнида ўқитувчи ва уқувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши лозим, уқувчи – талаба пассив тингловчига айланмаши лозим.

7. Машгулотлар бутун синф билан ва ҳар бир уқувчи билан, уларнинг шахсий хусусиятлари ўтиборга олинган ҳолда олиб борилиши керак.

8. Айрҳини мазмуни ва характеристига қароҳ халқимизни бой маънавий меросидан, маънавий қадриятларидан самараҳи фойдаланиши.

9. Ўтилаётган мавзунинг мазмунига боғлиқ ҳолда мустақил юртимиzdаги ўзгаришлардан уқувчи талабаларни хабардор қилиш.

10. Айрода Президентимиз И.А.Каримовнинг таълим соҳасидаги фикрлари, юртимиз келажаги бўлган ёшларимизга, фарзандлари – мизга карата айтган мурожаатларидан ўз ўрнида фойдаланиши.

Таълим назарияси ва амалиётида дарс турлари ва уларни тузилишинг ҳам алоҳида муаммо сифатида қаренади ва ўрганилади.

Дарс билим, кўникма ва малакалар билан уқувчиларни қуроллантиришда асосий роль ўйнайди. Шу сабабли уқув машгулотларига ажратилган вақтнинг асосий қисми дарс ўтиш учун сарфланади.

Таълим тизимида тажрибадан ўтган дарс турлари куйидагилардан иборат:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.

2. Уқув материалларини мустаҳкамлаш.

3. Такрорлаш ва билимларни умумлаштириш дарслари

4. Уқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиши ва ба – ҳолаш дарслари.

5. Дарс турлари, уйғунлашган дарслар.

Таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган дарс янги билимларни баён қилиши дарсиdir.

Бу дарснинг тузилиши қуйидагича:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Янги билимларни баён қилиш.
3. Янги билимларни мустаҳкамлаш.
4. Янги билимлар устида машқ үтказиш.
5. Янги билимларга боғлиқ уи машғулотлари бериш.
6. Дарсни якунааш.

Дарс турларининг ўзгариши билан дарснинг тузилишида ҳам ўзгаришлар бўлади. Масалан, дарс турлари уйғунашган дарсларида дарснинг ҳамма элементлари мавжуддир:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Уй тошириқларини бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш.
3. Янги мавзуни баён қилиш.
4. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.
5. Уй тошириқлари бериш.
6. Дарсни якунлаш.

Таълим тизимида, такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш дарслари ҳам кўп қўлланилади.

Ўқитувчи дастурнинг маълум бир кисми, йирик мавзулар ўтиб бўлингандан сўнг бундай дарслар уюнтирилади.

Бу дарс билимларни оралиқ назорат орқали баҳолашда ҳам хизмат қилади.

Ҳар бир дарснинг муваффақияти кун жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил қилишга боғлиқдир. Бу даврда синфнинг тайёр – гарлигини синчиклаб кузатиш, болаларни дарсни тинглашга руҳий жиҳатдан тайёр эканликларини урганиш даркор. Шундан сўнг, маҳоратли педагог фурсатни қўлдан бермай, шогирдлари диққатни ҷалғитмай, дарснинг асосий қисмини бошлаб юборади. Чунки синф ўқувчиларини тезлик билан машғулотга фаол киришишларини таъминлаш лозим. Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси эълон қилинади. Режада мўлжалланган ўқув материали ўтиб бўлингач, у албатта якунланиши, хуносалар чиқарилиши керак.

Дарснинг самарали бўлиши фақат объектив сабабларгагина боғлиқ бўлмай, балки субъектив сабабларга ҳам, яъни дарс жараженида ўқувчи талабаларнинг руҳий ҳолатларига ҳам боғлиқдир. Шундай экан, ўқувчи ўзининг ҳар кунги иш жараёнида айrim ўқувчиларни эмас, балки бутун синф ва гуруҳ ўқувчи ва тала – баларининг руҳий ҳолатларини кузатиб бориши лозим.

Ҳар бир дарс ўз олдига қўйган мақсадга тұла эришиш учун ўқитувчи ўқувчиларни бутун дарс давомида ишchan – фаол ҳолатда тутиб туриши лозим. Бу жараёнда ўқитувчининг нутқи

равон, сода, тушунарли оҳангда, ҳамда қизиқарли бўлса, тинг—ловчиларнинг ишчан—фаоллиги ҳам нормал бўлади ва дарснинг максадига тўла ёринишлади.

Дарс ўқитувчи ва ўқувчининг ижодий ҳамкорлигига асосла—ниши лозим. Шундагина ўқувчилар мустақил эркин фикрлай оладилар, иродалари тарбияланади. Нутқ маданияти ривожланади. Муаммоли вазият изланишлар оржали уз йўлини топа оладимар.

Ўқув машғулотларининг синфдаги шакли дарсдан ташқари яна қўшимча қатор таълим шакллари мавжуд бўлиб, булар амалий—тажриба машғулотлар, қўшимча дарслар, факультативлар, экокурсия кабилардири.

Булар дарсда берилган билимларни тулдириш, мустаҳкамлаш, амалиёт билан боғлан учун ўюнтиришган қўшимча машғулотлардири.

Булардан ташқари ўқув юртлари тажрибасида фан тўга—раклари, ишлаб чиқариш амалиёти, уйин шаклидаги машғулотлардан ҳам фойдаланмоқда.

Узлуксиз таълимнинг ҳамма бос қичларида таълимнинг узига хос ташкилий шакллари мавжуд.

Жумладан: икки босқичли олий таълим тизимида ўзига хос таълим шакллари мавжуд. Буларга: маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар, кафедра ўқитувчиларининг очиқ маърузаларида қатнашиш, маъруза матнини тайорлаш ва мұжокама қилиш, ўқув курслари бўйича дастурлар тайёрлаш ишлари кабилар олий таълим нинг кўп қиррали йўналишлари ва шакллариридир.

Олий таълим тизимида маъруза ўқув жараёнининг ҳам усули, ҳам шакли ҳисобланиб, у талabalarga фан асосларини оғзаки, узвий ва мунтазам сингдиришга хизмат қиласди. Маъруза туфайли талаба шу фаннинг моҳиятини тушуниб боради ҳамда уларни эркин фикрлашга, фан устида ўйлашга мажбур этади. Шу сабабли маъруза илмий тафаккурни ривожлантиришнинг ўзига хос мактабига айланади. Маърузани шундай ўқиш лозимки, унинг таъсирида талabalarda шу фанга унинг вазифа ва келажагига нисбатан турли қарашлар, илмий эътиқод, ғоя ва миллий мағкура асослари шакллансан. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир маърузанинг мазмунини фандаги янгиликлар билан бойитиши ва танлай билиши лозим. Маъруза ижобий ҳамкорликка таяниб ташкил қилингандагина самарали натижга беради. Бунинг учун маъруза жараённида ҳам таълимий, ҳам тарбиявий вазифаларни самарали амалга ошириш йўллардан бири — ўқитувчи билан талabalар ўртасида дўстона, фаол муносабатларни тиклаб олинишдан иборат.

Маъruzani шундай ўқиш лозимки, бунинг таъсирида талабаларда шу фанга унинг вазифа ва келажагитга нисбатан турли қарашлар, илмий тътиқодлар вужудга келиши ва шаклланиши даркор шундай экан, ўқитувчи маъруза ўқиши жараёнида тингловчиларнинг таркибини ҳисобга олган ҳолда, унинг илмий томонига алоҳида эътибор берилши ва талабаларнинг қизиқиши ва интилишларига қулоқ солиши лозим.

Ўқилаётган маърузаларнинг тарбиявий таъсириининг янада юксак бўлиши ўқитувчининг ёшлилар олдидағи обрўсига, шахсий сифатла – рига, илмий истеъодидига, таълим соҳасидаги тажрибасига, маҳора – тига ва талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатларига боғлиқдир.

Бундан ташқари дарс ва маърузанинг самарали натижаси ўқувчи ва талабаларнинг ўқув жараёндаги руҳий ҳолатларини қай даражада ҳисобга олинишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, таълимни самарали ташкил этиш, унинг дарс, маъруза ва бошқа шаклларидан ўқитиш жараёнида ўринли фойдаланишлари учун шубҳасиз, ўқитувчининг педагогик маҳорати, педагоглик маданияти, ўз предметини пухта билишлiği ва ўқувчи талабалар билан умумий тил топа олишлiği foят катта аҳамиятга эгадир.

### Савол ва топшириқлар

1. Нима учун синф – дарс тизими таълим жараёнининг асосий шакли ҳисобланади?
2. Замонавий дарс олдиға қўйиладиган асосий талабларни айтинг.
3. Дарснинг қандай хиллари бор?
4. Дарс хилларининг тузилишини таққосланг.
5. Таълимнинг дарсдан ташқари яна қандай шакллари мавжуд?
6. Ўқувчи ва талабаларнинг дарсдаги руҳий ҳолатини ўқитувчи билиши нима учун керак?
7. Ўқилаётган маърузаларнинг самараадорлигини таъминловчи омилларни айтинг.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. – Т., 1997.
2. Каримов И.А. Доңишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иро – дасига ишонаман. – Т., 2000.

3. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. –Т.: Үқитувчи. 1997.
4. Воҳидов М. "Ўқитувчи ва ўкувчиларнинг дарсдаги руҳий ҳолати. "Халқ таълимни" журнали. 1999 й. №7.
5. Педагогика. Қўлланма. (Мунавваров А. таҳрири остида) –Т.: Үқитувчи. 1997.
6. Ёдгоров Р. Маъruzанинг таълимий ва тарбиявий имкониятлари // "Таълим ва тарбия" журнали. 1997. № 1 – 2.

### **3.7. Таълим сифатини аниқлаш ва рағбатлантириш**

Ёшларни мустақил билим олишга ўргатиш бутунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бириди. Шунинг учун ҳам Пре-зидентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1X сессиясида сўзлаган нутқида: *"Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятиларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносаб, обрули ўрин эгаллаш учун фидойшик билан курашиши мумкин"*, деган эди. Шу ўринда таъқидамоқ лозимки, бутунги кунда ёшларни маънавий – интеллектуал рағбатлантиришнинг аҳамияти каттадир.

Ёшларни тарбиялаш жараёнида маънавий – интеллектуал ривожлантириш сифатларини аниқлашпнинг аниқ мақсади ва вазифалари ишлаб чиқилган.

Маънавий – интеллектуал шаклланиш сифатларини замонавий усулларда аниқлаш тарбиявий жараенга самарали ўзгартишлар киригади. Ўқувчи – ёшларнинг, талабаларнинг маънавий – интеллектуал шаклланиш сифатларидағи ютуқ ва камчиликларини рағбатлантириш, тузатиш тарбия мазмуни, усуллари ва ташкилий шаклларини яхшилашга мос тузатишлар киритиши лозим.

Ўқувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий камолотларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятга згадир. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи билимини бойитишга, улар шахсини ривожланишига ва тарбиясига таъсир кўрсатади.

Ўқитувчи билимларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш ва баҳолаш орқали ўқувчи ва талаба ўқув материалларини қай даражада тушуниб фикр юритаётганини аниқлади ҳамда кейинги ўқув материалларини ўрганиш тизимини таълим ва тарбия сифатини яхшилаш йўл ва усулларини белгилайди.

Ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш ва баҳолаш ўкувчи – талабанинг ўқишига бўлган муносабатини, тиришқоқлигини, ўзига талаబчанлигини, билимга, фанларга бўлган қизиқишини билишга имкон беради. Бу жараёнда ўқитувчи айрим ўкувчи – талабага ва бутун жамоага таъсир этади, алоҳида ишни синф, курс жамоаси иши билан қўшиб олиб боради.

Билимларни ўзлаштиришни назорат қилиш жараёнида улар тафаккурининг ўсиш даражасини ҳисобга олади, қобилияти, ўқишига иштиёқи, нутқи, мустақил фикр юритиш даражаси ўрга – нилади. Айрим ўкувчи – талабаларда учрайдиган қўрқоқлик, уят – чанлик, тортинчоқлик, шошқалоқлик, кам гаплик ёки ўз кучига ортиқча баҳо беришилик каби хусусиятлар бартараф этилади. Билимларни баҳолаш жараёни жуда адолатли ва ҳаққоний бўлиши лозим. Ўқитувчининг баҳо қўйищдаги хатоси ўкувчи, талабаларга салбий таъсир этади. Уларда ўз кучига бўлган иштиёқни сўндиради, оқибатда ўқитувчининг тарбиявий таъсирига птур этади. Баҳолаш жараёнида ўкувчи жавоби таҳлил қилиниши лозим. Шунда қўйилган баҳоларнинг ҳаққонийлигига уларда шубҳа қолмайди. Ўкувчи ўз билимида қандай ютуқ ва камчиликлар борлигини, нима учун унинг бали оширилгани ёки пасайтирилганини тушунганда – гина қўйилган баҳо рағбатлантирувчи роль ўйнаши мумкин.

Билимларни назорат қилишда қўйилган балл ва баҳолар ўкувчи ва талабада қандай таассуротлар қолдирганини, улар ўртоқларининг ўқищдаги ютуқ ва камчиликларига қандай муносабатда бўлишларини доим кузатиб бориш лозим. Ўкувчи ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш ўкув йили давомида ҳар доим ва мунтазам амалга оширилиши учун рейтинг тизими жорий қилиниб, баъзан – баъзан тасодифан текширишларни оддини олади ва тартибли, доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб беради.

Педагогика фани билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг учта вазифаси борлигини алоҳида уқтиради.

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб давлат таълим стандартлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилинади ва вазифалар белгиланади.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўкувчи талабаларда билимлар янада кенгаяди. Бу билан ўкув юртлари оддидаги турган таълимий мақсад бажарилади.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки рух, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишилар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ўзлаштиришни назорат

қилиш таълим тизимининг ажралмас қисмидир. Назорат жараёнида унинг ёзма, оғзаки ва амалий усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бу жараёнда оғзаки сўраш орқали ўзлаштиришни назорат қилиш кенг тарқалган. Бу асосан савол – жавоблар орқали олиб борилади. Бунда якка сўраш, фронтал сўраш каби турларидан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон келажаги буюк давлат" ва "Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли", "Истиқдол ва маънавият" каби асрларида мус – тақиљ Узбекистоннинг маънавий ҳаётининг келажаги ҳақида асосли йўналишлар белгилаб берилган. Жумладан, мутахассислар тайёрлаща уларни интеллектуал ривожлантириш зарурлиги алоҳида қайд қилинган. Қўйилаёттан талаблар билан ҳар томонлама интеллектуал ривожлантиришнинг педагогик шароитларининг муфассал эмаслиги орасида тафоввут яратилди. Айниқса, мутахассис тайёрлаща мак – табдан бошлаб олий ўқув юртларини битириб чиққунчларигача назорат шаклиниң тұнық бўлмаганилиги таълим тарбия жараёнининг асосий муаммоларини ташкил этади. Масаланинг мұхим томони шундаки, мутахассислар оммавий тусда тайёрланганда тарбиячининг ҳар бир талаба билан етарли даражада яккана – якка мулоқот қилишга вақти етмайди. Мулоқот тезкор савол – жавоб тарзида ўтса, табиатан бундай мулоқот талабани ҳам, тарбиячини ҳам қаноатлантиргмайди. Олий ўқув юртларидағи синов ва имтиҳонлар жуда кўп вақтни эгаллаган ва талабанинг иқтидорини ҳар томонлама баҳолашга арзимаган. Ушбу сабабларга кўра назорат жараёнини активлаштириш, кам вақт ичида кўп сонли талабаларни назорат қилиш учун бир қанча рационал ус – лублар, жумладан, техник воситалардан фойдаланиш мақсадга муво – фиқдир. Чет эл тажрибалари ва кўплаб тажрибаларнинг натижаси ўлароқ Рейтинг услуги бутунги күннинг назорат мезони деб қабул қилинди.

**Рейтинг деганда** – баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўй – ича баҳолаш тушунилади. Рейтинг ёрдамида социал – психологик объектларни, улар учун умумий бўлган хусусият – ларнинг ёрқин даражасига қараб (эксперт баҳолаш) дастлабки классификациялаш амалга оширилади.

**Шкалалаш** – аниқ жараёнларни рақамлар системаси ёрдамида моделлаштириш. Уларнинг турии услублари, сифат, тавсифлари қай бир миқдорий ўзгарувчиларига турлича айлантириш услубларидан иборат.

Рейтинг назоратида тест ҳам самарали қўлланилади.

Тест деганда – аниқ вазифани такомиллашганилиги даража – сини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамларда белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини қизиқтирувчи, бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

Тестнинг афзаллигини қўйидагича белгилаш мүмкін:

- назорат учун кам вақт сарфланади;
- назарий ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;
- кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мүмкін;
- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади;
- барча талабаларга бир хил қийинчиликдаги саволлар берилиб, бир хил шароитлар яратилади.

Ҳозирги кунда узлуксиз таълимнинг умумий ўрта таълим, урта маҳсус, касб – ҳунар таълими ва олий таълим босқичларида ўқувчи талабалар билими рейтинг тизимида баҳоланади. Баҳолашнинг бундай шакли ўқувчи – талабаларни бутун ўқиш давомида ўз билимини ошириш учун мунтазам ишлашини ҳамда ўз ижодий фаолиятни такомиллаштиришини рағбатлантириш фоясига асосланади. Билимларни баҳолашда рейтинг назорат тизимига ўтиш орқали қатор вазифалар ҳал этилади. Жумладан:

- ўқувчи – талаба билимининг сифат кўрсаткичларини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баллар билан баҳолаш;
- ўқувчи – талабаларнинг ўзлаштиришини доимий назоратга олиш билан уларнинг ўз устида бутун ўқув йили давомида фаол ишлашини жонлантириш;
- ўқувчи – талабалар мустақил ишларининг самарадор – лигини ошириш;
- рейтинг назоратида ЭҲМли ва ЭҲМсиз тестлардан фойдаланиш;
- кўплаб камчиликларга эга бўлган мавжуд синов, имтиҳон сессиялардан воз кечиш.

Рейтинг назорат тизими асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фаннинг талаба ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

Ҳар бир семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йигиндиси талабанинг семестр давомидаги ўқув йили давомидаги фанлар –

дан тұплаган баллар йиғиндиси эса талабанинг курс рейтингини ташкил этади.

Хар бир фан бүйіча үқувчи, талабанинг үзлаштиришини баҳолаш чорак ва семестр давомида мунтазам равицда олиб борилади ва қуидаги назорат турлари орқали баҳоланади:

- жорий назорат
- оралиқ назорат
- якуний назорат.

**Жорий назорат** – бу үрганилаёттан мавзуларни үқувчи, тала – балар томонидан қаңдай үзлаштираёттегини мунтазам равицда дарс жараёнида назорат қилишдән иборат. Бу назорат үқитувчи томо – нидан үтказилиб, талабанинг билим даражасини шу фаннинг ҳар бир мавзуси бүйіча аниқлаб бориш күзде тутилади. Бу эса үқувчининг узлуксиз билим олишини ва натижасини муттасил на – зорат қилиб боришни назарда тутади.

**Оралиқ назорат** – бу мазкур фан бүйіча үтилган бир неча мавзуларни үз ичига олған булим ёки қисм бүйіча талабанинг билимини аниқлаш демақдир. Оралиқ назорат дарсдан ташқары вақтда үтказилади ва талабаларга үзлаштириш күрсаткышларини ошириш имконини беради.

**Якуний назорат** – бу назорат семестр учун белгиланған мавзулар түлиқ үқитиб бўлингач, үтилган мавзулар бүйіча ёзма, оғзаки, тест шаклида үтказилади. Талабанинг фан бүйіча се – mestрдаги рейтинг баҳоси жорий, оралиқ ва якуний назорат – ларда тұпланған баллари бүйіча аниқланади.

Хар бир фан бүйіча максимал рейтинг бали шу фан учун үқув режасида ажратилған умумий дарс соатлари миқдорига тенг деб ҳисобланади.

Максимал балнинг 70% миқдори жорий ва оралиқ назорат жа – раёнида 30% миқдори якуний назоратда тұпланиши тавсия қилинади.

Семестр давомида мазкур фан бүйіча тұпланған балларға нисбатан талаба билими қуидагича баҳоланади:

- 86–100 фоиз – "аъло",
- 71–85 фоиз – "яхши",
- 56–70 фоиз – "қониқарлы",
- 55 ва ундан кам фоиз "қониқарсиз".

Үқув педагогик, ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётлари даврида олинған билимлар ҳам рейтинг баллари билан баҳоланади.

Кейинги йилларда рейтинг тизими ва уни такомида шының үсулларына вазирилар, олимлар ва таълим ходимлари алоҳида

эътибор билан қарамоқдалар. Айниқса, таълим муассасаларида ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомларнинг яратилиши бу соҳадаги ишларга аниқлик киритди. Янги Низом, ривожланган хорижий давлатлардаги тажрибаларга асосланган бўлиб, ўз олдига қўйган мақсад ҳамда вазифаларнинг аниқлиги, жорий, оралиқ ва якуний баҳолашни ҳар бир фан бўйича ташкил қилишнинг услубий асосларини кўрсатиш билан характерланади.

Рейтинг тизимининг янги Низоми, айниқса талабаларнинг ўз устида ишлаши, мустақил фикр юритиши, ўқитувчи билан яқин мулоқотда бўлиб туришга замин яратди. Унинг турли назорат шаклларини амалда жорий қилиш мумкин. Аммо якуний назорат семестр охирида ёзма равишда эркин тарзда ўтказилади. Бу талабаларнинг ўз рейтинг баллари миқдорини янада кўтаришга имкон беради. Доимий ва изланувчан талабалар юқори балл туплаш билан бир қаторда ҳаётда ҳам бошқа тенгқурларига ўrnакдирлар.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ўқувчи – талабалаларнинг маънавий интеллектуал ривожланиш сифатларини аниқлашдан мақсад нима?
2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш орқали қандай вазифалар амалга оширилади?
3. Билимларни рейтинг тизими орқали назорат қилиш ва баҳолашнинг афзал томонлари нимада?
4. Қайси фандан қанча балл туплаганингизни билишга доим қизиқасизми?

5 Билимларни назорат қилиш турларини таҳдил қилинг.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон келажаги буюк давлат". – Т., 1997.
2. Каримов И.А. "Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йули". – Т., 1994.
3. Каримов И.А. "Истиқдол ва маънавият". – Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Турсунов Й., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Т.: Ўқитувчи, 1997.

5. Файбуллаев Н.Р. Таълим – тарбиянинг амалий йуналиши. – Т.: Ўқитувчи. 1986.

6. Ўқув юртларида билимларни назорат қилини ва баҳо – лашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом.

### **3.8. Таълим тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш тизими ва ишлаб чиқариш**

Таълим – тарбия жараёни уз таркибига ёшларнинг, талаба – ларнинг фикрлари шаҳарларини, касб эгаллаш ва ўзларида комил инсон сифатларини шакллантиришнинг бир нечта бево – сита ва билвосита таъсир қилувчи, бир – бирини тўлдирувчи факторларини оладиган мураккаб жараёндир.

Таълим – тарбия жараёнини бош стратегик мақсади давлат то – монидан енгиларга, мутахассисларга қўйиладиган талаблар асосида жамиятнинг ёшларга буюртмаси сифатида белгиланади. Худди шундай бизнинг давлатимизда таълим – тарбиянинг ҳозирги бош стратегик мақсади 1997 йил авгуустда қабул қилинган кадрлар тай – ёрлаш миллий дастури асосида: "Замон талабларига, бозор иқтисодиёти талabalарига жавоб берувчи ўзида комил инсон сифатларини шакллантирган етук мутахассислар тайёрлашдан иборат" –, деб белгиланди.

Бозор иқтисодиетини ўзини пазарий ва амалий ривожлантирувчи табиий омили инсонларнинг маънавий ва амалий фаоллигидир. Инсон маънавий – амалий фаоллигини ҳам буйруқлар билан ёки кўрсатмалар билан ишга тушириб бўлмайди.

Инсон маънавий – амалий фаоллиги тўла ишга тушиши учун инсон моҳияти тўла очилиб табиий омиллар ишга тушиши керак.

Ижтимоий – иқтисодий тараққиётда босқичма – босқич бозор иқтисодиётига ўтиш бирламчидан ривожланишнинг табиий омилларини ишга тушираётган бўлса, иккинчидан, инсонларнинг ҳар бир киши ўз ўқуви, қобилияти, қизиқиши ва тақдирига эга бўлган нодир бетакрор сиймолиги каби асл инсоний моҳияти тикланмоқда.

Инсонлар асл моҳиятини тикланиши тараққиётининг ҳали тўла ишга солинмаган янги – янги омилларини ишга туширимоқда. Буни қанчалик долзарб вазифа эканлигини Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси – нинг биринчи мажлисида сўзлаган маърузаларида:

"Ўзбекистоннинг сиёсий—ижтимоий ва иқтисодий ис-тиқболининг асосий тамойилларини кўрсатиб, бизнинг асосий вазифамиз — одамлар ўз қобилияти ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишларини ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, шу жараённи вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратиб беришдан иборат. Шундан кейин инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг салоҳиятига, меҳнат қилиш истагига, оқилу улддабуронлигига боғлиқ бўлади"—, деган өдилар.

Маълумки, кишилар жудда катта инъом ва ишонч билан яратилган. Инсоният онг, ақл заковат бобида шунчалик катта имкониятларга эгаки, ҳали бу имкониятдан жуда кам фойда—ланилади. Масалан, инсоншунослик фанларнинг аниқлашларича, интеллектуал энг етук кишилар ўз ақлий—фаолий имкониятларидан фақат 5—6% фойдалана эканлар холос. Энди шунинг учун эътиборни кўпроқ инсон ўзига қаратиш даври келди. Демак, энг асосий хазина инсоннинг ўзида яширган. Инсон табиатнинг бўлаги бўлиб, у қониот, табиат, жамият олдида маънавий жавобгар ҳамдир. Чунки маънавий етук бўлмаган инсоннинг қўлига улуғ қудрат, ҳикмат, имкониятлар бериб қўйилса, у табиатнинг, ўзини ва жамиятни ҳалокатга маҳкум этиши мумкин.

Инсоннинг ақлий—интеллектуал итмкониятларининг очи—лиши, у фикр ва фаолият бобида мустақил бўлсагина рўёбга чиқади. Инсонга ижтимоий онг формаси деб қараш унинг индивидуал ўзига хос нодирлик сифатларини рўёбга чиқишига тўсқинлик қилиб келган. Бу ўз навбатида илмнинг ҳамма босқичларида акс этди. Энди таълим тизими ва жараёни унинг мазмуни узлаштириш ёки айрим ҳолларда тадбиқларни кўрса—тишдан иборат бўлиб қолмасдан, балки ёшларни маънавий ис—тиқболли фаолликка тайёрловчи қилиб қурилмоқда.

Олий билимгоҳлар фақат юқори малакали мутахассислар тайёр—ловчи ўқув юртлари эмас, балки ҳар бир соҳада замон руҳида илм малакага эга бўлган, энг олий маънавий, инсоний фазилатларни ўзида шакллантирган, шу соҳанинг келгусида ривожланишини кура ола—диган, социал, ижтимоий—иқтисодий, маънавий тараққиёт уйғулигини таъминлай оладиган кишиларни тарбиялаб етказиш ке—рак. Ҳозирги пайтда олий ўқув юртини тутатиб чиқсан мутахассис—ларнинг кўпчилиги хатто ўз мутахассислиги буйича ҳам айрим юқори малакали ишчилардан кам билим, кўникма ва малакага эга ёки фақат назарий билимларни билишади, амалий кўникма ва малакалари юқори

эмас, деган шикоятлар күп эшитилади. Ўша айтилган назарий күник ма, билимлар ҳам эски дарслерлар хажмидағи билимлар бұлиб қолмоқда. Бунга сабаб аслида фәқат талабалар, үқитувчилар эмас. Албатта таълим тарбияни такомиллаштыриш учун, яғни таълимнинг мазмуни, таълим – тарбияда талабаларнинг мустақимлекларини ошириш бўйича таълимдада маърузалар ва бошқа машғулотларнинг сифатини яхшилаш бўйича анча ҳаракатлар, ишлар қилинмоқда. Лекин бу ишлар замон руҳидаги туб янгиланишларни белгилаб бера олмайди. Чунки миллий таълим модели асосида академик лицейлар, касбхунар колледжлари ва ва олий таълимдада ҳам ҳақиқий янгиланиш мезонини топиш ва шу мезон асосида таълим тарбияни тұла кайта куришни кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаф қилиммоқда. Албатта, олий ўқув юртига киришида аксарият ёшлар ҳаёт йұлларни танлаган бўлишади. Асосий гап шу касбга доир фаолият ва муносабат турларини эгаллаш, маънавий инсоний фазилатларнинг ривожи, тараққиётни таъминлашдан иборат. Бу соҳада ҳозирги пайтда қандай тенденциялар кузатилмоқда. **Биринчидан**, олий ўқув юртларида ҳам үқитиладиган фанларнинг сонини камайтириш ҳисобига талабалар ҳиссасини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Агар ҳамма үқитиладиган фанларни гурӯжларга бўлсак, улар ижтимоий – методологик фанлар: фалсафа, сиёсий иқтисод, тарих, жамиятшунослик, маънавиятшунослик, педагогика, психология; мутахассислик бўйича фанлар, улар назарий ва амалий фанларга бўлинади; амалий практикалар, жисмоний тарбия, ҳарбий тайёргарлик. Албатта, бундай қараганда бу фанларнинг ҳаммаси жуда зарур. Аммо ҳамма гап бу фанларнинг тузилиши ва уларнинг үқитилиши ҳамда шу эгаллананаёттан касбга қанчалик алоқадорлигидadir. Ҳа, айрим пайтларда бу фанлар касбдан ташқари комил инсон, шахсни тарбиялаш учун керак дейишидаи. Аммо күп ҳолларда комил инсон, шахс тушунчаси абстракт ҳолда ишлатилиб, амалий категорияларга бўйсундирилмаган.

Методология фанларини ўрганиш ҳам умумий жамият қурилишининг ёки методологик фанларни ўзини фан сифатида ўрганишда иборат. Мутахассислик учун керак бўладиган фанлар эса масалан, Политехника институтида математика, физика фанларини олсак, бу фанларни ўрганиш шу фандан назарий, эпизодик амалий билимларни ўрганишдан иборат бўлиб қолмасдан, касб йўналиши билан узвий бўлиши лозим. Мутахассислик фанлари ҳам бевосита шу мутахассислик бўйича фаолият ва муносабатларини шакллантириш сифатида эмас, балки назарий амалий қисмларга ажратилиб, алоҳида амалиётлар, амалий машғулотлар сифатида ўтилади.

Олий ўқув юртларида фанларни ўқитиш шу фанларни фан сиғатида үрганишдан иборат деб қаралиб келинмоқда. Ҳозирги найтда ҳар бир фан шунчалик ривожланиб кетдики, энди бу фанларни 4–5 йилда үрганиш мумкин эмас. Бу фанларни ту–шунчалар тұпламини үрганишдан иборат деб қаралиши шу фан ва унинг амалий ва маънавий соҳасида фаолият ва муносабат курсатишига тайёр бўлмай қолади. Энди билим тушунчасига ян–гича ёндошиб, унта фаолият ва муносабатга ундовчи онг деб қаралса, ҳар бир үрганилаётган мутахассислик фаолияти билан жуда узвий боғланиши лозим. Шунинг учун ҳар бир фан шу соҳа шахснинг қандай мутахассис ва қандай маънавий инсоний сифат, фазилатларини ривожлантириш мумкинлиги ва уларни ривожлантириш ташкилий формалар ва амалий назарий метод ва усуллардан фойдаланиш лозимлиги аниқланиши керак.

Методологик фанлар умумий методология замирида әгалла – наётган соҳа касб йұналишидаги фаолият ва муносабат курса – тишининг элимий, маънавий, амалий асосларини әгаллашга хиз–мат қилиши лозим.

Мутахассислик фанлари шу соҳа касбдаги амалий ва назарий фаолият үйғуналашган ҳолда олиб борилиши керак. Демак, ҳамма фанлар ҳар бир соҳага, касбга мөс. Амалий, назарий ва маънавий инсоний функциялари очилиши лозим. Энди битта дарслік билан бир неча турли мутахассислик берувчи бир неча олий ўқув юртида дарс бериш мумкин эмас. Масалан, күп ҳолларда математик анализ курси техника олий ўқув юртларида, педагогика олий илмгоҳларида, қишлоқ хўжалиги илмгоҳларида бир хил дарслік типидаги китоблардан ўқитиласи. Бундай миссажларни бошқа фанлардан ҳам келтириш мумкин.

Олий илмгоҳларда таълим – тарбия иши күпроқ талабаларнинг мустақил фаолиятлари асосида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки бирор мутахассислик ёки маълум соҳага хос фаолият ва муносабат фақат мустақил әгалланиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир мутахассислик соҳага хос фаолият ва муносабатни аниқловчи, интеллектуал тараққиётни таъминловчи фанлар амалий ва маънавий фаолиятлар мажмуаси режаси аниқланиши керак.

Машгулотларни ташкил қилиш фаолият ва муносабат сиғатини баҳолашни ҳам такомиллаштиришни ҳаёт тақозо қилиммоқда.

Маърузалар муаммоли, кичик – кичик тадқиқотларни амалий савол жавобларни ўз ичига олишдан ташқари фақат билимларни баён қилишдан иборат бўлиб қолмасдан талабаларни назарий ва

амалий фикрлаш, тафаккур қилишга ўргатиш, назарий ва амалий ишлар уйғунашын замон тақозо қилмоқда.

Амалий машғулотлар жа бир нече хида олиб боришлиши күпроқ эгалманаётган соҳа касбөгө мос ишлаб чиқариш ташкилотлари билан, иш жараёни билан узвий амалга оширилиши керак.

Умумий машғулотлардан ташқари ҳар бир талаба шу соҳани касбни эгальаш бўйича индивидуал режага эга бўлиши, бу режа уз ичига мустақил амалга ошириладиган назарий ва амалий ишларни олиши керак. Шундан, индивидуал режага эга бўлган 5–10 та талаба битта юқори малакали уқитувчига беркитиб қўйилиши фойдали эканлигини илғор давлатлар тажрибаларини курсатмоқда.

Таълим – тарбиянинг сифатига салбий таъсир қилаётган яна бир нарса билим малакаларини сифатини аниқлаш бўйича имтиҳон синов тизимини эскирганлигиdir. Аксарият талабалар бу тизимда фақат сессия даврида баҳо олиш учун ўқипларини фаолият ва муносабат малака сирларини эгальашга зътибор бермасликлари хозир ҳаммага дён. Шунинг учун фаолият бутун семестр давомида амалий ва назарий топшириқлар индивидуал дастурнинг бажарилиши асосида текширилиб, маълум белгилар қўйиб боришлиши керак. Бу вақтда баҳо ёд олинган ахборотга эмас, балки ҳақиқий эгальланган фаолиятга қўйилиб борилиб, сессияларда эса якунлар чиқарилиши керак. Талабалар фаолиятини бундай баҳолаш ҳам АҚШ, Япония, Англия ва бошқа давлатларда ишлатилиб келинмоқда. Умуман, олий таълимнинг ҳамма соҳаларида замон талабига жавоб берувчи келгуси тараққиётни белгиловчи ўзгаришлар қилишловимлигини ҳаёт талаоб қилмоқда.

Бошқарув органлари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишлари, етилган масалаларни ўз вақтида ва ижодий ҳал этишлари, барча ўкув юртларининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ оширилишини таъминлашлари керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдан бош мақсад ва пировард натижага ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, XXI асрнинг эркин фикрли, ўз ватани ва ҳалқини манфаатларига садоқатли ёрқин шахсларни вояга етказишида наимоён бўлади. Бу мақсадга эришиш умумий демократик янгилашишлар жараёни, жамиятни эркинлаштириш, мамлакатда янги ижтимоий – сиёсий муҳитни шакллантириш билан боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ҳаётга тадбик қилиш, ҳеч бир муболагасиз, стратегик мақсадларимиз

фаровон құдратли демократик давлат, әркін фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи лозим.

Бу барча давлат ва жамоат ташкилотлари, табиийки, энг аввало, узлуксиз таълим тизими мусассасалари фаолияти мазмунини тубдан қайтадан кўриб чиқишни тақозо этадиган мураккаб жараендири. Ижтимоий амалиёт жамоатчилик тарбияси, таълим ва тарбиянинг аниқ мақсадга қаратилганлиги – әркін шахсни шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Эркинланиши, жамиятни маънавий янгилаш, биринчи навбатда, ёш авлод анъаналари инсонпарварлик ва демократик қадриятларни сингдириш орқали таъминланади.

Жамиятни маънавий янгилап жараёнида, шунга асосланған ҳолда Ватан маданияти ва миллий санъетини ривожлантириш, уларнинг ютугини хорижий мамлакатларида тарғиб ва ташвиқ этиш, ёйиш, миллий ва халқаро танловлар, кўриклар ўтказиш каби чора – тафбиirlарни фаоллик билан амалга ошириш айниқса, ёшлар бадий ижодиётини янада ривожлантириш алоҳида аҳамиятта эгадир. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи, Ўзбекистон халқларининг бадий, фалсафий ва педагогик тафаккури шаклланиши ва ривожланиши тарихи, этнография, этногенез, адабиётшунослик, ижтимоий – гуманитар фанларнинг барча йўналишларини янги савияга кўтариш талаоб қилинади. Мазкур муаммолар доирасида илмий изланишлар олиб боришининг концептуал асослари Ўзбекистон Президентининг “Тарихий хотирасиз – келажак йўқ” рисоласида чуқур таҳлил этилиб, бошлаб берилиган.

Маънавий янгиланиш жараёни миллий байрамлар, урф – одатлар, ўйинлар шаклида мавжуд бўлган тараққийпарвар миллий қадрият ва анъаналарни қайта тиклаш, уларни ривожлантириш ва замонавий ҳаётга жорий этиш билан ҳам узвий боғлиқдир.

**Таълим тарбия тизимига раҳбарлик қилиш принциплари** – таълим олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажа – риш таълим тизимини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш фаолиятининг савиясига боғлиқ. Келажаги буюк жамиятнинг ривожланиш талабларидан келиб чиқиб, маорифнинг ўрни ва ролига янги авлодни тарбиялаш нуқтаи назаридан қараб, Олий Мажлис материалларида, Президентимиз маърузаларида, маҳсус қарорларида раҳбарликнинг юқори илмий даражада амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Таълим тизимига илмий раҳбарлик асосларини ишлаб чиқиш педагогика учун асосий йуналишлар. Баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш, бу жараённинг қонунияtlарини очиб бериш, педагогика назариясининг асосий

масалаларини таълим амалиётига ва фан ютуқларини назарда туттган ҳолда И.А.Каримов асарлари асосида ижодий ҳал қилип педагоги -- канинг бурчидир.

И.А.Каримов уз асарларида келажаги буюк Ўзбекистон Рес – публикасининг органларини ташкил этиш, бошқариш ва улар – нинг раҳбарлик фаолиятига доир мұхим принципларини ҳар тарафлама муфассал ишлаб чиқди.

**Илмийлик принципи** – бу принцип ҳалқ таълими органлари ва мактабнинг ҳамма ишини Ўзбекистон Республикаси давла – тининг күрсатмаси, фан ва техника ютуқлари ҳамда ижтимои тараққиётнинг обьектив қонуниятлари асосида амалга оширишни талаб этади. Чунки идора қилиш учун ишни билиш ке – раг. Ҳамма нарасдан ҳабардор бўлмасдан, тўла – тўқис билимга эта бўлмасдан туриб, идора қилиш илмини билмасдан туриб бошқариш мумкин эмас. Ҳалқ таълими ишларини, мактаб ишини, қасб – ҳунар коллежлари ишини ва унга раҳбарлик қилишда кўзланган мақсадларга эришиш учун миллий мағкура, миллий ғоя, педагогика, педагогика тарихи, психология, хусусий методика, мантиқ, этика ва эстетика каби фанлар эришган ютуқларни мунтазам ўрганиб бориш, таҳдил қилиш ҳамда бу муваффақиятларини кенг қўлманиши зарур.

Бошқарув муассасалари баркамол авлодни ўқитиш ва тар – биялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини муттасил етилган масалаларини уз вақтида ва ижодий ҳал этишлари, барча ўқув юртларининг иш савијаси ҳозирги замон талабларига мувофиқ ошириш ишини таъминлаш керак.

**Демократик марказлашган принцип** – таълим тизимини бошқаришда марказлашган раҳбарликни кенг демократия билан мустақиллик ва ташаббускорликни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб бориш, ўзига хос хусусиятларни ва шарт – шароитларни ҳисобга олиш имконини беради.

Юқоридан туриб, бир хил андоza бичиб бериш демократия ва марказлашган раҳбарликка бутунлай ёт нарсадир. Барча тад – бирларда, маҳаллий хусусиятларда ишга қандай муносабатда бўлиш усулларида, назоратни амалга ошириш усулларида, ҳар хил йўлларини қўллаш асосий, мұхим бўлган бирликларни буз – майди, балки бу бирликни таъминлади.

Илмий режалаштириш таълимнинг инсонпарварлик (тамойилла – ри), таълимда ёшларни шахсий ўқув қобилиятини рўёбга чиқариш ва уларни ривожлантириш ва бошқа принциплари мавжуд.

**Ишлаб чиқариш ва таълим тизими** – Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқув ишлаб чиқарини мажмуасининг (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, апарат ва асбоблар билан жихозлаш рағбатлантирилади, дейилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликда илмий – технологик ечимлар яратишида корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб қувватланади.

**Таълим тизимини ҳаёт билан ва мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати билан боғланганлик принципи** – таълим тизими ҳаёт билан, давлатимиз сиёсати билан боғлаш принципи Ўзбекистон мактаблари, касб – ҳунар коллежлари олдида турган барча назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишида асосий принцип бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Таълим тизимини бошқаришга сиёсий ёндошиш таълим – тарбия ишларидағи ҳодиса, факт ва жараёнларга мустақил Ўзбекистон Республикаси манфаатлари нутқтаи назаридан туриб муносабатда бўлиш демақдир.

Хозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон халқининг иродаси ва манфаатларини ифодалаб, келажаги буюк давлат қуришга ва дадил қадамлар билан бу вазифани амалга оширишга қодир бўлган баркамол авлодга таълим – тарбия беришни таълимнинг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Ёшларни миллий мағкура руҳида тарбиялаш, миллий онгни шакллантириш. Президентимизнинг ҳаёти ва фаолияти тимсолида, тажрибаси негизида тарбиялаш зарур.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида Халқ таълимини кенг ёйилиши, миқдор ва сифати жиҳатидан жадал усиши, турили хилдаги таълим тизими ва таълим муассасаларидан ташқари ўқув – тарбия масканларининг ишлаб туриши, таълим ва тарбия жараёнини бошқаришининг жуда зарурлигини тақозо этади. Социал бошқариш масалалари илмий билимнинг маҳсус соҳаси қилиб ажратилади. Педагогик жараёнларни, ҳодисаларни ва объектларни бошқаришда педагогика қонуниятларини ҳисобга олиш зарур. Бу ҳолда педагогик бошқариш тушунчаси қўлланилади.

Барча типдаги ўқув юрглари, мактабдан ташқари муассасалар, халқ таълими бўлимлари ва бошқалар асосий бошқариш объектларига киради. Таълим – тарбияни ташкил қилиш ва бошқаришга доир ишларнинг ҳаммаси пировард натижада ягона

асосий мақсадда эришишга, маълум даражада умумий маълумот даражаси ва касбий тайёргарлигига эга бўлган ҳар томонлама ривожланган ва имон – эътиодли қилиб тарбияланган кишини таркиб топтиришга қаратилгандир. Халқ таълимни тизими тар – кибига вазирликлар, туман халқ таълимни бўлимлари, мактаблар, лицей, касб – ҳунар коллежлари киради.

Таълим – тарбия жараёнини ташкил қилиш, таълим тизимини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қўйидагилар киради:

- таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳ – барлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тутатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўtkазиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатлар – нинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунаидаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасадан бошқасига ўtkазиш тартибини белгилаш.

#### Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий доираси.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари – нинг ҳуқуқ ёдирасига қўйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рӯёбга чиқариш;

- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий масалаларда раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларининг бичум савиаси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
- давлат таълим муассасаларини молиялаш Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

### **Таълимни ривожлантириш фондлари.**

Таълимни ривожлантириш фондлари конун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эзлик юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикасида маорифга бевосита раҳбарлик қилади. У барча тицдаги мактаблар, боғчаларга раҳбарлик қилади. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги барча университетларга, касб – ҳунар коллежларига, лицензиярга, билим юртларига раҳбарлик қилади. Олий ўқув юртлари учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Халқ таълими вазирлиги "Таълим ҳақида" ги қонуннинг бажарилиши, мактабларда ўқув – тарбия жараёнининг йўлга қўйилиши, унинг моддий базаси, ўқитувчиларнинг малакаси ва катталар таълимининг ташкил этилиши учун жавоб берадилар. Халқ таълими вазирлигида турли хил ўқув – методика бўлимлар ташкил этилади. Улар педагогика жамоатчилигини халқ таълими бўлимлари ва мактабларга ёрдам беришга жалб этадилар.

Туман, халқ таълими бўлимлари ўзларига қарашли мактаблари фаолиятини, маҳаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда назорат қиласидилар.

### **Бошқариш ва раҳбарлик принциплари.**

Ўзбекистон Республикаси мактаб ва бошқа ўқув – тарбия муассасалари барча ишлаб чиқаришнинг асосида бошқарилади.

Демократик централизм, режалилик ва илмийлик бу принципларнинг асосийсиdir. Демократик централизм принципи марказлаштирилган раҳбарлик демократия, жойларда аниқ шароитларни (миллий хусусиятлар, у ёки бу ишлаб чиқариш соҳаларининг устунлиги шаҳар ёки қишлоқ, туман ва бошқалар) ҳисобга оловчи ташаббускорликнинг ривожланиши билан бирга қўшиб олиб боришни назарда тутади.

**Режалилик принципи** — таълим ва тарбияга оид ишларнинг ҳаммаси юқоридан пастгача рёжалаштиришни билдиради. Халқ

таълимининг барча соҳаларини ривожлантириш режалари ту – зилади, барча ўқув – тарбия муассасаларининг иш мазмуни бел – гиланади. Ҳар бир мактабда перспектив режа (режа камиде уч йиллик), йиллик иш режаси тузилади. Йиллик режа мактабнинг ўтган иили ичидаги ишнинг таҳлилини, умумий таълимни таъминлаш (махсус мактабларда эса болаларни танлаб олиш) тадбирларини ўқув – тарбия ишларининг вазифалари ва мазму – нини, ташкилий педагогик тадбирлар ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Директорнинг, унинг муовинларининг иш режалари алоҳида тузилади.

### **Саволлар ва топшириқлар**

1. Таълим тарбия жараёнининг таркибий қисмларини ту – шунтириб беринг.
2. Таълим тарбияни бошқарув йуналишлари қайсилар?
3. Таълимни бошқарув органларини айтиб беринг.
4. Таълим бўғинларини бошқарув органларининг ваколатлари нималардан иборат?
5. Бошқарувда низом, таълим қонунининг ўринларини ту – шунтириб беринг.
6. Таълим тарбияни илмий методологик таъминлаш тизимини айтиб беринг.
7. Таълимда малака ошириш тизимининг вазифаси нималар – дан иборат?

### **АДАБИЁТЛАР:**

- 1."Таълим тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 й, 29 август.
2. Тошмуродова Қ.А. "Таълим – тарбияни режалаштириш ху – сусиятлари". 1993.
3. Турсунов Й., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Т., 1996.

#### 4. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ

Инсон пайдо бўлибдики, тарбия жараёни мавжуд, тарбия пайдо бўлган вақтдан бери педагогик фаолияти узлуксиз давом этиб келмоқда. Ўқитувчилик, тарбиячилик касби барча ижтимоий тузумларда шарафли ҳамда ўта масъулиятли қишин ва мураккаб касбҳисобланган.

Мустақил Ўзбекистонимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиниши, янги таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга киришилган ҳозирги кунда ўқитувчи фаолиятига, унинг педагогик маҳоратига алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъқидлаганидек: *"Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалага солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим—тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерга. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиласмиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак".*

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма—босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолиятига, унинг касбий нуфузини оширишга боғлиқдир. Шундай экан, соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиасига, тайёргарлигига ва фидойилигига, ёш авлодни ўқитиши ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Ўқитувчи жамиятнинг ижтимоий топширигини бажаради, шундай экан, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлаща ўқитувчи муайян ижтимоий—сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим. Шундай экан, ўқитувчи мустақиллик гоясига эътиқоди, ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккури, касбига тегишли маълумоти, яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик—психологик ва услубий билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазиятларни тезда сезиши, ўрганиши ва баҳолай олиши. Педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган соғлом авлодни тарбиялаш нозик, ниҳоятда катта диққат—эътиборни талаб қиласидиган, ички зиддиятли жараёндир. Шундай экан, ўқитувчи, ўқувчи ва талабанинг шаклланиш жараёнини зўр ҳавас ва синчковлик билан кузатиши лозим. У педагогик жараённи

бошқарар экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши ло – зим. Шундагина ўқитувчи педагогик ҳодисаларнинг моҳиятини ва диалектикасини, педагогик меҳнат методи, касб ва техноло – гиясини ва профессионал педагогик маҳоратни згаллай олади.

Педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлган ўқитувчи аввал, Педагогика фанининг методологик асосларини, шахс ривожланиши – нинг қонуниятлари ва омилларини, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиши даркор. Таълим тизимида меҳнат қиёётган педагогларнинг кўпчилиги таълим ва тарбия жараёнида педагогик маҳоратнинг зарурияти ва аҳамиятини чуқур англамоқдалар.

Шу сабабли улар ўз маҳоратларини узлуксиз ошира боришга, ҳозирги куннинг юксак талабларига мос замонавий билим ва таж – рибаларни узлаштиришга, ижодий меҳнат қилишга интилоқдалар. Аммо шуни ҳам эътироф этишимиз керакки, ўкув юртларида айrim ўқитувчилар ўз педагогик маҳоратларини ошира боришнинг аҳа – миятини етарли даражада хис қиммайдилар, таълим түғрисидаги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастuri талабларини чуқурроқ ўрганишга қизиқмайдилар, ўкув жараёнининг илмийлигига, замон талабларига мослигига, турмуш, амалиёт билан боғланишига юзаки қарайдилар, ўқитилаётган ўкув фанларининг илмий ва гоявий – тарбиявий бирлигини доимо э��да тутмайдилар. Бу эса улар қўлида таълим олаётган ўкувчи, талабаларнинг билим даражаси ва савия – сининг етарли эмаслигига, ўкув дастурларини ўзлаштиришдан орқада қолишларига сабаб бўлмоқда.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш ав – лодни қўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бу гоят мураккаб ва қўн-қиррали вазифани фақат малакали педагогик маҳоратта эга бўлган ўқитувчи кадрлар билан амалга ошириш мумкин. Шундай экан, ўқитувчилик катта санъатdir. Бу санъатга у ёки бу педагог осонгина, ўз – ўзидан эриша олмайди. Бунинг учун ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлоднинг чинакам мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зур, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий – сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошира борувчи, мустақиллик гояси ва мафкураси билан пухта қуроллантирган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша олади – лар.

Истиқлол мафкураси том маънодаги миллий мафкурага айланиши учун, аввало инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гузал ва ҳаётий гоялар тизимини ўзида мужассам этиши лозим. Бунинг учун таълим ва тарбия тизимидағи ҳар бир ўқитувчи билим ва маҳорати билан одамларимиз, айниқса, ёшлиримизнинг иродасини бақувват қилиш, иймон – эътиқодини мустаҳкамлашига

хизмат қиласиган маънавий мухитни яратиши даркор. Юксак маънавият, сиёй маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етук – лиги – юрг тинчлигини сакланинг мухим омилидири.

Педагогик маҳорат туғма талант ёки наслдан – наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат маҳсулидир. Бу кўп қиррали педагогик фаолият заминида ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолипдаги иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараё – нида ташкил топади ва ривожланади.

Бу жараёнда илгор ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тажрибаларини бошқа ўқитувчи ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илгор тажрибалар билан бой – итиши зарур. Ўқитувчининг педагогик маҳорати асосан синф, аудитория машгулотларида яққол кўринади. Чунки ўкув машгулотлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ўқитувчининг ўкув юртидаги асосий ишидир. Шу сабабли у илмий, ғоявий ва оммабоп бўлиши, турмуш билан ўқувчи талабаларнинг тайёр – гарлик даражаси билан боғланиши зарур.

Педагогик маҳорат ўқувчи ва талабанинг миясини факт ва рақамлар билан тўлдиришдан иборат бўлмай, балки шогирд – ларга уларни таҳлил қилиш, турмушдаги заруриятини англаш ва тегишли хуносалар чиқара билишни ўргатишадир. Эндиликда таълим тизимининг ҳамма босқичларида шахс ривожланишини тезлатиши долзарб масала бўлиб қолди.

Бунинг учун ўқувчи ва талабанинг кечаги ёки бугунги ҳола – тига эмас, балки келгуси имкониятига таяниб, келажагини ҳи – собга олиш ишлаш лозим. Бу жараёнда имкон борича ўқувчи олдига уни ўйлашга, фикрлашга даъват этадиган муаммоли масалаларни кўпроқ қўйиб ва зарур бўлган вазиятларни яратиб уни изланишга ўргатмоқ даркор. Моҳир, изланувчан ўқитувчи шогирдларини турмушдаги ранг – баранг воқеа ва ҳодисаларни синчковлик билан кузатадиган, таҳлил қила оладиган, илмий – тадқиқот ишига қизиқадиган, бир умр ўзи ўқитган фанннинг сеҳри билан яшайдиган қилиб тарбиялади. Бундай моҳир ус – тозларни шогирдлари ҳам бир умр эслайдилар.

Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи талабалар ўртасида ўзаро жонли тил, фикр олишув, самимий муносабат, ҳурмат, асосий мақсадга эришишда ҳамкорлик лозим. Мазмуни саёз, амалий тажрибадан, тур – муцддан ажралиб қолган, умумий сўз ва қуруқ насиҳаттўйликдан иборат бўлган, расмият учун юзаки ўтказиладиган дарс маъруза ва бошқа ўкув машгулотлари ўқувчи талабаларни қизиқтиримайди, уларни илмий, ғоявий жиҳатдан етарли озиқлантирмайди. Шундай экан, ўкув машгулотларини шундай ташкил этиш керакки, унинг таъсирида тала –

баларда шу фанга нисбатан түрли қараашлар, илмий тафаккүр ва эътиқодлар вүжудға келиши ва шаклланиши даркор.

Таълим ва тарбия жараёни таъсирчанлыгынинг янада юксак бўчиши, аввало ўқитувчининг илмий салоҳиятига, ёшлар олди – даги обрўсига, шахсий сифатларига, илмий истеъдодига, таълим соҳасидаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқувчи талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатига боғлиқдир.

Шуни эътироф этиш керакки, ўқитувчининг обрўси факат унинг ўзи учунгина эмас, балки ёш авлоднинг истиқболи учун ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Ўқитувчининг обрўси, юқорида қайд қиласханимиздек, кўп жи – ҳатдан унинг ўзига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, жамоат ташкилотларининг мансабдор шахсларининг ўқитувчи обрўсини кутариш борасидаги ғамхўрлигига ҳам боғлиқдир. Чунки, ҳар биримизнинг эришган барча муваффақиятларимиздә устозлари – мизнинг ақл – заковати, чеккан риёзати, қолаверса, азиз умри бор. Биз устоз ҳақида буюк Алишер Навоийнинг қуйидаги фикрларини доимо ёдда тутишимиз лозим:

**Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.**

Миллий истиқдол юялари ҳамда мустақиллик йилларида содир булаётган янгиликларнинг жонкуяр тарғиботчиси бўлган зиёкор ўқитувчининг обрўси, унинг юриш – туришида, хулқ – авторида, кийинишида, оиласда, иш жойида одамлар билан маданий мумомала қилишида, жамоат жойларида ўзини яхши тута олишида, айниқса, сўзлай билиш ва нутқ маданиятида ўз ифодасини топади. Нутқдаги чуқур мантиқ ва мазмундорлик педагог учун зарур си – фатдир.

Чинакам маҳоратли устоз ўқитувчининг сеҳрли маърузалари – ни, айтадиган сўз дурданаларини шогирдлари интизорлик ва иштиёқ билан тинглайди. Педагог обрўси ўз – ўзидан келмайди, у муттасил ижодий изланиш ва меҳнатнинг натижасидир.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида: "Бирони ўқитадиган, тарбия қиласханадиган инсон аввало ўзи ҳар томонла – ма баркамол бўлмоғи шарт". Замон талаблари шуки, профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд бўлган билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабала – рига сабоқ беришлари зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Педагогик фаолият самараси ўқитувчининг педагогик қобилияти қай даражада шаклланганлигига ҳам боғлиқдир. Қобилият фаолият жараённида пайдо булади ва ривожланади деб таъкидлайди профессор М.Очилов ҳамда ўқитувчи қобилиятининг қуидаги турларини тавсия этади. Жумладан, билиш қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, кузатувчанлик қобилияти, нутқ қобилияти, обру орттира олиш қобилияти, муомала қила билиш қобилияти кабилар

Педагогик қобилият ва маҳорат ўқитувчида осонлик билан шаклланмайди. Бу қасбни танлаган киши уз мақсадига эришиш учун узлуксиз ўқиши, ўрганиши ва изланиши, ижодий меҳнат қилиши, мустақил юртимизда булаётган воқеликни тез англаши ва ўз меҳнатининг мамлакат учун қанчали зарурлигини чуқур ҳис қилиши зарур.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг онглилигига, миллий ғоя ва мағкурага содиқлигига, билим ва фикр доирасининг кенглигига, ўз вазифа – сига муносабатига эътибор бермоқ керак. Айниқса, педагогик маҳоратда ўқитувчининг фикр доираси кенг бўлиши зарурлигини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Чунки, кишида билим, фикр мукаммал бўлмаса, у камолотга зриша олмайди. Дарҳақиқат, киши у ёки бу масалани, албатта фикр орқали ҳал этади. Шунинг учун педагогик маҳорат соҳиби бўлишга интилган киши, шубҳасиз, ўз билимини доимо кенгайтириши, ўқувчи, талабага маънавий – ахлоқий таъсир этувчи ғоя ва фикрларни янгила бориши зарур. Бунинг учун кўп ўқиши, ўрганиши лозим. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига баҳо беришда уни таълимни қай даражада ташкил қила билиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Узлуксиз таълимда дарс ва маъruzalarни мукаммал ташкил қилиши ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Юқори савияда ўтилган мавзуулар ёшлар онгидаги узоқ сақланади, улар – нинг имон, эътиқоди ва мағкураларининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатади. Шу сабабли, ўқитувчининг илмий савиёси ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати, дастлаб дарс ва маъruzalarда кўринаади. Фан ўқитувчисининг фаолиятига бериладиган баҳо даражасини ҳам дарс ва маъruzanining сифати белгилайди.

Дарс бериш санъатини эгаллашда ўқитувчи уюштирган ўқув машгулоти, чуқур билим бериш воситаси бўлиши билан бирга, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, эртанги кунга бўлган ишонч, халқимизнинг ақл – заковати ва меҳнатининг нималарга қодирлиги,

жамиятнинг муносиб фуқароси ва қурувчиси бўлиш учун нималар қилиш зарурлигини кўрсатувчи кўзгу бўлиб хизмат қиласди.

Ёшларимиз ўз чураббийлари дарсидан ҳар жиҳатдан мамни и бўлсинлар. Уларда романтик орзулар уйғонсин, тафаккури ривожлансин, амалий фаолият, ижодий қобилият, ўқиш – ўрганиш ва меҳнатга ҳавас кучайсин. Улар ўқув машғулотидан сунг олган баҳолари билан эмас, балки билим ва малака ҳосил қиалганикларини, маънавий озиқ олганликларини ҳис қилсинлар. Таълимнинг мазмундор, қизиқарли ва тушунарли бўлиши устоз билан шогирдлар қалбини, руҳини бир – бирига мустаҳкам боғлайди, улар ўргасидаги самимий ҳурмат ва узаро ишончни мустаҳкамлайди. Бунинг учун ўқитувчи аввало, ўз фанини ва уни ўқитиш йўл – усусларини мукаммал ўзлаштириб олиши, ўқитувчи – мураббийга хос маданиятнинг юқорилиги, ўз шогирдларига ҳурмат ва муҳаббат, улар ҳастига қизиқиш ва руҳий ҳолатларни билиш ва тушуниш, босиқлик, ҳис – туйғуларини бешшара олишлари, ташқи куриниши, кийиниш маданиятига зътибор беришлари, нутқ маданиятининг юқорилиги, жамоат ишларида фаоликлари, айниқса, омма ўргасида илмий – маърифий ва маънавий – маданий ишлар тарғиботчилари булишлари лозим. Шундагина, мамлакатимизнинг келажаги бўлган ўқувчи ёшларимиз ўз мураббийларини номини зўр эҳтиром, чуқур миннатдорчилик билан тилга оладилар. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги Қонунида кўрсатилганидек, ўз фанлари буйича тегишли маълумот згаси, юксак қасбий тайёргарлиги ва юқори ахлоқий фазилат згаси булишлари даркор.

### Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонунида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуки ким – ларга берилади?
2. Ўқитувчининг маҳорати ва лаёқатлилигини қандай тушунасиз?
3. Жамиятда ўқитувчи фаолиятининг зарурлиги ва ўрни нимада?
4. Педагогик маҳоратни шакллантирувчи асосий омиллар нималардан иборат?
5. Педагогик қасб згаларида қандай шахсий сифатлар бўлиши лозим?

6. Ўқитувчи қандай педагогик қобилияларга эга бўлиши лозим?
7. Ўқитувчи обруси ва унинг зарурлиги нимада?
8. Севимли мактаб ўқитувчингизни эслант.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т., 1997.
2. Каримов И.А. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иро-дасига ишонаман. — Т., 2000.
3. Ўзбекистон Республикасининг таълим түғрисидаги Қонуни. — Т., 1997.
4. Миллӣ истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва гамоӣиллар. — Т.: Ўзбекистон. 2000.
5. Педагогика (ўқув қўлланма). проф А.Мунавваров умумий таҳрири остида. — Т.: Ўқитувчи. 1996.
6. Очилов М. Бўлгуси ўқитувчининг ахлоқий шаклланиши. — Т.: Ўқитувчи. 1979.
7. Ильина Т.А. Педагогика (ўқув қўлланма). М. 1984.
8. Усмонов Р. Одобнома. — Т.: Ўқитувчи. 1985.

## 5. ПЕДАГОГИК ФОЯЛАР РИВОЖИННИНГ ТАРИХИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ

Табиатнинг олий маҳсули, сиймоси инсон ўз ақл – заковати билан ўзини ҳимоя қиласидиган ва боқадиган мустақил, эркин қилиб яратилган. Шунинг учун табиат ҳодисалари, жараёнла – рини ўрганиш, улардан яшаш учун оқилона фойдаланиш асосида инсонлар секин – аста маданийлашуви, ижтимоийлашуви асо – сида маънавий қадриятлар шакллана бошлаган, ривожлана бошлаган.

Илк даврларда таълим ёшларга ота – оналарнинг яшаш учун табиатдан фойдаланиши, ўй – рўзгор юритиш, ўзаро ва табиатга муносабат ахлоқи, одоби сифатида шакллана бошлаган бўлса, билимлар ҳажми кенгая бошлагач, маҳсус тарбиячиларга эҳтиёж туғила бошлаган. Маълум қабила, элат, миллат миқёсидағи таълим – тарбия қоидалари мажмуаси концепциялар кўп ҳол – ларда алоҳида кишилар томонидан такомиллаштирилган. Шу – нинг учун ҳам таълим концепциялари кўп ҳолларда маълум муаллифнинг номи билан боғланмайди.

Антик педагогикада табиатга, атроф – муҳитга, ўзаро инсоний муносабатларда онгли, ахлоқий муносабатлар мажмуаси бўлган донишмандлик педагогикаси шаклланган. Бу вақтларда тар – биянинг бош мақсади ҳам ёшларда донишмандлик сифатларини шакллантириш бўлган. Донишмандлик педагогикасида ёшларда меҳнатсеварлик, маънавий – ахлоқий сифатлар билан уйғун ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ эканлиги илгари су – рилган. Бу педагогик қарашлар машҳур "Авесто" (эр.ав. VII аср) асарида ва қадимги Хитойнинг Даос мактаби (эр.ав.III аср) тажрибаларида акс этган эди. Эрамиздан аввалги II асрларга келиб Ўрта Осиё, Қадимги Ҳиндистон педагогикасида сахийлик, софдиллик, инсон қалби тушунчалари илгари сурилди.

610 йилларга келиб, илоҳий асар улуғ Қуръони Каримда ин – сон моҳияти тула очиб берилиб, комил инсон тарбияси бош мақсад қилиб қўйилган эди.

Қуръони Каримдаги таълим – тарбияга оид улуғ хазина Ал – Бухорий ҳазратларининг ҳадисларида берилади. Таълим – тарбия инсоний муносабатларнинг фалсафий асослари тасаввух илмида очиб берила бошлади. Антик фалсафада ҳам зоҳирний ва ботиний илmlар уйғун қаралар эди. Демокрит, Плутон, Арасту асарларида инсонпарварлик ғоялари илгари сурилган эди.

Ал – Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино асарларида онг ва фан узвийлиги илгари суриди Ал – Хоразмий, Умар Ҳайём, Аҳмад Фарғоний таълимда амалий фаолият устуворлиги гоясини илгари суринди. XIII, XIV асрларда Абдулҳолиқ, Фиждувоний. Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратларининг улуғ тариқатларида меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, поклик, софликнинг асоси эканлигини назарий ва амалий исботлаб: "Кўлинг меҳнатда бў – либ, Оллоҳ қалбингда бўлсин" шиорини илгари сурдилар ва унга ўзлари ҳаётларида ибратона амал қилдилар.

Мирзо Улугбек таълимда тадқиқот, кузатиш, умумлаштириш гоясини ишлаб чиқди, бу гояни амалда тадбиқ қилиб мактаблар очди, дарсликлар ёзди, обсерватория ташкил қилинди.

XV – XVI асрларда Алишер Навоий бошчилигидаги мута – факкирлар инсонпарварлик гояси назарияси ва амалиёти бўй – ича улуғ ишлар қилдилар. Гелвеций, Дидро, Р.Оуэнлар тарбияни устуворлиги гоясини илгари суринди. К.Д.Ушинский, А.Н.Толстой таълим ва тарбияни уйгунилиги гоясини илгари су – ришиди. С.Г.Шацкий, Л.В.Занков, Сухомлинскийлар таълимда амалиётни тадбиқий, онгли ўзлаштириш аҳамиятига эга экан – лигини ишлаб чиқишиди.

Шарқ файласуфлари инсон ақдини юксакка кўтарди ва унинг қобилиятига ишонди. Баркамол авлод тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзузи бўлиб келган. Бироқ дунё ҳалқарининг барчаси ҳам бу ҳақда ўйлайвермаган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юргуларнинг дониш – маңдари – энг мұътабар зиёллари, ҳукмдорлари ҳисоблан – ганлар. Ўзарнинг орасида Ўзбекистон деб аталмиш муazzам за – минимизда яшаган бобокалонларимизнинг ўз ўрни, ҳурмати бор. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ҳақиқатдир. Баркамол авлодни тарбиялаш орзусига ўз тарихимиздан жуда кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Ал – Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асаридағи гояни ёдга олинг. Унга кўра жамият – нинг ҳар бир фуқароси – мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўли – шидан қатъий назар фозил киши. Фозил инсон ўз давлатининг барча қонун – қоидаларини яхши билади, унга амал қиласи, фикрлайди, ўз касбининг устаси, лозим бўлганда Ватани учун жонини фидо қиласи. Фозиллар шаҳри аҳолиси бир – бирига ҳурматда бўлади. Ота – она ва фарзанд, устозу шогирд ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром бўлади. Аввало бундай фикр юритишимизнинг ўз боболарининг маънавий даражаси нақадар юксак бўлганлигини ва албатта бундай фикр айтиш бу борада кўп асрлик меросларни ўрганиш натижасида вужудга келишини

таъкидлаш жоиз. Демак, бизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ҳақидаги ниятимиз учун маънавий асос бор. Миллатимиз урф – одатларидағи, қонидаги маърифат тушунчаси, илм ва билимга интилиш хислати бир неча минг ийллар давомида шаклланган.

"Калила ва Димна", "Қобуснома", Низомул – мулкнинг "Сиёсанома", "Рӯшноинома", М.Қошғарийнинг "Девони луготи турк", Юсуф Ҳос Ҳожибининг "Қутадғу билиг", А.Навоийнинг "Маҳбуб ул – қулуғ", Ҳ.В Кошифийнинг "Ахлоқи Мұхсиний" асарларида илғор педагогик қарашлар ҳам ифодаланган.

Ўрта аср уйғониш даврида Шарқда дүнёвий таълим кенг ри – вожланди. Лекин ўрта Осиёning Россияга тобеланиши оқибатида маърифий – педагогик тафаккур ҳам ўзгариб борди.

Лекин бу даврда илм ва маърифатни доимо юксакликка күтартувчи ғоялар баралла куйланыб турди. Бунда ўлканинг илғор – фозил кишилари мұхим рол ўйнайды.

XIX аср охирлари ва XX асрнинг бошларида ижод қылган адабиёт намоёндаси Фурқат маърифатпарварлик мактабининг асосчиси бұлған. У замонавий мәданият ва тараққиётнинг йўли илм олишда деб таъкидлайди. Фурқат маърифатпарвар шоир сифатида мұхим асарлар езіб қолдирған. Унинг "Гимназия", "Илм хосияти", "Акт мажлиси хусусида", "Виставка хусусида" каби шеърлари, "Суворов ҳақида" номлы достонини Тошкентда яшаган вақтида рус мәданияти билан танишиш орқали олган таассурларидан яратған.

### Жаҳон – равшан зиёи илмдантур, Кўнгил софи сафои илмдантур

дейди Фурқат.

Бу даврда Аваз ўтар ижодида ҳам маърифатпарварлик ғояларини ифода этувчи бир қанча асарлар мавжуд. Шунинг энг сараси бу "Тил" шеъридир. Бунда маърифатпарвар ёшларга мурожаат этиб, ҳар тиљни билишга, уни ўз она тилидек би – лишга чақиради. А. ўтарнинг бошқа бир қанча шеърларида ҳам илғор маърифий ғоялар куйланади.

Ўлқада очилған рус – тузем мактаблари, гимназиялари таъсирида таълим – тарбия ишлари ҳам таълим методларини қайта куриш ишлари авж олди. Натижада ерли халқ вакилларининг янги методларга суюнган усуллари "жадид", "усули савтия" номидаги мактаблар пайдо бұла бошлади. Дастанлар мәденимдерге қаралғанда, усули жадид мактаблари 1890 ийларда пайдо бұла бошлаган. Туркистанда янги мактабларнинг карвоңбошчиси

М.Беҳбудий эди. У жадид мактаблари учун ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларда жонбозлик кўрсатди. Аслида "жадид" сўзи арабчадан олинган бўлиб, "янги" деган маънони беради. Демак, усули жадид ҳам, усули савтия ҳам янги усул мактаблари деган маънони беради. Усули жадид ўлка оммавий афкори маърифат нури сари етаклади. Ушбу мактабда ўқиган талабалар хатто, чет ўлкаларда ўқишини давом эттирганлар. Ушбу мактаб ижодкорлари М.Беҳбудий, С.Садиазизов, А.Авлоний, С.А.Сиддиқий, Мунаввар Кори, А.Шакурий эди.

Ўзбек педагогикаси тарихи шундай турли – туман оқимлар, жараёнлар билан ривожланиб кеди.

Ҳозирги замон таълим – тарбия концепцияси ҳақида сўз юритадиган бўлсақ, у юксак умуминсоний қадриятлар асосида тарақкий топиб бормоқда, бу кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури. "Таълим тўғрисида" ги Қонунларида кўрсатиб берилган. Ушбу қонунлар миллий тажрибанинг таҳдили ва таълим тизи – мидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб – ҳунар маданиятига ижодий ва ижти – моий фаолликка, ижтимоий – сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқдол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодни шакллантиришга йўналтирилгандир.

Миллий дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тула холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишидир.


Энди ҳаёт жараёнидаги ислоҳий ўзгаришлар, янгиликлар таълим жараёнига, тизимига кириб кетиши ўқитиш, тадбиқ ус – лубларининг асосини ташкил қилиши керак.

И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, миллий мафкурада: "Гап миллийлик ҳақида кўп гапиришда эмас, балки миллийликни асосини ташкил қилувчи табиий омилларни ишга туширишда".

Таълимнинг янги технологиясида миллий таълим модели марказида турувчи шахсни маънавий – амалий камолоти билан бошқа бўғинлар орасидаги ҳақиқий ўзаро ривожлантирувчи омилларни функционал жараёнлар ташкил қилиш асосида ишга тушириш лозим.

## Миллий таълим модели

### V. Давлат ва жамият



Таълим тизимида одатдаги таълим жараённи асосан I, II ва III бўғинлар орасидаги боғланиш бўйича қурилган бўлиб, IV ва V бўғинлар билан боғлаништайрим мисоллардагина бўлиб, таълим жараёнининг ташкил қилувчи тизимни ҳакиқий бўғинига айланган эди. Шунинг учун таълим олдида қўйилган ижтимоий буюргта тўла бажарилмаслиги ва биз тайёрлаётган мутахассисларнинг ишлаб чиқариш давлат ва жамият талабларига тұла жавоб берга олмасликлари табиий.

Энди шу бешта бўғинни узвий боғлиқлигига асосланган шахс камолотини, ёшлар, мутахассисларнинг маънавий – амалий сифатларини давлат ва жамият, ишлаб чиқаришдаги ҳаёттой жараёниларда буйёдкорона иштирок этиши асосида шакллантиришга қаратилган таълим – тарбия жараёнига ўтиш лозим.

Бу ишларнинг миллий роя, миллий мағкура асосида маънавий инсоний йуналтирилиши ҳақида Президентимиз И.А.Каримов 2000 йил июн ойида "Фидокор" газетаси мухбири билан "Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" мавзусидаги мулоқотларида: "Энгиги энг долзарб вазифамиз – бу жараёнларнинг иммий – назарий асосларини, уларнинг янги – янги қурраларини мукаммал очиб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат" –, деган эдилар. Мустақиллик йилларида ёшлар римизнинг фаомликлари ошаётганлигини фахрланиб, Президентимиз "Комолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи қатнашчиларига йўллаган мактубларида (2001 йил 26 апрел): "Ватанимизнинг буюк келажагини кўриш, олдимизда турган катта муаммоларни ечиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий қадриятлар уйгунилиги тамошлага амал қилиб яшашдек вазифаларни ёш авлодимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса эътиборга сазовордир" – деб айтдилар. Бу ишни амалга ошириш учун эса таълим мазмунни, унинг структураси, таълим жараёнини янада такомиллаштириш, талабаларнинг фаолиятларида ўзгаришлар бўлиши лозим. Ҳар бир ўқув фани бўйича таълимнинг мазмунини структурасига таълимнинг амалий – маҳсулий фаолияти олиб

кирилиши керак. Бу мұтлақо мұстақил иш формасыда әмас, ёки бошқа адабиётлардан үрганиш әмас. Бу үқув фані дастыридаги шундай бүтінкі, уни амалий – ижодий фаолиятта тұлғазаш мүмкін. Бу бүгінни аудиторияда үтиш ҳам мүмкін әмас. Бу бүгін ҳар бир фан үқитувчиси томонидан үқув фанининг амалий ижодий обьектларда бажарыладың қилиб танланады. Бу үқув фан еки ҳаёттій янгиликтарға оның көлөвчі бүтін бўлинни керак. Бу бүгінни фан йўналиши ва үқитиш мақсадига қараб турли усулда танлаш мүмкін. Масалан, Университетларнинг биринчи икки йилида умумий амалий – ижодий характеристерга, иккинчи босқичда соҳа мутахассислик ачалиётидан, учинчи босқичда эса муаммоли йирикrok характеристерға эга бўлиши лозим. Аммо бу бүгін абстракт моделлар билан ҳам ҳаммавақт алмаштирилмас – лиги, балки купрек ҳаёттій характеристерга эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай амалий – маҳсулий бүтінлар ҳар бир үқув фані дастырида бир неча бўлиши ва уларнинг бажарилиши катта ютуқ сифатида талабалардан қабул қилиниши лозим. Бу маълум соатларда аудиторияда дарс жадвали орқали ҳатто айрим ҳолларда кунлик асосида қабул қилиниши керак. Ҳатто ҳар бир фан үқитувчининг фаолияти айрим илғор университетлар таж – рибаларида худди шундай соатлар якуний системалаштириш ҳисоботи билан якунланади. Бунда талаба үқув фанини тутал тасаввур қилишига уни онгли эгаллашга урганади.

Амалий маҳсулий топшириқларни якка ёки гурӯҳ характеристига эга бўлиши мүмкін. Ҳар бир үқув фанини эгаллаш үрганиш әмас, балки эгаллаш якуний системалаштириш ҳисоботи билан якунланади. Бунда талаба үқув фанини тутал тасаввур қилишига уни онгли эгаллашга урганади.

Амалий – маҳсулий топшириқлар мұстақил иш формаларига ҳалақит бермайды. Улар ўз урнида зарурат бўлганда ишлати – лаверади. Бу иш олий үқув юртларидан, хусусан университетларда юклама соатлари кетидан қувишга чек қўяди. Чунки юклама аслида профессор – үқитувчининг иш кўрсаткичи талабани, бўлажак мутахассиснинг билими, онги, савияси, истиқболни кўра билиш маҳорати ва тарбиясиdir. Ҳа, шу жараён ҳақиқий тарбияни ҳам ўз ичига олади. Чунки амалий – маҳсулий топшириқ бүтінларда илмий – амалий, иқтисодий, экологик маънавий – инсоний сифатлар амалда бажарилиши билан бирга инсоннинг асл маънавий – маҳсулий сиймолик мөхияти ишга тушади.

Аслида ҳақиқий тарбия ана шудир. Ҳамма ўқув фанлари шундай структуравий жараёнга ўтгач, хозирги ўқув режасидаги машғулотлар жадвалларидағи вакт тиги мигиге чек қўйилади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Тарбиянинг илк шакларини айтиб беринг
2. Антик даври педагогикасида қандай таълим тарбия концепцияларига амал қилинган?
3. "Авесто"да таълим тарбиянинг қандай ғоялари илгари сурилган?
4. Қуръони Каримдаги "Инсон можияти" ва "Комил инсон тарбияси" ғояларини тушунтириб беринг.
5. Таълимда амалий фаолият уйғунлиги ва концепциясини қайси мутафаккирлар илгари сурисхан?
6. "Қўлинг меҳнатда, Олмоҳ қалбиніда бўлсин" даъватининг маъносини тушунтириб беринг.
7. ~~Уздуксиз таълим концепциясини миллар таълим моделида қандай амалга оширилаётганлигини тушунтириб беринг.~~

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим туғрисида"ги Қонуни. 1997 й., август.
2. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. — Т., 1997.
3. Ўзбек халқ педагогикиси антологияси. — Т.: Ўқитувчи. 1995. 2 жилд.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т., 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. — Т., 1997.
3. Баркамол авлод орзуси. Тўплам. — Т.: Шарқ. 1999.
4. Каримов И.А. "Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига жавоблари. 1999й, 3 февраль.
5. Каримов И.А. "Жамиятимиз мафкураси, миллатни — миллат, халқни — халқ қилишга хизмат этсин" // "Тафаккур" №2. 1998.
6. Каримов И.А. Буюк келажак сари. — Т., 1998.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т., 1998.
8. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. — Т., 1994.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т., 1995.

10. Каримов И.А. "Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман". -Т., 2000.
11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т., 1999.
12. Миллий истиқдол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон. 2000.
13. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т. 1997.
14. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" - Т., 1997.
15. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг Концепцияси.
16. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., 1992.
17. А.Авлоний. Туркӣ гулистон ёхуд ахлоқ. - Т., 1996
18. А.Р.Беруний. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида - Т., 1992.
19. А.Иброҳимов (муаллифдош). Ватан туйғуси. - Т., 1997.
20. Кайковус. Қобуснома. - Т., 1994.
21. Кароматов Ҳ. Ҳурланган пайғамбарлар ғалабаси - Т.: Ф.Улом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1998. - 96 - 6.
22. Каримова В. Мустақил фикрлаш нима? Т., Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. 2000.
23. Каримова В. Психология (маъruzалар матни). -Т Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. 2000.
24. Мунавваров А.К. Педагогика. - Т., 1996.
25. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шаклантириш. - Т., 1993.
26. Мусурмонова О. Оила фаровонлиги – жамият тараққиети мезони // Ҳалқ таълими журнали. 6 -- сон. 1998.
27. Маҳкамов У . Ахлоқ – одоб сабоқлари. - Т., 1994.
28. А.Навоий. Маҳбуб ул – қулуб. - Т., 1983.
29. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. - Т., 1996.
30. Очилов М. Университетлар тизимида педагог ҳодимлар тайёрлаш муаммолари // "Таълим тарбия журнали". 6 -- сон -- Т. 1997.
31. Одоб бустони – ахлоқ гулистони. - Т., 1994.
32. Педагогика. (Т.А.Ильина таҳрири остида). Қулланма - М. 1984.
33. Паҳлавон Махмуд. Рубоийлар. - Т., 1979.
34. Педагогика. Ўқув қулланма. - Т., 1996.
35. Педагогика. Курс лекции - М., 1984.
36. Ёдгоров Р. Оила тарбиясида отанинг ўрни. ТошДУ туплами. 1996.

37. Узоқов Х., Фозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. – Т., 1992.
38. Ўзбек педагогикаси антологияси. (1.2 жиллар). – Т.: Үқитувчи, 1999.
39. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма). проф. А. Зуннунов таҳрири оғтида. – Т., 1997.
40. Ўзбегим. Ватан сериясидан. – Т., 1992.
41. Файбулаев Н.Р. Педагогика. Олий таълим мұассасалари учун ўқув дастури. – Т., 2000.
42. Файбулаев Н.Р. Таълим – тарбиянинг амалий йўналиши. – Т., 1986.
43. Файбулаев Н.Р. Барқамоллик, маҳсулдорлик – тараққиёт қалити. – Т., 1995.
44. Файбулаев Н.Р., Ёдгоров Р., Маматқурова Р., Тошмуродова Қ. Педагогика (маъruzалар матни). – Т. Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги. 2000.
45. Файбулаев Н.Р. Аджи – Асманов Р., Шарапов Ш. Педагогика – реформические пути совершенствование подготовки будущих специалистов в Вузе. – Т., 1991.
46. Фозиев Э. Психология. Ўқув қўлланма. – Т., 1994.
47. Фозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т., 1990.
48. Фозиев Э. Педагогик психология асослари. – Т., 1997.
49. Файбулаев Н.Р., Ёдгоров Р., Жаркин Л.П., Тошмуродова Қ., Маматқурова Р., Ахророва З., Рӯзиматов Э. Ижтимоий ислоҳотлар ва таълим – тарбия. – Т., 1995.
50. Воспитание и развитие детей в процессе обучения. – М., 1981.
51. Юсупов Э. Маънавият асослари. – Т., 1998.
52. Браймон Саймон. Общество и образование. – М., 1989.
53. Франк В. Человек в поисках смысла. – М., 1990.
54. Соколова Я. и др. Методология и методы педагогического исследования. – М., 1989.
55. Қурунов М. Мағкура дунё тажрибасига нигоҳ // Маърифат. 2000. №117.
56. Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино. – Т., 1987.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ . . . . .</b>	<b>3</b>
<b>1. ПЕДАГОГИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ</b>	
1.1. Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари . . . . .	6
1.2. Миллий истиқтолғояси ва педагогиканинг методологиялык асослари . . . . .	17
1.3. Тарбияда шахс ривожланишининг физиологик ва психологиялык асослари . . . . .	26
1.4. Педагогиканинг илмий тадқиқот методлари . . . . .	34
<b>2. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ АСОСЛАРИ</b>	
2.1. Тарбия жараёни ва тарбия методлари . . . . .	43
2.2. Ахлоқ, одоб, хулқ тарбияси ва мутахассислик ахлоқи . . . . .	49
2.3. Виждан ва уни тарбиялаш . . . . .	62
2.4. Фикр тарбияси ва ақдий тарбия. Касбий фикрлаш . . . . .	67
2.5. Мәхнат ва касб тарбияси. Жисмоний тарбия . . . . .	83
2.6. Ойлада тарбия асослари . . . . .	90
<b>(ДИДАКТИКА)</b>	
3.1. Таълим жараёни ва мутахассислик . . . . .	106
3.2. Таълим мазмуни. Ўқув режалари, дастурлари, дарслер ва касб . . . . .	110
3.3. Таълим тамоилилари (принциплари) . . . . .	118
3.4. Таълим усуллари ва воситалари . . . . .	123
3.5. Таълимнинг интерфаол методлари . . . . .	129
3.6. Таълим – тарбиянинг замонавий ташкилий шаклари . . . . .	138
3.7. Таълим сифатини аниқлаш ва рағбатлантириш . . . . .	144
3.8. Таълим – тарбия жараёнини ташкил қилиш . . . . .	150
бошқариши тизими ва ишлаб чиқариш . . . . .	
4. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ . . . . .	162
5. ПЕДАГОГИК ФОРЛАР РИВОЖИНИНГ ТАРИХИ ВА ТАЪЛИМ – ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ . . . . .	169
	176